



Л.Х. ЁЗИЕВ, Н.З. АРАБОВА

ДОРИВОР
ЎСИМЛИКЛАР

Л.Х. ЁЗИЕВ, Н.З. АРАБОВА

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

**БОТАНИК ТАВСИФИ, ГЕОГРАФИК ТАРҖАЛИШИ,
КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА ТАБОБАТДА ҲАМДА ТИББИЁТДА
ИШЛАТИЛИШИ**



Тошкент-2017

**ББК 42.14
УДК 615.32**

Уибұ китобни құлға олар әкансиз, сиз доривор ўсимликларнинг қисқача тарихи, ўсимликлар таркибидаги биологик фаол бирикмалар, ўсимликларни териши, құритиш ва сақлаш усуллари, ўсимликлардан дамлама, чой, декоктлар (настойкалар) тайёрлаш, тиббиётда ва халқ табобатида табиий ҳолда ҳамда фитопрепаратлар күринишида құлланыладиган доривор ўсимликлар, иқлимлаштирилган доривор ўсимликлар, озуқабоп ва шифобаҳишик хусусиятига эга бўлган ўсимликлар билан танишасиз. Сиз бу китоб билан танишиши жараёнида 94 та доривор ўсимликнинг ўзбекча-лотинча-русча номлари, оиласари, уларнинг ботаник тавсифи, географик тарқалиши, кимёвий таркиби ва ишлатилиши ҳақидаги билимларга эга бўласиз. Бундан ташқари китобда келтирилган рангли расмлар орқали табиий ҳолда ўсаётган доривор ўсимликларни ажратишни ўрганасиз.

Келажакда уибұ китоб – фармакологлар, фитотерапия билан шуғулланувчи мутахассислар, илмий ходимлар ҳамда доривор ўсимликларни ўрганаётган талабалар учун қўшимча манба вазифасини ўтайди.

Бундан ташқари ўсимликларнинг шифобаҳишиги ва құлланилиши усуларини ёритиб берганимиз туфайли оммабоп китоблардан бирига айланади деган умиддамиз.

Муаллифлар

МУНДАРИЖА

1	Кириш	5
2	Доривор ўсимликларни ўрганиш тарихи	6
3	Доривор ўсимликлар таркибидаги биологик фаол бирикмалар	15
4	Доривор ўсимликларни териш, қуритиш ва сақлаш усуллари	22
5	Доривор ўсимликлардан дамлама, чой, декоктлар, настойкалар тайёrlаш	27
6	Қишига хушбўй ўтларни қуритиш ва ишлатиш	28
7	Зиравор ва шифобахш ўсимликларнинг қисқача тарихи	29
8	Ўтлар ва дори – дармонларнинг биргаликда ишлатилиши	33
9	Тиббиётда ва халқ табобатида табиий ҳолда ҳамда фитопрепаратлар кўринишида қўлланиладиган доривор ўсимликлар	34
10	Интродуцент доривор ўсимликлар	161
11	Озукабоп ва шифобахшлик хусусиятига эга бўлган ўсимликлар	214
12	Фойдаланилган адабиётлар	249
13	Ўсимлик турларининг ўзбекча номлари	255
14	Ўсимлик турларининг лотинча номлари	259
15	Ўсимлик турларининг русча номлари	263

КИРИШ

Ер куррасида 500 мингдан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, инсонлар кундалик хаётий фаолиятларида уларнинг 6000 туридан фойдаланадилар. Шулардан 10—12 минг тури доривор ўсимликлар бўлиб, 1000 дан ортиқ ўсимлик турларининг кимёвий, фармокологик ва дориворлик хусусиятлари текширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2007 йил 19 ноябрдаги «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури» тўғрисидаги Фармони фармацевтика корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватини оширишга, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, шунингдек, аҳолини маҳаллий дори-дармон маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондиришга, маҳаллий шароитда ўсадиган доривор ўсимликларни интродукция қилиш ва уларни парваришлаш ҳамда уларнинг сифатли хом-ашёсини фармацевтика саноатига етказиб беришга қаратилган бўлиб, ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Ўзбекистон табиати ўзининг бетакрорлиги, зилол сувлари, қуёши, ҳавоси, тупроғи билан ажралиб туради. Ўсимликлар олами жуда хилма-хил бўлиб, 4560 дан ортиқ ёввойи ўсимлик турлари бўлиб, шундан 577 таси доривор, 103 таси бўёқдор ва 560 таси эфир мойлидир. Шундай доривор ўсимликлардан 250 тури илмий табобатда ишлатилмоқда.

Бутун дунёда доривор ўсимликлардан олинадиган дори воситаларини қўллаш тенденцияси кузатилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган давлатларни фармацевтика бозорларида доривор ўсимликлар асосида олинадиган дори воситаларнинг умумий ҳажми 50-60% ни ташкил этади. Илмий манбаларда келтирилишича, табиат неъматларидан тайёрланадиган дори-дармонлар сунъий йўл билан олинадиган препаратларга нисбатан афзаллиги билан ажралиб туради. Доривор ўсимликларга ва улардан олинадиган препаратларга тиббиёт соҳасида бўлган талабнинг ортиб боришига асосий сабаб, синтез йўли билан олинган кимёвий доривор препаратни узоқ вақт узлуксиз равища истеъмол қилиш инсон ва ҳайвон организмида турли нохуш ўзгаришларни юзага келтиради. Ўсимликлардан тайёрланган дори воситалар тиббиётда катта аҳамиятга эга. Табиий дориворлар нозик ва танлаб таъсир этиш хусусиятига эга. Шунга кўра

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

кейинги вақтларда бутун дунёда доривор ўсимлик препаратларига – фитопрепаратларга ва доривор ўсимликларга эҳтиёж ортмоқда.

Республикамизда кўплаб доривор ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, айrim туманларда бу ўсимликларнинг хом-ашёси етиштирилади. Жумладан, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ, Наманган вилоятининг Поп, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ ҳамда Бухоро вилоятининг Қоракўл туманларидаги хўжаликларда ўрмон қўчатлари етиштиришдан ташқари, шифобахш ўсимликларни маданий қўпайтириш воситасида Ўзбекистон фармацевтика саноати ва тадбиркорлар учун хомашё етказиб берилади.

Ҳозирги кунда табиий ҳолда ўсаётган доривор ўсимликларни заҳиралари инсонлар таъсирида камайиб бормоқда. Бунинг ўрнини тўлдириш ва ҳалқимиз эҳтиёжини қондириш мақсадида доривор ўсимликлар турларини қўпайтириш, интродукция қилиш ва уларни Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда сугориладиган минтақаларда экиб ўстирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ

Инсонлар қадимдан касалликларни даволаш ва унинг олдини олишда табиат инъоми - ўсимликлар дунёсидан фойдаланиб келганлар.

Доривор ўсимликлар тўғрисидаги дастлабки ёзувлар эрамиздан аввалги 6000 йилларда Ўрта Осиёда ҳозирги Ироқ ҳудудида яшовчи шумерейларга тегишли бўлган энг қадимги ёдгорликларда учрайди. Шубҳасиз, қадимги битиклар вужудга келишига қадар ҳам ўсимликлардан даволаш мақсадида фойдаланишган, ўшанда ўсимликларнинг шифобахш хусусияти тўғрисидаги маълумотлар одамларнинг ҳаёти давомида тўпланган ва авлоддан авлодга оғзаки етиб келган. Инсонлар томонидан деҳқончилик асосини ташкил қилувчи ўсимликлар ва маданий ўсимликларни ўстириш бир неча минг йил аввал амалга оширилган.

Археологлар томонидан топилган қадимги авлодларимиз склет суюкларида турли касалликларнинг излари сақланиб қолганлиги аниқланган. Замонавий тадқиқот усуллари инсоннинг суюкларидан анкилоз, остеомиелит, рахит, захм, суюк сил касаллиги ва бошқа

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

касалликларнинг изларини топиш имконини берган, лекин булар касалликнинг патологик ўзгаришларининг бир қисмини акс эттиради, бунинг устига одам ва ҳайвон касалликлари ўхшаш бўлган.

Бундан 200-250 миллион йил аввал яшаган динозаврларнинг умуртқаларида Бехтерев касаллиги учун хос бўлган касаллик излари топилган. Ибтидоий одамлар дастлаб, очликни қондириш ва бирламчи ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланган бўлиб, улар турли хил ўсимликларнинг қуидаги хоссаларини: қайд қилдирувчи, бўшаштирувчи, қўзғатувчи, ухлатувчи, қон тўхтатувчи, оғриқ қолдирувчи, заҳарли, заҳарга қарши ва бошқаларни билганлар. Улар даволовчи хусусиятга эга бўлган ўсимликларни алоҳида эслаб қолишган ва улардан кейинчалик у ёки бу касалликларни даволашда фойдаланишган.

Ҳаётий кучли ҳис – туйғу ва эмпирик малакалари, кузатувчанлиги шифобахш ўсимликларни топишда одамларга ёрдам берган, улар ўсимликларнинг кимёвий таркибини билишмаган бўлсада, турли ўсимликларнинг озуқабоплигини ва сифатлилигини фарқлай олганлар. Одамлар озуқабоп ёки доривор хусусиятли ўсимликларни аниқлашда янглишишган, лекин ижобий натижаларга ҳам эришишган. Кўпчилик олимлар биринчи табиб «фитотерапевт» бўлган деб ҳисоблашади. Маълумки, сибир “ҳаёт илдизи” – левзеяниң шифобахш хусусиятини овчилар буғуларни қувиш вақтида топишган: чарчаган ҳайвон очкўзлик билан левзея илдизи ва поясини ейди ва ундан кейин тоқقا осонлик билан югуриб чиқади. Олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, левзея илдизи ҳақиқатдан ҳам жуда яхши тетиклаштирувчи ва қўзғатувчи восита ҳисобланар экан. Яқиндагина Узоқ Шарқдаги денгиз бўйларида илмий кузатиш олиб бораётган тадқиқотчилар диққатини элеутерококка бутасининг қаттиқ барглари билан озиқланаётган буғу ва бошқа ҳайвонлар тортган. Кузатиш натижасига кўра, ҳайвонлар ушбу ўсимлик билан озиқланиши билан бирга даво ҳам топишган, чунки ушбу ўсимлик организмга тетиклаштирувчи таъсир кўрсатиши аниқланган. Ўсимлик билан даволаниш уйдирма ҳисобланмайди, балки, асрлар оша ихтиро қилинган даволаниш усули ҳисобланади.

Даволаш мақсадида ўсимликларнинг мувоффақиятли қўлланилиши – қонуний жараён бўлиб, уларнинг таъсир доираси бевосита инсон организмининг тарихий ривожланиш шароитларидан келиб чиқсан ҳисобланади. Шунинг учун нафақат ибтидоий кишилар,

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

балки касалланган ҳайвонлар ҳам, ўз жонини сақлашга интилиш инстинкти ёрдамида табиатдаги керакли бўлган доривор ўсимликларни топишган, баъзида омадсиз қидирув натижасида уларнинг заҳарланиши кузатилган. Тарих ибтидосига назар ташлайдиган бўлсак, одамлар ишқаланиш натижасида ўт чиқаришни ўрганишган, даволаниш учун асосан кул зарралари билан ўсимлик хом ашёсидан фойдаланишган, мевалар ва сабзавотларни, доривор ўсимликларнинг илдизини оловда ёки қайноқ кулда пишириб, улар билан озиқланишни ўрганишган.

Илк матриархат даврига таълуқли бўлган неандертал одамнинг бош суюги топилганда, унинг тиш қоплами ейилиб кетган жуда катта тишларга эга бўлганлиги аниқланган. Тишларининг катталигини антропология узоқ вақт давомида ўсимликлар билан озиқланганлиги билан тушинтиради, тиш қопламасининг ейилганлигини эса – овқат рационида тупроқ ва кулнинг бўлиши билан изоҳлашган (П. Д. Ефименко).

Қадимги тош асрида (палеолитда) одамлар дастлабки ясаган қуроллари – тошли болта, тайёқ ва найзалар ёрдамида – ёввойи қушларни овлашган. Бироқ бу қуроллар мураккаб бўлмагани учун ов жараёни ҳар доим ҳам ижобий натижалар бермаган. Шунинг учун ибтидоий одамларнинг асосий овқатини ўсимлик маҳсулотлари ташкил қилган, овланадиган ёввойи қушлар фақат тасодифий қўшилган. Шу сабабли одамлар ҳайвон маҳсулотларининг қимматли хусусиятларини билишмаган, уларнинг асосий даволаш воситаси ва озиқаси шифобахш ўсимликлар бўлиб қолаверган. Фақат анча кейинроқ, ўрта тош асрларда (мезолитда) овланадиган қушлар ва ҳайвонлар ўсимликлар билан биргаликда одамларнинг доимий овқатида баравар фойдаланилган. Одамлар ҳайвон маҳсулотлари, ўсимликларни организмга таъсирини узоқ вақт давомида кузатганлар ва айрим ўсимликларнинг шифобахшик хусусиятларини аниқлашган. Яна кейинроқ, янги тош асрида (неолитда) чорвачилик ва дехқончиликнинг ривожланиш даври бошланган.

Одамлар ҳайвонларга ўсимликларнинг таъсирини узоқ вақт давомида кузатганлар ҳамда касалланган ҳайвонларни аниқлашган. Касалланган ҳайвонларни айрим ўтларни еб тузалишини тушунишган. Шундай ўсимликларни аниқлаш натижасида янги шифобахш ўсимликлар кашф қилинган ва уларнинг «дорихона»лари янги доривор ўсимлик турлари билан бойиб борган. Дехқончилик

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

ривожланиши билан одамлар даволаш учун нафакат ёввойи ўсимликлардан фойдаланган, балки маданий ўсимликларни, бошқа тупроқлардаги ўсимликларни, баъзан эса бошқа иқлим шароитидаги ўсимликларни ўстиришни ўрганишган.

Чорвачиликнинг ривожланиш даврида кулолчилик вужудга келган ва доривор ўсимликлардан дамламалар ва қайнатмалар тайёрлана бошланган ҳамда дориларни сифатли сақланишига имконият яратилган. Археологларнинг меҳнатлари натижасида топилган гилли идишлар ўз даврида доривор ўсимликларни қайнатиш ва тайёрланган малҳамларни сақлаш учун ишлатилганлиги аниқланган. Шундай экан, ўнлаб ва юзлаб миллион йиллар давомида, одам организми эволюцион шаклланган, унинг аждодлари асосан ёввойи ўсимликларни ейишган ва улар билан даволанишган, кейинчалик эса пиширишни ўрганишган.

Қадимда одамлар ўз касалликларини даволаш учун ўзининг яшаб турган табиатдаги ўсимликлардан фойдаланишган. Барча халқларнинг тарихий ривожланиш даврида табиблар (шифокорлар) ўсимликларнинг ҳамма турларини мувофақиятли қўллашган. Улар доривор ўсимликлар – ўтлар, буталар, дарахтларнинг баргларидан, поя, куртак ва гулларидан қайнатма, дамламалар ва қуқунлар тайёрлашган. Бошоқли ўсимликларнинг дони, илдизпояси, тугунаги, меваси ва хатто илдизларидан фойдаланишган.

Эрамиздан аввалги 3000 йилларда қўкнори ўсимлигининг уруғи, ровоч, одамгиёҳ (женъшен) ва бошқа ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларнинг организмга таъсир этиши маълум бўлган. Қадим замоннинг машҳур табиблари Гиппократ, Диоскорид, Галин ва бошқалар доривор ўсимликлардан кенг фойдаланганлар. Гиппократ икки юзга яқин ўсимлик турларининг хоссаларини таърифлаган. Кейинчалик Диоскорид ҳам тахминан 400 га яқин ўсимликларни номлаган ва уларнинг хусусияти ҳақида маълумот берган. Зардўштийлик динининг илоҳий китоби “Авесто”да организмга таъсир этувчи 1000 дан ортиқ доривор ўсимликларнинг номлари ва таъсир этиш хусусиятлари ҳақида намуналар келтирилган.

Энг қадимий давларда тиббий муаммога атаб ёзилган асарлар – бу табличкалар (маълумот ёзилган тахтача) қўринишида бўлиб, Шумер шаҳридаги қазиш ишларида топилган (эрамиздан олдинги III минг йилликга қадар). Бу Шумер тилида ёзилган шеърий мисралар 145 та қатордан иборат бўлиб, унда 15 хил рецепт ҳақидаги

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

маълумотлар берилган. Бу маълумотларда қадимги Шумер шифокорлари хантал, оққарағай, қарағай, тошчўп, мажнунтол, олхўри мевалари, ноклар, анжир ва бошқа ўсимликлардан фойдаланганлиги келтирилган.

Адабиёт манбаларининг гувоҳлик беришича, Миср, Ҳиндистон, Хитойда эрамиздан 3000 йил олдин доривор ўсимликлардан фойдаланилганлигини, эрамизнинг бошларидан эса – Эрон, Греция ва Римда; ўрта асрларда – араб мамлакатларида, Ўрта Осиё, Озарбайжон, Грузия, Арманистонда ва Европа мамлакатларида ўсимликларнинг дориворлик хусусиятларини билишган ва улардан турли касалликларни даволашда фойдаланишган. Юқорида келтирилган қадимги шумер билимлари ва маданияти Вавилонияга мерос бўлиб қолган, яъни улар даволаш мақсадида ширинмия илдизи, бандидевона, мингдевона, зигир ва бошқа ўсимликларнинг уруғларидан фойдаланишган. Улар қуёш нури айрим ўсимликларнинг дориворлик хусусиятига салбий таъсир кўрсатишини билишган, шунинг учун уларни соя жойларда қуритишган ва айрим ўсимликларни ҳатто кечқурун теришган.

Хитой, Ҳиндистон, Тибет табобатида шифобахш ўсимликлардан кенг қўлланилган. Эрамиздан аввалги 3216 йилларда Хитой императори Шэньнун тиббиётга бағишлиб ёзган «Бэнь-цао» («Доривор ўтдан тайёрланган ичимлик») китобида доривор ўсимликларнинг аҳамиятга эга бўлган қисмларини таърифлаб берган. Анъанавий Хитой тиббиётида 1500 дан ортиқ ўсимликлардан фойдаланилади, айникса, уларнинг рўйхатида астрагал, одамгиёҳ (женышен), занжабил, қизил долчин, Хитой лимон ўти, пиёз, мандарин пўстлоғи, наврўзгул, қизилмия, сарсабил, саримсоқ каби ўсимликларни тез – тез учратиш мумкин.

Қадимий Ҳинд табобати «Аюрведе» (эрамиздан аввалги I асрда) асарида акс этган бўлиб, унда 800 турдаги доривор ўсимликларнинг шифобахш хусусияти қисқача тавсифлаб ўтилган ва бу маълумотлардан ҳозирги кунга қадар фойдаланилади. Эрамиздан аввалги III асрда Ҳиндистонда доривор ўсимликлар экила бошланганлиги шифобахш ўсимликларга нисбатан эҳтиёж ортганлиги ва ўша даврнинг табиблари улардан унумли фойдаланганидан далолат беради.

Тибет тиббиёти ҳинд тиббиёти асосида вужудга келган бўлиб, тибетликларнинг табобатга бағишлиланган «Чжуд ши» илмий

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

асарининг катта бир бўлими доривор ўсимликлардан фойдаланиш йўллари ҳақидадир. Тибет тиббиётида узоқ вақт мобайнида мистик (илоҳиётга, ғайритабиий нарсаларга ишониш) ғоялар ҳукмронлик қилган, лекин 1898 йилда врач Пётр Бадмаев «Чжуд ши» асарини рус тилига таржима қилиб, Санкт-Петербургда тибет тиббиёт хонасини яратади ва Петербург ахолисини Монголиядан олиб келинган шарқ ўтлари билан мувоффақиятли даволайди. Тибет тиббиётида доривор ўсимликларнинг 400 га яқин туридан фойдаланилган.

Ўрта Осиёning буюк олимлари - Беруний ва Ибн Сино шифобахш ўсимликлар ва улардан фойдаланиш ҳақидаги илмий мулоҳаза ва тадқиқот натижаларини ўз асарларида баён қилишган. Абу Райхон Беруний доривор ўсимликларнинг батафсил тавсифини келтирган ва кўплаб ўсимликларни системалаштирган. У ўзининг фармакогнозияга бағишилаган «Сайдана» асарини умрининг охирги йилларида (1041-1048) ёзган бўлиб, 750 тур ўсимликларнинг ботаник тавсифи, географик тарқалиши ҳақида маълумотлар келтирган. Асарда доривор ўсимликлар олиб келинадиган 400та мамлакатларнинг номлари тилга олинган (Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон, Арабистон, Арманистон, Азарбайжон ва бошқалар).

Айниқса, бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилган бўлиб, шулардан 43 таси табобатга оид, 23 таси тиббиёт илмига бағишилангандир. Ибн Сино кўп томли бўлган “Тиб қонунлари” асарини яратувчиси сифати донг таратган, у Ўрта Осиё ва унга чегарадош бўлган минтақаларда ўсувчи бир қанча ўсимликлар турларини ўрганган ва ўсимликлардан олинган препаратлардан мувоффақият билан ва кенг кўламда фойдаланган. “Тиб қонунлари” китобида тахминан 900 та ўсимликни кўллаш усуллари ва уларнинг тавсифи келтирилган. Унинг тиббиёт фанига оид назарий ва амалий масалаларга бағишиланган энг йирик асари «Тиб қонунлари» бўлиб, у бешта китобдан иборат, уларнинг ҳар бири маълум соҳани изчил ва ҳар томонлама ёритиб берган.

Биринчи китобида тиббиётнинг назарий асослари, унинг предмети ва вазифалари, касалликнинг келиб чиқиши сабаблари, белгилари ва соғлиқни сақлаш йўллари, инсон танасининг анатомик тузилиши ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтган. Бундан ташқари турли юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ҳамда тарқалишида ифлосланган сув ва ҳавонинг роли катта эканлигини, касалликларни

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

олдини олиш учун сувни қайнатиб ёки тозалаб ичиш кераклигини тавсия этган.

Алломанинг тиббиётга бағишлиланган иккинчи китобида 800 га яқин дориларнинг хусусиятлари, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ибн Сино симоб ва унинг бирикмаларини дори қилиб ишлатишни биринчи бўлиб тавсия этган, шаробни қувват киритувчи ва жароҳатларни тозаловчи дори сифатида ишлатган.

Учинчи китобида айрим органларнинг касалликлари ва уларни даволаш усуллари баён этилган. Бу китобда бош мия, асаб, кўз, қулоқ, бурун, томок, қорин, тиш, юрак, меъда, жигар, буйрак касалликлар батафсил таҳлил қилинган.

Тўртингчи китоби инсон организмида учрайдиган турли касалликларга бағишлиланган бўлиб, унда иситмалар, ўсмалар ва уларнинг сабаблари, жарроҳлик йўли билан даволанадиган касалликлар ва уларни даволаш усуллари, ҳар хил дорилардан заҳарланиш ва уларни даволаш чоралари ҳақида маълумотлар келтирган.

Бешинчи китобида мураккаб дориларнинг инсон организмига таъсири, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари баён қилинган. Бу нодир китоб доришунослик илми-фармакологияга бағишлиланган.

Ибн Синонинг тиббиётга оид муҳим асарларидан яна бири назм усулида яратилган «Тиббий уржуз» китобидир. Бу китоб 2652 мисрадан иборат катта шеърий асардир. Китоб тиб илмини ўрганувчи талабаларга дарслик сифатида ёзилган.

Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», «Тиббий уржуз» каби асарлари билан бир қаторда тиббиётнинг айрим назарий ва амалий масалаларига бағишлиланган турли ҳажмдаги «Ал-Адвияти-л-қалбия» («Юрак дорилари»), «Китоб ал-кулонж» («Куланж ҳақидаги китоб»), «Мақола фи-н-набз» («Томир уруши ҳақида мақола»), «Рисола фи-л-боҳ» («Шаҳвоний қувват ҳақидаги рисола»), «Рисола фи-л-фасд» («Қон олиш ҳақида рисола») каби рисолалари ҳам бор бўлиб бир неча асрлар давомида тиббиёт илмининг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилган.

Бундан ташқари алломалардан Шарафуддин Юсуф Илоқий, Абу Солиқ мутатабиб ва Журжонийлар ҳам ўзларининг табобат илмида муҳим аҳамиятга эга бўлган, маҳаллий шароит учун хос бўлган

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

доривор ўсимликлардан табобатда фойдаланиш йўллари ва усулларига бағишлиланган илк қўлланмаларини қолдириб кетганлар.

Халқ табобатидан тўпланган билимларга суюнган ҳолда шифобахш ўсимликлар ҳақидаги билимлар ривожланиб борган.

Масалан, Америкада яшовчи маҳаллий аҳоли қадимдан безгак касаллигини даволаш учун хинин дараҳтининг пўстлоғидан фойдаланишган.

Қадимдан игир ўсимлиги форс ва яхудийлар ҳамда қадимги грек ва қадимги рим табибларига таниш бўлган. Гиппократ ёзмаларида унинг илдизпоясидан тайёрланган малҳамлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Қадимги грек шифокори Диоскорид бу ўсимликни жигар, талоқ, нафас олиш йўллари касалликларида ҳамда сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўллашни тавсия қилган. Қадимги рим олими ва шифокори Катта Плинний ўзининг маълумотларида игир ва ундан тайёрланадиган дорилар ҳақида ёзган.

Юрак касалликларини даволашда халқ табобатида муҳим воситалардан бири баҳорги сумурӯт (*Adonis vernalis*) ҳисобланиб, уни XIX асрнинг охирида С.П. Боткин ва Н.А. Бубнов (1880) илмий тиббиётга киритган.

Навбатдаги доривор ўсимлик - сув қалампирини мисол қилиб келтириш мумкин. Фақат ушбу қон тўхтатувчи ўсимлик халқ орасида эсдан чиқарилган, лекин охирги вақтларда дори – дармон сифатида қўлланилмоқда (Гаммерман, 1933). Хитойда «махуан» номи остида машҳур бўлган қадимги доривор ўсимликлардан бири – Эфедра бўлиб, ушбу ўсимлик шамоллаш туфайли вужудга келадиган касалликларини даволашда қўлланилган, бу ўсимлик Европа тиббиётида адреналинга ўхшаш таъсирга эга бўлган восита сифатида қабул қилинган.

Бизнинг флорамизда кенг тарқалган доривор ёввойи ўт – оддий исириқ (*Peganum harmala*) араб ва форс тиббиётида қўплаб касалликларга қарши даволовчи восита сифатида тавсия этилган. Шифокорлар томонидан унинг тез соғайтирувчи хусусияти қайд қилинган. Оддий исириқ уруғининг пўсти ва илдизидан энди қимматли алкалоид – гармин олинади ва у ўз таъсири бўйича банистериннинг ўрнини босади. Гармин асаб тизимини қўзғатувчи восита ҳисобланади ва безгакда хининнинг ўрнини босувчи сифатида қўлланилади. Ғарбий Европада иккинчи жаҳон урушига қадар гармин

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

бизнинг хом – ашёдан тайёрланган, унинг бир килограмми 3000 рубл олтин билан баҳоланган (Н.В.Цицин, 1944).

Жийда (*Elaeagnus angustifolia*) азалдан маҳаллий халқ орасида болалар дизентериясига қарши алмаштириб бўлмайдиган восита сифатида қўлланилган ва илмий тиббиётда ҳам мустаҳкам ўрин олган.

Меландриум (*Melandrium*) бачадон қон кетишига қарши кучли таъсир кўрсатувчи восита ҳисобланади. Шундай дори – дармонлардан бири – омела бўлиб, у узоқ муддат давомида қон босимини пасайтиради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ток ва беданинг ёш барглари С витаминига ніҳоятда бой ҳисобланади. Беда ва ёнғоқ ўсимлиги ҳам С витаминига жуда бой бўлади. Беданинг ёш барглари одам учун керакли бўлган деярли барча витаминларни ўзида сақлайди.

Шифобахш ўтлар билан даволаш инсонлар диққатини доимий равишда ўзига тортиб келган. Бунинг сабабларини тўлиқ ва чуқурроқ тушиниш учун бошқа дори воситалари билан солиширилганда фитотерапия билан даволаниш узоқ вақт давом этсада, хавфсиз даволаш усули ҳисобланади. Инсонлар ўсимликларнинг шифобахш хусусиятларини билганликлари ва улардан фойдаланганликлари энг қадимги ёзма ёдгорликларда ҳам шубҳасиз ўз аксини топгандир.

Ўзига хос шифокорлар тоифаси шаклланиши билан бирга доривор ўсимликлар ҳақидаги билимларга эга бўлган дори сотувчи (аптекар)лар ҳам шакллана бошлаган. Доривор ўсимликлар ҳақидаги маълумотларни ва доривор хом-ашёларга бўлган талаблар фармакопеяда ўз ифодасини топган.

Ҳозирги вақтда тиббиёт ва фармацевтик олийгоҳларнинг ўқитиши дастурига фармакогнозия курси киритилган.

Айниқса, кейинги йилларда доривор ўсимликларнинг тури қўпайиб, халқ табобати ва тиббиётимиз нафақат эндемик турлар билан балки интродуцент шифобахш ўсимликлар билан ҳам бойиб бормоқда. Халқ табобатида доривор ўсимликлар норасмий қўлланилади, дори таъсири аниқ чегараларга эга эмас ва уларнинг шифобахшлик хусусиятига тегишли мезонларни ҳар бир муаллиф ўзи учун ўзи аниқлайди.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ТАРКИБИДАГИ БИОЛОГИК ФАОЛ БИРИКМАЛАР

Шифокорлар халқ табобатининг кўп асрли тажрибалари асосида ўсимликлар таркибида жуда кўплаб шифобахш хусусиятларга эга бўлган моддалар сақлашини билиб олишган. Ўсимликнинг ҳар хил қисмлари турлича таъсирга эга бўлиб, улардан касалликларни даволашда фойдаланилади. Фаол моддалар одатда катта миқдорда ўсимликнинг маълум бир қисмларида тўпланади.

Доривор ўсимликлар амалиётда қўлланилишида уларнинг таркибидаги биологик фаол моддалар организмга жуда кам миқдорда киритилганда ҳам маълум физиологик самара чақириши ҳисобга олинади. Ушбу фаол моддалар асосан ўсимликларда тупроқнинг анорганик минерал моддаларидан, сувлардан, ҳаводаги карбонат ангидрит газидан синтезланади. Ёруғлик нури таъсири остида ўсимликларда синтез жараёни амалга ошади. Ўсимликларнинг кимёвий таркибини ўрганиш тахминан XVII аср охиридан бошланган бўлиб, XIX асрнинг охирида эса айрим алкалоидлар, гликозидлар, тери ошловчи моддалар, сапонинлар, flavonoидлар, турли хил органик кислоталар, витаминалар, ёф ва эфир мойлар ва бошқа микроэлементлар тоза кўринишида ажратиб олинган. Ушбу моддалар одатда ўсимликнинг маълум органларида тўпланади. Бир турга киравчи ўсимликларда турли географик минтақаларда тарқалганлигига қараб таркибида сақлайдиган моддалар миқдори ҳар хил бўлади. Бу эса иқлим шароитига, тупроқ таркибига, намликка, жойлашган жойи, дengiz сатҳидан баландлигига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши даврида шифобахшлик хусусиятини берувчи алкалоидлар, гликозидлар, сапонинлар каби моддалар кўп миқдорда турли органларида: поясида, пўстлоғида, баргида, уруғида, мевасида, илдизпояси ва бошқа органларида тўпланиши мумкин. Кўйида шифобахш ўсимликлар таркибидаги муҳим биологик фаол моддалари билан танишамиз.

Алкалоидлар – азот сакловчи ҳамда сувда яхши эрувчи мураккаб органик моддалар бўлиб, улар кислота билан тузлар бирикишидан ҳосил бўлади. Ўсимлик алкалоидлари одатда кристал кўринишида учраб, турли органик кислоталарни туз кўринишида сақлайди (олма, шовул, лимон ва бошқа кислоталар). Уларнинг миқдори ўсимлик органларида 2–3% гача, баъзан 10-25% гача

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

бўлиши мумкин. Ўсимликдаги алкалоид микдори ва таркибий қисми доимо динамик ўзгаришда бўлади. Бу ўзгариш ўсимликларнинг ўсадиган жойи ва шароитига боғлиқ. Одатда алкалоидлар ўсимлик гуллаши олдида ёки гуллаш даврида уларнинг ер устки қисмida кўп тўпланади. Ўсимлик гуллаб бўлгандан кейин ер остки органларида ва мевасида тўпланади.

Турли ўсимлик турларида алкалоидлар турлича фарқланади. Итузумдошлар (*Solanaceae*) ва Кўкноридошлар (*Papaveraceae*) оилаларининг кўпчилик вакиллари алкалоидларга бой бўлади.

Алкалоидлар сони баъзан бир ўсимликда 50 тадан ортиши кузатилади. Масалан Бўригул (*Vinca erecta*) ўсимлиги таркибида 60 тадан ортиқ алкалоид бўлиши аниқланган. Кўпчилик ўсимликлардан олинадиган заҳарли моддалар ҳам алкалоидлар ҳисобланади. Улардан баъзи бирлари тиббиётда дори-дармонлар сифатида ишлатилади. Масалан, кофеин (кофе уруғида), атропин (белладона ўсимлиги органларида), хинин (хинин дарахти пўстлоғида), лаппаконитин, винкамин (бўригул гули ва уруғида), резерпин, стрихнин, эфедрин, никотин, морфин, кодеин(кўкнори мевасида)дан кенг фойдаланилади. Сут шираси бўлган баъзи ўсимликлар ҳам алкалоидлар ва каучукка бой бўлади (кўкнори, гевея, қокиўт, тоғсақич).

Гликозидлар – мураккаб азотсиз органик бирикмалар бўлиб, гидролиз жараёнида қандга (рамноза, галактоза ва бошқалар) ва қандсиз бирикмаларга парчаланади. Гликозидлар тоза ҳолда одатда кристал кўринишга эга бўлиб, сув ва спиртда яхши эрийди, аччиқ таъмга эга бўлади. Гликозидларга ҳужайра ширасидаги пигментлар-флавоноидлар ҳам киради. Юқори ҳарорат, кислота, ишқор ва бошқа омиллар таъсири остида тез парчаланади. Шунинг учун гликозид сақловчи ўсимликларни йиғишида териш, қуритиш ва сақлаш қоидаларига тўлиқ риоя қилиш лозим бўлади.

Гликозидлар юрак гликозидлари, антрагликозидлар, сапонинлар, аччиқ гликозидлар ва бошқаларга ажратилади. Юрак гликозидлари май марваридгули, баҳорги сумурўт, строфант каби ўсимликларда учрайди. Улар юрак мускулларига таъсир кўрсатади ва тиббиёт амалиётида кенг қўлланилади.

Хозирги вақтда дунё миқёсида 400 га якин юрак гликозиди ажратиб олинган бўлиб, улар таркибига киравчи 35та моносахаридлар аниқланган. Юрак гликозидларининг 160 тасидан кўпроғи собиқ СССР олимлари томонидан топилган. Топилган юрак

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

гликозидлардан 380 таси карденолидлар, қолганлари эса буфадиенолидлардир. Юрак гликозидлари Кендирдошлар (*Arosaceae*), Сигирқуйруқдошлар (*Scrophulariaceae*), Пиёзгулдошлар (*Liliaceae*), Айкотовондошлар (*Ranunculaceae*), Карамдошлар (*Brassicaceae*), Дуккақдошлар (*Fabaceae*) ва бошқа оиласардаги ўсимликлар таркибида учраб, ўсимлик хужайра ширасида эриган ҳолда бўлади. Юрак гликозидларини сақлаган маҳсулотлардан тайёрланган препаратлар юрак хасталикларий: юрак пороги, қон айланишининг II ва III-даражали бузилиши, юрак астмаси (кардиосклероз) ва бошқа юрак касалликларини даволашда кўлланилади.

Айрим ўсимликлар таркибида аччиқ мазага эга бўлган монотерпен гликозидлар сақлайди ва улар тиббиётда ишлатилади. Шунинг учун бу гурӯҳ гликозидлар **аччиқ гликозидлар** номи билан ҳам юритилади.

Ўсимликнинг таркибида аччиқ мазага эга бўлган бирикмалар кўп учрайди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам аччиқ гликозидларга киравермайди. Аччиқ гликозидлар меъда суюқлигининг рефлектор ажралишини кучайтиради ва иштаҳа очади, организмга бошқача физиологик таъсир кўрсатмайди. Бошқа аччиқ моддалар эса организмга турлича физиологик таъсир этади. Масалан: алкалоидлар (хинин, капсаицин, пиперин), турли гликозидлар (юрак гликозидлари, тиогликозидлар) ва бошқа бирикмалар.

Ўсимликлар дунёсида **аччиқ гликозидлар** кам бўлиб, улар Эрбаҳодошлар (*Gentianaceae*), Мениантдошлар (*Menyanthaceae*), Мураккабгулдошлар-*Asteraceae* (*Compositae*), қисман Ялпиздошлар-*Lamiaceae* (*Labiatae*) оиласи вакилларида учрайди. Аччиқ гликозидлар ўсимликлар таркибида эфир мойлари билан биргаликда учраши мумкин. Ўсимлик таркибида уларнинг табиий ҳолда бирга учрашини ҳақиқий аччиқ моддалар (*Amara pura*)дан фарқ қилган ҳолда хушбўй аччиқ моддалар (*Amara aromatica*) дейилади. Баъзан аччиқ моддалар ўсимлик таркибида шиллиқ моддалар билан биргаликда учрайди.

Антраликоидлар (антрацен унумлари) ўсимлик оламида кенг тарқалган бўлиб, Торондошлар (*Polygonaceae*), Итжумрутдошлар (*Rhamnaceae*), Дуккақдошлар (*Fabaceae*), Лолагулдошлар (*Liliaceae*), Рўяндошлар (*Rubiaceae*) ва бошқа ўсимлик оиласари вакилларида айниқса кўп учрайди. Антрацен унумлари ўсимлиқда қўпинча

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

гликозид ҳолида бўлиб, ҳужайра ширасида эриган ҳолда учрайди ва ўсимликнинг шу органи зарғалдоқ-қизил рангга бўялган бўлади. Антрацен унумлари ҳайвонларга бўшаштирувчи таъсир кўрсатади. Улар ровоч илдизи ва сано баргларида кўп миқдорда бўлади.

Сапонинлар – ўзида турли хил гликозидларни акс эттирувчи бирикмалар. Гидролиз жараёнида улар углеводга ҳамда агликонга парчаланади ва сапогенин деб номланади. Сапонинлар сувда ва спиртда яхши эрийди. Уларнинг сувли эритмалари чайқатилганда совунни эслатувчи барқарор кўпик ҳосил қиласиди. Таркибида сапонин сақловчи ўсимликлар балғам қўчирувчи, сийдик ҳайдовчи, ўт (сафро) чиқишини кучайтирувчи, қувватни оширувчи воситалар сифатида қўлланилади. Шулардан кўпчилиги юрак қон – томир системасига ижобий таъсир этади ва томирлардаги атреосклерозга самарали таъсир кўрсатади. Шувоқ, қоқиёт, игир ва бошқа ўсимликлар ўзида аччиқ моддаларни сақлайди. Ушбу моддалар ошқозон – ичак йўлининг секретор функциясини қўзғатади ва шу сабабли ошқозонда ҳазм жараёнини яхшилаш учун қўлланилади. Сапонинлар ферментлар, суюлтирилган кислоталар таъсирида ҳам гидролизга учраб сапогенин ва қанд моддасига парчаланади. Сапонинлар ўсимлик оламида кенг тарқалган бўлиб, кўпинча ўсимликни ер остки қисмида, ҳужайра ширасида эриган ҳолда учрайди. Сапонинлар Чиннигулдошлар (*Caryophyllaceae*), Наврўзгулдошлар (*Primulaceae*), Торондошлар (*Polygonaceae*), Дуккақдошлар (*Fabaceae*), Аралиядошлар (*Araliaceae*), Раъногулдошлар (*Rosaceae*), Лолагулдошлар (*Liliaceae*) ва бошқа оилаларнинг вакилларида кўп миқдорда тўпланади.

Флавоноидларни ўсимликлар гликозид кўринишида ёки эркин ҳолатда сақлайди. Ушбу гетероциклик бирикма сувда яхши эrimайди ва у сариқ рангда бўлади. Айниқса Дуккақдошлар, Айиктовондошлар, Соябонгулдошлар, Мураккабгулдошлар оиласига кирувчи ўсимликлар flavonoидларга бой бўлади. Флавоноидлар турли хил фармакологик фаоликка эга бўлади. Ушбу моддаларни Р – витамини билан бирга қўллаганда капилляр қон томирларининг девори мустаҳкамланади, оксидланиш – қайтарилиш жараёнида иштирок этади, қон томирларининг бўшашишига ёрдам беради, яраларнинг эрта битишини таъминлайди. Жигар ва буйрак касалликларида айниқса, уларнинг тош касалликларини даволашда бир қатор

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

флавоноидлар қўлланилади. Флавоноидларга флавонлар, флаванонлар, ксантининлар ва бошқа моддалар киради.

Инулин ҳам крахмал сингари ўсимликлар учун заҳира озуқа сифатида керак бўлган юқори молекулали фруктозани полимери бўлиб, сувда яхши эрийди. Лекин крахмалга ўхшаб кўп тарқалмаган. Инулин айрим оиласига мансуб бўлган ўсимликларни кўпинча ер остки қисмларида тўпланади. Масалан, Мураккабгулдошлар оиласига мансуб - қоқи ўт илдизида, сачратқи илдизида, қора андиз ва бошқаларда учраши аниқланган.

Пектинлар булар асосан D-галактурон кислоталарининг $1 \rightarrow 4$ углерод атомлари орқали ҳосил қилган полимерлари бўлиб, ҳужайра деворларининг 5% ташкил қилади. Пектин таркибидаги карбоксил метоксил ёки Са ионлари билан боғланган бўлиши мумкин. Саноатда пектин лавлагидан олинади (қуритилган лавлагини юмшоқ қисмида 25% пектин бўлади), лимонни ва олмани шарбати сиқиб олингандан кейин қолган қолдиқда ҳам кўп миқдорда бўлади. Саноатда пектин спирт билан чўқтириб олинади.

Пектин моддаларининг энг муҳим хусусиятларидан бири, уларнинг сувда ёпишқоқ коллоид эритма ҳосил қилишидир. Бу хусусияти унинг молекуляр массасига ва галактурон кислотанинг метоксилланганлик даражасига ва аралашма моддаларининг миқдорига боғлиқдир. Фармацевтикада пектин қимматли эмульгатор, боғловчи модда сифатида қўлланилади. Пектин моддалари доривор ўсимликларда кўп учраганлиги учун, улар биологик таъсир қилувчи моддалар билан бир қаторда таъсир кўрсатишини инобатга олмоқ керак.

Тери ошловчи моддалар – азотсиз хушбўй бирикмалар бўлиб, сув ва спиртда яхши эрийди. Улар мураккаб таркибга эга кўп атомли фенол ҳосилалари ҳисобланиб, танинлар деб аталади. Танинлар билан ҳайвонларнинг хом териси ошланади, шунинг учун ҳам тери ошловчи ёки ошловчи моддалар деб аталади. Улар кенг тарқалган бўлиб, деярли барча ўсимликларда учрайди; бута ва дараҳтларнинг пўсти ва илдизида, кўп йиллик ўт ўсимликларнинг ер усти қисми ушбу моддаларни сақлайди. Ўсимликларда танинларнинг умумий миқдори 10–30% гача етиши мумкин. Танин моддаларига тол, қорақарағай, банан каби ўсимликларнинг илдизи ва поясидаги пўстлоқ ҳужайралари, ёнғоқларнинг етилмаган мевалари, чой ўсимлигининг барги бой бўлади. Ҳужайра нобуд бўлганда танин моддалар

оксидланади ва хужайра қобиғига шимилиб, унга тўқ қўнғир ранг беради. Ошловчи моддалар антисептик хусусиятга эга. Амалий ветеринарияда ошловчи моддаларни сақловчи ўсимликлар (зангиазорба, эман илдизи ва бошқалар) ошқозон ичак фаолиятининг бузилишида, алкалоид ва оғир металлар билан заҳарланишга қарши таъсир этувчи восита ҳамда бактериоцид препаратлар сифатида қўлланилади.

Эфир мойлар – учувчан, ўткир ҳидга эга бўлган моддалар бўлиб, улар ҳар хил органик бирикмаларнинг аралашмасидан ҳамда терпен углеводородлар ва уларнинг ҳосилаларидан ташкил топган бўлади. Улар ўсимликлардан сув билан буғлатиб ҳайдаш йўли билан олинади. Эфир мойлари ўсимликнинг турли хил қисмларида – гули, барги, меваси, уруғи ва камдан – кам ер усти қисмларида бўлади. Эфир мойларнинг миқдори ҳар хил ўсимлик турларида турлича - 0,001% дан 20% га қадар бўлиб, кўпинча улар ўсимликларнинг таркибида 2–3% ни ташкил этади. Эфир мойлари тез учувчан бўлгани учун, эфир мойли ўсимликларни йиғишда уларни териш, қутиши ва саклаш қоидаларига қатъий риоя қилиш лозим бўлади.

Эфир мойли ўсимликлар билан даволаш амалиётида айниқса жамбил, аччиқ шувоқ, маврак, арча, кашнич, шивит, арпабодиён, зира, валериана, тошчўп каби ўсимликлар тез – тез қўлланилади. Ўсимлик дунёсида эфир мойлари кенг тарқалган бўлиб, 2500 дан ортиқ ўсимлик турларида топилган. Шулардан 77 оиласига кирадиган 1050 дан ортиқ ўсимликлар МДХ территорииясида ўсади. Ўсимликларнинг деярли барча органларида эфир мойи тўпланиши мумкин, хаттоқи битта ўсимликнинг ҳар хил органида турли таркибли эфир мойлари учраши аниқланган. Эфир мойининг миқдори ва таркибий қисми ўсимликнинг ўсиш жойи, ривожланиш даври, ёшига ва навига қараб ўзгариб туради. Эфир мойининг ўсимлик таркибида кўп ёки кам бўлиши ҳаво ҳароратига ва намлигига, тупроқ намлиги ҳамда ердаги минерал моддаларнинг сифатига ва миқдорига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Одатда жанубда ўсадиган ўсимликлар шимолдагига нисбатан эфир мойига бой бўлади. Эфир мойининг ўсимлик органлари учун аҳамияти аниқ ўрганилган эмас. Баъзи олимлар эфир мойлари ва смолалар ўсимликларни турли касалликлардан, зараркундалардан, чиришдан ҳамда заҳарланишдан саклаш вазифасини ўтайди десалар, бошқалари ўсимлик чанглаши учун ҳашаротларни жалб қилиш учун ишлаб

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

чиқарадилар деб ҳисоблайдилар. Хушбўй ҳидли ўсимликлар ва улардан олинган маҳсулотлар одамларга қадимдан маълум бўлиб, булардан ҳар хил касалликларни даволашда ва овқатларга солища ишлатилган. Ўрта асрда араблар ўсимликлардан эфир мойларини сув буғи ёрдамида ҳайдаб олишни ва уни сувдан ажратиб олишни билганлар.

Эфир мойининг айримлари оғриқ қолдирувчи ва йўталга қарши таъсир кўрсатади. Улар парфюмерия, ликёр – ароқ ишлаб чиқаришда ва озиқ – овқат саноатида қўлланилади.

Смолалар – қаттиқ ёки яrim суюқ, ўзига хос ҳидли мураккаб кимёвий таркиби эга бўлган органик бирикма ҳисобланади. Кимёвий таркиби бўйича эфир мойларга яқин бўлади. Ўсимликларда улар смола йўлида жойлашган бўлиб, маҳсус смола йўллари орқали ташқарига чиқарилади. Смолалар ровоч, нина баргли дараҳтларда, қизилпойча, қайин пўстида ва алоэда бўлади.

Органик кислоталарни ўсимликлар уруғи, илдизи, меваси, пояси ва баргода жуда кўп микдорда саклайди. Айниқса ўсимликлар таркибида олма, лимон, оксалат, салицил ва сирка кислоталари кўп учрайди. Улар моддалар алмашинувида фаол иштирок этади, сўлак безларининг секретор функциясини қўзғатади, ўт ва панкреатит шираларининг ажралишини кучайтиради, овқат ҳазм бўлишини яхшилайди, бактериоцид ва бошқа хусусиятларга эга бўлади.

Органик кислоталар муҳим фармакологик таъсирга эга бўлиб, улар валериана, бўймадорон, хмел ва бошқа ўсимликларда учрайди. Линол кислота зиғир уруғида, чаканда мевасида бўлади.

Тўйинмаган ёғли кислоталар – олеин, линол, линолен ва бошқалардан иборат бўлиб, улар инсонлардаги холестерин даражасини камайтиришга ёрдам беради, атеросклероз ривожланишини олдини олади.

Анорганик кислоталарнинг минерал тузлари ўсимликларда эриган ҳолда ёки кристаллашган оксалат кўринишида бўлади.

Калий, кальций, магний, натрий, кумуш, фосфор, кремний, углерод билан биргаликдаги темир, водород ва кислород ўсимлик ва ҳайвонлар тирик массасининг 99% ни ташкил этади. Организмдаги микроэлементларнинг таркиби – мис, рух, кобальт, марганец, никел, алюминий ва бошқалар - фоиз улушида ҳисобланади.

Минерал тузлар модда алмашинувида, гормон ва ферментларнинг шаклланишида ва қон қўйилишида муҳим рол

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

ўйнайди. Улар юрак фаолиятига, нерв ва мускулларнинг қўзғалувчанлигига таъсир кўрсатади ҳамда суяқ склети таркибиға киради.

Витаминалар – биологик фаол бўлган органик моддалар ҳисобланиб, организмнинг ҳаёт фаолияти учун зарурдир. Витаминалар модда алмашинувида, ҳазм қилиш жараёнида ва турли органларнинг ҳимоя функциясида ва бошқа ҳаётий жараёнларда муҳим рол ўйнайди. Тирик организмларга ташқаридан кирадиган 20 хил витамин жуда зарур ҳисобланади. Овқат билан ташқаридан кирувчи витаминаларнинг етишмаслиги модда алмашинувининг бузилишига олиб келади, асаб тизимларининг ҳолати ўзгаради ва бошқа патологик ҳолатларни чақиради ҳамда гипо ёки авитоминозга олиб келади. Полшалик олим К. Функ гуруч кунжарасидан тиамин (Витамин В₁)ни ажратиб олган ва витамин деб биринчи марта атаган. Витаминалар нутриентлар ҳисобланади, яъни бу моддалар озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга қабул қилинади. Оқсил, ёғлар, углеводлардан фарқи улар организмда синтезланмайди. Витаминалар организм учун жуда кам, миллиграмм, айрим ҳолларда микрограм атрофида зарур бўлади. Кўпчилик витаминалар коэнзим ҳисобланади яъни улар ферментлар таркибиға кириб, турли биокимёвий жараёнларда қатнашади.

Ҳозирги вақтда 30 хил атрофида витаминаларнинг тури мавжуд бўлиб, улар иккита асосий гурухга – ёғда эрийдиган ва сувда эрийдиган витаминаларга бўлинади. Биринчи гурухга А, Д, Е витаминалар тегишли бўлади, иккинчи гурухга эса – В ва С витаминалар киради. К витамини сувда ва ёғда эрийди. Витаминалар кимёвий тузилишига кўра 18 гурухга бўлингандир.

Маҳсулот таркибидаги витаминалар ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш фазасига қараб ўзгариб туради. Агар витаминалар ўсимлик ер устки қисмида бўлса, ўсимлик гуллаш даврида максимал тўпланади. Агар мева таркибида бўлса, улар пишиб етилган вақтда кўп тўпланади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ТЕРИШ, ҚУРИТИШ ВА САҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Доривор ўсимликларнинг организмга таъсири уларнинг таркибидаги биологик фаол бирикмаларнинг миқдорига боғлиқ. Бу бирикмалар ўсимликнинг ҳар хил қисмларида турли миқдорда

тўпланади. Дори тайёрлаш учун ўсимликнинг керакли қисмлари турли муддатларда йиғилади. Масалан, пўстлоқ, куртак эрта баҳорда, барг ўсимлик гуллаши олдидан ёки гуллагандага, гуллари тўлиқ очилган вақтда, мева ва уруғлари пишганда, ер ости органлари (илдизи, илдизпояси ва пиёзи) эрта баҳорда ёки кеч кузда йиғиб олинади.

Ўсимлик маҳсулотини тўғри тайёрлашнинг – асосий омилларидан бири тоза хом – ашё олиш ҳисобланади. Доривор хом – ашёни талаб даражасида тайёрлаш учун қуруқ об – ҳавода, кундузги соатларда ўсимликнинг керакли қисмлари йиғиб олинади. Ўсимликнинг асосий қисми сутканинг кундузги вақтида тайёрланади, шифобахш таъсир қилувчи моддалар одатда ўсимликнинг ер усти қисмida бўлади. Ўсимликнинг илдизи ва илдизпоясини (ер ости қисмини) ҳар қандай вақтда ва ҳар қандай об – ҳавода тайёрлаш мумкин, чунки кўпчилик ҳолларда улар қуритишдан олдин ювилади.

Доривор ўсимликларни тайёрлашда йиғиш календарида келтирилган муддатлар ва ўсимликнинг ўсиш даври инобатга олинади. Доривор ўсимликларни тайёрлашда керакли қўринишларда тўғри йиғиш муҳим аҳамиятга эга. Ўсимлик онтогенезининг турли даврларида органлари ва қисмлари биологик фаол моддалар кўп ёки кам миқдорда тўпланади. Муддатидан барвақт ёки кечикиб терилган ўсимлик органлари ҳеч қандай доривор хусусиятга эга бўлмаган хом – ашё бўлиши мумкин. Коидага кўра, биологик фаол моддаларнинг катта миқдори гуллаш даврига, барг ва гул чиқарадиган вақтига тўғри келади, куртакда – уларнинг бўртиш даврида, ер ости қисмida эса (илдиз, илдизпоя) – меваларнинг етилиш даврида; пўстлоқлар эса баҳорда тўла шифобахш қийматга эга бўлади. Йиғилган ўсимликлар диққат билан сараланади, бегона аралашмалар ҳамда доривор бўлмаган ўсимликлар олиб ташланади; ишлатилмайдиган поя ва илдизлари, чириган қисмлари ажратилади. Йиғиш учун ишлатиладиган идиш мутлақо тоза, қуруқ ва ҳидсиз бўлиши лозим. Битта идишга бир вақтнинг ўзида бир нечта ўсимлик турларини йиғиш мумкин эмас. Тайёр бўлган ўсимликлар эҳтиётлик билан идишларга жойлаштирилади ва исиб кетишининг олди олинади. Бундай ҳолда ўсимликлар шифобахшлик хусусиятини йўқотмайди. Териб олинган ўсимликлар ёйилади ва қуритиш учун юпқа қатлам қилиб тахланади. Ўсимликларни тўда қилиб қўйиш ёки тунда шиша идишларни очиқ ҳолда қолдириш тавсия қилинмайди.

Куртаклар эрта баҳорда бўртишни бошлаган лекин тўлиқ ёйилмаган вақтида терилади. Бу даврда улар бальзамли ва смоласимон моддаларга бой бўлади. Йирик куртаклар (қарағайники) пичоқ билан кесилади, майда куртаклар (қайнин дарахти куртаги) шохлари қуригандан кейин майдаланилади. Куртакларнинг бўртиши бир неча кун давом этади. Бу даврда уларни тезроқ териб олиш тавсия этилади, чунки бу пайтда куртаклар ривожланиши натижасида ёзилишни бошлаган бўлади.

Пўстлоқ. Баҳорда шира харакати бошланган (апрель - май) – давр пўстлоқ териш учун энг яхши вақт ҳисобланади. Бу даврда пўстлоқ ёғочликдан енгил ажралади. Ўткир пичоқ ёрдамида 25 – 30 см узунликдаги ёш новда учидан ва асосидан айлана қилиб кесилади, сўнгра узунасига кесиб бирлаштирилади ҳамда тарновча қўринишидаги пўсти йиғиб олинади.

Барглар. Баргларни йиғишининг яхши даври – ўсимликлар гуллашни бошлаган вақти ҳисобланади. Улар одатда қўл билан терилади. Тўпланган хом – ашё қуритилади ва бегона аралашмалардан тозаланади.

Ўтлар. Ўтларни одатда ўсимлик гуллашни бошлаган даврда терилади, ўрок, пичоқ ёки токқайчи билан кесилади. Қалин бўлиб ўсган ўсимликлар бегона ўтлардан тозаланади, кейин эса ёнига қийшайтириб тўғриланади ва ўриб олинади.

Гуллар. Гуллар ва тўпгуллар гуллашни бошлангич давридан бошлаб қўл билан узиб терилади ва гуллашнинг охиригача йиғиб олинаверади. Гуллаб бўлган тўпгуллар ва гуллар терилмайди.

Мева ва уруғлар. Ҳаммасидан кўпроқ етилган мева ва уруғлар биологик фаол моддаларга бой бўлади. Шунинг учун тўлиқ етилган мева ва уруғлар танлаб терилади. Пишган мевалар қўлда терилади ва саватларга 3 – 5 см бўлган қатламда жойлаштирилади, ҳар бир қатлам орасига ўт ёки шохлар тахланади. Ушбу шароитда мевалар қаттиқ сиқилмайди ва бир-бирига ёпишиб қолмайди.

Илдиз ва илдизпоялар. Илдиз, илдизпоя ва пиёзбошлар ўсимликлар вегетациясини тугатган тиним даврида (ёзниг охири - кузда), яъни ер устки қисмлари қуригандан кейин терилади. Бундан ташқари уларни эрта баҳорда ер усти қисми ўсишига қадар териш мумкин. Илдизлар белкурак ёрдамида ковланади ва панжа ёки хасткаш билан тупроқдан ажратилади. Кейин уларни силкитиш ёрдамида тупроқдан тозаланилади, ер усти қисми, ингичка илдизлар,

зараrlанган ва чириган жойлари кесиб ташланади ва совук сувда ювилади. Яхшилаб ювилган хом – ашё мато ёки бошқа тоза тўшалган нарсалар устига қуритиш учун ёйилади ва қуритилади. Хом – ашё юқори сифатли бўлиши учун қуритиш имкон қадар тезроқ амалга оширилиши керак.

Қуритиши. Хом-ашёлар ҳар хил қўринишда турли хил ҳароратда қуритилади.

Эфир мойларини сақлайдиган хом-ашёлар (жамбил, қалампирмунчоқ) 30—35°C дан юқори бўлмаган ҳароратда қуритилади. Юқорироқ ҳароратда қуритиш эфир мойлар миқдорининг тез камайишига ва хом – ашё қийматининг пасайишига олиб келади. Гликозидлар мавжуд бўлган (дигиталис, май марваридгули ва бошқалар) хом – ашёни 55—60°C ҳароратда қуритиш зарур. С витаминаларни сақловчи хом-ашё 80—90°C ҳароратда қуритилади. Бироқ, қоидага кўра хом-ашёни иситиш ҳарорати 50—60°C дан юқори бўлиши керак эмас, чунки юқорироқ ҳароратда айrim доривор моддалар парчаланади. Хом-ашёни очик ҳавода, айвон, бостирма ёки хоналарда ҳаво билан қуёш иссиғидан фойдаланиб қуритиш мумкин. Фақат ёз ва эрта кузда қуруқ об – ҳаво шароитида очик ҳавода қуритиш мумкин. Хом-ашё қуритишнинг ушбу усулида (игир илдизпояси, валериана илдизи билан илдизпояси ва бошқалар) қуёш нурлари таъсирида керакли биологик фаол моддалар парчаланиб кетмайди. Хом – ашё брезентга ёки бошқа матолар устида қуритилади. Кечқурун уни шудрингдан ҳимоя қилиш учун ёпиш зарур. Кўпроқ очик айвонлар тагида қуритиш мақсадга мувофиқдир, чунки бу жойларда шамол айланиши яхши бўлади ва хом–ашёга учун керакли шароит яратилади.

Айвонлар остидаги сояда амалда барча турдаги доривор ўсимликларнинг хом – ашёсини қуритиш мумкин. Доривор хом – ашёни яхши елвизак бўладиган шифир ёки темир том остидаги чердакда ёки ёпиқ хоналарда ҳам қуритиш мумкин. Иссиқ қуёшли кунларда чердакларнинг ҳаво ҳарорати 40—50°C га етади. Бундай шароитда хом – ашё тез қурийди, ўз рангини, ҳидини, биологик фаоллигини йўқотмасдан яхши сақланади. Чердакда қуритиш майдонини кенгайтириш учун қоплардан, дока ёки бошқа юмшоқ матолардан сўри қилинади. Сўри қаватларининг оралиқ масофаси 30—60 см бўлади. Хом – ашё бир хил қалинликда 1—2 см қилиб ёйилади

(тахланади), барглар буралмаслиги ёки букилмаслиги учун тұғирланади.

Битта чердакда бир турга мансуб ўсимликдан тайёрланган хом – ашёни қуритиш тавсия қилинади. Агар бундай қилишнинг имкони бўлмаса, улар орасидан ўтиш учун жой қилиниб, хом – ашёлар алоҳида жойларда қуритилади. Сўрида қуритилган хом – ашёнинг сифати яхши бўлади, шунинг учун чердакнинг полига мато ёки бошқа нарсалар тўшалади. Хом – ашёни чердакда қуритиш учун яхши шамоллатиб туриш лозим бўлади. Чердакнинг ён тарафларидағи дераза ва эшиклари очиб қўйилади; қўшимча сифатида ҳаво сўрувчи қувурдан ҳам фойдаланиш мумкин. Хом – ашёни чорвачилик фермасининг чердагида қуритиш мумкин эмас, чунки у жойларда бошқа бегона ҳидлар бўлади. Ёзги таътил даврида келишув асосида мактаб хоналаридан қуритиш учун фойдаланиш мумкин. Совуқ ёмғирли кунларда ўсимликнинг ер остки қисмлари ва меваларидан йиғилган хом-ашё сунъий иситиш орқали қуритилади. Бунинг учун турли иситгичлар ва қуритгичдан фойдаланиш мумкин.

Агар хом – ашё енгил бўлиб қолса қуритиш тугаган ҳисобланади, сўнгра ўсимликнинг қуриган барглари, гуллари ва тўпгуллари куқун қилиб майдаланади; илдизи, илдизпояси, пўсти, поялари синиб кетадиган хусусиятга эга бўлади; сувли мевалари ёйиб жойлаштирилади ва уларни нам қўл билан сиқилмайди. Турли хил ўсимликларда уларнинг ҳар хил қисмлари қуруқ хом – ашё ҳисобланади. Ўсимлик органларидан тайёрланган ўртача қуруқ хом – ашё қуйидагича бўлади (%): куртак – 40 – 50; илдиз – 40 – 45; ўтлар – 20 – 25; барги – 15 – 25; гуллари ва тўпгуллари – 14 – 25; ширали (етилган) мевалари – 15 – 28; ер ости қисми – 30 – 35 фоизни ташкил қиласи.

Сақланиши. Қуритилган ўсимликлар матолардан қилинган қопчаларга ёки қоғоз пакетларга солинади ва мустаҳкам ясалган яшик ёки саватларга жойлаштирилади. Агар хом – ашё таркибида эфир мойлари ёки бошқа учувчи моддалар бўлса, унда уни пўкак билан оғзи мустаҳкам бекитилган шиша идишларда сақланади. Ҳиди ўткир доривор ўсимликларни алоҳида сақлаш керак бўлади. Қуруқ мевалар жуда ҳам гигроскопик бўлади: улар қоғоз халтачаларда қуруқ жойларда сақланади. Тайёр бўлган доривор хом – ашё қуруқ, салқин, яхши шамоллайдиган хонада, қоронғи жойда сақланади: гуллари,

ўтлари ва барглари – 1–2 йил; илдизи, илдизпояси ва пўсти – 2–3 йил шифобахшлик хусусиятини йўқотмайди.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРДАН ДАМЛАМА, ЧОЙ, ДЕКОКТЛАР, НАСТОЙКАЛАР ТАЙЁРЛАШ

Чойнинг барча дардга даво бўлувчи неъмат эканлигини одамлар қадим замонларданоқ билишган. Хитой, Япония, Ҳиндистон ва Ҳинди-Хитой мамлакатларининг халқ табобатида кўргина ҳасталиклар чой билан даволаниб келинади. Уни шифо мақсадида қўллаш ўзбек, тожик ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар табобатига ҳам хосдир. Халқ табобатига касалликларнинг олдини олиш, соғликни сақлаш, касалликларни даволашни кундалик услуби ҳисобланади. Янги узилган ёки қуритилган резавор ва мевалар, шифобахш ўтлар билан ичиладиган чой ва дамламаларнинг физиологик аҳамияти катта.

Дамлама ёки чой тайёрлаш учун дамланадиган чинни пиёлага қуруқ ўтлар солинади, 500 мл қайнатилган сувга 1 ош қошиқ миқдорида ёки 1 чой қошиқ 1 стакан (250 мл) қайнатилган сувга солинади. Чойни 7 – 10 дақиқа давомида дамлаб қўйиш керак бўлади, кейин сузгичдан ўтказилади ва ичилади. Косметик препаратларни тайёрлаш учун ўтлардан тайёрланган дамлама узоқ вақт ёки тўлиқ совигунга қадар туриши керак. Агар сиз янги ўт дамлаган бўлсангиз, унда таклиф қилинган миқдорни икки марта ошириш талаб қилинади.

Декокт – бу ўсимликнинг қаттиқ қисмидан қилинган қайнатма. Масалан, илдизпоя, пўстлоқ, мевалар, уруғлар шулар жумласидандир. Декоктни тайёрлаш учун наъматакнинг қуруқ меваларидан намуна олинади ва эмалланган ёки чинни идишга солиб унинг устига сув қўйилади ва қайнагунча иситилади. 5 дақиқа давомида қайнатилади. Сувнинг қўшимча буғланишини ҳисобга олган ҳолда суюқликни бироз кўпроқ солиш керак бўлади. Декокт сингари дамламалар худди шундай тартибда тайёрланади. Фақат қўпроқ соат дамлаб қўйилади, ичишдан олдин сузгичдан ўтказилади.

Настойка 40-70% ли этил спирт асосида тайёрланади. Ушбу шифобахш восита ўзида гул ва ўтларнинг фаол компонентларини сақлайди. Настойка, чой ва декоктларга нисбатан юқори концентрацияга эга бўлади ва кучли самара беради. Настойка тайёрлаш учун майдаланган хом-ашё шиша идиш ичига солинади ва

устига этил спирти солиниб, сўнгра маҳкам ёпиб турадиган қопқоқ билан беркитилади ҳамда етти кун давомида қоронғи жойда сақланади. Тайёр бўлган доривор суюқлик марли ёрдамида сиздириб олинади ҳамда ўсимлик қолдиқларидан тозалангач, усти қорайтирилган шиша идишда сақланади. Бундай усулда тайёрланган настойкалар бир неча йил сақланиши мумкин.

ҚИШГА ХУШБЎЙ ЎТЛАРНИ ҚУРИТИШ ВА ИШЛАТИШ

Ёз фасли турли туман яшилликлар учун бой вақт ҳисобланиб, бу нафакат фойдали балки бошқаси билан алмаштириб бўлмайдиган ўзига хос таниш таомларга бой давр ҳисобланади. Бу даврда хушбўй ўтларни қуритиш ёрдамида қишига захирани бойитиш мумкин. Ҳозирги вақтда қуритилган ўтларни дўкондан сотиб олиш мумкин, лекин улар ўз қўлларимиз билан қуритган хушбўй ўтлар каби бўлмайди. Ахир сиз сотиб олишингиз мумкин бўлган ўтларни ўзингиз тайёрлашингиз мумкин, бунда энг муҳими бу жараён кўп вақтни ва кўп жойни эгалламайди, ўтларнинг таъми ва ҳиди эса ишлаб чиқарилганлардан фарқ қиласди. Сиз ўзингиз кичик букетлар қўринишида шунчаки қилиб кўрсангиз сотиб олинганлардан фарқини сезасиз.

Пазандалик олами бизга тажриба учун имконият беради, бу эса хушбўй ҳидларга эга бўлган ўзингизнинг шахсий гулдастангизни яратишингиз, ўтларни аралаштиришингиз мумкин, бундай аралашмаларни таркибий қисмини қандай ҳохласангиз шундай ўзгартиришингиз мумкин. Ва сиз пиширган овқатингизнинг таъмини ҳеч ким ҳеч қачон эсдан чиқармайди ва адаштирумайди.

Турли жойларда ва шароитларда ўсган ўтлар ўзига хос муаттар ҳидни, таъмни беради ва улар «зиравор» ўсимликлар деб аталади. Қуйида сиз айрим зиравор ўсимлик турларининг келиб чиқиш тарихи билан танишасиз.

ЗИРАВОР ВА ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ¹

Агар, биз овқатимиз таркибига аччиқ таъм бериш учун қалампир каби зираворлардан қўшмасак, у ҳолда овқатнинг таъми енгил тавсифга эга бўлиши кузатилади. Ҳозирги кунда зираворлар ва консервантлар тайёрлашда ишлатиладиган хушбўй ҳидга эга ўсимлик турлари бизнинг замонавий ошхоналаримизда овқат тайёрлашда озиқ–овқатлар таркибида қўшиладиган муҳим таркибий қисмлардан бирига айланиб улгурган бўлиб, бу зираворларни жуда кам миқдорда ва қимматбаҳо бўлишини тасаввур қилиш қийин. Бироқ, тарихий даврларда зираворлар тайёрлаш учун ишлатиладиган ўсимлик турлари сир тутилган ва кишилик жамияти тараққиётида ўзига хос ўринга эга бўлган озиқ–овқатларнинг ажойиб тавсифга эга таркибий компонентлари сифатида қадирланган. Тарихда айрим зираворлар турларининг қимматбаҳолиги ва иқтисодий жиҳатдан бойиш имконини берувчи тижорат маҳсулоти сифатида ўрин тутганлиги сабабли, уларни етиштириб берадиган ҳудудлар глобал миқёсда кенг ўрганила бошланган ва ҳатто, ушбу ҳудудларни эгаллаб олиш учун ҳарбий урушлар олиб борилган.

Минг йиллар давомида маҳсус ҳид ва таъмга эга бўлган ўсимлик турларидан тайёрланадиган зираворлар озиқ–овқат маҳсулотлари ва турли хил ичимликлар тайёрлашда ишлатиб келинган. Ўсимликларнинг органларидан зираворлар тайёрлашда ботаник жиҳатдан аниқ фарқланувчи қисмлар қайд қилинмаган. Умумий ҳолатда, мұтадил иқлими ҳудудларда ўсишга мослашган айрим ўсимликлар турларининг барглари, пўстлоғи, илдизлари, уруғи ёки тропик минтақада ўсуви ўсимлик турларининг меваларидан зираворлар тайёрланган. Ибтидоий одамларнинг дастлаб ўсимлик турларидан зиравор сифатида қачондан бошлаб фойдаланганлиги ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолмаган. Эҳтимол, ов қилинган ҳайвонлар гўштининг устини маълум бир ўсимлик турлари билан ёпиб қўйган ҳолатда гўштининг таъми ёқимли бўлиб қолганлиги сабабли аста–секин ушбу ўсимлик турларидан зираворлар сифатида фойдаланила бошланган бўлиши ҳам мумкинлиги таҳмин қилинади.

Озиқ–овқатларни совутилган ҳолатда сақланиш усули ишлаб чиқилишига қадар, одамлар озиқ–овқатларни айнан зираворлар билан

¹ Linda R. Berg. Introductory Botany, 2008

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

ишлов бериш йўли билан ўзига хос консервациялаш типида узоқ вақт сақлаш мумкинлигини ҳаётий тажриба орқали ўрганишган. Шунингдек, айrim ҳолатларда тўлиқ бузилмаган, истеъмол қилишга яроқли бўлган, бироқ бироз таъми ўзгарган озиқ–овқат маҳсулотларини зираворлар билан ишлов бериш орқали исроф бўлмаслигини таъминлаш мумкинлиги аниқлашган.

Озиқ–овқат маҳсулотларининг узоқ вақт сақланишида зираворларнинг айrim турлари антибактериал таъсир фаоллигига эга бўлиб, озиқ–овқат маҳсулотлари таркибиға патоген микроорганизмлар тушиб қолишининг олдини олади. Зираворлар таркибида эфир мойларининг мавжудлигига қараб бир қатор турларга ажратилади. Таркибида эфир мойлари мавжуд бўлган зиравор ўсимликларнинг органлари қуритиш йўли билан тайёрланади. Бироқ, таркибида ванилин ва лимон кислотаси мавжуд бўлган ўсимликларни майдалаш йўли билан, суюқ зираворлар шаклида ишлатилади.

Узоқ вақт давомида одамлар айrim турдаги зираворлар шифобахшлик хоссага эгалигини аниқлашган. Масалан, долчин мойи тиши оғриғида ва занжабил эса – қандли диабет касаллигига даволовчи таъсир кўрсатишини аниқлашган. Бундан ташқари, зираворлар диний маросимларни ўтказишда муҳим воситалар сифатида фойдаланила бошланган, масалан кўпгина черковларда диний маросимларни ўтказишда ладан ўсимлик тури ёндирилганда ўзига хос ёқимли ҳид тарқалиши кузатилади. Шунингдек кўпгина зираворлар хушбўй атиrlар ва пардоз–андоз маҳсулотлари ишлаб чиқаришда таркибий компонентлар сифатида ишлатилади.

Зираворлар сифатида фойдаланилдиган ўсимлик турларининг келиб чиқиши Ватани дунёning турли хил минтақалари ҳисобланади. Жумладан, укроп, майоран, петрушка ва тошчўп ўсимликларининг келиб чиқиши Ватани Европа ҳисобланади. Долчин, занжабил, хушбўй ёнфоқ каби машҳур зираворларнинг келиб чиқиши Ватани – Ҳиндистон, Цейлон ороллари (Шри–Ланка) ва Зираворлар ороли (Малая архипелаги ороллари) ҳисобланади, айrim мурч (қалампир) турлари Суматра оролларида ўсувлари чирмашувчи лиана турининг қуритилган мевалари ҳисобланади. Шарқий Осиё ҳудудидан Қадимги Грециянинг машҳур шаҳарларига, Александрия, Мисрга савдо йўллари орқали турли хил зираворлар олиб келинган, айниқса зираворлар сотилувчи йирик марказ сифатида Ўрта Ер денгизи ҳудуди қайд қилинган. Рим империяси даврида зиравор савдоси

бутун Европада кенг оммалашган, ўз навбатида одамлар томонидан зиравор турларидан озиқ–овқатлар ва вино тайёрлашда фойдаланила бошланган. Греция салтанати ва Рим империяси инқирозга учраганидан кейин, Арабистон зираворлар савдоси бўйича доминантликни қўлга олган ва Узоқ Шарқ ва Европа ўртасида зиравор ўсимлик турлари савдоси йўлга қўйилган.

Венециядан Шарқий Осиёга саёҳат қилган Марко Полодан бошлаб кўплаб Европалик сайёҳлар фаолияти натижасида кўпгина зираворларнинг Осиё минтақасида йиғиб олинувчи ҳудудлари ҳақидаги маълумотлар тўпланган. Салибчилар юриши даврида Италия шаҳарлари, Венеция, Генуя шаҳарлари Европа билан Шарқ мамлакатлари ўртасида зираворлар савдоси орқали алоқалар амалга оширилган. Европалик сайёҳлар зираворлар тижорат йўналишида янги йўналишларни кашф қилишга уринишган, жумладан Шимолий Америка ва Жанубий Америка кашф қилинган. Жанубий Америка ва Кариб денгизи оролларида чиннигул дарахти, Кайенн, қизил қалампир ва ванилин каби зираворлар олинувчи янги қимматли ўсимлик турлари ўсиши аниқланган (1-расм).

Тарихий солномаларнинг дарак беришича, Португалияда денгизлар орқали сайёҳлик ривожланганлиги учун узоқ даврлар давомийлигига зираворлар тижоратида устувор давлатлардан бири сифатида ўрин тутган. Шунингдек, Голландия томонидан 1605–1621 йилларда Зираворлар ороллари босиб олинганидан кейин, деярли 200 йил давомида зираворлар сотиш соҳасида доминантлик қилган.

Албатта, келтириб ўтилган зираворлар тижоратини бошқарган ушбу давлатларнинг ҳар бири зираворлар савдоси орқали етарлича даражада катта иқтисодий фойда олган. Англия ҳукумати томонидан 1800–йилда Голландиядан зираворлар тижоратига ҳукмронлик қилиш тезда тортиб олинган. Бироқ, бу даврга келиб, дунё миқёсида зираворлар сотиш орқали келиб тушувчи иқтисодий даромадлар қиймати кескин камайган, чунки кўплаб сир тутилган зираворлар олинувчи ўсимлик турлар контрабанда йўли билан дунёning турли хил минтақаларига олиб келиб иқлимлаштирилган ва ўз навбатида, барча минтақаларда зираворлар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш кенг оммалашган эди.

Хозирги вактда зираворлар олинувчи ўсимлик турлари маҳсус экиб кўпайтирилади ва тайёрланган зираворлар маҳсус қадоқларга

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

жойланади ва сотувга чиқарилади, демак ҳар бир киши ўзи ҳохлаган зиравор турини ҳохлаган микдорда сотиб олиши мумкин.



1-расм. Зираворларни ишилаб чиқарувчи томондан зираворлар турларининг тақдим этилиши. (Юқоридан, чапдан ўнгга томон йўналишида): доривор укроп, Чили қизил қалампир, майдалангандан занжабил. (Ўртада, чапдан ўнгга томон йўналишида): кайен қалампир, майдалангандан долчин, фенугрик уруғлари. (Пастда, чапдан ўнгга томон йўналишида): кашнич уруғи, куркума ва Мексикада ўсувлечи орегана барглари [Barry Wong/The Image Bank/Getty Images].

ЎТЛАР ВА ДОРИ-ДАРМОНЛАРНИ БИРГАЛИКДА ИШЛАТИЛИШИ

Доривор ўсимликлар тўпламининг таркибига таъсир доираси бўйича мос келадиган шифобахш ўсимликлар танлаб олинади. Масалан, жигар ва ўт қопи касалликларини даволашда, ўт (сафро) чиқишини кучайтиришда, спазмолитик таъсирга эга бўлган (бўзноч гуллари ва дорихона мойчечаги, қалампирмунчоқ) ўсимликлар тавсия этилади.

Тўпламлар таркибини ва икки хил таъсирга эга бўлган доривор ўсимликларни бирга ишлатилмаслигини эсда тутиш керак. Тинчлантирувчи ва қўзғатувчи таъсирга эга бўлган ўтлардан бир вақтнинг ўзида фойдаланилмайди. Ушбу сабаблар туфайли арслонқулоқ ва валериана илдизи акс таъсирга эга бўлган пушти родиола ва манъжур аралияси билан биргаликда қўлланилмайди. Ҳамда ҳар хил таъсирга эга бўлган доривор ўсимликлар ва дори – дармонларни бир вақтнинг ўзида қўллаш ҳам мумкин эмас.

ТИБИЁТДА ВА ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ТАБИЙ ҲОЛДА ҲАМДА ФИТОПРЕПАРАТЛАР КҮРИНИШИДА ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

1. Баргиз анабазис - *Anabasis aphylla* L.

Итсигек

Chenopodiaceae

Ўсимликнинг тавсифи. Баргиз анабазис (*Anabasis aphylla*) Шўрадошлар (*Chenopodiaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик, йўғон илдизпояли, чала бута ўсимлик. Баргиз анабазиснинг бўйи 20-70 см га етадиган сершира пояли бўлиб, ер остида узун, йўғон бўлган илдизга эга. Илдиздан ўсиб чиқсан пояси қарама-қарши шохланган, шохчалари бўғим-бўғим, усти силлиқ, цилиндрический, мурт, юқори қисми яшил, ўтсимон, кузда ер устки қисмини деярли ҳаммаси қуриб қолади.

Катта ривожланган барглари бўлмайди, унинг ўрнида барг шаклини ўзгартирган қинчаларгина мавжуд. Гуллари майда, икки жинсли, кўримсиз, гулолди баргчаларининг қўлтиғида жойлашган бўлиб: бошоқчасимон тўпгулни ташкил қилади. Гулкосача барги 5 та бўлиб: 3 таси ташқарида ва 2 таси ичкари қисмida жойлашган. Ташқари қисмida жойлашган гулкосача баргидан мева пишганда ёпишиб қоладиган буйраксимон, сарғиш ёки қизғишироқ қанотча ҳосил бўлади. Меваси - атрофида айлана шаклда қаноти бўлган сувсизроқ мева.

Географик тарқалиши. Ўзбекистон ҳудудида тарқалган ўсимлик бўлиб, чўл зонасининг шўрхок ва тақир ерларда ўсади. Туя, от, қўй каби чорва моллари учун озуқа ҳисобланади.

Кимёвий таркиби. Анабазис ўсимлигининг ер устки қисмida 2 - 3% алкалоид бўлиб: N-афиллин оксида, оксиафиллидин; новдалари таркибида полисахаридлар, органик кислоталар, алкалоидлардан: лупинин, афиллин, афиллидин, анабазамин, оксоафиллин, оксиафиллин борлиги аниқланган.

Ишлатилиши. Ўсимликнинг ер устки қисми, асосан новдалари шифобахшилик хусусиятига эга. Унинг таркибидан ажратиб олинадиган моддалардан тайёрланадиган анабазин сульфат препарати инсектицид сифатида ишлатилади. Анабазин саноатда никотин кислотасини олишда хом-ашё бўлиб хизмат қилади. Анабазин

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

гидрохлорид таблеткаси чекишга (кашандалик) қарши қўлланилади.
Заҳарли ўсимлик.



Баргиз анабазис (*Anabasis aphylla* L.).

2.Бозулбанг, гангитувчи бозулбанг, сархуш бозулбанг-Lagochilus inebrians Bge. Лагохилус опьяняющий *Lamiaceae, Labiateae*

Ўсимликтининг тавсифи. Бозулбанг (*Lagochilus inebrians*) – Ялпиздошлар - *Lamiaceae* (Лабгулдошлар - *Labiateae*) оиласига мансуб қўп йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 20-70 см га етади. Ташки кўринишидан қуён лаби номини олган (юононча “lagos” – қуён, “cheilos” – лаб) бу ўсимликтин пояси сершоҳ, асос қисми ёғочлашган, тўрт қиррали бўлиб, қаттиқ безли туклар билан қопланган. Барглари оддий, ромбасимон, тухум шаклида ёки елпиғичсимон, учи тиканли бўлакларга бўлинган бўлиб, поя ва шохларида банди билан қарама-қарши жойлашган. Қўнфири томирли гултожиси оқ ёки пушти рангли, 20-28 мм узунликда бўлиб, поя ва шохларида ярим халқа шаклида жойлашган. Гултожиси гулкосадан узун бўлиб, чиқиб туради. Меваси 4 та ёнғоқчадан иборат. Июнь-сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди.

Географик тарқалиши. Доривор ўсимлик сифатида етишириладиган Бозулбанг (Лагохилус) Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Ҳимолай тоғлари, Кавказ ва Россия (Тува вилояти)да қўп учрайди. Шу жумладан, Ўзбекистон ва Тожикистон республикаларида ярим чўл ва шағалли қия тоғ бағирларида ўсади. Денгиз сатҳидан 1200 м баландликдаги соз ҳамда шағалли соз тупроқларда, шувоқ ва бошқа турлардан ҳосил бўлган ўсимликлар орасида учрайди. Бироқ, унинг айрим турларини денгиз сатҳидан 3200 м баландликларда ҳам учратиш мумкин. Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган. Ўсимлик Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида K_1 витамини, 0,6-1,97% лагохилин, 0,67% flavon гликозидлари, 0,068-0,22% эфир мойи, 0,20% стахидрин, 44-77мг % аскорбин кислота, 6-7% органик кислоталар, 5-10мг % каротин, 2,58-2,78% ошловчи ва бошқа моддалар ҳамда кальций, темир тузлари мавжуд. Барги таркибида лагохилин, 0,03% эфир мойи, 11-14% ошловчи моддалар, органик кислоталар, 7-10мг % каротин ва 77-100мг % С витамини бор.

Ишлатилиши. Гангитувчи бозулбангдан олинган препаратлар қон тўхтатувчи, седатив, гипотензив ва аллергияга қарши восита

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

сифатида тиббиётда кенг ишлатилади. Шу жумладан, бачадондан, ўпкадан қон оқишини, бурун қонашини ва геморроидал қон оқишини тўхтатиш, гемофилия ҳамда Верльгоф касаллигини даволаш учун ишлатилади. Маълумотларга қараганда, Бозулбанг турининг сувли ва спиртли қайнатмалари гемостатик хусусиятидан ташқари тинчлантирувчи, гипотензив, седатив, шокка, нурланишга ва дезаллергик (аллергияга қарши) сингари физиологик фаол хусусиятларга эга.



Бозулбанг (*Lagochilus inebrians* Bge.).

3. Вайян шотараси-Fumaria Vaillantii Loisel. Дымянка Вайана *Fumariaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Вайян шотараси (*Fumaria Vaillantii*) Шотарадошлар (*Fumariaceae*) оиласига мансуб бир йиллик ўт ўсимлиқ. Поясининг бўйи 5-20-40 см, кулранг-яшил рангли, кучли шохланган бўлиб, атрофга ёйилиб ўсади. Поялари тез синувчан. Барглар уч марта патсимон қирқилган, поядা кема-кет ўрнашган. Гуллари пушти-сиёҳ рангли, зигоморф, шингилсимон тўпгулда йифилган. Косачабарги иккита, пардасимон ёки тангачасимон. Тожибарглари тўртта, пихли, узунлиги 5-6 мм, чангчилари иккита, уруғчиси битта. Меваси бир уруғли ёнғоқча, шарсимон, этли. Март-июль ойларида гуллаб уруғлади.

Географик тарқалиши. Россиянинг Европа қисмида, Кавказ, Фарбий Европа, Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Айниқса Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида учрайди. Воҳалардаги боғ ва экинзорларда ўсади. Адир ва тоғ зонасида тарқалган.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида фумарин алкалоиди ва фумарин кислотаси мавжуд. Р.К. Алиев ўсимлик таркибида 44,9 мг % С витамини борлигини аниқлаган. Азарбайжон шароитида ўсган ўсимлик таркибида 0,22% алкалоидлар, 0,008-0,014% гликозидлар, 0,8-1,1% ошловчи моддалар, 1,27-3,1% шакар, 2,5-4% қатронлар, буёқ моддалари, кам миқдорда эфир мойи; барглари таркибида 240-400 мг % С витамини ва К витаминлари аниқланган (Акопов, 1981). Вайян шотараси таркибида фумаридин, адлумин, гидрастин каби алкалоидлар ҳам мавжуд.

Ишлатилиши. Ўсимликнинг ер устки қисми ишлатилади. Ўсимликнинг препаратлари ва суюқ экстракти қон босимини туширади, бачадондан қон кетишини тўхтатади. Бундан ташқари жигар ва тери касалликларини даволашда ишлатилади.



Вайян шотараси (*Fumaria Vaillantii* Loisel.).

4. Данакли оққурай - *Psoralea drupacea* Bge. Псоралея костянковая *Fabaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Данакли оққурай (*Psoralea drupacea*) Дуккақдошлар (*Fabaceae*) оиласига мансуб, кўп йиллик, бўйи 70-130 см га етадиган ўт ўсимлик. Илдизи 2-4 м чуқурликкача ўсади. Пояси тарвақайлаб шохланган бўлиб, тик ўсувчи, асос қисми бир оз ёғочланган. Барги оддий ёки учбаргчали, деярли думалоқ, кенглиги ва бўйи деярли тенг-1,5-5 см бўлиб, қисқа банди билан пояга кетмакет ўрнашган. Гуллари қўш жинсли, майда, оқ, кўкиш рангли, барг қўлтиғидан чиққан шингилга тўпланган. Гулкосачаси қўнғироқсимон, 5 тишли, гултожибарги 5 та, зигоморф. Меваси-майда, юмалоқ, сертуқ, пишганда очилмайдиган бир уруғли дуккак, узунлиги 5-6,5 см, кенглиги 2,5-3,5 см.

Май-июнъ ойларида гуллайди, меваси июнъ-сентябрда пишади.

Географик тарқалиши. Ўрта Осиё Республикалари, жумладан Ўзбекистонда (Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида), Жанубий Қозоғистонда табиий ҳолда учрайди.

Тоғ ёнбағирларида, баҳорикор ерларда бегона ўт сифатида ўсади. Чўл ва адир зонасида тарқалган доривор ўсимлик.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисмидан бакугиол антибиотики, умбеллиферол ажратиб олинган. Меваси ва илдизлари таркибида псорален, изопсорален, ошловчи моддалар; меваси таркибида мой ҳамда друпацин ва друпанол бор (Курмуков, Белолипов, 2012).

Ишлатилиши. Халқ табобатида баргларидан тайёрланган порошоклар билан йирингли яралар, витилиго, тери касалликлари ҳамда соч тўкилиши даволанган. Тиббиётда ўсимликдан тайёрланган Псорален таблеткаси витилиго касаллигини даволашда қўлланилади.



Данакли оқкурай (*Psoralea drupacea* Bge.).

5. Далачай, тешик чойўт – *Hypericum perforatum* L. Зверобой продырявленный, обыкновенный *Guttiferae, Hypericaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Далачай (*Hypericum perforatum*) – Далачайдошлар (*Hypericaceae*) оиласига кирадиган кўп йиллик ўт. Бўйи 30-35 см га етадиган, пояси бир нечта, тик ўсуви, силлиқ, туксиз, қиррали бўлиб, юқори қисми дихотомик шохланган. Барглари оддий, чўзиқ-тухумсимон шаклли, узунлиги 10-17 мм, пояда бандсиз қарама-қарши жойлашган. Тўпгули қалқонсимон ёки думалоқ-тухумсимон рўвакда йиғилган, кўп гулли. Гуллари актиноморф, мураккаб гулқўрғонли, икки жинсли, сариқ рангли тожибаргларининг узунлиги 18-20 мм бўлиб, чангчиларидан узунроқ. Меваси уч хонали, кўп уруғли, пишганда очиладиган кўсакча. Уруғи майда, чўзинчоқ ва чуқурчали бўлиб, қўнғир рангли. Июль-сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди.

Географик тарқалиши. Далачай Украина, Молдавия, Белоруссия, Россиянинг Европа қисмидаги, Фарбий Сибирнинг ўрмон, ўрмон-чўл ҳудудларида, Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистоннинг қуидаги вилоятларида: Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарёниг адир ва тоғларида, сернам ерларда, ариқ бўйларида ўсади.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида (илдизидан ташқари) буёқ олинадиган моддалардан гиперицин, псевдогиперицин, флавоноидлардан-гиперозид, рутин, кверцитрин, кверцетин, 0,1% эфир мойи, терпенлар; барглари таркибида 9-13 мг % каротин, 10% ошловчи моддалар бор.

Ишлатилиши. Ўсимликнинг ер устки қисми, пояси, барги, гуллари, пишмаган мевалари дориворлик хусусиятига эга. Далачайни микробларни ўлдирувчи, қон тўхтатувчи, тинчлантирувчи, шамоллашга қарши таъсир этувчи хусусиятлари аниqlанган.

Бу ўсимликдан тайёрланган препаратлар ички қон кетиши, бачадон қон кетиши, ипохондрияни даволашда ишлатилади, асабларни тинчлантирувчи таъсирга эга. Ибн Сино далачай дамламаларини оғриқ қолдирувчи сифатида ишлатган. Полшада маҳаллий аҳоли томонидан ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама воситасида қон кетишлар, невралгия, неврастенияни, уйқусизликни даволашган, бош оғриқларини

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

қолдиришда ишлатишган. Бундан ташқари далачойдан ошқозон-ичак касалликлари, жигар, ўт пулғаги касалликлари, циститни даволашда ҳам фойдаланилған.



Далачай (*Hypericum perforatum* L.).

6. Доривор тирнокгул-*Calendula officinalis* L. Календула лекарственная *Asteraceae, Compositae*

Ўсимликининг тавсифи. Доривор тирнокгул (*Calendula officinalis*) – Мураккабгулдошлар (*Compositae*) (Астралдошлар-*Asteraceae*) оиласига киради. Бўйи 30-50 см гача ўсадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ўсуви, қаттиқ, шохланган бўлиб, безли туклар билан қопланган. Барги оддий, бандли, чўзиқ-наштарсимон, сертуқ, пояда кема-кет жойлашган. Поянинг юқори қисмидаги барглари бандсиз, тухумсимон ёки ланцетсимон бўлса, илдиз бўғзидаги барглари эса йирик, узун бандли.

Майда гуллари саватча тўпгулда йиғилган бўлиб, саватчаларининг диаметри 2-5 см. Гуллари сариқ, тилла рангли, баъзан қат-қат жойлашган гултожибаргли. Меваси-писта. Уруғлари букилган, елка қисми тиканли ёки бўртмали. Июнь, баъзан май оидан бошлаб, кеч кузгача гуллайди, меваси июль оидан бошлаб етилади.

Географик тарқалиши. Доривор тирнокгул ёввойи ҳолда фақат Ўрта Ер денгизи атрофидаги давлатларда учрайди. Украина, Молдавия, Кавказ, Ўрта Осиёда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Саватча ичидағи гуллари таркибида 3% гача каротиноидлар: каротин, ликопин, виолаксантин, цитраксантин, рубиксантин, флавохром, 0,02% эфир мойи, 3,4% смолалар, 4% шиллиқ моддалар ҳамда 6,8% олма кислотаси бор. Ер устки қисмида 19% аччиқ модда-календена мавжуд (Акопов, 1981).

Ишлатилиши. Табобатда тўпгули ишлатилади. Тўпгуллари ўсимлик гуллаган даврида гулбандидан қирқиб йиғиб олинади ҳамда елвизак жойда ёки 40-45°C иссиқ ҳароратда қуритилади. Тайёр маҳсулот бир йилгача сақланиши мумкин.

Доривор тирнокгул микробларга ҳамда яллиғланишга қарши таъсир қилувчи, қон таркибини тозаловчи, тинчлантирувчи, қон босимини туширувчи хусусиятларга эга. Унинг препаратлари дезинфекция қилувчи, жароҳатланган қисмларни тикловчи таъсирга эга бўлгани учун, йирингли яралар, терининг совук урган ҳамда куйган жойларини даволашда фойдаланилади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Ўсимлик тўпгулидан тайёрланган дамламалари гипертоник касалликларнинг бошланғич давларида, аёлларда асоратли кечадиган климакс даврида ичилганда қон босимининг меъёрига тушганлиги, бош оғриқларининг камайганлиги ҳамда bemor аҳволининг яхшиланганлиги кузатилган. Бундан ташқари юрак касалликлари, жигар ва ўт пуфаги, ошқозон ҳамда ичак касалликларида, гастрит, энтерит, колит ва тери касалликларини даволашда ҳаи ижобий натижалар беради.

Дамлама тайёрлаш. Уй шароитида дамламасини тайёрлаш учун 20 г гуллари устига бир стакан қайнаган сув қўйиб дамланади. Тайёр дамлама кунига уч маҳал 1/2 стакандан ичилади.



Доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.).

7. Доривор мармарак - *Salvia officinalis L.* Шалфей лекарственный *Lamiaceae, Labiateae*

Ўсимликнинг тавсифи. Доривор мармарак (*Salvia officinalis*) Ялпиздошлар - *Lamiaceae* (Лабгулдошлар-*Labiateae*) оиласига мансуб, кўп йиллик, бўйи 20-50 см га етадиган ярим бута. Пояси шохланган, сербарг, тўрт қиррали, пастки қисми бир оз ёғочланган. Барги оддий, узун бандли, чўзинчоқ ёки ланцетсимон шаклли, учи тўмтоқ, барг чети ўтмас тишли, узунлиги 6-10 см, кенглиги 2-2,5 см. Пояни юқори қисмидаги барглари бандсиз бўлиб, қарама-қарши жойлашган. Ёш барглари жуда кўп туклар билан қопланганлиги учун кумуш рангда кўринади. Баргидаги 3 - 4 тартибдаги томирлари бўртиб чиққани учун, пастки томонида майда катакчалар шаклини ҳосил қилган. Гуллари қисқа бандли, майда, поянинг юқори қисмida бошоқсимон гул тўпламини ҳосил қилади. Гули зигоморф, мураккаб гулқўрғонли, қўш жинсли. Гулкосачабарглари бешта, бирикиб ўсган, сертук. Кўк бинафша рандаги гулложибарглари бешта бўлиб, бирикиб ўсиб, икки лаб кўринишини ҳосил қилган. Устки лаби иккита, пастки лаби учта гулложибаргнинг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган. Чангчиси иккита, уругчиси битта, иккита мевачабаргнинг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлган, тугунчаликни устки, тўрт уяли. Меваси 4-та ёнгоқчадан ташкил топган. Июнь - июль ойларида гуллайди.

Географик тарқалиши. Ватани Ўрта Ер денгизи атрофидаги давлатлар. Молдавия, Украина, Краснодарскда ва Кримда ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик баргларида флавоноидлар, алкалоидлар, ошловчи ва смоласимон моддалар, олеанол ва урсолат кислоталари, Р, РР витаминлари, фитонцидлар ва эфир мойи бўлиб, унинг таркибида пинен, цинеол, туйон, борнеол, сальвин ва бошқа моддалар бор (Соколов, Замотаев, 1988).

Ишлатилиши. Доривор мармарак баргининг препаратлари буриштирувчи, дезинфекцияловчи хусусиятларга эга бўлиб, юқори нафас йўллари яллиғланганда ишлатилади. Доривор мармарак барги томоқ меъда касалликларида ва ич кетишига қарши ишлатиладиган ийғималар - чойлар таркибига киради.



Доривор мармарак (*Salvia officinalis* L.).

8. Доривор гулхайри – *Althaea officinalis* L. Алтей лекарственный *Malvaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Доривор гулхайри (*Althaea officinalis*) Гулхайридошлар (*Malvaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлиқ. Илдизпояси йўғон бўлиб, қўнғир-сариқ рангли, кўп бошли. Ўқ илдизининг юқори қисми ёғочлашган бўлиб, 50 см узунликкача ўсади. Пояси тик ўсади, бир оз шохланган, цилиндричесимон, пастки қисми ёғочлашган бўлиб, баландлиги 70-150 см га етади. Барги оддий, узун банди билан пояда кетма-кет ўрнашган, тухумсимон, учбурчак-юраксимон шаклли, баъзан 3-5 бўлакли. Пояга ўрнашган барглари ноаниқ бўлакли, баъзан бутун, кул ранг-яшил. Ён баргчалари майда, ингичка, чўзиқ ёки ланцетсимон. Барг япроғининг уни ўткирлашган, барг четлари тиҳсимон қиррали. Ўсимликнинг ер устки қисми сертуқ бўлгани учун кул ранг-яшил тусда кўринади. Гуллари йирик, мураккаб гулқўрғонли, икки жинсли бўлиб, гултожибарглари бешта, оч пушти, баъзан оқиш рангли, гулкосачабаргига нисбатан 1,5-2 марта узун. Гулкосачаси икки қаватли, пасткиси 8-12 бўлакка ажralган, устки косачабарги беш бўлакли бўлади. Чангчилари кўп сонли бўлиб, қўшилиб ўсиб найча шаклида уруғчини ўраб олган. Уруғчи тугуни 15-25 хонали, устки тугунчали. Меваси яssi, юмалоқ, кўп уруғли. Июнь-сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди.

Географик тарқалиши. Доривор гулхайри Россиянинг Европа қисмида, Сибирь, Крим ва Кавказ, Ўрта Осиё шу жумладан, Қозоғистон ва Ўзбекистон флорасида учрайди. Тўқайзорлар ва бошқа нам ерларда ўсади.

Кимёвий таркиби. Илдизи ва илдизпояси таркибида полисахаридларга мансуб 35% шиллик моддалар сақлайди. Бундан ташқари 37% гача крахмал, 8% қанд, 6% гача пектин моддалари, аспаролин кислотаси, 4% бетаин, 1,7% мой ва бошқа моддалар бор. Гули ва барги таркибида 0,02% қаттиқ эфир мойи бор. Илдизи ва илдизпоясининг шиллик моддалари пентозанлар, гексозанлар ва урон кислоталар аралашмасидан ташкил топган.

Х.Х. Холматов ва Ў.А. Аҳмедовнинг (1997) маълумотларида илдизи таркибида 11% гача шиллик моддалар бўлиши келтирилган.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Ўсимлик таркибида шиллик ва пектин моддаларининг кам ёки кўплиги унинг дориворлик хусусиятини таъминлаб беради.

Ишлатилиши. Илдизи, илдизпояси, барги ва гуллари доривор хисобланади. Илдизи март-май ойларида ёки сентябрь-ноябрь ойларида тайёрланади. Махсус плантацияларда экилган ўсимликларнинг хом-ашёси иккинчи йилдан бошлаб ковлаб олинади.

Ўсимлик препаратлари шамоллашга қарши, юмшатувчи, балғам ҳайдовчи хусусиятларга эга. Ўсимлик таркибидаги шиллик моддалар ошқозон-ичак тизими яра касалликларида яллиғланиш жараёнини камайтиради ва тикланиш жараёнига замин яратиб беради. Ибн Сино гулхайри илдизидан, барги ва уругларидан тайёрлаган дамлама билан йўтал, зотижам, қон туфлаш ва буйрак касалликларини даволаган.

Илдизидан тайёрланган дамламаси нафас йўллари касалликларида балғам қўчириш, қўкракни юмшатиш учун ҳамда яллиғланишга қарши дори воситаси сифатида ишлатилади.

Дамлама тайёрлаши учун сирли идишга 2 стакан миқдорида қайнаб совутилган сув қуйилади ва унинг устига 4 чой қошиқ майдалангандан илдизидан солиб, 8 соат давомида тиндириб қўйилади. Тайёр бўлган дамлама 3-4 маҳал ярим стакан миқдорда ичилади.



Доривор гулхайри (*Althaea officinalis* L.).

9. Доривор лимонўт-Melissa officinalis L. Мелисса лекарственная *Lamiaceae, Labiateae*

Ўсимликнинг тавсифи. Доривор лимонўт (*Melissa officinalis*) Лабгулдошлар (*Labiatae*) оиласига мансуб, ёқимли лимон ҳиди келиб турувчи, майин туклар билан билан қопланган кўп йиллик ўт ўсимлик. Илдизи мустаҳкам, пояси тўрт қиррали, сершох, бўйи 120 см гача боради. Меваси уч қиррали тўқ жигаррангли, эрта баҳордан вегетацияси бошланади. Июнь-август ойларида гуллайди.

Тарқалиши. Лимонўт Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ва Кавказда табиий ҳолда тарқалган. Италияда асосий хом-ашёси тайёрланади.

Доривор лимонўт дараҳтлар тагида, соя-салқин ерларда ўсади.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида С витамини, 0,03-0,2 % эфир мойи, каротин, фенолкарбон кислоталари, флавоноидлар, ошловчи моддалар, кумаринлар, олеонат, уросолат ва бошқа кислоталар бор. Эфир мойи таркибида гераниаль, нераль, 6-метилгептен-5-он-2, цитронеллаль, окись кариофилена, геранилацетат, β -кариофиллен, *цис*-гексен-3-ол, бензальдегид, октанон-3, 6-метилгептен-5-ол-2, ангидролиналоолоксид I, ангидролиналооксид II, лимонен, транс- β -оцимен, линалоол, *цис*-линалоолоксид, *транс*-линалоолоксид, 4-изопренилциклогексанон, *транс*-2-изопропилиден-5-метилцикlopентанкарбальдегид, *цис*-розеоксид, транс-розеоксид, фотоцитраль, изогераниаль, пулегол, изопулегол, неролоксид, метилсалицилат, сафраналь, δ -терpineол каби моддалар мавжуд.

Барглари таркибида 0,06-0,33 эфир мойи, гулларида 0,55 % урсолат кислотаси, меваларида 15 % мой, уруғларида углеводлар бўлади.

Ишлатилиши. Барглари, новдалари-ўсимлик гуллаб турган даврда йиғиб олинади. Лимонўт ўсимлиги тинчлантирувчи хусусиятга эга. Шунинг учун лимонўтининг қайнатма ва дамламалари мелонхолияда, овқат ҳазми бузилганда, асаб тизимини ва юрак ишини қувватлаш учун, сийдик ва ел ҳайдайдиган, терлатадиган, оғриқ қолдирадиган, талvasага қарши восита сифатида қўлланилади. Ибн Сино ўсимлик ҳақида, «лимонўт юракни

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

тетик қилиб, мустаҳкамлайди, овқатни ҳазм қиласы, ҳикичоқ тутганда ёрдам беради» деб ёзган.

Халқ табобатида лимонүтли чой юрак, мия ва сезги аъзоларини қувватли қилувчи дори сифатида ичирилган. Лимонүт қоринда, буйракда ва бошқа ички аъзоларда пайдо бўладиган санчиқни қолдиради.

Замонавий тиббиётда лимонүтнинг эфир мойи худди валерианага ўхшаб тинчлантириши аниқланган. Лимонүтни асаблар бўшашганда, бош оғриғида, подагра, камқонлик, уйқусизликда, артериал гипертонияда, атеросклерозда, шунингдек баданга тошма тошганда, чипқон чиққанда, стоматитларда ишлатиш тавсия этилади.

Невроз касаллигига: 20 г ўт ва 1 литр сувдан тайёрланган дамлама 1/3 стакандан кунига 3 маҳал ичилади.

Томоқ ва милклар шамоллагандага: Майда тўғралган 8 чой қошиқ ўт устига 2 стакан қайноқ сув қўйиб, 1 соат ёпиб қўйилади, кейин сузуб олиниб, фойдаланилади.

Уйқусизликда: 3 чой қошиқ майда тўғралган ўсимлик устига 0,5 стакан қайноқ сув солиб, 10 минут дамлаб қўйилади. Тайёр дамламага асал қўшиб, кунига 3 маҳал 2-3 қошиқдан ичиш тавсия этилади.

Лимонүтнинг яшил баргларини қон босими тез-тез ошиб турадиган беморлар чой ўрнида дамлаб ичиб туришса, қон босими меъёrlашувига ёрдам беради.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР



Доривор лимонўт (*Melissa officinalis* L.).

10.Доривор валериана, доривор асарун - *Valeriana officinalis* L. Валериана лекарственная *Valerianaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Доривор валериана (*Valeriana officinalis*) Валерианадошлар (*Valerianaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Баландлиги 2 м гача бўлиб, тик ўсувчи, цилиндричесимон, майда қиррали, шохланмаган, ичи ковак поя ҳосил қилади. Илдизпояси қисқа бўлиб, ундан кўп сондаги майда илдизчалар ўсиб чиқади. Биринчи йили илдизолди барглар ҳосил қилади. Барги оддий, тоқ патсимон бўлиб, 4-11 жуфт бўлакчалардан иборат. Илдиз олди барглари узун бандли, юқоридагилари қисқа бўлади ва пояда қарама - қарши жойлашади.

Гуллари майда, қалқонсимон рўвакка тўпланган. Гулкосача барглари яхши ривожланмаган, гултоjisи воронкасимон, беш бўлакли, учи ичкарига қайрилган, оқ ёки пушти рангли, чангчиси 3 та, уруғчи тугунчаси уч хонали, пастда жойлашган. Меваси - чўзиқ тухумсимон, оч қўнғир писта. Май ва август ойларигача гуллайди.

Географик тарқалиши. Кавказ, ғарбий ва шарқий Сибирда, Узок Шарқда, Россиянинг Европа қисмида, Ўрта Осиё чўлида тарқалган.

Кимёвий таркиби. Илдизпояси ва илдизлари доривор хусусиятга эга бўлиб, таркибида 3-3,5 % эфир мойи, изовалериан кислота, борнеол, сирка кислотаси, пиненлар, сесквитерпенлар, кам миқдорда алкалоидлар, валерозидлар, ошловчи моддалар, сапонинлар, қандлар, органик кислоталар ва бошқа моддалар учрайди.

Ишлатилиши. Ундан тайёрланган препаратлар асаб тизимини тинчлантирувчи ҳамда юрак фаолиятини яхшиловчи сифатида қўлланилади. Ўсимликдан олинган хом-ашё валидол, кардиовалел, валокардин, корвалол каби дорилар асосини ташкил қилади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР



Доривор валериана (*Valeriana officinalis* L.).

11. Доривор қоқиўт, момақаймоқ - *Taraxacum officinale* Weber S. L. (Wigg) Одуванчик лекарственный *Asteraceae, Compositae*

Ўсимликтининг тавсифи. Доривор қоқиўт (*Taraxacum officinale*) Мураккабгулдошлар (*Compositae*) оиласига мансуб, кўп йиллик, сутширали ўт ўсимлик. Илдизи кам шохланган бўлиб, ўқ илдиз тизимиға эга. Барглари илдизолди тўпбаргдан иборат бўлиб, ер бағирлаб ёки кўтарилиб ўсади. Барги оддий, узунлиги 10-20-30 см, кенглиги 3-5 см, ланцетсимон, патсимон қирқилган, ён бўлаклари кенг ёки ингичка учбурчакли бўлиб, асос қисмига томон торайиб боради. Барг бўлакларининг учи барг асосига қараб йўналган. Гул ўқи туксиз, ичи ковак, цилиндричесимон, узунлиги 15–30 см. Гуллари диаметри 2-4 см ли йирик саватчага тўпланган. Саватчанинг ўрма баргчалари икки қатор жойлашган бўлиб, ташқи қаватдагилари энсиз, қаламинаштарсимон, пастга қараб қайрилган, узунлиги 7-12 мм, кенглиги 2-2,5 мм. Гулларининг ҳаммаси зигаморф, тилсимон бўлиб, икки жинсли. Гултожибарги 5 тишли, тилла рангли, чангчиси 5 та, уруғчи тугуни бир хонали, юқорига жойлашган. Меваси – учмали писта.

Апрель-июнь ойлари гуллаб уруғлайди.

Географик тарқалиши. Доривор қоқиўт космополит тур ҳисобланиб, Арктика ва чўл туманлардан ташқари ҳамма ерда тарқалган. Ўзбекистонда ҳам табиий ҳолда учрайди. Асосан ўрмон, ўрмон-чўл ва чўл ҳудудларида (чўлни шимолий туманларда) ўтлоқлар, қўчаларда, ҳовли, боғ, парклар, экинзор, ариқ ва йўл бўйларида ўсади. Украина, Белоруссия республикалари, Воронеж, Курск, Куйбишев вилоятлари ва Бошқирдистонда хомашёси тайёрланади.

Кимёвий таркиби. Илдизи доривор ҳисобланиб, таркибида тараксацин ва тараксацерин аччиқ гликозидлари, тараксерол, тараксостерол, β-амирин ва бошқа тритерпен бирикмалари, 24% гача инулин, 2–3% гача каучук, ёғ ва бошқа моддалар бўлади. Гул тўплами ва барги таркибида каротиноидлар, тритерпен спиртлардан-арнидиол ва фарадиол ҳамда витамин В₂ бор.

Ишлатилиши. Қоқиўт ўсимлигининг доривор препаратлари аччиқ модда сифатида иштаҳа очиш, овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилаш учун ҳамда ўт ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Фармацевтикада қоқиўт ўсимлигининг қуюқ эксракти хаб дори тайёрлашда қўлланилади. Қоқиўтнинг қирқилган илдизи иштаҳа очувчи, ўт ҳайдовчи ва меъда касаллигига ишлатиладиган чойлар – ийғмалар таркибиға киради. Барглари витаминларга бой бўлгани учун сабзавот сифатида ишлатилади.



Доривор қоқиўт (*Taraxacum officinale* Weber S. L. (Wigg)).

12. Ербағирлаган темиртикан - *Tribulus terrestris* L. Якорцы стелющиеся *Zygophyllaceae*

Ўсимликтининг тавсифи. Ербағирлаган темиртикан (*Tribulus terrestris*) – Туятоондошлар (*Zygophyllaceae*) оиласига мансуб бир йиллик, ерда ётиб ўсувчи, ўт ўсимлик бўлиб, узунлиги 1м баъзи 3 метрларгача етади. Ўсимлик асос қисмидан бошлаб шохланган, тукли. Барглари қарама-қарши жойлашган, 5-7 жуфт тухумсимон баргчаларга эга. Майда ёндош баргчалари бор. Баргчалари ланцетсимон ёки чўзинчоқ шаклли, бироз ўткир учли, текис қиррали.

Гуллари майда, сарик, беш бўлакли, калта бандли бўлиб, якка - якка ҳолда барг қўлтиғига жойлашган.

Меваси - пишганда беш (ёки 2-4) та юлдузсимон жойлашган учбурчак - понасимон, қаттиқ, 2-4 тиканли ёнғоқларга ажralадиган қуруқ тўп мева. Ўсимлик май - июнъ ойларида гуллайди, июнъ - июль ойларида меваси пишади.

Географик тарқалиши. Ўрта Осиё, Козогистон, Россиянинг жануби, Қrim ва Кавказда дашт, чўллар, тепаликларда, сойларда дарёларнинг қирғокларида, темир йўл ёқаларида, ифлосланган жойларда ва бошқа ерларда ўсади.

Кимёвий тарқиби. Ўсимликтинг ер устки қисмida стероид сапонинлар, алкалоидлар: гармол, гарман, флавоноидлар, С витамини, ошловчи моддалар аниқланган. Сапонинлардан диосцин, 2% диосгенин, гитогенин, хлорогенин ва бошқалар бор.

Ишлатилиши. Доривор препаратлари атеросклерозга қарши восита ҳисобланиб, холестерин миқдорини камайтириш, сийдик хайдаш хусусиятига эга. Трибуспонин препарати атеросклерозга қарши ишлатилади (умумий, мия, юрак склерозини даволашда қўлланилади). Трибуспонин-стериоидлар ва сапонинлар йифиндисидан иборат - таблетка ҳолида чиқарилади. Ўсимликлардан олинган диосгенин гармонал препаратини синтезида хомашё сифатида қўлланилади.



Ербағирлаган темиртikan (*Tribulus terrestris* L.).

**13. Ёввойи хина, майдагул хина – *Impatiens parviflora* DC.
Недотрога мелкоцветковая
*Balsaminaceae***

Ўсимликтининг тавсифи. Ёввойи хина (*Impatiens parviflora*) бир йиллик туксиз ўсимлик, бўйи 30-50-70 см гача ўсади. Барглари эллипссимон ёки тухумсимон бўлиб, пояда навбатлашиб жойлашган. Гуллари майда, сарик рангли, узунлиги 1 см гача, 4-8 тадан узун гулбандга ўрнашган. Гулкосачабарглари учта, яхши тарақкий этмаган, иккитаси майда, биттаси йирик, пихли. Гултожибарги бешта, чангчилари ҳам бешта. Уруғчиси битта, ценокарп, тугуни беш хонали. Меваси узунасига икки паллага

бўлиниб очиладиган кўсак. Бу ўсимликнинг ажойиб хусусияти шундаки, у уруғларини ташқи таъсирот натижасида отиб сачратади. Пишиб етилган мевасига қўл тегиб кетса, кўсак палласи мева бандидан тез узилади ва спирал шаклида буралади, уруғлари сочилиб кетади. Чунки кўсак палласи ичидаги кучли тургор ҳолатида бўлган хужайраларга таъсир қилиш натижасида улардаги босим ўзгариб, мева паллаларини тезлик билан спирал шаклида буралишга мажбур қиласи. Бу ҳол мева паллаларига ёпишган уруғларни куч билан ҳар томонга улоқтириб юборади.

Географик тарқалиши. Ёввойи хина Олтой, Санкт-Петербург вилояти, Ўрта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда кенг тарқалган бўлиб, уни Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида учратиш мумкин. Ёввойи хина асосан тоғларда, сернам жойларда, ёнғоқзорларда, қояларнинг тагларида, сой бўйларида, бегона ўт сифатида эса воҳаларда ва боғларда ўсади.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида 0,43% флавоноид гликозидлари, 0,016% алкалоидлар, 7,2 мг % С витамини, кам миқдорда каротин мавжуд. Баргларидан олинган экстрактда n-оксибензой, ванилин кислотаси, гептизин кислотаси, ферулин кислотаси, n-кумарин кислотаси, кофейин кислотаси, 2-метокси-1,4-нафтохинон аниқланган (Акопов, 1981).

Ишлатилиши. Ўсимликнинг барги, илдизи, гуллари ва уруғи доривор. Халқ табобатида қон тўхтатувчи восита сифатида ишлатилади. Бундан ташқари гуллари ва уруғи заҳарли илон чақкан жойга қўйилса, илон захрини кесади.

Ўсимлик настойкаси тинчлантирувчи ва қон босимини пасайтирувчи хусусиятга эга бўлиб, ҳайз циклини меъёrlаштиради, тўғриқ жараёнини тезлаштиради, заҳарланишга қарши таъсир этади.

10г майдаланган ўсимлик устига бир стакан қайнаган сув солиб 1-2 соат тиндириб қўйилади. Овқатдан олдин $\frac{1}{4}$ стакандан кунига уч маҳал ичилади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР



Ёввойи хина (*Impatiens parviflora* DC.).

14. Ёввойи сабзи—*Daucus carota* L. Морковь дикая *Apiaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Ёввойи сабзи (*Daucus carota*) Зирадошлар (*Apiaceae*) оиласига кирадиган икки йиллик ўт ўсимлик. Бўйи 1 м. Илдизи нозик урчуқсимон. Пояси думалоқ, баргларнинг усти туксиз, ости дағал тукли. Япроқлари 2 марта патсимон кесилган. Соябонлари кўп нурли, соябончалари 15-20 гулли. Соябонинг эни 10 см. Гуллари актиноморф. Гулкосабарчалари майда тишсимон, 5 та. Гултожбарглари сарғиш 5 та, эркин ўсган. Чангчилари ҳам 5 та. Уруғчилари битта, 2та мевабаргчанинг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган. Тугунчаси остки. Меваси қўш-иккита пистача. Битта ўсимлик 4000 га яқин уруғ ҳосил қиласди.

Май-июль ойларида гуллаб уруғлайди. Ўсимликдан маҳсус ҳид келади.

Географик тарқалиши. Болгария ва Ўзбекистоннинг барча вилоятларида учрайди. Ёввойи сабзи чўл, адир, тоғ зонасида кенг тарқалган бўлиб, якка ўсган ҳолда кўп тарқалган. Ёввойи сабзи соясалқин ерларда ўсади. Суғориладиган ерларда бегона ўт сифатида учрайди.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг уруғлари таркибида 1,6% эфир мойи бўлиб, унинг таркибида: пинен, лимонен, цинеол, геранилацетат, каротал, азарон, бизаболен, 11-13% мой, флавоноидлардан: стероллар мавжуд. Тошкент вилоятида ўсган ёввойи сабзининг мевалари таркибида 1,92-1,99% эфир мойини мавжудлиги ва унинг таркибида: 1-а-пинен, мирцен, бергамотен, β-бизаболен, каротол, азарон аниқланилган. Ўсимлик таркибидаги эфир мойидан пирролидин ва дауцин каби учувчан бирикмалар ҳам топилган. Бундан ташқари илдизмевалари таркибида ҳам эфир мойи, 5-9мг% каротин, умбеллиферон, азотли моддалар, углеводлар, витаминалардан: А, С, В₁, В₂, РР бор. Айниқса қизил сабзида темир тузлари кўп.

Ишлатилиши. Ёввойи сабзининг шифобахш хусусияти унинг сувида, барги ва уруғида мавжуд. Унинг илдизмеваси каротиноидларга жуда бой хисобланади.

Сабзи шарбати ва ўзагидан тайёрланган малҳам юқори даражада чарчаганда, иштаҳанинг йўқолиши, ошқозон-ичак касалликларида,

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

тери қатламининг қуриши, йирингли жароҳатлар, соч ва тирноқнинг нозиклашиб кетиши касалликларни даволашда кенг қўлланилади.

Маълумки сабзида инсон организми учун зарур бўлган А, С витаминалари мавжуд. Агар А витамини етишмаса, шапкўрлик касали келиб чиқиши мумкин. Қандли диабет касали билан оғриган беморларга ҳам сабзи истеъмол қилиш тавсия этилади. Кўзнинг шохпардаси касалланган, ўт-пуфакчада тош бўлганда, ҳомиладорликда, оғир жисмоний ва руҳий иш бажарувчиларга, камқувват болали эмизикли аёлларга ҳам сабзи ва унинг шарбати тавсия қилинади.

Қирилган сабзи юқори нафас йўллари шамоллаганда, жигар, буйрак, бавосил касаллигига, куйган ва совуқ урган кишиларга яхши наф беради. Асал ва сут қўшилган сабзи шарбатини ичиш, йўтал, товуш бўғилиши, бўйин сили бошланган дастлабки даврда фойдалидир. Жигар ҳамда буйракдаги тошларни ҳайдашда сабзи уруғидан тайёрланган суюқлик катта фойда беради.

Ота-боболаримиз қадимдан жигилдон қайнashiidan, «зарда» қўзғалишида бир-икки дона сабзи илдизмевасини арчиб еб, даво топганлар. Болага сабзи суви берилса, қуввати ошади.



Ёввойи сабзи (*Daucus carota* L.).

15. Жумрутсимон чаканда, чаканда-Ніррорхәё *rhamnoides* L. Облепиха крушиновидная *Elaeagnaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Жумрутсимон чаканда, чаканда (*Hippophaë rhamnoides*) Жийдадошлар (*Elaeagnaceae*) оиласига мансуб, кичик дараҳт ёки бута. Бўйи 2-5 м. Пояси сершоҳ ва тиканли бўлиб, қўнғир-яшил пўстлоқ билан қопланган. Барги оддий, чизиқсимон ёки ланцетсимон, текис қиррали, юқори томони кулрангтўқ қизил, пастки томони эса оқ ёки қўнғир рангли юлдузсимон тангачалар билан қопланган, сарғиш рангли, қўнғир кулранг ёки оқ тусли бўлиб кўринади. Барглари појда калта банди билан кетма-кет жойлашган бўлиб, узунлиги 2-9 см, кенглиги 3-15 мм. Чаканда бир жинсли, икки уйли ўсимлик. Гуллари барги билан бир вақтда ҳосил бўлади. Чангчи гуллари майда, қўримсиз, кумуш-қўнғир рангли бўлиб, калта бошоқчага тўпланган. Чангчи гулларининг гулқўрғони оддий бўлиб, иккита эллипссимон баргчадан ташкил топган, андроцейи тўртта чангчидан иборат. Уруғчи гуллари 2-5 тадан қисқа банди билан барг қўлтиғида жойлашган. Уруғчи гулларининг гулқўрғони икки бўлакли, ўртасида битта узун устунча етилади. Пишган меваси серсув, сариқ-қизғиши, думалоқ шаклда. Май ойида гуллаб август-сентябрь ойларида меваси етилади. Пишган меваси хушбўй ҳидли, тилла ранг сариқ ёки қизғиши рангли бўлиб, узунлиги 0,8-1 см. Данаги тухумсимон шаклда бўлиб, силлиқ, тўқ жигиррангли, узунасига жойлашган жўяклари бор.

Географик тарқалиши. Чаканда Ўрта Осиёда, Ғарбий ва Шарқий Сибирда, Украинада, Белоруссияда, Қора денгиз атрофларида, Молдавияда, Қозогистон жанубида, Кавказ ва бошқа ҳудудларда таббий ҳолда учрайди. Бундан ташқари Покистон ва Ҳиндистонда ҳам тарқалган. Дарё, кўл ва денгизларнинг шағалли ҳамда қумли қирғоқларида, текислик ва тоғлардаги тўқайзорларда ўсади.

Кимёвий таркиби. Чаканданинг меваси таркибида 450 мг % С витамини, 0,08-0,092 мг % В₁ витамини, 0,031-0,047 мг % В₂ витамини, 145 мг % Е витамини, 1,4 мг % К витаминлари, 60 мг % каротин ва бошқа каротиноидлар, фолат кислота, 9 % гача мой, изорамнетин мавжуд.

Ишлатилиши. Мевасидан олинган мой табобатда тери касалликларида: куйганда, совук урганда, нурланганда; ошқозон-ичакнинг яра касалликларида, гастритда, овқат ҳазм қилиш тизимининг саратон касалликларида, гинекология касалликларида қўлланилади. Чаканда мевасидан олинган мой бактерицидлик хусусиятига эга эканлиги ҳам аниқланган.



Жумрутсимон чаканда (*Hippophaë rhamnoides* L.).

16.Игир - *Acorus calamus L.* Аир болотный *Acoraceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Игир (*Acorus calamus*) Игирдошлар (*Acoraceae*) оиласи, игирнамолар (*Acorales*) қабиласи, кучалакабилар (*Aridae*) аждодчасига мансуб кўп йиллик, ўтсимон, илдизпояли, новдасиз ўсимлик. Илдизпояси кўпинча тупроқнинг (сув ёки балчик) юза қисмида 10 см гача чуқурликда жойлашади. Илдизпояси йўғон, диаметри 3 см ва узунлиги 1,5 м гача бориб, унда бўғимлар зич жойлашган бўлади. Илдизпоясидан 15-35 см ли ингичка, бўзранг, зич қўшимча илдизчалар чиқаради. Ташқи томондан жигарранг барг қиллари-қолдиқлари билан қопланган. Илдизпоя бўғимларида барг, барг қўлтиғида эса куртак ўсади. Бир йиллик илдизпояларнинг ҳар бир бўғимида биттадан вегетатив куртак ҳосил бўлади. Икки ва уч йиллик илдизпояларидан ҳам вегетатив куртаклар чиқаради. Илдизпояларининг таъми аччиқ ва хушбўй ҳидли. Барги ингичка лентасимон, учи ўткир, қиличсимон, оч яшил рангли, этдор. Тутам–тутам бўлиб жойлашган, асослари билан қисқа пояни навбатлашиб ўраб туради. Узунлиги 60-130 см, кенглиги 3 см гача. Кўпинча марказий қисмидан ҳосил бўладиган баргларининг четлари тўлқинсимон ғижимланганга ўхшайди. Тик ўсуви чиқади. Тўпгули барг билан ўралган тик поясининг ўрта қисмидан ўсиб чиқади. Тўпгули этдор, йўғон-сўтасимон. Сўтаси цилиндриксимон-конус кўринишида бўлиб, унинг ёнидан 50-60 см узунликда ўровчи (қинли) барг чиқсанлигини кузатиш мумкин. Яшаш муҳитига қараб ўсимлик сўтасининг узунлиги 4-12 см, диаметри 0,6-0,12 см гача. Игир тўпгулининг ўқи уч қиррали бўлиб, унда майда, кўримсиз гуллар тифиз жойлашади. Гули икки жинсли, актиноморф. Гулкўрғон барглари олтита чангчилар билан қарама-қарши жойлашган. Чангчилар калта цилиндриксимон чангчи илларига эга бўлиб, эркин жойлашган. Гинеций - ценокарп уруғчи бўлиб, учта уруғчибаргдан ташкил топган. Тугунчалик устки, уч хонали, хоналарда биттадан уруғкуртак ривожлангандир. Уруғкуртакнинг чанг йўли фуникулусга перпендикуляр-ортотроп жойлашган. Тумшуқчалик ўтроқ бўлиб,

устунчаси ривожланмаган. Гулларининг очилиб бориши тўпгулнинг пастки қисмидан бошланади. Меваси – кўп уруғли, яшил ёки қизил рангли, қуруқ мева.

Май ойининг охиридан бошлаб, то июнга қадар гуллайди. Кўп ҳолларда уруғ ҳосил қилмайди.

Географик тарқалиши. Игир ўсимлигининг асл ватани тропик мамлакатлар – Хитой, Бирма, Ҳиндистон ва Япония давлатлариридир ва у ерда кенг тарқалган. Шимолий Америка, Фарбий Европа, Қрим ва Кавказ, Арманистон, ғарбий ва шарқий Сибир, Узоқ Шарқ, Хитой, Япония, ҳамда Қозоғистонда ҳам табиий ҳолда кенг тарқалган. И.Э. Акопов (1981) илмий манбаларида келтирилишича, игир Ўрта Осиёда яъни Самарқанд вилоятида табиий ҳолда тарқалган.

Кимёвий таркиби. Игир ўсимлигига 2,46% эфир мояи, 5,75% мояи, 34,08 крахмал, 6,48% клечатка борлиги аниқланган. Игир илдизпояси таркибидагача эфир мояи, акорин гликозиди, ошловчи моддалар, қатрон, елим, 25% гача крахмал ва бошқа моддалар бор. Бундан ташқари азарон, проазулен, пинен, каламен ва камфен каби терпенлар мавжуд. Баргларида эса 150 мг % гача витамин С, эфир мояи ва ошловчи моддалар бўлади.

Т.Таубаев (1970) маълумотларида, ўсимлик илдизпояси таркибидагача 2,5-5% эфир мояи учраши келтирилган.

Арманистон шароитида игир илдизпоясидан вегетация бошланганда 5,3%, гуллаганда 3,5%, илдизидан 2,5% гача эфир мояи борлиги аниқланган. Баргидан: вегетация бошланганда 2,5%, вегетация тугаганда 1,6%, сўта гуллаганда 1,5% гача эфир мояи олиниши аниқланган. Ўзбекистон шароитида тозаланган илдизпояси таркибидагача 5,5% эфир мояи, 6,30% ёғ, 7,10% қанд моддалари, 36% крахмал, 7,99% клечатка борлиги; тозаланмаган илдизпоя таркибидагача 5,1% эфир мояи, 3,99% ёғ, 6,81% қанд моддалари, 41,10% крахмал, 5,10% клечатка борлиги аниқланган.

Ишлатилиши. Ҳозирги табобатда игир илдизпояларида бўладиган акорин гликозиди таъсирида рефлектор йўл билан меъда шираси ажралиши кўпайиши, жигарнинг ўт ажратиш функциясини ҳамда ўт пуфагини зўрайтириб диурезни кучайтириши аниқланган. Бу ўсимликдан олинган экстракт - оғриқ сезгиси йўқолишига сабаб бўлиб, артериал босимни пасайтиради. Игир препаратлари меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касалликлари (гастрит, энтерит, колит)га даво қилиш учун ишлатилади. Дамламалари овқат ҳазмини

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

тезлаштириш ва иштаҳани очиш хусусиятларига эга. Бундан ташқари ўзидан хушбўй ҳид чиқариб, ҳаво таркибини яхшилайди ва турли микроблардан тозалайди.



Игир (*Acorus calamus* L.).

17. Икки уйли газанда, ачитқи ўт, чаёнүт – *Urtica dioica L.* Крапива двудомная *Urticaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Икки уйли газанда (*Urtica dioica*) Газандадошлар (*Urticaceae*) оиласига кирадиган кўп йиллик, илдизпояли, икки уйли ўт ўсимлик. Пояси оддий ёки шохланган бўлиб, бўйи 60-100 см гача ўсади. Барглари тухумсимон ёки чўзиқ юраксимон, четлари аппа тишли. Барглари поядা қарама-қарши ўрнашган, бутун, куйдирадиган туклар билан қопланган. Чангчи гулларининг гулқўргони 4 бўлакли, чангчилари ҳам тўртта. Уруғчи гулларининг гулқўргони 4 бўлакли бўлиб, иккитаси ички (гуллаб бўлгач ўсади ва шакли ўзгаради), қолган иккитаси эса сиртқи (шакли ўзгармайди). Тугунчаси битта, тумшуқчаси ўтрок. Уруғчи гуллари шохланадиган сохта бошоқсимон тўпгулга йиғилган. Меваси ёнғоқча. Май-август ойларида гуллаб уруғлайди.

Географик тарқалиши. Тропик мамлакатларда ўсимликнинг 40-50 тури тарқалган. Ўзбекистонда бир тури бор. Ўсимлик соя, зах ерларда, далаларда, боғларда ўсади.

Кимёвий таркиби. Газанда ўт таркибида каротин, С, В, К витаминалари, А провитамини, ошловчи моддалар, флавоноидлар, фитонцидлар, холин, чумоли кислотаси, кофейин кислотаси, ферулин ва паракумарин кислоталари, стеринлар, гистамин, уртицин гликозиди, протопорфирин, 5-гидрокситриптамин, микроэлементлардан: темир, мис, марганец, алюминий, ванадий, хром ва бошқалар мавжуд.

Ишлатилиши. Табобатда ўсимлик баргларидан тайёрланган дамлама ва қайнатмаси безгак, нафас қисиши, бурун ва оғиздан қон келиши, геморрой (бавосир) касалликларида ишлатилади. Газанда ўт яллиғланиш жараёнини тўхтатади, меъда фаолиятини яхшилайди, дизентерия (ичбуруғ) касаллигини даволайди. Унинг гален препаратлари бачадонни қисқартириш хусусиятига эга. Бундан ташқари атеросклероз, анемия, холецистит, гастрит ҳамда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраларини даволашда ишлатилади.

Сирланган идишга 15 г газанда ўт баргидан солиб, устига 200 г қайноқ сув солинади ва 15 минут давомида енгил аланга устида ушлаб турилади, сўнгра совитилиб, бир ош қошиқдан кунига уч маҳал ичилади.



Икки уйли газанда (*Urtica dioica* L.).

18.Итбурун наъматаги-Rosa canina L. Шиповник обыкновенный, роза собачья *Rosaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Итбурун наъматаги (*Rosa canina*) – Раънгудошлар (*Rosaceae*) оиласига киради.

Итбурун наъматаги бўйи 3 м га етадиган тиканли бута. Гули оқ ёки пушти, диаметри 4-6 см. Тиканлари қаттиқ бўлиб, новдада зич жойлашган. Тиканларининг учи бир оз пастга эгилган, туби учбурчак бўлиб йўғонлашган. Барглари 5-7 япроқли, япроқчалари бутун, икки карра ўткир тишли, туксиз бўлиб, узунлиги 15-50 мм га етади. Косачабарглари учбурчаксимон, сиртдагилари қисман патсимон бўлиб, узунлиги 2-3 см, қалин туклар билан қопланган. Косачабарглари меванинг тўлиқ пишиш давригача тўкилиб кетади. Меваси қизил рангли, этли, тухумсимон, ялтироқ бўлиб, узунлиги 2-3 см. Май оидан бошлаб, июлгача гуллайди, меваси июль–октябрда пишади. Ўсимликнинг меваси август ойи охиридан бошлаб (қизил рангга кирган вақтда), кеч кузгача йифилади. Мевани йиғаётган вақтда кўлга тикан кирмаслиги учун брезент қўлқоп кийиб олинади.

Географик тарқалиши. Россиянинг европа қисмида, Кавказ, ғарбий Сибирда ҳамда Ўрта Осиёда тарқалган.

Итбурун наъматаги тоғларнинг пастки ва ўрта қисмидаги дарё ва сойлар бўйида, боғ, ёнғоқзор ва арчазорларда ўсади.

Кимёвий таркиби. Мевалари таркибида 8,1% қанд, 2,7% пектин, 2,3% пектозан, 3,6% бўёвчи моддалар, витаминлардан: А, С, В2, К, Р; 12-18 мг% каротин, 18% атрофика қандлар, 0,04% эфир мойи, ошловчи моддалар, лимон ва олма кислоталари ва бошқа моддалар бўлади. Уруғлари таркибида Е витамини аниқланган.

Ишлатилиши. Наъматак ўсимлигининг меваси таркибида бир неча хил витаминлар аралашмаси бор, шу сабабли препаратлари авитаминоз касалликларини даволашда ва олдини олишда ишлатилади. Бундан ташқари наъматак меваси қандолатчилик саноатида маҳсулотларни витаминга бойитиш учун қўлланилади.

Наъматак мевасидан каротолин препарати ва наъматак мойи тайёрланади. Каротолин меванинг юмшоқ-этли қисмининг мойли экстракти (таркибида асосан каротиноидлар ҳамда токофероллар, тўйинмаган ёғ кислоталар ва бошқа моддалар сақланади) бўлиб, тропик яралар, экзема, эритродермитнинг баъзи турлари ва яраланган

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

шиллик пардаларни даволаш учун суртилади ёки докага шимдирилиб, шикастланган жойга қўйилади.



Итбурун наъматаги (*Rosa canina* L.).

19. Йирикбарг алқор, алқор—*Mediasia macrophylla* M.Pimen., *Seseli macrophyllum* Regel et Schmalh., *Athamantha macrophylla* Коров.

Медиазия крупнолистная, Алкор крупнолистный
Apiaceae

Ўсимлиknинг тавсифи. Йирикбарг алқор (*Mediasia macrophylla*) Зирадошлар (*Apiaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлиқ. Бўйи бир метрдан ортиқ. Илдиз бўғзи ёғочланган, тўпкаллакли. Барглари этли, икки томонидан юмшоқ калта туклар билан қопланган, узун бандли. Япроқлари икки марта патсимон бўлинган, япроқчалари учбурчаксимон, ромбасимон, юраксимон шаклларда бўлади. Баргларидан ўзига хос маҳсус, ёқимли ҳид таралиб туради. Майда гуллари соябон тўпгулда ўрнашган. Тўпгули яхши ривожланган гулпоянинг учида жойлашган бўлади. Соябонлари 10-20 нурли, соябончалари 20 гулли. Гули оқиш. Мевасининг узунлиги 6-8 мм. Июнь-август ойларида гуллаб уруғлайди. Уруғлари орқали кўпаяди.

Географик тарқалиши. Ўрта Осиёда жумладан, Помир Олой, Тянь-Шань ғарбида табиий ҳолда тарқалган. Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида учрайди. Популяциялар ҳосил қилмайди, тоғ зоналарида якка ҳолда ўсади.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркиби ўзига хос таркибли эфир мойига бой бўлиб, илдизи ва ер остки қисмида 0,01-2,21%; баргларидан 0,23-1,01%; тўпгулида эса 0,3-2,9% гача эфир мойи бўлади.

Мевалари таркибida кверцетин, миристин кислотаси, пальмитин кислотаси, петрозелин кислотаси, олеин кислотаси, линолен кислотаси мавжуд.

Ишлатилиши. Илдизининг қайнатма ва дамламалари артрит, цистит, жигар касалликлари, фурункулёз ҳамда тери яра касалликларини тез тузатувчи ҳамда гемостатик восита сифатида қўлланилади. Илдизидан тайёрланган экстракт турли ўсма касалликларини олдини олувчи таъсирга эга.

Халқ табобатида илдизининг қайнатмаси қон тўхтатувчи восита сифатида ишлатилади. Ўсимлик мевалари маҳаллий аҳоли томонидан овқатга солинадиган зиравор ўрнида қўлланилади. Янги узилган

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

баргларини қатиқ маҳсулотларини сифати бузилмаслиги учун ичига солиб қўйишади.



Йирикбарг алкор (*Mediasia macrophylla* M.Pimen.).

20. Катта зубтурум, баргизуб-*Plantago major L.* Подорожник большой, обыкновенный *Plantaginaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Катта зубтурум, баргизуб (*Plantago major*) Зубтурумдошлар (*Plantaginaceae*) оиласига мансуб, кўп йиллик, калта ва йўғон илдизпояли ўт ўсимлиkdir. Бўйи 30-50-(70) см. Илдизпоясининг юқори томонидан узун бандли, қанотли илдизолди тўпбарглар, пастки томонидан эса (ер остида) жуда кўп майда илдизлар ўсиб чиқади. Илдизолди тўпбарглари кенг эллипссимон ёки кенг тухумсимон, текис қиррали ва йирик бўлади. Барглари 3-9 томирли, узунлиги 2-25 см, кенглиги 1,5-14 см. Гул ўки битта ёки бир нечта, туксиз, бўйи 10-45 см. Гуллари оддий бошокқа тўпланган. Гули майда, кўримсиз. Гулкосачаси тўрт бўлакка қирқилган, гултожиси оч қўнғир рангли, тўрт бўлакли, чангчиси 4та, уруғчи тугунчаси икки хонали, устки тугунчали. Меваси – тухумсимон, кўп ургли кўсакча. Кўсакчаси тухумсимон ёки тухумсимон-конус шаклида, 3-4 мм. Май-июнь ойларида гуллайди. Июнь-сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди.

Географик тарқалиши. Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган ўсимлик бўлиб, йўл бўйларида, далаларда, экинзорларда, ўтлоқларда, ариқ бўйларида, бошқа нам ерларда ўсади.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида аукубин (ринантин) ва каталпол гликозидлари, сапонинлар, эскулетин кумарини, ошловчи моддалар, flavonoидлардан: апигенин, лютеолин ва скутелляреин гликозидлари мавжуд. Бундан ташқари каротин ҳамда аскорбин, лимон кислоталари, фактор Т ва К витамини бўлади. Барглари таркибида 20% гача пектин моддалари, пектин кислотаси, галактоарабан, галактан ҳамда кальций, магний, калий ва натрий, flavonoидлардан: кверцетин, лютеонолин, апигенин, скутелляреин, гиспидулин, байкалеин борлиги аниқланган.

Ишлатилиши. Катта зубтурум препаратлари яллигланишга қарши ва балғам кўчирувчи восита (барг дамламаси) сифатида, меъда-ичак касалликларидан: сурункали гипоацид гастрит, нормал ва кам кислотали шароитлардаги меъда-ўн икки бармоқ ичак яраларида, анацид гастрит, сурункали ва тузалиши қийин бўлган колит ҳамда яраларни (куритилмаган барги ва бурга зубтурумнинг қуритилмаган ер устки қисмининг ширалари биргаликда) даволашда қўлланилади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Барги йўталда бериладиган чойлар – йиғмалар таркибиға киради. Халқ табобатида барглари туберкулёзда, гепатитда, геморройда, бош оғриқларида, оғриқ қолдирувчи восита сифатида ишлатилган. Балицкий ва бошқалар (1966) берган маълумотларига кўра, баргизубнинг янги узилган баргларидан олинган шира ёрдамида қариялар томоқ ва оғиз бўшлиғи саратонини даволашда самарали фойдаланишган. Кейинги йилларда ошқозон ва ўпка саратонини даволашда ҳам фойдаланилган.



Катта зубтурум (*Plantago major L.*).

21. Ковул, кавар-*Capparis spinosa* L. Каперцы колючие *Capparidaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Ковул ёки кавар (*Capparis spinosa*) – Ковулдошлар (*Capparidaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик. *Capparis spinosa* чалабута ўсимлик бўлиб, асосан ётиб ўсади, баъзан айrim маданийлаштирилган навлари 1метр баландликкача кўтарилиб ўсиши мумкин. Ётиб ўсувчи пояси шохланган бўлиб, ундағи новдаларнинг узунлиги 2-2,5 м гача бўлади. Баргларининг узунлиги 5-8 см, думалоқ, тескари тухумсимон ёки эллипссимон. Барг банди ва гулбанди ҳосил бўлган жойида ўткир тиконлари бор. Гуллари актинаморф, косачабарглари ва тожибарглари 4 тадан, чангчиси чексиз. Якка гуллари йирик бўлиб, ғунчалари очилганда оқ ёки оч пушти баъзан сут рангли тожибарглари диққатни тортади. Гулининг диаметри 50-70 мм бўлиб, май-июнъ ойларида гуллайди баъзан иккинчи марта сентябрь-октябрь ойларида ҳам гуллаши кузатилади.

Меваси тескари тухумсимон ёки овалсимон шаклли, кўп уруғли резавор. Яшил рангли мевалари этдор бўлиб, узунлиги 2 смга боради. Июль-август ойларида етилган мевалари учки қисмидан ёрилади ва пишган уруғлари тупроққа тўкилади. *Capparis* бошқа тилларга грекча «*kapparis*» сўзларидан кириб келган бўлиб, французчада—*cipres*, немисчада—*karag*, итальянчада—*carrero*, норвегия тилида—*kapers*, швед тилида—*kapris*, португалчада—*alcaparra*, испанчада—*alcaparron* номлари билан аталади. «Тикон» маъносини берувчи *Spinsa* сўзи-тур номини билдиради. Ковул пояларидағи тиконлари кўп миқдордаги ён баргчаларнинг метаморфозланиши натижасида ҳосил бўлгандир. Маданийлашган вакилларининг айrim навларида тиконлар редукцияланганлигини кузатиш мумкин.

Географик тарқалиши. Ковул табиий ҳолда Ўрта Ер денгизи, Европа жанубида, Кавказда, Ўрта Осиёда шу жумладан Ўзбекистонда, Покистон ва Хиндистонда тарқалган. Бу ўсимлик Франция, Испания, Италия, Жазоир ҳамда Кипрда, Греция ва шимолий Америкада маданийлаштирилган бўлиб, ландшафтларнинг безаги ҳисобланади.

Ўсимликнинг номи Эрондаги Даشت-Кавир чўли билан боғлиқ ҳолда аталган. Чунки ковул бу худудларда энг кўп учрайдиган

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

ўсимлик сифатида ажралиб туради. Ковул чўл, адирларда, йўл бўйларида, деворлар устида, экинлар орасида ўсади.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида 5% гача рутин бўлиб, унинг дориворлик хусусиятини таъминлаб беради. Ковул мевалари таркибида сапонинлар, алкалоидлар, 32,9% углеводлар, 150 мг % аскорбин кислота, 3,75% мой, илдиз пўстлоғида стахидрин алкалоиди мавжуд. 100г ғунчаларида 150 мг С витамини, кўп микдорда Р витамини мавжуд.

Ишлатилиши. Пўстлоғидан тайёрланган дамлама иштаҳа очувчи таъсирга эга. Халқ табобатида ипохондрия ва йириングли яраларни даволаш учун ишлатилади. Янги шилинган пўстлоғи оғриган тишга босилгандан ижобий натижа беради. Баъзан очиқ йириングли яраларга қўйилгандан антисептик таъсир қиласи. Бундан ташқари ўсимликдан стенокардияда, тиреотоксикоз, геморройда, қандли диабет касаллини даволашда ҳам фойдаланилади.

Илдиз пўстлоғидан настойка тайёрлаш учун 20 г шилиб олинган пўстлоғи устига 0,5 л қайнаган сув қўйилади, 1-2 соат давомида тиндирилади. Кунига уч маҳал овқатдан олдин 1/2 стакандан ичилади.

Стенокардия, сариқ касаллигига: қуритилган илдиз пўстлоғидан 2 чой қошиқ олиниб устига бир стакан сув қўйилади ҳамда паст оловда 10-15 минут қайнатилади. Совитилган қайнатмаси кунига уч маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

Тери касалликларида: қуритилган илдиз пўстлоғидан 2 чой қошиқ олиниб устига бир стакан сув қўйилади ҳамда паст оловда 10-15 минут қайнатилади. Совитилган қайнатмаси билан касалланган тери тез-тез артилади.

Тиреотоксикоз, геморройда: қуритилган меваларидан 1 чой қошиқ олиниб устига 200 мл сув қўйилади ҳамда 3-4 минут қайнатилади. Совитилган қайнатмаси кунига уч маҳал овқатдан олдин 1-2 ош қошиқдан ичилади.

Қандли диабет касаллигига: қуритиб майдаланган новда ва баргларидан 1 ош қошиқ олиниб устига 200 мл сув қўйилади ҳамда 4-5 минут қайнатилади. Совитилган қайнатмаси кунига 3-4 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади.

Халқ табобатида саримсоқ пиёз билан бирга майдаланган новдалари тери замбуруғ касалликларини даволашда ишлатилган. Гулларидан олинган шарбат билан шикастланган тери артилганда тез

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

тикланиши кузатилган. Илдизидан тайёрланган дамлама эса асаб толаларини тинчлантириш хусусиятига эгадир.



Ковул (*Capparis spinosa* L.).

22. Кийик ўти, гулбандли кийикүт-Ziziphora pedicellata Pazij. Зизифора цветоножечная *Lamiaceae, Labiatae*

Ўсимликнинг тавсифи. Кийик ўти (*Ziziphora pedicellata*) Ялпиздошлар - *Lamiaceae* (Лабгулдошлар-*Labiatae*) оиласига мансуб, кўп йиллик, ёввойи ўсуви ўт ўсимлик. Бўйи 20-40 см. Барглари наштарсимон ёки ингичка наштарсимон. Пояси бир нечта, бироз қинғир-қийшиқ. Гуллари каллаксимон тўпгулга йифилган. Гули зигоморф, мураккаб гулқўрғонли, икки жинсли. Гулкоса барглари бешта, бирикиб ўсан. Сиёҳ рангли гултожибарглари бешта, бирикиб ўсиб икки лаб кўринишини ҳосил қилган. Устки лаби иккита пастки лаби учта гултожибаргнинг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган. Чангчилари тўртта, улардан иккитаси қисқа чанг ипларига эга. Уруғчиси битта, иккита мевабаргчанинг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлган, тугунчаликни устки, тўрт уяли. Меваси 4 ёнғоқчага бўлинадиган увоқ мева.

Географик тарқалиши. Ўзбекистоннинг барча тоғли худудларида кенг тарқалган.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ер уски қисми таркибида 0,32-1,99% эфир мойи, флавоноидлар, кумаринлар, С витамини, ошловчи моддалар сақлайди. Эфир мойи таркибида 6,8-28,02 % пулегон, 6-26,4 % борнеол, 1,7-3,3 % камфора, 45,8-62,2 % борнилацетат бор. Поясида 0,01-0,03 %, баргида 0,45-0,93 %, тўпгулида эса 0,6-1,34 % гача эфир мойи аниқланган. Уруғлари таркибида мой учрайди (Растительные ресурсы СССР, 1991).

Ишлатилиши. Ўсимликнинг ер уски қисми шифобахш ҳисобланади. Тиббиётда гипотензив, спазмолитик, пешоб ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади.

Кийик ўтининг қайнатма ва дамламалари халқ табобатида томоқ қитир бўлиб қирилганда, ўпка ва юрак хасталикларида, қон босими қўтарилилганда тавсия этилган. Бундай дамламалар кўз хиралашганда, бўғимлар оғригандаги ҳам ичилган. Тожик халқ табобатида кийик ўт қайнатмасидан иштаҳа очувчи, кўнгил айнишини тўхтатувчи, қабзият касаллигини даволовчи сифатида фойдаланишган. Бу ўсимликнинг дамламаси пешоб(сийдак)ни кучли ҳайдаш, буйрак ва сийдик қопидаги тошларни йўқотиш хусусиятига эга. Бундан ташқари парфюмерияда, пазандачиликда ҳам кенг миқёсда қўлланилади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Алкоголиз ичимликлар таркибига хушбўй ҳид бериш учун қўшилади.



Кийик ўти (*Ziziphora pedicellata* Paziж.).

23. Майдагул тоғрайхон-*Origanum tyttanthum* Gontsch.

Душица мелкоцветковая

Lamiaceae, Labiateae

Ўсимликнинг тавсифи. Майдагул тоғрайхон (*Origanum tyttanthum*) Ялпиздошлар (*Lamiaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик, илдизпояли ўсимлик. Бўйи 30-60 см, баъзан 85 см гача бўлиб, тик ўсади. Пояси бир нечта, юқори қисмидан шохланган. Барглари чўзиқтухумсимон, асоси кенг понасимон. Гуллари бошоқсимон чала соябонларга тўпланган ва улар каллакчали тўпгул ҳосил қиласиди. Гултожиси оч сиёҳ рангли. Июнь-сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди. Асал берувчи. Табиий ўсадиган шароитида гектарига 1,2 т ҳосил беради. Уруғи ҳамда илдизпояси орқали қўпаяди.

Географик тарқалиши. Ўрта Осиёнинг Помир-Олой, Тянь-Шань тоғларининг ён бағирларида, бутазорларда ўсади. Ўзбекистоннинг чўл зонасидан бошқа ҳамма жойида тарқалган.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида 0,4-1,15 эфир мойи бўлиб, унинг таркибига қуйидагилар киради: тимол, карвакрол, а-туйен, а-пинен, β-пинен, камфен, сабинен, мирцен, а-терпинен, д-лимонен, 1,8-цинеол, н-октил спирти, линалилацетат, линалоол, бурбонен, β-элемен, терпиненол-4, кариофиллен, а-гумулен, борнеол, а-терpineол. Бундан ташқари 0,7 % тритерпеноидлар: олеанолат ва урсолат кислоталари; 1,35 % кумаринлар; 3,2 % flavonoидлар; 0,76% антоцианлар бор. Тўпгуллар таркибида 3,5 % эфир мойи, уруғида 26,7 % мой учрайди.

Ишлатилиши. Майдагул тоғрайхон хушбўй ҳидга эга бўлгани учун турли таомларни хушхўр қилишда фойдаланилади. Ўсимлик препаратлари ўткир холецистит, гастрит, ярали колит, бронхит, пневмония касалликларини даволаш учун ишлатилади. Бундан ташқари ўсимлик ўт ҳайдовчи ва ошқозон функциясини меъёrlаштирувчи ҳамда гижжа ҳайдовчи таъсирларига ҳам эга. Унинг таркибида эфир мойи ҳамда кумаринлар бўлгани учун антибактериал хусусиятга эга. Қозоғистонда ўсимлик дамламаси анорексиген восита сифатида иштаҳани пасайтириш ва семизликни комплекс даволашда фойдаланилади. Ўсимликдан тайёрланган дамлама ва қайнатмалари қисқа вақт давомида қон босимини пасайтиради (Растительные ресурсы СССР, 1991).

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР



Майдагул тоғрайхон (*Origanum tyttanthum* Gontsch.).

24. Мария тиканаги, расторопша-*Silybum marianum* (L.) Gaerth. Расторопша обыкновенная *Asteraceae, Compositae*

Ўсимликтининг тавсифи. Мария тиканаги (*Silybum marianum*) – Мураккабгулдошлар (*Compositae*) (Астрадошлар-*Asteraceae*) оиласига мансуб доривор ўсимлик. Расторопша бир ёки икки йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 1,5-2 метргача ўсади. Новдаси тиканакли, пўстлоғи қалин. Баргининг узунлиги 40-50 см, кенглиги 20-25 см. Тўқ яшил рангли баргларида йирик оқ доғлари бор. Баргларидаги, айниқса, барг томирларида оқ доғларини европаликлар Дева Мария қўкрагидан оққан сут пайдо қилган деб ҳисоблайдилар. Тўпгули 3-4 см узунликдаги тиканаклар билан қопланган, саватчадаги гуллари оқ пушти-сиёҳ рангга эга. Уруғлик мевалари тухумсимон, 6x3 мм ўлчамли, кичик, силлиқ, ялтироқ қиррали. Апрель ойида гуллайди, май-июнь ойларида мева тугади.

Шимолий Кавказ ва Россиянинг Самара вилоятида ушбу ноёб ўсимлик хомашё олиш мақсадида ўстирилмоқда. Экиш муддати эрта баҳор ҳисобланади. Лалми ерларда экилади. Ёппасига экиш энг яхши усул бўлиб, у келгусида уруғларнинг бир маромда пишишини таъминлайди. Экилган ўсимликлар 80-90 кунда гуллайди. Уруғ ранги оч жигарранг тусга кирганида ҳосилини йиғиб олиш мумкин. Ҳосилни унча катта бўлмаган майдонларда қўлда, катта майдонларда ғалла ўриш комбайнлари ёрдамида ўриб олинади. 1 гектардан ўртacha уруғ ҳосилдорлиги 1-1,5 тоннани ташкил этади.

Географик тарқалиши. Расторопша марказий ва жанубий Европа, Ўрта Ер денгизи, шу жумладан, Мисрда, Истроилда, Туркияда, Италия, Греция, Францияда, шимолий Африка ва Марказий Осиёда, Болқон бўйи худудларида кенг тарқалган.

Расторопша Россия ҳудудининг 10000 га майдонида, Украина 5000 га, Хитойда 100000 га майдонларида экиб парваришланади.

Ўзбекистонда Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида кенг тарқалган бўлиб, ёввойи ҳолда чўл зоналарида, ташландик ерларда, ётқизиқларда ва кўл ёқаларида учрайди.

Кимёвий таркиби. Расторопшанинг уруғи таркибида биоген аминлардан: тирамин, гистаминлар; 2-5% гача флавоноидлар ва флавонолигнинлардан: силимарин, силибинин, силикристин,

силидианин; 20-25% гача мойлар, 60-80% линолен кислотаси, 20-30% олеин кислотаси, шилимшиқлар, макро ва микроэлементлар мавжуд. Растроопша таркибида инсон организма учун зарур бўлган 200 хил модда бўлиб, витаминалардан: А, В, Д, Е, К, F ҳамда рух, мис, селен бор.

Ишлатилиши. Растроопша инсон саломатлигини тиклаш учун ўта муҳим даволаш хусусиятига эга ўсимликлардан биридир. Ўсимликнинг лотинча номи грекчадан кириб келган бўлиб, “чўтка” деган маънони англатади. Ташқи кўринишига кўра, унга «Дева Мария» номи берилган. Европа давлатларида кўп ҳолларда бу ўсимликни Момо ҳаво номи билан аташ удум бўлган. Болгарияликлар ўсимликни Дева Мария совғаси деб атайдилар. Араб тилида номи “Аш-شاукат-ал-байда” бўлиб, “Оқ Тикан” деган маънони билдиради. Россияда растроопша, Мария тиканаги, Мария аччиқ-чучук, тиканак татар кумушсимони ва шу каби номлар билан аталади.


Инсон организмининг соғломлиги авваламбор ундаги ҳужайралар мембранасининг соғломлигига боғлиқ. Атроф-муҳитдан келган кимёвий чиқитлар жигарни хасталайди. Жигарнинг иш фаолияти организм тозалиги ва соғломлигига боғлиқ. Ўсимлик таркибидаги флаваноидлар, айниқса силимарин касал жигар мембраналарини тиклайди, айни вақтда мембрана генатоципини мустаҳкамлайди. Самара тиббиёт институти биокимё кафедраси олимлари ўз тажрибаларида буни аниқладилар. Ўсимлик уруғи таркибидаги минолен ва олеин кислоталари склерозни даволашда самарали натижা беради. Олимлар ўсимлик таркибидаги мойли кислоталар қондаги холестерин микдорини камайтиришини ҳам аниқладилар. Ўсимлик таркибида, қон томирлар ва майда томирлар фаолиятини мустаҳкамловчи рутин ва кверцетин моддалари борлиги аниқланган.

Уруғи устида олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатганки, унинг таркибидаги моддалар таъсирида ҳужайралар мембранасининг мустаҳкамлиги ошган. Заарланган жигар тўқималари эса ўз функциясини қайта тиклаганлиги аниқланган. И.М. Сеченов номли Москва тиббиёт академиясида ўтказилган илмий тадқиқот натижалари ўсимлик таркибидаги флаваноидлар токофералга нисбатан 10 баробардан зиёд фаол антиоксидантлик хусусиятига эга эканлигини кўрсатган.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

1968 йилда Мюнхен институти фармацевтлари *Silybum marianum* ўсимлигининг биохимиявий таркибини аниқлаганлар. Венгриялик Г. Музес ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида келтирилишича, ўсимлик таркибидаги силимарин моддаси ёрдамида алькоголдан касалланган жигарни даволашда яхши самара берганлиги кузатилган. Силимариннинг самарали кучли антиоксидант таъсирга эгалиги билан фарқланади. Силимарин ҳужайра мемранасини ҳимоя қиласи ҳамда тикланишини таъминлаб беради. Ўсимлик уруғи таркибидаги мойлар эрозия ва яраларни даволашда чаканда (облепиха) мойидан кўра кучлироқ восита эканлиги кузатилган. Ундан ошқозон-ичак йўли шамоллаганда ва гинекология касалликларини даволашда фойдаланилади.

Болгарияда ўсимлик уруғидан карсил дориси ишлаб чиқарилади. Кейинги вақтда мамлакат дорихоналарида Германия, Венгрия ва Россияда табиий ҳолда ўсан ўсимлик уруғидан тайёрланган дори воситалари сотувга чиқарилмоқда. Германияда – legalon, Болгарияда–carsil, silymarin каби гепатопротектор препаратлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу каби препаратлар цирроз, псориаз ҳамда ўткир жигар касалликларида даволанишда самарали ҳисобланади. Қадимдан расторопша жигар, ўт пуфаги касалликларини даволашда ишлатилган ҳамда заҳарланишга қарши таъсир этувчи самарали восита сифатида машҳур бўлган. Ушбу ёввойи ўтнинг шифобахшлиқ хусусиятлари хусусида алломалардан Диоскрид, Гален, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино асарларида қайд этилган. Ибн Сино овқат ҳазм бўлиши ва ичак фаолияти бузилганда, жигар ва ўт пуфаги хасталикларини даволашда мазкур ўсимлик уруғини ишлатишни тавсия этган. Расторопша кучли антиоксидант ҳисобланиб, турли токсинлар ва заҳарларни парчалайди. Унинг таркибидаги силимарин жигар ҳужайларини қайта тиклаш хусусиятига эга. Расторопша жигар циррози, токсик ва вирусли гепатит касалликларини даволашда ҳам самарали натижа беради. Бундан ташқари иммунитетни оширади, ақлий, жисмоний ва жинсий қувватни кучайтиради. Ҳомиладор аёллар учун фойдали.



Расторопша (*Silybum marianum* (L.) Gaerth.).

25. Мойчечак, қирқмабарг мойчечак, читтигул-*Matricaria recutita* L. Ромашка *Asteraceae, Compositae*

Ўсимликнинг тавсифи. Қирқмабарг мойчечак (*Matricaria recutita*) – Мураккабгулдошлар (*Compositae*) (Астрадошлар-*Asteraceae*) оиласига киради. Қирқмабарг мойчечак бўйи 15-40 см га етадиган бир йиллик ўт ўсимлиқ. Пояси бир ёки бир нечта, тик ёки кўтарилиб ўсади, тепа қисмидан шохланган, ҳидли. Барглари икки карра патсимон қирқилган. Саватчаси гетерогам, оқ, тилсимон уруғчи гулларидан иборат. Саватчасининг диаметри 4-8 мм, ярим шарсимон бўлиб, ўрама барглар билан ўралган. Саватча четидаги оқ тилсимон гуллари 12-18 та бўлади. Ўртадаги гуллари сарик, икки жинсли, найчасимон, гулкосачаси бўлмайди, гултоҗиси беш тишли, чангчилари бешта бўлиб, Меваси-қўнғир-яшил писта. Июнь-июль ойларида гуллаб уруғлайди.

Географик тарқалиши. Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган бўлиб, у асосан ўтлоқларда, экинзорларда (бегона ўт сифатида), йўл ёқаларида ўсади.

Кимёвий таркиби. Саватчада тўпланган гуллари таркибида 0,2-0,8% эфир мойи, апиин, кверцимеритрин, кверцетин, лютеолин каби флавоноидлар, матрикарин, прохамазулен, кумаринлар, диоксикумарин, каротин, витамин С, шиллик, аччик ва бошқа моддалар бўлади.

Ишлатилиши. Мойчечак ичакларнинг ёпишиб қолишига (ичаклар спазми), микробларга, аллергияга ва яллиғланишга қарши ҳамда яраларни даволовчи таъсирга эга. Шунинг учун унинг доривор препаратлари меъда-ичак (ичак ёпишиб қолганда, ич кетганда) ва гинекологик касалликларни даволашда ҳамда тер ва ел ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади. Булардан ташқари, мойчечак гули юмшатувчи, антисептик ва яллиғланишга қарши (офиз, томоқни чайқашда, шифобахш ванна ҳамда клизма қилишда) кўулланилади. Мойчечак гули таркибидаги кимёвий бирикмалар комплекс таъсир этувчи ҳисобланади. Ҳамазулен тинчлантирувчи хоссага ҳамда ичакларнинг ёпишиб қолиши, аллергияга ва яллиғланишга қарши таъсирга эга. Апигенин, апиин ва герниаринлар ҳам ичакларнинг ёпишиб қолишига қарши таъсир қиласди. Мойчечак гулидан (саватчалардан)

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

дамлама тайёрланади. Саватчалар меъда касалликларида, томоқ чайишда ишлатиладиган ва юмшатувчи йифмалар – чойлар таркибиға ҳам киради. Яллиғланишга қарши ва спазмолитик восита сифатида қўллашга тавсия этилади.



Мойчечак (*Matricaria recutita* L.).

26. Оддий бангидевона-*Datura stramonium* L. Дурман обыкновенный *Solanaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Оддий бангидевона (*Datura stramonium*) Итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласига мансуб бир йиллик ўт ўсимлик. Бўйи 25-100 см. Ёқимсиз ҳидли. Пояси тик ўсувчи, туксиз, сохта дихотомик шохланган. Барги оддий, тухумсимон шаклли, ўткир учли бўлиб, узун бандари билан пояда кетма-кет жойлашган. Баргининг усти қорамтири яшил, остки томони эса оч яшил рангли, узунлиги 6-25 см, кенглиги 5-20 см. Ўрта ва биринчи тартибдаги ён томирлари оқиш рангли, барг япроғининг пастки томони бўртиб чиқкан. Оқ рангли гуллари барг қўлтиғида биттадан жойлашган. Гулкосачаси 5 та бўлиб, найсимон шаклда қўшилиб ўсан, беш қиррали, беш тишли бўлиб, асос қисми ҳалқа шаклида мева билан бирга қолади. Гултожиси йирик, воронкасимон, бурчаксимон ўйилган, беш тишли, қайрилган бўлиб, гулкосачасидан икки марта узун. Чангчилари бешта, уруғчиси битта бўлиб, иккита мевачабаргнинг қўшилиб ўсишидан ривожланган, тугунчалиси устки. Меваси-тухумсимон қўсакча бўлиб, қаттиқ ва йўғон тиканлар билан қопланган, 4 паллага бўлинниб очилади. Уруғи қора рангли, юмалоқ буйраксимон, яssi, устки томонида майда чуқурчалари бўлади. Июнь-сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди.

Географик тарқалиши. Украина, Белоруссия, Молдавия, Крим, Кавказ, Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда, Узок шарқ ва ғарбий Сибирда учрайди. Украина ва Кавказда ўстирилади.

Бангидевона аҳоли яшайдиган жойлар, экинлар орасида, йўл ёқаларида ўсади. Манзарали ўсимлик сифатида ҳам ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ҳамма қисмида алкалоидлардан гиосциамин, атропин ва скополамин бор. Баргидаги 0,23-0,37%, поясида 0,2%, илдизида 0,27%, уруғида 0,22% гача алкалоидлар мавжуд.

Ишлатилиши. Бангидевона барглари гиосциамин манбаи бўлгани учун бронхиал астма касаллигига ишлатиладиган «Астматол», «Астматин» порошоклари-сигареталари таркибида киради. Захарли ўсимлик.



Оддий бангидевона (*Datura stramonium* L.).

27. Оддий бўймодарон, мингяпроқ - *Achillea millefolium* L. Тысячелистник обыкновенный *Asteraceae, Compositae*

Ўсимликнинг тавсифи. Оддий бўймодарон (*Achillea millefolium*) Мураккабгулдошлар (*Compositae*) оиласига мансуб, кўп йиллик, бўйи 20-50-80 см га етадиган ўт ўсимлик. Илдизпояси шохланган бўлиб, ундан илдизолди барглар ва поялар ўсиб чиқади. Пояси бир нечта, бир оз қиррали, кулранг - яшил тусли, тик ўсувчи бўлиб, юқори қисми шохланган, охири қалқонсимон гул тўплами билан тугайди. Барги оддий, уч марта патсимон қирқилган, кетма - кет ўрнашган. Гуллари саватчага тўпланган. Тилсимон гуллари оқ, пушти, тўқ-қизил ёки сарғиш рангли. Меваси - ясси тухумсимон, кулранг писта. Июнь-сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди.

Географик тарқалиши. Ўрта Осиёning чўл ва чала чўл зоналарида, Қозогистонда, Ўзбекистонда кенг тарқалган ўсимлик.

Тоғ ёнбағирларида, боғ ва экинзорларда, йўл ёқаларида, сойларда ўсади.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ер устки қисми доривор ҳисобланади. Ўсимлик барглари таркибида К, С витаминлари, 0,05% ахиллеин ва бетоницин алкалоидлари, ошловчи моддалар, аминокислоталар, каротин, аччиқ моддалар, 0,8% эфир мойи бор. Эфир мойи таркибида 1-4% гача хамазулен, туйон, камфора, борнеол, цинеол ва бошқалар борлиги аниқланган.

Ишлатилиши. Ўсимлик гуллаган даврида ўриб олинади, баъзан илдизолди барглар алоҳида йиғилади. Салқин ерда қуритилади.

Препаратлари меъда-ичак касалликларини даволашда, иштаҳа очувчи, қон тўхтатувчи сифатида ишлатилади.



Оддий бўймодарон (*Achillea millefolium* L.).

28. Оддий дастарбош-*Tanacetum vulgare* L.
Пижма обыкновенная
Asteraceae, Compositae

Ўсимлиknинг тавсифи. Оддий дастарбош (*Tanacetum vulgare*)—Муракабгулдошлар (*Compositae*) (Астрадошлар-Asteraceae) оиласига мансуб кўп йиллик, бўйи 50 – 150 см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, сершох. Барги оддий, патсимон ажралган, устки томони яшил, пастки томони кулранг. Пастки барглари бандли, бошқалари бандсиз, пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари сариқ саватчага тўпланган, қалқонсимон тўпгулни ташкил этади. Гуллар сариқ рангли, найчасимон. Саватчалар 6 - 8 мм (диаметри), умумий ўрама барглар билан ўралган. Саватча четидаги гуллар 3 тишли, ўртасидаги

гуллар 5 тишли, чангчиси 5 та, уруғчи тугуни 1 хонали, пастга жойлашган. Меваси - чўзиқ писта.

Географик тарқалиши. Оддий дастарбошнинг тарқалиш ареали кенг бўлиб, Фарбий ва Шарқий Сибирда, Узок Шарқ, Помир-Олой ва Тянь-Шанда, Арманистон, Грузия, Азарбайжон, Кавказ, Ўрта Осиё, Бельгия, Филландияда табиий ҳолда учрайди.

Боғларда, йўл ёқаларида, ўтлоқзорларда, ўрмонларда ўсади.

Кимёвий таркиби. Оддий дастарбош таркибида виннин кислотаси, эфир мойи, 0,01% танацетин, вульгарон, хризантенон, каучук ва алкалоидлар бор. Барглари таркибида вибурнит, лимон кислотаси, кофейин кислотаси, эупатилин, акацетин флавоноидлари аниқланган. Тўпгули таркибидан полисахаридлар, пектин, галактоза, арабиноза, глюкоза, ксилоза, рамноза, кофейин кислотаси, ошловчи моддалар, лютеолин, кверцетин, акацетин флавоноидлари; гуллари таркибидан эса терпеноидлардан: изотуйол β -D-глюкозиди, терпиненол-4 β -D-глюкозиди, 0,28% даванон, сантамарин, А татридин, В татридин, дезацетилпиретрозин, тритерпеноидлар, каротиноидлардан: транс-эпокси- α -каротин, β -каротин, цис-диэпокси- β -каротин, β -зеакаротин, мутатохром, лютин, флавоксантин, стероидлар, яцедин, яцеозидин флавоноидлари ва мой томчилари аниқланган (Растительные ресурсы СССР, 1993). Захарли ўсимлик.

Ишлатилиши. Гуллари очилганда саватчалар бандсиз йифиб олинади ва қуритилади. Гулларидан (саватча тўпгулидан) тайёрланган дамлама иштаха очувчи, ошқозон-ичак мускуллари тонусини оширувчи, овқат ҳазм бўлишини яхшиловчи ҳамда қон босимини кўтарувчи таъсирга эга. Бундан ташқари ошқозонда кислоталик пасайганда, ўн икки бармоқли ичак касалликларида, гижжаларни туширишда, аёлларда ҳайз циклини меъёrlаштиришда ишлатилади. Халқ табобатида гулларидан тайёрланган дамлама бош оғриқлари, ревматизм, тери ва кўкрак саратонини даволашда фойдаланилган.

Бельгия ва Португалия фармакопиясида гельминтга қарши таъсир қилувчи восита сифатида киритилган. Халқ табобатида дизентерия, ревматизм, геморрой, сарик касалликларини даволашда ҳамда гижжага ва бактерияларга қарши восита сифатида қўлланилади. Тибет табобатида сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Тўпгулидан тайёрланган дамлама ўт ҳайдовчи ва гижжаларга қарши таъсир қилади. Ундан тайёрланган танацехол препарати ўт ҳайдаш хусусиятига эга. Диарея, энтероколит, ўн икки бармоқли ичак яраларини, холецистит, гепатит, цистит, нефритни даволашда ижобий натижалар кузатилган. Баргларидан олинган шарбат фитонцидлик хусусиятига эга. М.Н. Здренко йиғмаси таркибиға кирган ўсимликлардан бири ҳисобланади.



Оддий дастарбош (*Tanacetum vulgare* L.).

29. Оддий жағ-жағ, ачамбити—*Capsella bursa-pastoris* (L.) Medic. Пастушья сумка обыкновенная *Brassicaceae, Cruciferae*

Ўсимлиknинг тавсифи. Оддий жағ-жағ, ачамбити (*Capsella bursa-pastoris*) Карамдошлар (*Brassicaceae*) оиласига мансуб бир йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 10-30 см ча ўсади. Пояси оддий ёки шохланган, сийрак баргли, қиррали. Ўсимлик оддий ва айрисимон туклар билан қопланган. Илдиз бўғзидаги барглар патсимон бўлинган, юқоридаги барглари бутун. Гуллари оддий шингилга тўпланган. Гулкосачабарглари ва гултожибарглари тўрттадан бўлиб, гултожибарглари оқ рангли. Андроцейи олтида чангчидан ташкил топган бўлиб, шундан тўрттаси узун, иккитаси калта. Гинецейи иккита мевабаргчанинг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлган битта уруғчидан иборат, тугунчasi устки, икки уяли. Меваси тескари-юраксимон учбурчак шаклида. Мевасининг узунлиги 5-8 мм, кенглиги 4-5 мм. Март-май ойларида гуллаб, апрель-июль ойларида уруг ҳосил қиласи.

Географик тарқалиши. Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган ўсимлик. Ёввойи ўсимлик сифатида чекка шимолдан бошқа ҳамма ҳудудларда учрайди. Оддий жағ-жағ боғ ва экинзорлар, йўл ёқалари ва дарё бўйларида ўсади. Кенг тарқалган ўсимлик. Украина ва Волга бўйи туманларида ўсимлик хом-ашёси йиғилади.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида гиссонин рамноглюкозиди, ошловчи моддалар, органик кислоталардан: фумарин кислотаси, олма кислотаси, лимон ва узум кислоталари, холин, ацетилхолин, тирамин, 0,12% аскорбин кислотаси, инозит, флавоноидлар, микроэлементлар, кам микдорда сапонинлар ва алкалоидлар мавжуд. Ўсимлик К витаминига жуда бой. Уруғи таркибида 28% гача мой аниқланган.

Ишлатилиши. Табобатда ўсимлиknинг ер устки қисми ишлатилади. Бу ўсимликтан тайёрланган препаратлар туғриқдан кейин ҳамда бачадон касалликларида қон тўхтатувчи, бачадон тонусини кучайтирувчи восита сифатида қўлланилади. Оддий жағ-жағ халқ табобатида кенг кўламда ишлатилади. Тибет табобатида бу ўсимликтан кўнгил айниши ва қусишга қарши таъсир этувчи восита

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

сифатида фойдаланилган. Оддий жағ-жағ гипотензив хусусият эга бўлиб, қон босимини туширади, ичак фаолиятини меъёрлаштиради.

Оддий жағ-жағ гуллаган вақтида ҳамда меваси пишиш даврида ер устки қисми ўриб олиниб, очик ҳавода ва соя жойда куритилади. Тайёр бўлган махсулот қофоз қопчаларга солиб сақланади.

Ўсимликдан дамлама тайёрлаш учун янги узулган ёки қуритилганидан 2 ош қошиқ миқдорида олиб, 200 г қайнок сув билан дамланади, сўнгра унинг шарбатини уч бўлиб истеъмол қилинади.

Х.Х. Холматов ва З.Х. Ҳабибовларнинг берган маълумотларига қараганда доривор дамлама тайёрлаш учун идишга 1 стакан қайнаб турган сув қўйиб, устига ўсимликнинг майдалангандан ер устки қисмидан 1 ош қошиқ солинади ва идишнинг қопқоғи 2 соат мобайнида ёпиб қўйилади. Сўнгра дока билан сузилади. Дамламадан кунига 4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.



Оддий жағ-жағ (*Capsella bursa-pastoris* (L.) Medic.).

30. Оддий исириқ – *Peganum harmala L.* Гармала обыкновенная *Zygophyllaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Оддий исириқ (*Peganum harmala*) Туятовондошлар (*Zygophyllaceae*) оиласига мансуб, кўп йиллик, бўйи 20-50 смгача ўсадиган, ёқимсиз ҳидли ва аччиқ таъмли, кўп йиллик ўт ўсимлик. Илдизи ер остида 2 метргача борадиган ўқ илдиз тизимли. Пояси шохланган, силлиқ, туксиз. Барги кулранг-яшил рангли, узунлиги 4-5 см, кенглиги 5-6 см бўлиб, панжасимон қирқилган, асосан уч бўлакли, баъзан 4-5 бўлакли, барг бўлакчалари қалами, ўткир, бир оз этли, бўлакчаларининг узунлиги 1-3,5 см. Поянинг пастки қисмидаги барглари қисқа бандли, юқоридагилари бандсиз, поядга кетма-кет ўрнашган. Қўшимча барги иккитадан, ланцетсимон шаклда. Гуллари майда, оқ рангли, эллипссимон – думалоқ, узунлиги 2-2,5 см, шохларининг учки қисмида якка-якка ва баргига нисбатан қарама-қарши жойлашган. Гулкосачаси асос қисмигача бешга бўлинган бўлиб, мева билан бирга қолади. Гултожибарги бешта, чангчилари 15 та, уруғчи тугуни уч хонали, юқорида жойлашган. Меваси-шарсимон, уч чаноқли, кўп уруғли, пишганда очиладиган кўсакча бўлиб, диаметри 0,6-1 см. Уруғи майда, уч қиррали, жигарранг ёки қўнғир-кулранг, устки томони майда чуқурчалари бор. Исириқ март ойининг охирларида кўкариб чиқади ва май ойидан бошлаб бутун ёз бўйи гуллайди. Август ва сентябрь ойларида уруғи пишади. Бу даврга келиб барглари сарғайиб қурий бошлайди.

Географик тарқалиши. Исириқ Жанубий Европа, Шимолий Африка, Кичик Осиё, Кавказ, Саудия Арабистони, Эрон, Афғонистон, Монголияда, Хиндистон ва Хитойда ўсади. Исириқ Ўрта Осиё республикаларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган.

Исириқ чўл, адир ва тоғларнинг қуи қисмларида, қумлоқ, шўрхок ва тошлоқ тупроқли жойларда, йўл ёқаларида, қудуқларнинг атрофларида, фойдаланилмай ётган ўтлоқларда ўсиб, баъзан исириқзорларни ташкил этади. Шунингдек, у бегона ўт сифатида экинлар орасида ҳам учрайди.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик илдизида 1,7-3,3%, поясида 0,23-3,57%, баргига 1,07-4,96%, гулида 2,82% ва уруғига 2,33-6,60% гача алкалоидлар бўлади. Алкалоидлардан: гармалин, гармин, гармалол, пеганин, дезоксипеганин каби алкалоидлар борлиги аниқланган.

Бундан ташқари исириқнинг таркибида сув, клетчатка, оқсил моддалари, мой, азотсиз экстрактив моддалар ва кул бор. Уруғида алкалоидлардан ташқари, 14,23% мой ва пигментлар мавжуд (Холматов, Аҳмедов, 1997).

С.Ю. Юнусов (1981) келтирган маълумотларига кўра, Бухоро ва Сирдарё вилоятларидан вегетацияси бошида йиғилган исириқнинг ер устки қисмидан 2,1% алкалоидлар, ёш илдизларидан-3,32%, қари илдизлари таркибидан-1,68%; гуллаш даврида эса ер устки қисмидан-1,86-1,95% алкалоидлар аниқланган. Бу алкалоидлар бирикмасидан 15га яқин алкалоид: гармин, гармалин, гармалол, пеганин, вазицинон, дезоксипеганин, пеганин, пеганидин, пеганол, дипегин ва бошқалар ажратиб олинган.

Ишлатилиши. Исириқ асрлар давомида Шарқ ва Ўрта Осиё табобатининг асосий дори-дармони бўлиб келган. Бу ҳақда Абу Али ибн Сино «Тиб қонуниятлари» номли китобининг иккинчи жилдида: «бўғимлар оғриганда ва асаб шамоллаганда оғриган ерга исириқ боғланса яхши бўлади. Уруғини асал, мусаллас, товук ёки какликнинг ўти ва фенхел ўсимлигидан олинган шира аралашмасида эзиб ичилса, кўриш қуввати пасайган кўз тузалади» деган маълумотларни келтирган.

Исириқ Шарқда, айниқса Афғонистонда кенг миқъёсда ишлатилади. Илмий манбаларда қайд қилинишича, афғонлар шол бўлган беморни даволаш учун қиздирилган исириқ баргларидан фойдаланадилар. Шунингдек, улар исириқ уруғи билан кунжут уруғи солиб қайнатилган сувни нафас қисиш (астма) ва бод касалликларини даволашда, қалампир қўшиб қайнатилган сувини эса захм касаллигини даволашда ишлатадилар. Пояси ва баргларини қайнатиб, асаб, тутқаноқ, тумов ва безгак касалликларини даволайдилар. Тиш милклари касалланганда, бу сув билан оғиз чайилади. Ҳиндистонда эса исириқ гижжани тушириш ва наркотик модда сифатида қўлланилади. Қозоғистонда исириқдан тайёрланган шира билан бўта ва тойлоқларнинг қўтири даволанади. Кавказда исириқнинг яшил танаси ва баргидан олинган суюқлиқ билан энди бошланган кўз гавҳари хираланиш касаллиги даволанади. Халқ табобатида исириқ шарбати билан бод ва турли тери касалликлари даволанган.

Гармин препаратлари қон босимини пасайтиради ва нафас олишни тезлаштиради, ичак мускулларини қисқартиради, ичакдаги гижжаларни ўлдиради. Гармин тузи клиникаларда турли асаб (нерв)

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

касалликларини, айниқса, Паркинсон, эпилепсия, оёқ-қўлларнинг қалтироқ бўлиб қолиш касаллигини даволашда ишлатилади.

Исириқ бўёқ берувчи ўсимлик сифатида ҳам қадрланади. Унинг уруғидан тўқ-қизил ранг олинади, Туркияда бу рангдан миллий бош кийимларни бўяшда, бизда эса жун ва ипак ҳамда пахтадан тайёрланган матоларни бўяшда, қандолатчиликда шарбатга ранг беришда фойдаланилади.

Исириқдан олинадиган алкалоидлар дезинфекция қилиш хусусиятига эга бўлиб, у омборлар ва уй каби жойларни зарарли ҳашаротлардан тозалашда қўлланилади.

Исириқнинг тутуни турли текинхўр ҳашаротларни ва уларнинг қуртларини ўлдириши маҳаллий халқларга жуда яхши маълум. Ўсимлик таркибида алкалоидлар бўлгани сабабли чорва моллари исириқни ёки у аралашган пичанни истеъмол қилса заҳарланади.



Оддий исириқ (*Peganum harmala L.*).

31. Оддий оққалдирмоқ-Tussilago farfara L. Мать-и-мачеха обыкновенная *Asteraceae, Compositae*

Ўсимликнинг тавсифи. Оддий оққалдирмоқ (*Tussilago farfara*) – Муракабгулдошлар (*Compositae*) (Астрадошлар-Asteraceae) оиласига кирадиган кўп йиллик илдизпояли ўсимлик. Бўйи 5-25 см. Барглари думалоқ-юраксимон, чети ҳар хил ўйилган, тишли, усти туксиз, яшил рангли, баргининг орқа томони оқ рангли бўлиб, момик туклар билан қопланган. Баргининг узунлиги 8-15 см, кенглиги 10 см, панжасимон томирланган бўлади. Илдизпояси узун бўлиб, шохланиб ўсади. Эрта баҳорда илдизпоядан тўпгул ҳосил қилувчи бир нечта поялар ўсиб чиқади. Юмалоқ поясининг устки томони қизил-қўнғир рангли тангачасимон баргчалар билан қопланган бўлиб, учидаги чўзиқ сор жойлашган барглар билан ўралган. Саватча четида бир неча қатор бўлиб тилсимон гуллар, ўртасида эса найчасимон гуллар ўрнашган бўлади. Саватчасининг диаметри 2-2,5 см. Сариқ рангли тоҷибарглари бешта, чангчилари бешта, гинецийи иккита мевачабаргнинг қўшилиб ўсишидан ривожланган битта уруғчидан ташкил топган бўлиб, тугунчалик ости. Ўсимлик гуллаб бўлгач, илдиз бўғзидан барглар ҳосил қиласиди. Апрель-май ойларида гуллаб уруғлайди. Меваси-учмали писта.

Географик тарқалиши. Оддий оққалдирмоқ Кавказ, Сибирь, Украина, Белоруссия, Молдавия, Урал, Қозогистон, Ўрта Осиё тоғларида, Кичик Осиёда, шимолий Африкада, шимолий Америкада учрайди.

Ариқ ва дарё бўйларида, нам жойларда ўсади.

Кимёвий таркиби. Барглари таркибида аччиқ гликозидлардан 2,63% туссилягин ҳамда галлат, олма ва узум кислоталари, 70-251мг% С витамини, 5,18мг% каротиноидлар, 0,25% флавоноидлар, 8,46-9,61% ошловчи, 7-8% шиллиқ ва бошқа моддалар мавжуд. Гулларининг таркибида стеринлар, фарадиол, флавоноидлардан 0,36% рутин, 0,28% гиперозид ҳамда 172-253 мг % С витамини бор.

Ишлатилиши. Оддий оққалдирмоқ ўсимлигининг доривор препаратлари юмшатувчи, балғам қўчирувчи, дезинфекция қилувчи таъсирга эга. Халқ табобатида балғамли йўталларни даволашда фойдаланилган.



Оддий оққалдирмоқ (*Tussilago farfara* L.).

32. Оддий тиллабош - *Centaurium erythrea* Rafn. Золототысячник обыкновенный *Gentianaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Оддий тиллабош (*Centaurium erythrea*) Эрбаҳодошлар (газакўтдошлар) (*Gentianaceae*) оиласига кирадиган бир ёки икки йиллик ўт ўсимлик. Ўсимлик вегетациясининг дастлабки даврида илдизолди тўпбарглар, сўнгра тик ўсуви тўрт қиррали, баландлиги 10-40 см га етадиган поя ҳосил қиласиди. Илдизолди барглари тескари тухумсимон, текис қиррали, учи тумтоқ, туксиз, ёйсимон жойлашган 5 та асосий томири бор, узунлиги 4 см. Поядаги барглари чўзиқ тухумсимон ёки ланцетсимон, ўткир учли, текис қиррали, 3-5 та параллел жойлашган асосий томирли, узунлиги 3 см, кенглиги 1 см бўлиб, пояда қарама-қарши ўтроқ ҳолда ўрнашган. Гуллари қалқонсимон рўвакка тўпланган. Гулкосачаси 5 бўлакли, гултожибарги узун, цилиндрсимон найдали, қизил, 5 бўлакка қирқилган. Чангчиси 5 та, уруғчи тугуни бир хонали, юқорига жойлашган. Гуллари қизил рангли, беш бўлакли бўлиб, қалқонсимон тўпгулга ўрнашган. Меваси цилиндрсимон, икки хонали қўсак. Июнь ойидан бошлаб кузгача гуллайди.

Географик тарқалиши. Украина, Белоруссия, Молдавия ва Болтиқ бўйи давлатларида, Россия Европа қисмининг ўрта ва жанубий ҳудудларида, Кавказ, Бошқирдистон, қисман Ўрта Осиё ва Олтой ўлкасида табиий ҳолда тарқалган. Ўзбекистон флорасида ҳам учрайди.

Суғориладиган ўтлоқларда, дарёлар ҳавзасида, ботқоқлар атрофида, каналлар ва ариқ бўйларида, буталар орасида, ўрмон четларида ўсади.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ер устки қисми шифобаҳш ҳисобланади. Ер устки қисми таркибида аччиқ гликозидлардан: сверциамарин, генциопикрин, сверозид; алкалоидлардан: эритроцин, генциамин, центауреин flavonoиди, эфир мойи, ксантонлар, С витамини ва бошқа моддалар бўлади (Минаева, 1991).

Ишлатилиши. Тиллабош турларининг доривор препаратлари иштаҳа очиш ҳамда овқат ҳазм қилиш органлари функциясини ошириш учун ишлатилади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР



Оддий тиллабош (*Centaurium erythrea* Rafn.).

Дамлама тайёрлаш. Ўсимликнинг 10 г майдаланган ер устки қисми солинган стакан устига қайнаган сув солинади ва совигунича тиндириб қўйилади. М.Д. Машковскийнинг (1987) берган маълумотига кўра, ўсимлик дамламаси иштаҳа очувчи, овқат ҳазмини яхшиловчи ҳамда ошқозон шираси кислоталигини пасайтирувчи хусусиятга эга. Ўсимлик дамламасини овқатланишдан ярим соат олдин 1/2-1/3 стакандан ичиш тавсия қилинади (Минаева, 1991).

33. Оддий тоғрайҳон-*Origanum vulgare L.*

Душица обыкновенная

Lamiaceae, Labiateae

Ўсимликнинг тавсифи. Оддий тоғрайҳон (*Origanum vulgare*) – қўп йиллик, ёқимли ҳид таратувчи ўт ўсимлик ҳисобланади, ҳамда уни тошчўпга ўхшатишади. Оддий тоғрайҳон яхши ўсиб, баъзан 90 см баландликкагача етади. Унинг илдизпояси кучли шохланган, барглари узунчоқ, тўқ – яшил, аниқ ифодаланган томирчалардан иборат бўлади. Пояси бироз сертуқ бўлиб, тўғри ўсган, фақат юқори қисми бир оз шохланган. Гуллари – хушбўй, майда, қизил рангли бўлиб, шингил тўпгулларда йиғилган. Оддий тоғрайҳон июль ва август ойларида гуллайди.

Географик тарқалиши. Ўзбекистон ҳудудида Оддий тоғрайҳонни турли хил жойларда кўриш мумкин: бутазорлар орасида, ўрмон четида, водий ва дара қияликларида, дарё бўйларида, йўл четларида, боғ ва бошқа жойларда ўсади.

Кимёвий таркиби. Тоғрайҳоннинг кимёвий таркибиға флавоноидлар (кверцетин, лютеолин), аччик моддалар, ошловчи моддалар, фитонцидлар, эфир мойлар, айрим феноллар иштирок этадиган – карвакрол ва тимолларни ўз ичига олади ҳамда кучли микробларга қарши хусусиятга эга бўлади ва витаминалардан С (айниқса баргларда), В₁, В₂ ва бошқалар шулар жумласидан ҳисобланади.

Ишлатилиши. Ўсимликнинг ер устки қисмидан доривор мақсадларда фойдаланилади. Гуллаш даврида пояси барглар билан қопланади. Куруқ хом-ашёси соя жойларга юпқа қатлам қилиб ёйилади: бостирмалар тагига, темир том остига ва бошқа соя жойларда қуритилади. Хом – ашё қуруқ салқин жойларда картон қутиларда ёки қофоз пакетларда сақланади. Сақлаш муддати 1 йил.

Қадим замонларда инсонлар тоғрайхон майсасини баджаҳл руҳларни қайтарувчи деб ҳисоблашган, ҳамда ундан сеҳргарликка, афсунгарликка қарши фойдаланишган. Унда ноёб бўлган шифобахш ва фойдали моддалар тўпланганлиги сабабли, оддий тоғрайхон балғам кўчириш, ични ҳайдаш, яллигланишга қарши, антисептик, спазмолитик, оғриқ қолдирувчи, тинчлантирувчи, қонни тўхтатувчи, ўт сафросининг чиқишини кучайтирувчи, сийдик ҳайдовчи хусусиятларни ўзида мужассам этган. Оддий тоғрайхон моддалар алмашинувини мувоффиклаштиради, ични енгил бўшаштирадиган восита ҳисобланади, шунингдек овқат ҳазм қилишни яхшилайди ва иштаҳани қўзғатади. Тоғрайхондан тайёрланган препаратлар асаб стрессида ва қўзғалишида тинчлантирувчи восита сифатида фойдаланилади, ҳамда улар атеросклероз ва радикулитда ҳам фойдали ҳисобланади.

Тоғрайхон қайнатмаси: 2 ош қошиқ қуруқ майдаланган ўтлар 1 стакан қайнатилган сувга қўшилади ва 15 дақиқа сув ҳаммомида сақланади, ундан кейин оловдан олиб яна 45 дақиқа қўйилади. Кейин, қайнатма сузгичдан ўтказилади, чўкиндиларилиси сиқиб имкон қадар қайнатилган сув қўшиб дастлабки ҳажмига қайтарилади. Қайнатма овқатланишдан 15 дақиқа олдин кунига 2 маротаба, стаканнинг 1/3 ҳажмда, илиқ ҳолатда ичилади. Қайнатмани ичга қабул қилиш оғизнинг ёқимсиз ҳидларини йўқотади, гастрит билан яллигланишга қарши таъсир кўрсатади, сурункали гастритда кислоталикни пасайтириши, қизилўнгачнинг яллигланишига қарши таъсир кўрсатади ва ичакларнинг перистальтик ҳаракатини кучайтиради. Срункали циститда (қовуқнинг яллигланиши) қайнатмани ичишдан ташқари ўтирган ҳолда қайнатмада ванна қабул қилинади, шунингдек у кунига 10-15 дақиқа давомийликда 1-2 маротаба такрорланади. Даволаниш курси 8-12 кун ҳисобланади. Тоғрайхон дамламаси ташқи (компресс, ювиниш учун) қабул қилинади. Тоғрайхоннинг кукунидан ринитни даволашда фойдаланилади, муаттар ҳид беради. Ўтлар дамламаси иштаҳани яхшилаш учун ичилади, чунки у ошқозон ширасининг ажралишига ёрдам беради, овқат ҳазм қилинишини яхшилайди. Оддий тоғрайхон ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакларнинг яраларини даволаш учун, сурункали ич қотиши, ошқозон ва ичак спазмасида, метеоризмда, кўнгил айнишида ел ҳайдовчи ва оғриқ қолдирувчи сифатида қўлланилади. Жигар касалликларида сафро чиқишини кучайтириш каби, ўт қопи, сариқ,

гижжа, геморрой касаликларини даволашда фойдаланилади. Ҳамда тоғрайхон нафас олиш органларига ижобий таъсир кўрсатади. Уни бронхит, пневмония, шамоллашлар, бронхиал астма, бўғилиш, ўпка сили кабиларда қабул қилинади. Йўтал ва бўғилишда тоғрайхон дамламаси қайнатилган сут билан қабул қилинади, айниқса кечқурун ичиш тавсия қилинади. Ўсимлик настойкаси марказий асад тизимини издан чиқишида, невроз, истерия, томир тортишиши, эпилепсия, жинсий қўзғалувчанликнинг қўтарилишида, уйқусизлик, тушкинликка тушганда, фалажда қабул қилинади. Ушбу ҳолатда уни нафақат ичга қабул қилинади, балки қайнатмаси билан баданни ҳўллаб артиш мумкин. Ўсимлик қайнатмаси ва дамламаси буйрак касалликларида сийдик ҳайдовчи восита сифатида таъсир кўрсатади, қон томирларнинг ревматизм билан заарланишида, подаграда ижобий таъсирга эга.

Қадим замонлардан тоғрайхон ўсимлиги халқ табобатида қўплаб касалликларни даволашда кенг қўлланилган. Айниқса, гинекологик касалликларни даволашда ҳам кенг қўлланилган. Оддий тоғрайхон ўсимлиги яна гипертония (аммо оғир формасида эмас), атеросклерозни даволашда фойдаланилади ва у қон босимини меъёрга келтиради. Тоғрайхон қайнатмасини малҳам ва компрессор сифатида ташқи қабул қилинади ва лимфа тугунларининг яллиғланишида, аллергия, чипқон, йирингли яраларда ташқи қабул қилинади. Оғиз ёки ичакнинг шиллик қавати кандидозида оғиз чайилади ва тоғрайхон истеъмол қилинади. Диатезда, тошма, ширинча, рахитда ванна ёки малҳам қўринишида қабул қилинади. Тоғрайхон қайнатмаси билан бош ювилса соч илдизлари мустаҳкамланади.

Тоғрайхон дамламаси: 1 ош қошиқ майдаланган тоғрайхон ўтлари 1 стакан қайнатилга сувга солинади, 30 дақика дамлаб қўйилади, истеъмол қилишдан олдин сузгичдан ўтказилади. Кунига 3 маҳал овқатланишдан олдин 0,3-0,5 стакан қабул қилинади. Ҳамда, тоғрайхон барглари ўткир-хушбўй ўсимлик сифатида хуштаъмлик бериш учун сабзавотли ва гўштли овқатларга, салатларга қўшилади, бодринг, карам, қўзиқоринларни тузлашда ҳам қўшилади.

Тоғрайхоннинг ножӯя таъсири. Тоғрайхон ўсимлигини ҳомиладор аёллар истеъмол қилиши тақиқланади, у бачадонда қисқариш чақиргани сабабли касалликни сунъий равишда қўзғатиши туфайли бола тушиши мумкин. Аёлларда кучли қон кетиш пайтида

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

қўллаш тақиқланади. Тоғрайҳон таркибида кўплаб аёллар фитогормонлари бўлганлиги сабабли, уни эркакларни узоқ вақт истеъмол қилиши тавсия қилинмайди.



Оддий тоғрайҳон (*Origanum vulgare* L.).

34. Ошловчи totim, сирка дарахти - *Rhus coriaria* L. Сумах дубильный *Anacardiaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Ошловчи totim (Сирка дарахти) - *Rhus coriaria* Пистадошлар (*Anacardiaceae*) оиласига мансуб, баландлиги 3-4 м, баъзан 6-10 м га етадиган паст бўйли дарахт. Ноқулай шароитда ўсганда бута шаклида ҳам учрайди. Бир йиллик новдалари кулранг-қўнғир, кўп йиллик поялари эса жигарранг. Барглари мураккаб, тоқ патсимон, япроқчалари тухумсимон ёки ланцетсимон, юқори қисми тўқ-яшил, остки томони қўнғир-яшил рангли, 7-9 жуфт, узунлиги 30 см га етади. Барг банди қанотчали. Гуллари майда, бир жинсли, яшил-оқищ, поянинг учидаги чўзиқ урчуқсимон, мураккаб бошоқ тўпгул ҳосил қиласи. Меваси йирик, тифиз, юмалоқ, тўқ-қизил рангли, нордон. Уруғи (данаги) майда бўлиб, овал шаклида, қаттиқ. 1000 та уруғининг оғирлиги 12 г.

Уруғидан ва бачкисидан кўпаяди.

Географик тарқалиши. Шимолий Америка, Тожикистон, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари: Ҳисор тизмаси (Тўполон ва Хондиза дарёларининг ҳавзалари) ва Ғарбий Тянь-Шанда, Чотқол тизмаси (Жоронқул-сой)да тарқалган. Денгиз сатҳидан 1200-1400 м баландлиқда қуруқ шағалли ва тошли ён-бағирларда ўсади. Очиқ жойларда ўсуви ёруғсевар ўсимлик. Кам учрайди, онда-сонда кичик тўплар ҳосил қиласи. Андижон ва Тошкент вилоятларида экиб ўстирилмоқда.

Кимёвий таркиби. Барглари таркибида 25% гача ошловчи моддалар бўлиб, унинг 15% ни танин ташкил қиласи, бундан ташқари галловат кислотаси; флавоноидлардан - мирицитрин, кверцетин; 0,01% эфир мойи; 112 мг% С витамини мавжуд.

Ишлатилиши. Ошловчи totim барги ва мевалари тиббиётда ишлатилади. Барглари гуллашни бошлаганидан то меваси пишгунча бўлган даврда териб олинади. Барглари танин ва галловин кислотасининг манбай ҳисобланади. Ошловчи totimнинг дориворлик хусусиятлари қадим давлардан маълум бўлган. Ботаниканинг отаси-Теофраст ҳамда Гален, буюк алломамиз Абу Али ибн Сино асарларида totim ўсимлигидан фойдаланиш йўллари ҳакида маълумотлар келтирилган. Теофрастнинг ёзишича: «Totim таркибида шундай доривор моддалар борки, улар элакдан ўтказилганда қаттиқ

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

қолдиқлар шаклида ажралади». Ибн Сино тотим ўсимлиги ҳақида шундай ёзган: «сурункали равишда дармонсиз, ичак яралари ва ичбуруғга учраган беморлар овқати таркибига ўсимлик киритилса бу дардан халос бўлишига ёрдам беради».

Халқ табобатида тотимдан тайёрланган қайнатма ёрдамида яра касалликлари, қулоқ оғриқлари, ошқозон-ичак тизими касалликлари, иштаҳа йўқолиши, бачадон қон кетишлари каби касалликларни даволанган.

Қайнатма ва дамламалари билан ангина касаллигига оғизни чайқаш, ич кетиш, энтерит, колит касалликларида ичиш тавсия қилинади. Қуритилган мевалари ва унинг порошоги —зиравор сифатида турли таомларга қўшилади. Табобатда баргларидан олинган танин ва унинг препаратлари тери куйишлари, йирингли яралар, сурункали экзема, ички қон кетишлар, ошқозон заҳарланишларини даволашда ишлатилади.



Ошловчи тотим (*Rhus coriaria* L.).

35. Оқ бахмалгул, гулхайри, ғалмас - *Alcea nudiflora* (Lindl.) Boiss, *Alcea sangardensis* Іжіп Алтей голоцветный *Malvaceae*

Ўсимлиknинг тавсифи. Оқ бахмалгул Гулхайридошлар (*Malvaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, баландлиги 1,5-2 метргача бўлади. Танаси юлдузсимон қалин туклар билан қопланган, пояси цилиндрисимон бўлиб, тик ўсади. Барглари узун бандли, япроқлари 5-7 бўлакли, барг чети тишисимон бўлиб, поядга узун банди билан кетма-кет жойлашган. Гуллари йирик, икки жинсли, шингилсимон тўпгулга йиғилган. Гултожиси оқ, асос қисми сариқ рангли. Меваси думалоқ шаклли бўлиб, 25-30 тагача уруғлар ҳосил бўлади. Уруғлари буйраксимон шаклли, қизил-қўнғир рангли, узунлиги 3-4 мм. Июнь-август ойларида гуллайди, июль-сентябрь ойларида меваси пишиб етилади. Уруғи орқали кўпаяди.

Географик тарқалиши. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида тарқалган. Тоғ олди, адир зонасидаги майдада тошли жойларда ўсади.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида ошловчи моддалар, баргларида 165-176 м/г % С витамини мавжуд (Курмуков, Белолипов, 2012).

Ишлатилиши. Ўсимлик илдизи ва уруғидан тайёрланган дамлама турли қон кетишларида қон тўхтатувчи, гулларининг дамламалари эса ичбуруғ ҳамда кўп миқдордаги сўлак ажралишига қарши восита сифатида қўлланилади.



Оқ бахмалгул (*Alcea nudiflora* (Lindl.) Boiss.).

36. Рўян, бўёқдор рўян - *Rubia tinctorum* L. Марена красильная *Rubiaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Рўян, бўёқдор рўян (*Rubia tinctorum*) Рўяндошлар (*Rubiaceae*) оиласига мансуб, кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйининг баландлиги 50-100 см га етади. Цилиндричесимон илдизпояси йўғон ва бўғинли, шохланган бўлиб, судралиб ўсади. Пояси тўрт қиррали, бўғинли, сершоҳ ва илмоқли дағал туклар билан қопланган. Барглари 4-6 тадан ҳалқасимон бўлиб жойлашган, тухумсимон ёки тухумсимон-наштар ёки наштарсимон шаклда, текис қиррали. Гуллари сарғиш-яшил рангда бўлиб, барг қўлтиғидан ўсиб чиқади ва ярим соябонда жойлашиб, сийрак рўваксимон гул тўпламини ҳосил қиласди. Гулкосачаси аниқ билинмайди, гултожибарги 5та, бирлашган, воронкасимон, чангчиси 5та, уругчиси битта бўлиб, иккита мевачабаргнинг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлади. Меваси – думалоқ. Қора рангли, сершира ҳўл мева бўлиб, 1 тадан 2 тагача уруғ ҳосил қиласди. Июнь – август ойларида гуллайди, меваси август – сентябрда пишади.

Географик тарқалиши. Рўяннинг ватани Ўрта Ер денгизи мамлакатлари бўлиб, Украина, Молдавия, Россия Европа қисмининг жанубида, жануби-шарқида, Кавказда, Ўрта Осиёда шу жумладан Ўзбекистонда учрайди. Республикализнинг барча вилоятларидағи дарё ва канал бўйларида, тўқайларда, дарё бўйларидағи чакалакзорларда, буталар орасида, далаларда, бегона ўт сифатида боғларда ва экинзорларда ўсади. Бу ўсимлик Догистон ва Озарбайжоннинг маҳсус плантацияларда ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Илдизпояси билан илдизи таркибида 5-6% антрацен унумлари (ализарин, руберитрин кислота, пурпурин, галиозин, иберицин ва бошқалар), 15%гача қандлар, органик (лимон, олма, узум ва бошқа) кислоталар, пектин ва бошқа моддалар бор.

Ишлатилиши. Тиббиётда илдизпояси ва илдизидан фойдаланилади. Уларни эрта баҳорда ёки кеч кузда ковланади, тупроқ ва қумлардан тозаланади, сув билан ювиб, йириклари майда бўлакларга қирқилади, қуёшда ёки 45° иссиқликдаги қуригичларда қуритилади.

Рўян ўсимлигининг ер ости органлари сийдик ҳайдаш ва спазмалитик оғриқларни (буйрак, сийдик ҳамда ўт йўллари

санчиғида ва бошқаларда) қолдириш таъсирига эга. Шунинг учун уларнинг доривор препаратлари (қайнатмаси, таблеткаси, порошоги ва таблетка ҳолидаги қуруқ экстракти) сийдик – тош, буйрак – тош касаллиги, ўт пулғаги ва ўт йўллари ҳамда подагра касалликларини даволаш учун ишлатилади.

Илдизпоясининг экстракти юқорида келтирилган касалликларда қўлланиладиган цистенал, энатин ва бошқа комплекс препаратлар таркибига киради.

Рўян илдизидан тайёрланган қайнатмани Абу Али ибн Сино сийдик ҳайдовчи восита сифатида ҳамда жигар, талоқ шиши ва бошқа касалликларга ишлатган. Бундан ташқари асал қўшилган сувда тайёрланган илдиз қайнатмаси билан фалажни ва қўймич нервининг яллиғланишини даволаган.

Рўян илдизидан тайёрланган қайнатма ёки дамламаси халқ табобатида подагра касаллигини даволашда, буйрак, сийдик йўллари, ўт пулғаги йўлларидаги тошларни тушириш учун ҳамда сийдик ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади. Асал қўшилган қайнатмаси билан сариқ касаллиги ва захм касаллиги даволанади.

Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан сув қуиб, устига майданган илдиздан 1 ош қошиқ солинади ва 15 минут қайнатилади, 4 соатдан сўнг докада сузиб, юқорида қўрсатилган касалликларни даволаш учун ҳар куни 3 маҳал яrim стакандан ичилади.

Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнатиб, совутилган сув қуиб, устига майдаланган илдиздан бир чой қошиқ солинади ва 8 соат давомида тиндириб қўйилади. Сўнг докада сузиб олиб, стаканда қолган илдиз қолдиқлари устига қайнаб турган сув қуиляди ва 10 минут давомида дамлаб қўйилади. Сўнг докада сузиб олиб, ҳар иккала дамламани аралаштирилади ва кунига 4 маҳал яrim стакандан ичилади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР



Рўян (*Rubia tinctorum* L.).

37. Сариқ қашқарбеда- *Melilotus officinalis* (L.) Pall. Донник лекарственный *Fabaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Сариқ қашқарбеда (*Melilotus officinalis*) Дуккақдошлар (*Fabaceae*) оиласига мансуб икки йиллик ўт. Бўйи 20-100 см бўлиб, пояси тик ўсади, шохланган.

Барглари мураккаб, уч япроқчали, япроқчалари тухумсимондан ингичка наштарсимон шаклгача, узунлиги 9-25 мм, кенглиги 2-8 мм, пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари сариқ рангли бўлиб, шингилсимон тўпгулда ўрнашган. Гули зигоморф, мураккаб гулқўрғонли, икки жинсли, беш аъзоли. Дуккак меваси бир уруғли, кўндаланг бужмайган. Май-июль ойларида гуллаб уруғлайди.

Географик тарқалиши. Сариқ қашқарбеда Россиянинг Европа қисмида, Кавказда, Ўрта Осиёда, жумладан Қозоғистон ва Ўзбекистонда, Сибирь жанубида тарқалган. Тоғ зонасида ва воҳаларда, экинлар орасида, йўл, ариқ ва дарё бўйларида ўсади.

Кимёвий таркиби. Унинг таркибида 0,9% кумарин, гликозидлар, ошловчи моддалар, С, Е витаминалари, эфир мойи бор.

Ишлатилиши. Табобатда ўсимликнинг гули ва барги бор новдалари ишлатилади. Ўсимлик гуллаган даврида гули бор новдалари йиғиб олинади ва қуритилади. Қуритилган хом-ашёси оғзи берк шиша ёки метал идишларда икки йилгача сақланади. Халқ табобатида нафас олиш тизими касалликларида йўталга қарши ва юмшатувчи, оғриқ қолдирувчи, тинчлантирувчи сифатида қўлланилган. Ўсимлик таркибидаги кумаринлар марказий асаб тизимига таъсир этиш хусусиятига эга бўлгани учун тиришишга, уйқусизликка қарши восита сифатида ишлатилади.

Уйқусизлик касаллигига: бир чой қошиқ майдаланган ўсимлик устига 1 стакан қайнаган сув қўйилади ва икки саот давомида дамлаб қўйилади. Тайёр бўлган дамлама кечқурун 1/4 стакандан ичилади.

Гипертония касаллигига: бир чой қошиқ майдаланган ўсимлик устига 1 стакан қайнаган сув қўйилади ва икки саот давомида дамлаб қўйилади. Тайёр бўлган дамлама кун давомида 1/2-2/3 стакандан 2-3 марта ичилади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Истерия касаллигидә: икки чой қошиқ майдаланган ўсимлик устига 70% спиртдан 1 стакан қўйилади ва 15 кун давомида тиндириб қўйилади. Тайёр бўлган спиртли дорини 5-10 томчидан кунига икки маҳал ичилади.



Сарик қашқарбеда (*Melilotus officinalis* (L.) Pall.).

38. Сассиқ коврак – *Ferula foetida* (Bunge) Regel, *Ferula assa-foetida* L.

Ферула вонючая
Apialesae

Ўсимликнинг тавсифи. Сассиқ коврак (*Ferula assa-foetida*) Зирадошлар (*Apialesae*) оиласининг типик вакили бўлиб, кўп йиллик, монокарпик ўсимлик. Ер остида йирик, овалсимон, этдор илдизи ривожланади. Пояси йўғон бўлиб, бўйи 1-1,2 метр баландликкача ўсади ва юқори қисмидан қуюқ шарсимон шаклли рўвакда ҳосил бўлади. Барглари юмшоқ, тезда сўлиб қолади. Барг қини овалсимон, яssi, қофозга ўхшайди. Соябони 25 нурли, кенглиги 15-20 см, соябончалари 15 гулли. Гуллари актиноморф, мураккаб гулқўрғонли, икки жинсли. Гултожибарглари сариқ рангли, ботиқ, яssi шаклли. Март-апрель ойларида гуллайди, апрель-май ойларида уруғлайди.

Географик тарқалиши. Республиканинг чўл ва адир зонасида кенг тарқалган. Тошкент вилояти, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қарақалпоғистонда тарқалган бўлиб, якка ўсан ҳолда тез-тез учраб туради.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг қатрони таркибида 4-28% эфир мойи бўлиб, унинг таркибида: дисульфидлар, гексенилдисульфидлар, параоксиумарин, 0,68% боғланмаган асарезинотанол, асарезинол ва уларнинг ферул кислотали эфири, умбеллиферон, асарезен, фарнезиферол ва бошқа моддалар бор.

Ишлатилиши. Бу ўсимлик Ўрта Осиё халқлари томонидан қадимдан турли асаб касалликларини даволашда, тиришишга қарши восита сифатида қўлланилган. Хитой табобатида ўсимлик қатронидан истерия, неврастения ҳамда вегетатив неврозларни даволашда фойдаланишган. Бундан ташқари турли тери касалликлари, экссудатив диатез, лимфаденит ва оSTIT касалликларини, шайтонлаш ҳамда шамоллашларни даволашда ҳам ўсимлик қатронидан фойдаланишган. Буюк алломамиз Ибн Сино бу ўсимлик ёрдамида жигар касалликлари, ошқозон, буйрак ва талоқ касалликларини даволаган ҳамда сийдик ҳайдовчи ва бачадон қон кетишларида қон тўхтатувчи восита сифатида ишлатган.

Кувайтда бу ўсимлик қатронидан антидиабетик восита сифатида қўллашади ҳамда гиполипидемик таъсирга эга деб хисоблашади.



Сассиқ коврак (*Ferula foetida* (Bunge) Regel).

39. Сохта янтоқ-*Alhagi pseudalhagi* Desf., *Hedysarum pseudalhagi* M.B., *Alhagi Camelorum* Fisch. Янтақ ложный, верблюжья колючка ложная *Fabaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Сохта янтоқ (*Alhagi pseudalhagi*) - кўп ийллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 50-130 см гача ўсади. Барглари оддий, чўзиқ наштарсимон. Гули қизил ёки пушти рангда бўлиб, косачабаргларининг ўткир тишли бўлиши билан бошқа турлардан ажралиб туради. Новда юқорисида жойлашган тиканларининг узунлиги 18-25 мм, йўғонлиги 0,5-1 мм, пастки тиканлари эса қаттиқ бўлиб, узунлиги 7-15 мм, йўғонлиги 1-1,5 мм гача етади. Май-сентябрь ойларида гуллаб, август-октябрь ойларида уруғ ҳосил қиласиди.

Географик тарқалиши. Сохта янтоқ Республикамизнинг ҳамма ҳудудларида ўсади. Чўл, адир, тоғ зоналарида тарқалган бўлиб, бегона ўт сифатида экинлар орасида учрайди.

Кимёвий таркиби. Сохта янтоқ таркибида 3,9-8,2% ошловчи моддалар, 0,2% кумарин, 0,8% эфир мойи, 3,4% флавоноидлар, каротин, С, В, К витаминлар груҳи, 8,6% шилимшиқ моддалар бор. Гулларида 0,83% эфир мойи бўлади. Илдизларида 0,17-0,19%гача алкалоидлар, гликозидлар, қанд моддалари мавжуд.

Ишлатилиши. Янтоқ қадимдан табобатда турли касалликларни даволаш учун қўлланиб келинади. Абу Али Ибн Сино янтоқнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамламани йўтални қолдириш учун ҳамда терлатувчи, кўкракни юмшатувчи ва сурги дори сифатида ишлатган.

Табобатда янтоқнинг ер устки қисми ва илдизи ишлатилади. Ер устки қисми ўсимлик гуллаган вақтда ўриб олинади ва соя жойда қуритилади. Илдизи эрта баҳорда ёки кузда ковлаб олинади, сув билан ювиб, тупроқдан тозаланади ва очиқ ҳавода қуритилади.

Янтоқ илдизидан тайёрланган қайнатма (баъзан дамламаси) халқ табобатида ичдан қон оқишни (қон аралаш ич кетганда) тўхтатишида, дизентерия, геморрой, жигар касалликларида, меъда яраси ва бошқа яра касалликларни даволаш учун ишлатилади. Бундан ташқари дамламаси ўт ва сийдик ҳайдовчи, терлатувчи ва сурги дори сифатида қўлланилади. Ер устки қисмидан тайёрланган дамлама юқорида қўрсатилган касалликларда ҳамда ангина,

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

тонзиллит, стоматит, йирингли стоматит, (қулоқнинг йирингли яллиғланиши), бурун – томоқ яллиғланишида, бачадон ярасида ва буруштирувчи восита сифатида ич кетиш, меъда ичак касалликларини даволашда ишлатилади.

Илдизи ва ер устки қисмининг қайнатмаси, суюқ экстракти ва дамламаси сийдик ҳайдаш, терлатувчи, қон оқишни тўхтатувчи, яллиғланишга қарши таъсир этувчи ва яраларни даволовчи хоссага эга эканлиги тажрибада тасдиқланган ва илмий тиббиётда ишлатишга тавсия этилган.

Янтоқ турларидан қуийдаги дорилар тайёрланади:

Ер ости органларидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир ярим стакан сув қуийлади, устига қуритиб майдаланган илдиздан 1 ош қошиқда солиб, 15 минут қайнатилади ва 2 соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади. Юқорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун кунига 3 маҳал қайнатмадан 1ош қошиқдан ичилади.



Соҳта янтоқ (*Alhagi pseudalhagi* Desf.).

40. Сувқалампир, сувзамчи торон, аччиқ торон—*Polygonum hydropiper L.*

Горец перечный, водяной перец
Polygonaceae

Ўсимликнинг тавсифи. Сувқалампир (*Polygonum hydropiper*) Торондошлар (*Polygonaceae*) оиласига кирадиган бир йиллик ўт ўсимлиқ. Бўйи 20-60 см. Пояси қизғиш рангли, тик ўсуви, туксиз бўлиб, асос қисмидан бошлаб шохланган. Барглари оддий, ланцетсимон, ўткир учли, бўйи 4-8 см, кенглиги 0,5-2 см, қора нуқтасимон безлари бор, пояда кетма-кет ўрнашган. Раструблари қизғиш. Гуллари майда, кўримсиз, бошоқсимон шингилга сийрак ҳолда тўпланган, тўпгуллари ингичка. Меваси ёнғоқча. Июнь-сентябрь ойларида гуллаб мева беради.

Гуллари ва барглари қалампирнинг мазасини бергани учун бу ўсимликин сувқалампири дейилган.

Географик тарқалиши. Россиянинг Европа қисмида, Кавказ, Сибирь, Узоқ Шарқ, Украина, Белоруссия, Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистонда учрайди. Сувқалампир сув ҳавзалари қирғоқлари, саёз ариқлар ва зовурлар ичидаги ўсади. Адирлардан тортиб тоғнинг ўрта қисмигача тарқалган.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ер устки қисми даволаш мақсадида фойдаланилади. Ўсимлик таркибида алкалоидлар, кумаринлар, сапонинлар, flavonoидлардан: гиперозид, изорамнетин, кверцетин, кверцитрин, кемпферол, рамнетин, рутин; 200 мг% гача аскорбин кислота, K, PP витаминлари, каротин, а-ситостерин, органик кислоталардан: чумоли, олма, сирка, валериан кислоталари, ошловчи ва қатрон моддалари, эфир мойи, микро-макроэлементлардан: темир, марганец, магний, титан, кумуш ва бошқа элеменлар мавжуд.

Ишлатилиши. Ўсимлик препаратлари ҳайз кўриш цикли бузилганда қон кетишини тўхтатувчи восита сифатида ҳамда бавосир касаллигини даволашда ишлатилади. Бу ўсимликтан қон тўхтатувчи дори тайёрланади.



Сувқалампир (*Polygonum hydropiper* L.).

41. Сумбул ковраги, Сумбул–*Ferula sumbul* (Kauffm.) Hook. f.² Ферула сумбул, Ферула мускатная *Apiaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Сумбул (*Ferula sumbul*) Зирадошлар (*Apiaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлиқ. Илдизи йўғон, ўзига хос маҳсус ҳидга эга бўлиб, илдиз бўғзи барг бандлари билан қопланган. Поялари 2-5та бўлиб, ялонғоч, силлиқ, ингичка, баландлиги 50 см гача, юқори қисмидан қалқонсимон шохланган. Барглари оддий, қаттиқ бўлиб, илдиз бўғзида узун бандлари билан ўрнашган. Барг япроғи уч карра патсимон қирқилган, учидаги бўлаклари наштарсимон ёки чўзиқ. Тўпгули соябонсимон бўлиб, кенглиги 4-6 см, унда майда сариқ гуллари ўрнашган бўлади. Гуллари актиноморф, мураккаб гулқўрғонли, икки жинсли. Гулкосача ва гултожибарглари беш аъзоли бўлиб, гулкосачабарглари тишчали. Меваси майда, узунлиги 7 мм, кенглиги 4 мм. Июнь ойида гуллаб, меваси июль ойида пишади. Уруғидан қўпаяди.

Географик тарқалиши. Сумбул ўсимлиги Ўзбекистон республикаси учун эндемик тур ҳисобланиб, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари: Нурота, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор тизмаларида тарқалган, Тожикистонда ҳам учрайди.

Сумбул ўсимлиги тоғларнинг ўрта қисмидаги тошли ёнбағирларда, бутазорларда ўсади. Ниҳоятда ноёб тур бўлиб, табиий ҳолда тўп-тўп бўлиб учрайди. Тошкент Давлат Университетининг Ботаника боғида бундан бир неча йиллар олдин ўстирилган. Ўзбекистон Республикаси Қизил Китобига киритилган ва Ҳисор давлат қўриқхонасида муҳофазага олинган.

Кимёвий таркиби. Бу ўсимликнинг илдизида 9% гача қатронлар, 0,3-0,4% эфир мойи бўлиб, унинг таркибига киравчи линалиацетат, цитронеллиацетат, ферулин, сесквитерпен, доремон, доремол, сесквитерпен самбулин бор. Баъзан илдизлари таркибида 2-4% гача эфир мойи, 18,70% гача қатронлар ҳам учрайди. Бу оқ рангли қатронлар таркибидан фитостерин, ванилин кислотаси ҳамда умбеллиферон аниқланган.

Ишлатилиши. Ўсимликнинг илдизидан ажратиб олинган қатрон ошқозон пневматозида, вабо ва кўйиўтални даволашда ишлатилган.

² Ўзбекистон Қизил китоби: Ўсимликлар ва замбуруғлар, 2009.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Ибн Сино сариқ касаллигини, жигар касалликларини, буйрак ва талоқ касалликларини даволашда ҳамда сийдик ҳайдовчи, бачадон қон кетишларида қон тўхтатувчи восита сифатида фойдаланган. Бу ўсимликдан қадимдан маҳаллий аҳоли томонидан доривор ҳамда упа-элик хом ашёси сифатида ишлатиб келинган.



Сумбул (*Ferula sumbul* (Kauffm.) Hook. f.).

42. Теофраст дағалканопи - *Abutilon theophrasti Medicus.* Канатник Теофраста *Malvaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Теофраст дағалканопи ёки дағалканоп (*Abutilon theophrasti*) Гулхайридошлар (*Malvaceae*) оиласига мансуб бир йиллик ўт. Бўйи 50-200 см. Тик ўсувчи пояларининг учки қисми безли туклар билан қопланган бўлиб, баъзан юқори қисмидан шохланади. Барглари йирик, узун бандли, кенг тухумсимон, асоси юраксимон, учи ўткир тумшуқчали, майин туклар билан қопланган бўлиб, узунлиги 15 см га етади. Гуллари барг қўлтиғидан чиқсан узун гулбандларда жойлашган. Гуллари сариқ рангли, актиноморф, гулқўргони мураккаб, икки жинсли. Меваси 15 та мевабаргчадан иборат. Июль-сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди.

Географик тарқалиши. Бегона ўт сифатида суғориладиган экинлар орасида, ариқ бўйлари, полизларда, ўтлоқзорларда, йўл бўйларида ўсади.

Кимёвий таркиби. Теофраст дағалканопининг илдизи, барги, гуллари ҳамда уруғлари дориворлик хусусиятига эга. Ўсимликнинг илдизи таркибида сапонинлар, флавоноидлар; баргларида дарутин; уруглари таркибида алкалоидлар, 15-30% мой, 0,8% фосфолипидлар, 3% фитин мавжуд.

Ишлатилиши. Халқ табобатида яраларни тез тузатувчи ҳамда сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилган. Ўсимликнинг илдизи, барги ва гулларидан тайёрланган дамлама балғам кўчирувчи восита сифатида қўлланилган; барги, гуллари ҳамда уруғидан тайёрланган дамлама билан сўзак касаллиги даволанган. Тибет ва Хитой табобатида ўсимлик препаратлари ичак касалликларида, шу жумладан дизентерия, аппендицитни даволашда ишлатилган. Кукунсимон майдалангандар барглари сепма дори сифатида чипқон каби тери касалликларида яра юзасига сепиб даволанган.



Теофраст дағалканопи (*Abutilon theophrasti* Medicus.).

43. Туксиз қизилмия, ширинмия - *Glycyrrhiza glabra L.* Солодка голая *Fabaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Туксиз қизилмия, ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*) Дуккақдошлар (*Fabaceae*) оиласига мансуб, кўп йиллик, бўйи 45-80-120 см гача етадиган, ер остки қисми кучли тараққий этган ўт ўсимлиқ.

Илдизпояси йўғон ва ер остида горизонтал новдалари ва битта вертикал ўқ илдизли. Ўқ илдизининг узунлиги 4-5 м гача бўлади. Пояси бир нечта бўлиб, кам шохланган, тукли, безлар ва тиканлар (майда) билан қопланган.

Барглари 9-15 см ли, тоқ патли (3-9 жуфтли) мураккаб барг. Япроқчалари тухумсимон ёки ланцетсимон, текис қиррали, ёпишқоқ безлар билан қопланган. Қўшимча барглари майда, ланцетсимон, тўкилиб кетади. Гуллари зигоморф, шингилсимон тўпгулда йифилган. Тўпгули сийрак бўлиб, узунлиги 7-8-12 см га етади. Гулкосачабарги ва гултожибарги 5 тадан: оқиш - бинафша рангли. Чангчиси 10 та бўлиб, 9 таси қўшилиб ўсган, биттаси эркин.

Меваси пишганда очилмайдиган, пояси қуригандан сўнг очиладиган дуккак. Дуккаги 2-7 уруғли, ўроқсимон қайилган, қўндалангига ғадир-будир безлар ва безли тиканчалар билан қопланган. Апрель-июнь ойларида гуллаб, июнь-сентябрь ойларида уруғлайди.

Географик тарқалиши. Асосан Ўрта Осиё, Қозоғистон, Шимолий Кавказ, Урал дарёсининг водийсида, Доғистон, Туркманистанда кенг тарқалган. Бу ўсимлик Сибирь, Қозоғистон ҳамда Ўзбекистонда (Сирдарё, Балхашда) кўп учрайди. Шўр тупроқли чўлларда, ариқ, канал, дарё бўйларида, тўқайзорларда ва экинлар орасида ўсади.

Химиявий таркиби. Ўсимликнинг илдизи ва илдизпояси таркибида глицирризин ҳамда уч асосли глицирризин кислотанинг калий ва кальцийли тузи, флавоноид гликозидларидан-ликвиритин, ликвиритигенин, ликвиритозид бўлади. Бундан ташқари илдизлари таркибида С витамини, пигментлар, эфир мойи ва бошқа моддалар мавжуд.

Ишлатилиши. Ўсимликнинг илдизи ва илдизпоясидан тайёрланган таблеткалар балғам қўчирувчи (шамоллагандага)

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

хусусиятга эга бўлиб, енгил сурги сифатида, астма, экзема, аллерген дерматитни даволашда ишлатилади.

Флавоноидлар йиғиндиси меъда яллиғланишига қарши ишлатилади, дориларни (экстракт) таъмини ўзгартиришда қўлланилади.

Пиво, лимонад, кваслар тайёрлашда ишлатилади. Техникада ўт ўчирувчи кўпиклар тайёрлашда ишлатилади.

Куруқ экстракт, қуюқ экстракт, шарбат, глицирам, илдиз порошоги, чой - йиғмалар таркибиغا киради.



Туксиз қизилмия (*Glycyrrhiza glabra* L.).

44. Туркистон арслонқулоғи, арслонқулок-*Leonurus turkestanicus* V. Krecz. Пустырник туркестанский *Lamiaceae, Labiateae*

Ўсимликнинг тавсифи. Туркистон арслонқулоғи (*Leonurus turkestanicus*) Ялпиздошлар (*Lamiaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 40-150 см бўлиб, тик ўсади. Пояси бир нечта, юқорисидан шохланган. Барглари панжасимон қирқилган, ромбасимон бўлакларга бўлинган. Гултожиси сиёҳ ранг-пушти. Июнь-август ойларида гуллаб урглайди.

Географик тарқалиши. Асосан Ўрта Осиёда: Помир-Олойда, Тянь-Шань тоғ ён бағирларида, тоғли туманлардаги ариклар бўйи, жарликлар, боғларда ўсади. Ўзбекистонда, шу жумладан Сирдарёда кенг тарқалган.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида 0,15% эфир мойи, сапонинилар, 1,5% стахидрин алкалоиди, фенолкарбон кислоталари, 0,8% флавоноидлар бор. Баргларида 2,02-4,34% органик кислоталар, 1,4-6,1% ошловчи моддалар, уруғи таркибида 34,4% мой мавжуд.

Ишлатилиши. Ўсимлик препаратлари седатив таъсирга эга бўлиб, қон босимиини туширади, микробларни нобуд қилади.



Туркистон арслонқулоги (*Leonurus turkestanicus* V. Krecz.).

45. Туркистон исмалоги, чўчқа тикон–*Spinacia turkestanica* Iljin Шпинат туркестанский *Chenopodiaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Туркистон исмалоги (*Spinacia turkestanica*) Шўрадошлар (*Chenopodiaceae*) оиласига кирадиган, бир йиллик, икки уйли, бўйи 10-60 см гача ўсадиган ўт ўсимлик. Барглари оддий, пояда кетма-кет жойлашган. Поянинг пастки қисмидаги барглари урчуқсимон, ўткир учли, юқори қисмидаги барглари эса учбурчак-найзасимон ёки ланцетсимон шаклли бўлади. Гуллари тўпгулда ўрнашган. Чангчи гулларининг гулқўрғони тўрт бўлакли, андроцейи 4-5та чангчилардан ташкил топган бўлиб, бошоқсимон тўпгулда йиғилган. Уруғчи гулларида гулқўрғон барглари ривожланмаган бўлиб, унинг ўрнига 2-4 тишли гул олди ўрама барглари ҳосил бўлган. Уруғчи гуллари барг қўлтиғидан ривожланадиган шингилсимон тўпгулда ўрнашган бўлади. Гуллаб бўлгач, 4-6та уругчи гуллар ўзаро бирлашиб, тиконсимон тўп мева ҳосил қиласди. Апрель-июнь ойларида гуллаб уруғлайди. Уруғи орқали кўпаяди.

Географик тарқалиши. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида тарқалган. Тоғ ва адир зоналарида популяциялар ҳосил қилиб ўсади. Экинлар орасида бегона ўт сифатида учрайди.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик барглари таркибида 80% каротин, В₁, В₂ витаминлари, 16мг % аскорбин кислотаси ҳамда ўзига хос оқсил бирикма-пилокарпин, органик кислоталар, макро ва микроэлементлар бор.

Ишлатилиши. Ўсимлик сийдик ҳайдовчи ҳамда яллигланишга қарши таъсир этиш хусусиятига эга. Буюк аллома Ибн Сино исмалоқ баргидан тайёрланган қайнатмани йўталга қарши, балғам кўчирувчи, қабзиятга қарши, сафро ҳайдовчи восита сифатида қўллаган. Исмалоқ баргидан тайёрланган малҳам оғриқ қолдириш хусусиятига эга.

Қайнатма тайёрлаш. Ўсимликтан қайнатма тайёрлаш учун бир ош қошиқ миқдорда майдаланган янги ёш барглари устига 200 г сув қўйилади ва 10 минут давомида қайнатилади, сўнгра бир соат давомида дамлаб қўйилади. Совиган дамлама докадан сиздирилади ва кунига ярим пиёладан уч маҳал ичилади.



Туркистон исмалоғи (*Spinacia turkestanica* Iljin).

46. Учбўлакли қорақиз, иттиканак - *Bidens tripartita* L. Череда трехраздельная *Asteraceae, Compositae*

Ўсимликнинг тавсифи. Учбўлакли қорақиз (*Bidens tripartita*) - Мураккабгулдошлар (*Compositae*) оиласига мансуб, бўйи 15 - 60 - 100 см гача етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, новдалари дихотомик шохланган. Поянинг юқори қисми ингичка бўлиб, ундаги барглари қарама - қарши жойлашган. Барглари уч бўлакли ёки чўзиқ-эллипссимон қирқилган, узунлиги 3-7 см, кенглиги 1-4 см. Барг бўлакчалари ланцетсимон, арасимон-тишсимон қиррали. Барг томирлари бўйлаб безли йўллар жойлашган бўлиб, ичи қизғиш - сарғиши ранга бўлади.

Гуллари саватчага тўпланган бўлиб, поя ва шохчалар учидаги 1-4 тадан ўрнашган. Саватчалар 2 қават ўрама барг билан ўралган, гулларининг ҳаммаси найчасимон. Гултоjisи найчасимон 5 тишли, сарик ранга. Чангчиси 5та, уругчи тугуни бир хонали пастга жойлашган. Меваси - чўзиқ, тескари тухумсимон. Июндан сентябрь ойигача гуллайди.

Географик тарқалиши. Ўрта Осиё, Фарбий Сибирь, Узок Шарқда табиий ҳолда ўсади. Европа ва Кавказда экиб ўстирилади. Ариқ ва дарё бўйлари, шолипоялар четида ва бошқа нам ерларда ўсади.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида 28,3-61,26 мг% каротин, 748-953,3 мг% С витамини, 0,16-0,18% эфир мойи, 3,55% гача полифеноллар, 3% гача полисахаридлар, шиллиқ моддалар, флавоноидлар (лютеолин ва унинг гликозидлари - цинарозид ва бошқалар), ауронлар, умбеллиферон, эскулетин, скополетин кумаринлари, 4,3-6,8% ошловчи моддалар бор (Холматов, Аҳмедов, 1997).

Ишлатилиши. Ўсимлигининг ер устки қисми доривор ҳисобланади. Ўсимлик гуллаш олдидан ва қисман гуллаган вақтида ўриб олинади ва салқин ерда қуритилади.

Халқ табобатида учбўлакли қорақиз ўсимлиги препаратлари болаларда учрайдиган ширинча ва диатез касалликларида ишлатилади. Илмий тиббиётда эса сийдик ҳайдовчи, тер ҳайдовчи, овқатни ҳазм қилдирувчи сифатида, нафас олиш органларининг шамоллаш касалликлари, диатез, қичима, псориаз, нейродермит, бош

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

терисини себореясини даволашда қўлланилади.

Дамлама тайёрлаш учун 7,5 г қуритиб майдаланган ўсимликни эмалланган шиша ёки чинни идишга солинади, устидан 200 мл (1 стакан) қайнатилган хона ҳароратидаги сув солинади, идишнинг қопқоғи ёпилган ҳолда қайнаб турган сув ҳаммолида тез-тез аралаштириб туриб 15 минут давомида қиздирилади, сўнгра хона ҳароратида 45 минут совутилади, докадан ўтказилади ва ҳажмини қайнатилган сув билан 200 мл гача етказилади. Тайёр бўлган дамламани 1 ош қошиқдан эрталаб ва кечки пайт қабул қилинади. Тери касалликларини даволаш учун ванналарга солиб ишлатилади.



Учбўлакли қорақиз (*Bidens tripartita* L.).

47. Чумчуктили, қүш торон–*Polygonum aviculare* L. Горец птичий, спорыш *Polygonaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Чумчуктили (*Polygonum aviculare*) Торондошлар (*Polygonaceae*) оиласига кирадиган бир йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 10-50 см га етади. Пояси асос қисмидан шохланади, ер бағирлаб ярим ётиб ўсади. Поя ва шохларидаги барглари кенг эллипссимон, чўзиқ-овалсимон, тилсимон, баъзан қалами бўлиб, узунлиги 2 см. Баргларининг шакли бир хил. Раструблари (барг банди билан пояни ўраб турувчи ёндош баргчалардан тузилган юпқа парда) 4 ммча, силлиқ. Гуллари майда, гулқўргони оддий, ярмигача қирқилган, чети қизғиши ёки оқиш рангга бўялган 5 та гултожибаргдан ташкил топган, 1-5 тадан бўлиб барг қўлтиғида ўрнашган. Чангчиси 8 та, уруғчиси битта бўлиб, тугунчаси бир хонали, юқорида жойлашган. Меваси тўқ-қўнғир рангли, уч қиррали ёнгоқча. Июнь ойидан октябрь ойигача гуллаб уруғлайди.

Географик тарқалиши. Бу ўсимлик Арктикандан бошқа ҳамма ерда ўсади. Ариқ ва йўллар ёқаси, экинлар орасида ўсадиган бегона ўт ўсимлик. Чўл, адир ва тоғ зоналарида кенг тарқалган.

Кимёвий таркиби. Тиббиётда ўсимликнинг ер устки қисми ишлатилади. Ўсимлик таркибида 6% ошловчи моддалар, С витамини, глюкоза, фруктоза, сахароза, эфир мойи, каротин, кофейин кислотаси, умбеллиферон, скополетин, 9,4% flavonoидлардан кверцетин, кемпферол, изорамнетин, авикулярин, кверцитрин, гиперинлар; илдизи таркибида дельфинидин, антрахинонлар; барглари таркибида каротин, С витамини, 4,9% гача flavonoидлардан: кемпферол, кверцетин, мирицетин, изорамнетин; меваларида каротин ва С витамини борлиги аникланган.

Ишлатилиши. Ўсимлик воситасида қон тўхтатувчи препаратлар ишлаб чиқилган бўлиб, акушерлик-гинекология амалиётида туғиши ҳамда аборт жараёнидан кейин қон кетишини тўхтатувчи, сийдик ҳайдовчи, буйрак ва буйрак тош касалликларини даволашда самарали дори сифатида ишлатилади. Халқ табобатида дамлама ва қайнатмаларидан гастрит, ошқозон ва ўникки бармоқли ичак яралари, ич кетиши, жигар, буйрак, сийдик пуфаги, туберкулёз касалликларини даволашда фойдаланилган. Ўсимлик барги очиқ

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

яраларнинг устига қўйилади. Ўтидан тайёрланган ванналар билан болалардаги тери касалликлари даволанади.

Ўсимлик хом-ашёси гуллаган даврида тайёрланади. Унинг йигиб олинган ер устки қисми қуритиш учун соя жойга тўшалган қофоз устига юпқа қилиб ёйилади. Қуриган хом-ашёси қофоз халтачаларда сақланади.

Организм кучсиз бўлганда, гастритда, ошқозон ва ўникки бармоқли ичак яраларда, турли қон кетиши касалликларида: 25 г янги узилган ер устки қисмининг устига 0,2 л қайнаган сув қўйилади ҳамда бир соат давомида тиндирилади. Совитилган қайнатмаси кунига уч маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

Оғир касалликлардан сўнг, организмда туз алмашинуви бузилганда: 5 г янги узилган ер устки қисмининг устига 0,3 л қайнаган сув қўйилади ҳамда икки соат давомида тиндирилади. Совитилган қайнатмаси кунига уч маҳал 100 млдан ичилади.

Буйрак, сийдик пуфаги, жигар касалликларида: 20 г майдалангандан ўсимлик устига 0,2 л сув қўйилади ҳамда паст оловда 15 минут қайнатилади. Совитилган қайнатмаси кунига уч маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.



Чумчуктили (*Polygonum aviculare L.*).

Доривор препаратлари. Авикулярин - (порошок, таблетка), дамлама. Авикулярин - ўсимлиқдан 70% спиртда тайёрланган қуруқ экстаркт билан, ўсимлик ер устки қисми порошогининг бир хил миқдордаги аралашмасидан иборат.

48.Шарқ такасоқоли, такасақол–*Dodartia orientalis L.* Додарция восточная *Scrophulariaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Шарқ такасоқоли ёки такасақол (*Dodartia orientalis*) Сигирқуйруқдошлар (*Scrophulariaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 25-40 см. Пояси сершох, деярли баргиз. Тўпгули шингилсимон, 3-7 гулли. Гуллари сиёҳ рангли бўлиб, ўтроқ гул. Гунчасининг узунлиги 16-22 мм. Гуллари зигоморф, мураккаб гулқўрғонли, икки жинсли. Меваси кўп уруғли шарсимок кўсак. Уруғи тухумсимон, тўқ жигаррангли, узунлиги 0,5-0,75 мм, кенглиги 0,5 мм. Июнь-сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди. Кичик популяциялар ҳосил қилиб ўсади.

Ўсимликка хос белгилар: яшил рангли новдалари жуда кучли шохланган бўлади, деярли баргиз, ўткир сиёҳ рангли гулларга эга.

Географик тарқалиши. Такасақол Кавказ, Ғарбий Сибирь, Ўрта Осиёда, Саратов вилоятида, Тоҷикистонда табиий ҳолда тарқалган бўлиб, Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида учрайди. Йўл ёқалари, боғ ва экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади. Адир ва тоғларда ёввойи ҳолда ўсади.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг кимёвий таркиби чуқур ўрганилмаган. Ўсимлик таркибида 0,6% карденолидлар, сапонинлар, алкалоидлар, С витамини, кумаринлар, 2,7% флавоноидлар борлиги аниқланган.

Ишлатилиши. Халқ табобатида ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма сурги воситаси сифатида ҳамда заҳм касаллигини даволашда ишлатилган. Заҳарли ўсимлик.



Шарқ тақасоқоли (*Dodartia orientalis* L.).

49. Шафтолибарг торон, келинтили - *Polygonum persicaria* L. Горец почечуйный, почечуйная трава *Polygonaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Шафтолибарг торон (*Polygonum persicaria*) Торондошлар (*Polygonaceae*) оиласига кирадиган бир йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 20-80 см га етади. Пояси тик ўсувчи, пастки қисми кўтариувчи, шохланган, силлиқ. Барги оддий, ланцетсимон, учи ўткир, узунлиги 3-10 см, кенглиги 0,5-2 см, қизил-қўнғир рангли доғли бўлиб, пояда калта банди билан кетма-кет ўрнашган. Раструби кўкиш-қўнғир рангли, жуда тор бўлиб, пояни жипс ўраб туради, усти ётиқ тукли, чети узун киприкли. Гуллари пушти ёки оқимтир, беш аъзоли оддий гулқўрғонли бўлиб, новдасининг учидаги шингилда майда гуллари қисқа гулбанди билан зич ҳолда ўрнашган. Гулқўрғони оддий, бешта гултожибаргдан иборат. Чангчиси олтита, уруғчиси битта бўлиб, бир хонали, тугунчалик устки. Меваси тухумсимон, қора рангли ёнғоқча бўлиб, иккала ёни текис ёки бир ёни дўнгрок. Июль-сентябрь ойларида гуллайди, июль-октябрь ойларида меваси пишиб етилади. Ўзига хос аччиқ мазаси бор.

Географик тарқалиши. Шафтолибарг торон Россиянинг деярли ҳамма қисмida, Украина, Молдавия, Кавказда, Сибирнинг жанубий туманларида, Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиёда учрайди. Бу ўсимлик дарё, кўл, ариқлар бўйида, боғ ва экинзорлар орасида бегона ўт сифатида ўсади. Чўл, адир ва тоғ зонасида тарқалган.

Кимёвий таркиби. Шафтолибарг торон таркибида флавоноидлардан: гиперозид, персикарин, авикулярин, гиперин, кверцитрин, К витамини, 1,5% танин, галлат кислота, 0,05% эфир мойи, ошловчи моддалар, пектин, шилиқ моддалар, фитостероллар, органик кислоталар бор.

Ишлатилиши. Табобатда ўсимликнинг ер устки қисми ишлатилади. Ўсимлик экстракти, настойкаси ва қайнатмалари қон тўхтатувчи хусусиятга эга бўлгани учун бачадондан ва геморроидал қон оқишини тўхтатиш учун ишлатилади. Ўсимлик препаратлари таъсирида қоннинг қовушқоқлиги ортади, уюши тезлашади, шу билан бирга бачадон тонуси ҳам кучаяди. Дамлама ва қайнатмалари

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

шамоллашга қаши таъсир этувчи, сийдик ҳайдовчи, енгил ич кетказувчи хусусиятларга эга

Бачадон ва геморроидал қон кетишини тўхтатиши учун: 2 ош қошиқ қуритиб майдаландан ўсимлик устига 0,2 л сув қўйилади ҳамда паст оловда 15 минут қайнатилади. Совитилган қайнатмасининг ҳажми дастлабки кўринишига келгунча қайнаган сув солинади ҳамда илиқ ҳолда кунига уч маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

Тўғриқдан кейинги бачадон тонусининг пасайишида: 10 г қуритиб майдаланган ўсимлик устига 0,2 л қайнаган сув қўйилади ҳамда 30 минут давомида дамланади. Совитилган дамлама илиқ ҳолда кунига уч маҳал 1-3 ош қошиқдан ичилади.

Геморройда: 1 ош қошиқ қуритиб майдаландан ўсимлик устига бир стакан қайнаган сув қўйилади ҳамда оғзи ёпиқ идишда 1-2 соат давомида дамланади. Совитилган дамлама илиқ ҳолда кунига уч маҳал овқатдан олдин 2 ош қошиқдан 1-3 ҳафта давомида ичилади.



Шафтолибарг торон (*Polygonum persicaria* L.).

50. Экиладиган наша-*Cannabis sativa* L. Конопля посевная *Cannabinaceae*

Ўсимликинг тавсифи. Экиладиган наша (*Cannabis sativa*) Нашадошлар оиласига (*Cannabinaceae*) мансуб бир йиллик ўт ўсимлиқ. Баландлиги 50 см дан 150 (4м) см гача борадиган, айрим жинсли, икки уйли ўсимлиқ. Пояси тик ўсуви бўлиб, шохланган, безли туклар билан қопланган. Барглари оддий, поянинг юқорисидаги барглари кетма-кет, поя пастидаги барглари эса қарама-қарши ўрнашган. Чангчи гулларига эга бўлган ўсимликларда гуллари рўваксимон тўпгулда, уруғчи гуллари эса бошча тўпгулда йифилган бўлади. Ўсимлиқда протеандрия ҳодисаси кузатилади. Чангчи гули оддий гулқўргонли бўлиб, бешта гулкосачабарглардан ташкил топган, бешта чангчили. Чангчи гулларига эга бўлган ўсимликлар поясидан тола олинади. Уруғчи гулларида гулқўргони пардасимон ва қўшилиб ўсган. Мевалари шарсимон, кулранг-қўнғир рангли ёнғоқча. Июнь-июль ойларида гуллайди, мевалари сентябрь ойида пишиб етилади.

Географик тарқалиши. Бу ўсимлиқ ёввойи ҳолда Россиянинг деярли ҳамма жойида ҳамда Ўзбекистонда тарқалган. Эрамиздан минг йиллар илгари маданийлаштирилган. Россиянинг Европа қисмида, Шимолий Кавказ, Фарбий Сибирда, тола ва мой берувчи ўсимлиқ сифатида экилади.

Кимёвий таркиби. Табобатда уруғларидан фойдаланилади. Уруғлари таркибида 30-35% гача мой, 15% оқсил, К витамини, эфир мойи, каннабин гликозиди, алкалоидлар, минерал моддалар бор (Акопов, 1981).

Ишлатилиши. Наша жуда қадим замонлардан буён экиладиган ўсимлиқ. Чангчи гулларига эга бўлган ўсимликлар яхши ривожланади, шунинг учун уларнинг поясидан тола, уруғидан 40% мой олинади, толасидан қоп, брезент ва арқонлар тайёрланади. Мойи овқатга, бўёқлар ҳамда совун тайёрлашда ишлатилади. Нашанинг алоҳида бир новдасининг баргларидан қорадори тайёрланади (Ҳамдамов ва бошқалар, 1990). Халқ табобатида уруғидан оғрикли сийдик ҳайдашларда ҳамда йўталга даво сифатида фойдаланилган. Бундан ташқари буйрак ва сийдик йўли касалликларида, жигар,

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

плеврит ва перикардитни даволашда ишлатилган. Оёқ шишлари, подагра ва ревматизмда оғриқ қолдирувчи ва юмшатувчи сифатида уругларидан тайёрланган қориши маңыздан суртилган. Ўсимлик мояни тананинг куйган жойларига суртилган. Ўсимлик поясининг юқори қисмидан тайёрланган дамлама тинчлантирувчи ва ухлатувчи сифатида қўлланилган. Ундан тайёрланган препаратлар турли асаб касалликлари, неврастения, камқонлик, рапит касаллиги, диатез ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади. Гомеопатия касаллигини даволашда гули ва барги бўлган учки новдаларидан фойдаланилади.



Экиладиган наша (*Cannabis sativa L.*).

51. Эрмон шувоқ, аччиқ шувоқ—*Artemisia absinthium L.* Полынь горкая *Asteraceae, Compositae*

Ўсимликнинг тавсифи. Эрмон шувоқ (*Artemisia absinthium*) Мураккабгулдошлар (*Compositae*) (Астрадошлар-*Asteraceae*) оиласига мансуб, бўйи 60-100 см гача ўсадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Шохланган илдизпоясидан илдизолди барглар, гул ҳосил қилувчи бир нечта узун поялар ва баргли калта поялар ўсиб чиқади. Пояси кумуш ранг, қисқа момик туклар билан қопланган. Поясининг пастки ва ўрта қисмидаги барглар узун бандли, уч марта патсимон қирқилган, чўзиқ-қалами бўлакларга бўлинган, барг банди билан бирга 20 см ни ташкил қиласиди. Саватчаси 40-90та майда гуллар тўпламидан иборат. Тўпгули рўваксимон. Меваси-ўткир учли, чўзинчоқ, қўнғир рангли писта. Июнь-июль ойларида баъзан август ойида гуллайди, октябрь ойида мевалари пишиб етилади.

Географик тарқалиши. Болгария, Украина, Россиянинг Европа Қисмида, Молдавия, Краснодарскда тарқалган бўлиб, асосий хом ашёси Украина, Молдавия, Краснодар ўлкасида ҳамда Россиянинг Европа қисмида тайёрланади. Чўл, адир ва тоғ зонасида ўсади.

Кимёвий таркиби. Эрмон шувоқ таркибида 0,5-2% эфир мойи (абсингол), 0,09-0,53% абсингин, 0,03% анабсингин, хамазулен, прохамазуленоген, артабсин, кофейин, олма ва аскорбин кислоталари, каротин, арабсин ва бошқа лактонлар, артемизетин flavonoиди, лигнан, В₆ витамини ҳамда ошловчи моддалар бўлади.

Ишлатилиши. Ер устки қисми тиббиётда ишлатилади. Ўсимлик гуллаган даврида поясининг учидан 25—30 см узунликда (поясининг йўғон қисми олинмайди) қирқиб олинади ва сояда қуритилади. Оддий эрмоннинг спиртли настойкалари ва қуритилган барглари пакетларга солиниб дорихоналарда сотилади.

Қадимги табобатда Абу Али ибн Сино оддий шувоқнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси билан бачадон ярасини, тумов ва буйрак-тош касалликларини даволаган, аёлларда тўхтаб қолган ҳайзни келтириш учун қўллаган. Қайнатмасига ботириб олинган дока ёки сочиқни бош оғриганда бошга боғлаган. Ўтидан сикиб олинган сувни эса, сарик касаллиги ва истисқода, иштаҳани очиш учун буюрган.

Ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси халқ табобатида тутқаноқ, менингит, ўпка сили ва асаб касалликларини даволашда ишлатилади. Дамламаси яна туғруқни тезлатиш ва оғриқ қолдириш учун кўлланилади. Шамоллаган болалар шувоқ қайнатмасига чўмилтирилади. Қуритилмаган оддий шувоқ баргини майдалаб, янчиб яраларга боғланади. Халқ табобатида эрмон ўти қайнатмаси овқат ҳазми бузилганида, жигар, меъда, талоқ, ўт пуфаги касалликлари, бавосир, безгакда даво учун, шунингдек иштаҳани очиш, уйқуни жойига келтириш учун ичилади, уни гижжа ҳайдайдиган, яра-жароҳатларнинг битишини тезлаштирадиган восита тариқасида ҳам ишлатилади.

Замонавий табобатда эрмон ўсимлигининг гален препаратлари меъда-ичак йўли ишини жонлантириб, ўт ажралишини ва меъда ости бези функциясини кучайтириши, овқат ҳазмини анча яхшилаши аниқланган. Унинг таркибидаги алкалоид ва бошқа фаол моддалар бактерия ва замбуруғларни ўлдириб, яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади, абсинтин эса иммунитетни жонлантириш хоссасига ҳам эга. Эрмон таркибида бўладиган эфир мойи фармакологик хоссалари жихатидан камфорага яқин туради, марказий асаб тизимини қўзғатиб, юрак ишини жойига келтиради. Кизил шувоқ деган турининг эфир мойи ва 10 % ли қайнатмаси кучли сийдик ҳайдовчи таъсирга эга. Бу ўсимлиқдан артемизол деган препарат олинган. Уни буйрак санчиқларида оғриқ қолдирадиган восита тариқасида кўп ишлатилади. Бу препарат спазмларни бартараф этадиган ва сийдик ҳайдайдиган таъсирга эга. Уни 4 томчидан 15 томчигача миқдорда бир бўлак қандга томизиб, тил тагига ташланади. Даво курси 10—20 кун.

Бу ўсимлиқдан тайёрланган гален препаратлари юқори нафас йўллари қатари, камқонлик, ревматизм, гепатит, бронхиал астма сингари касалликларда, уйқусизликда ишлатилади, шунингдек, умуман қувватга киргизадиган дори сифатида ҳам буюрилади.

Ҳозирги пайтда эрмон шувоғи катта миқдорда экилиб, табобатда кенг фойдаланилади. Шувоқ ўсимлигидан қишлоқ хўжалигида ўсимликларни зааркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда восита сифатида қўллаш мумкин. Шувоқ таркибидаги моддалар баъзи бир касаллик ва ҳашаротлар учун заҳарли моддалар ҳисобланиб уларни нобуд қилиш ёки ўзидан узоқлаштириши мумкин.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Шувоқни етиширишда унга занг касаллиги ва шувоқ тунлами зарар келтиради. Занг касаллигига қарши кам заҳарли ва тез парчаланувчи препаратлар қўллаш яхши самара беради.



Эрмон шувоқ (*Artemisia absinthium* L.).

52. Қалампир ялпиз-Mentha x piperita L. Мята перечная, холодная мята *Lamiaceae, Labiatae*

Ўсимликнинг тавсифи. Қалампир ялпиз (*Mentha piperita*) - Ялпиздошлар - *Lamiaceae* (Лабгулдошлар-*Labiatae*) оиласига мансуб, кўп йиллик, бўйи 30-100 см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси бир нечта, тик ўсуви, тўрт қиррали, туксиз ёки сийрак тукли. Барги оддий, чўзиқ тухумсимон ёки ланцетсимон, ўткир учли, қирраси ўткир арасимон. Барглари пояда қисқа бандлари билан қарама-қарши жойлашган. Гуллари майда, пушти, оч бинафша ёки қизил-бинафша рангда, поя ва шохлар учида ғуж жойлашган бошоқсимон гул тўплами ҳосил қиласиди. Гулкосачаси найчасимон, бинафша рангли, беш тишчали бўлиб, мева билан бирга қолади. Гултожиси бироз қийшиқ. Воронкасимон, тўрт бўлакли, чангчиси тўртта, уруғчиси тугунчаси 4 хонали, юқорида жойлашган. Меваси-косачабарг билан бирлашган 4 та ёнғоқча.

Географик тарқалиши. Қалампир ялпиз ёввойи ҳолда учрамайди. Уни *Mentha aquatica* L., билан *Mentha spicata* L., нинг ўзаро чатишишидан вужудга келган, деб фараз қилинади. Қалампир ялпиз Украина, Кримда, шунингдек, Краснодар ўлкасида, Белоруссия ва Молдавияда ўстирилади. Қалампир ялпизнинг икки хил тури: қора қалампир ялпиз ва (поянинг томирлари қизил - бинафша рангда) ва оқ қалампир ялпиз (оқ яшил рангда) мавжуд. Доривор маҳсулот сифатида асосан қора қалампир ялпиз тури ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик баргига 2,4-2,75%, гул тўпламида 4-6%, поясида 0,3% эфир мойи бўлади. Қалампир ялпиз таркибидаги эфир мойидан ташқари, 40мг% каротин, гесперидин, эвпаторин ва бошқа флавоноидлар, бетаин, 0,3% урсолат ва 0,12% олеанолат кислоталари бор.

Ишлатилиши. Қалампир ялпиз баргидан тайёрланган препаратлар, эфир мойидан тайёрланган ялпиз суви, настойкаси кўнгил айнишига ва қусишига қарши ҳамда овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилашда ишлатилади. Бундан ташқари, ялпиз суви оғиз чайқаш ва микстуралар таъмини яхшилаш учун қўлланилади. Эфир мойидан ажратиб олинган ментол қулоқ, бурун, нафас йўллари касалликларида ҳамда тиш оғригини қолдириш учун ишлатилади. Ментолдан бош оғригини қолдирадиган мигрен қалами тайёрланади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Ментол препарати – валидол, кўкрак қисиши (стенокардия) касаллигига ишлатилади.

Қалампир ялпиз барги тинчлантирувчи, ўт ҳайдовчи, меъда касалликларида ишлатиладиган йиғмалар – чойлар таркибига киради. Спазмолитик ва ўт ҳайдовчи восита сифатида қўллашга тавсия этилади.



Қалампир ялпиз (*Mentha piperita* L.).

53. Қирқбўғим, дала қирқбўғими – *Equisetum arvense* L. Хвош полевой *Equisetaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Дала қирқбўғими (*Equisetum arvense*) Қирқбўғимдошлар (*Equisetaceae*) оиласига киради. Дала қирқбўғими кўп йиллик, спорали ўсимлик. Пояси икки хил: баҳор ва ёзги бўлади. Баҳоргиси – генератив поя, оқиш-қўнғир, йўғон, шохланмаган, учида бир спорали бошоқ ҳосил қилади ва споралар пишиб етилиши билан нобуд бўлади; ёзгиси-вегетатив поя, яшил, нозик, шохланган, учида бошоқ ҳосил қилмайди ва кеч кузгача яшайди. Ўсимликнинг бўйи 10-15 см.

Географик тарқалиши. Ўсимлик кенг тарқалган бўлиб, чўл ва ярим чўл туманлардан ташқари ҳамма ерда учрайди. Қирқбўғим ўсимлиги асосан, ариқ бўйларида, қумли ўтлоқларда, буталар орасида, ўрмонларда ва экинзорларда ўсади. Ёз ойларининг ўрталарида ўсимликнинг ер устки қисми, ёзги спора ҳосил қилмайдиган пояси ердан 5 см баландликда ўриб олинади.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида 5% гача эквизетонин сапонини ҳамда никотин, эквизетин алкалоидлари, флавоноидлардан: кемпферол, кверцетин, 0,03-0,19% С витамини, 4,7 мг% каротин, олма, оксалат ва 25% гача силикат кислоталари бўлади. Булардан ташқари, маҳсулот таркибида ошловчи, аччиқ моддалар ва смолалар учрайди.

Ишлатилиши. Қирқбўғим препаратлари қон айланиши етишмовчилигида, сийдик пуфаги яллиғланишида ва сийдик йўллари касаллигида сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Булардан ташқари, дала қирқбўғими ўпка сили касаллигининг силикат кислота алмашинувининг бузилишига боғлиқ баъзи формаларини даволашда, шунингдек, бачадондан қон оққанда ва бавосил касаллигида қон тўхтатувчи модда сифатида ишлатилади. Дала қирқбўғими ўсимлиги буйракнинг баъзи касалликларида (нефрит, нефроз ва нефроз-нефрит) истеъмол қилинмайди. Суюқ экстракт, қайнатма, дамламалар қўринишида қўлланилади. Маҳсулот яна сийдик ҳайдовчи чой – йиғмалар таркибига қиради. Пешоб ҳайдовчи восита сифатида қўллашга тавсия этилади.

Хорижда ишлаб чиқарилаётган «Цистоне» (Ҳиндистон), «Марелин» (Россия) хаб дорилари, «Фитолизин» (Польша) пастаси

таркибига дала қирқ-бўғими экстракти қўшилган бўлиб, бу дорилар пешоб ҳайдовчи ва қовуқ, буйраклардаги тошни туширишда ишлатилади. Қирқбўғимдан тайёрланган чой қўрғошин билан заҳарланганда зидди-захар сифатида ҳам ичилади. Бундай чой организмдаги барча чиқинди(шлак)ларни хайдаб чиқаради. Қирқбуғимли чой оддий чой каби дамлаб тайёрланади. Қайнатмаси эса қуидагича тайёрланади: қуритиб майдаланган гиёҳдан 4 ош қошиқ олиб, оғзи бекиладиган сирли идишга солинади. Устига 200 мл қайноқ сув солиб дамланади. Идишнингозини бекитиб, дамламани яrim соат давомида сув ҳаммолида қиздириш лозим. Сўнгра 10 дақиқа дам олдириб, докадан ўтказиб фильтранади. Камайган қайнатма қайноқ сув билан 200 мл га етказилади. Қайнатмадан кунига 2-3 марта овқатдан бир соат кейин 50-100 мл дан ичилади.

Абу Али ибн Сино қуритилмаган қирқбўғимдан олинган шира билан яраларни даволаган, қуритилиб майдаланган ўтига шароб қўшиб тайёрланган тиндирмани жигар шишига, қон аралаш ич кетганда ҳамла истисқо (юрак, буйракнинг касалланиши ёки фаолиятининг сусайиши натижасида тана тўқимасида сариқ сув тўпланиши) касалликларини даволашда ишлатган. Халқ табобатида қирқбўғим чойи дезинфекцияловчи восита сифатида ангина ва оғиз бўшлиғи касалликларида ғарфара қилинади. Бурундан ёки тиш олдирганда қон кетганда чой билан чайилса, бир неча дақиқада қон оқиши тўхтайди. Бавосилда ва бачадондан bemavrid қон кетганда, қон тўхтатувчи сифатида қирқбўғим чойи ичилади. Қовуқ бўшашиб қолганда, оёқлар кўп терлаганда ва қон томирлар кенгайганда қирқбўғимли ванна қилинади.

Болгария халқ табобатида қирқбўғим буйрак ва қовуқда кум пайдо бўлганда, ревматизм, қон босими ошганда, подаграда ҳам ишлатилади.

Косметикада ҳам қирқбўғим қўлланилади. Терининг йирингли яраларига, хуснбузар тошганда салфеткага қирқбўғим чойи шимдирилиб боғлаб қўйилса шифо бўлади. Қирқбўғим чойи билан ҳар ҳафтада 2-3 марта бош ювилса, соч ўсиши тезлашади ва тўкилиши камаяди, қазғоқ пайдо бўлмайди. Қирқбўғим ёзги поясининг ер устки қисми май ойидан ўроқ билан ўриб олинади ва бостирма остида ёки чордокда ёйиб қуритилади.



Дала қирқбўғими (*Equisetum arvense* L.).

54.Қора андиз – *Inula helenium* L. Девясил крупный, девясил Елены *Asteraceae, Compositae*

Ўсимликнинг тавсифи. Қора андиз (*Inula helenium*) кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, Мураккабгулдошлар (*Compositae*) (Астралдошлар-*Asteraceae*) оиласига киради. Бўйи 100-150-175 см. Пояси битта ёки бир нечта, тик ўсувчи, сертуқ, юқори қисми шохланган. Илдизолди барги узун бандли, йирик, эллипссимон ёки чўзиқ тухумсимон, ўткир учли, асос қисми томон торая боради. Баргларининг узунлиги 50 см, кенглиги 25 см. Поядаги барглари майдароқ, чўзиқ тухумсимон, поянинг юқори қисмига чиққани сайин кичрая боради. Барг пластинкаси тишсимон қиррали бўлиб, юқори қисми қаттиқ туклар билан сийрак қопланган, пастки қисми эса юмшоқ, сертуқ. Поянинг юқори қисмидаги барглари бандсиз, қисқа бандли пастки барглари эса пояда навбатлашиб жойлашган. Тилсимон гуллари сариқ бўлиб, саватча четида, найчасимон гуллари эса саватча ўртасида ўрнашган бўлади. Саватчаларининг диаметри 3-7 см. Саватчалари поя ва новдаларининг юқори қисмида қалқонсимон ёки шингилсимон гултўпини ҳосил қиласиди. Июнь-август ойларида гуллаб уруғлайди. Меваси чўзиқ, тўрт қиррали, жигарранг ёки қўнғир писта.

Географик тарқалиши. Кавказ, Ўрта Осиё, Молдавия, Украина, Белоруссия, Россиянинг Европа қисмида, Ғарбий Сибирда учрайди.

У тоғли ерларда, тоғ этаклари, текисликларда, чўл ва ўрмон-чўл худудларидаги ўтлоқларда, буталар орасида, тепаликларнинг пастки қисмида, сув бўйларида ва бошқа нам ерларда ўсади.

Кимёвий таркиби. Илдизи ва илдизпояси таркибида 40-44% гача инулин, полисахаридлар, пектин, сапонинлар, алкалоид излари, кумаринлардан: скополетин, умбеллиферон; flavonoидлардан: кверцетин, кемпферол, эфир мойи бор.

Ишлатилиши. Тиббиёт ва халқ табобатида андиздан фойдаланилади. Тиббиёт андизнинг асосан ер остки қисмидан фойдаланади. Илдизпоя ва илдизлари кузда ёки эрта баҳорда кетмон, курак ёки бошқа асбоблар ёрдамида ковлаб олинади, тупроқдан тозаланади, сув билан ювиб, йирик қисмларини майдалаб, очик ҳавода – куёшда қуритилади.

Ўсимлик илдизидан олинган аллатон доривор препарати меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигига даво қилиш учун таблетка ҳолида ичишга берилади. Андиз антисептик, яллиғланишга қарши ва организмдан гижжаларни ҳайдаш хусусиятига эга. Андиз қадимдан табобатда ишлатилиб келинган доривор восита бўлиб, Ибн Сино уни ўз вақтида турли касалликларда, жумладан кўкракни тозаловчи ва балғам кўчирувчи восита сифатида қўллаган. Халқ табобатида ҳозир ҳам илдизпоя ва илдизидан тайёрланган қайнатма ўпка сили ва нафас йўлларининг шамоллаш касалликларида балғам кўчирувчи, иситмада ҳароратни пасайтирувчи ҳамда сийдик ва гижжа ҳайдовчи дори сифатида ишлатади. Яралар, жароҳатлар, экзема, кўтирилган башка касалликларига даво қилишда уларнинг илдизпоя ва илдизидан тайёрланган қайнатма шимдирилган дока ярага қўйилади. Тиббиётда андиз илдизпояси ва илдиз қайнатмаси нафас йўлларининг яллиғланиш касалликларида балғам кўчирувчи дори сифатида ҳамда меъда-ичак касалликларига даво қилиш учун қўлланилади.

Қайнатма тайёрлаш. Андиз илдизпояси ва илдизидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир литр (ёки бир стакан) сув қўйилади, устига майдалангандан илдизпоя билан илдиз аралашмасидан 100 гр (ёки бир стакан сувга 20 гр) солиб, бир оз қайнатилади ва 4 соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади. Йўтални қолдириш ва балғам кўчирувчи восита сифатида кунига 3-4 маҳал овқатдан 20 дақиқа олдин дамламадан бир ош қошиқдан истеъмол қилинади. Тери касалликлари ва яраларга даво қилишда ҳам шу қайнатмадан фойдаланилади.



Қора андиз (*Inula helenium* L.).

55.Қора мингевона, мингевона–*Hyoscyamus niger* L. Белена черная *Solanaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Қора мингевона ёки мингевона (*Hyoscyamus niger*) Итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласига кирувчи икки йиллик ўт ўсимлик. Биринчи йили ер юзасига тўпбарглари ўсиб чиқади. Баргларининг усти қорамтири яшил, остки томони кулранг бўлиб, узунлиги 8-13 см, кенглиги 3-5 см, чўзиқ-тухумсимон ёки эллипссимон, ўйилган патсимон бўлакли, бандли. Иккинчи йили поя ўсиб чиқади. Ўсимликнинг ҳамма қисми юмшоқ. Безли туклар билан қопланган. Поясининг бўйи 50-100 см бўлиб, сернам ва органик тупроқларга бой жойларда 150 см гача ўсади. Поядаги барглари тухумсимон ёки чўзинчоқ бўлиб, пояда бандсиз кетма-кет ўрнашган. Поя пастки қисмидаги барглари 5-7 бўлакли, ўрта қисмидаги барглари эса 3 бўлакли бўлади. Барглари безли туклар билан қопланган, шунинг учун бадбўй ҳид тарқатади. Гули актиноморф, мураккаб гулқўргонли, икки жинсли. Гулкосачабарглари 5 та, қўшилиб ўсиб, қўзасимон шаклни ҳосил қилган; гултожибарглари 5 та, воронкасимон, 5 бўлакли, хира сариқ рангли, гултожибарглари қўшилиб ўсангани натижада қорамтири-сиёҳ рангли, узунлиги 3-3,5 см. Чангчилари 5 та, битта уругчиси 2 та мевабаргчасининг қўшилиб ўсишидан ривожланган, тугунчаси устки, икки хонали. Гуллари монохазий тўпгулда ўрнашган. Меваси-қўзачасимон кўсакча бўлиб, қўп уруғли. Уруғи майда, яссиланган, юмалоқ ёки буйраксимон шаклли бўлиб, устки томонидан жуда кўплаб чукурчалар кўриниб туради. Ўсимлик вегетацияси давомида гуллайди. Май-август ойларида гуллаб уруғлайди. *Заҳарли ўсимлик*.

Географик тарқалиши. Мингевона ўсимлиги Россиянинг Европа қисмida, Сибирь, Узок Шарқ, Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Ташландик ерларда, йўл ёқаларида ўсади.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ҳамма қисмida алкалоидлардан: атропин, гиосциамин, скополамин учраб, илдизларида 0,18 %, баргида 0,1 %, поясида 0,02 %, уруғида эса 0,1 % гача бўлади. Ўсимлик гуллаган даврида унинг барглари таркибидаги алкалоидларнинг қиймати энг юқори даражага етади. Бундан ташқари гликозидлардан: гиосципикрин, гиосцерин ҳамда гиосцирези бор. Уруғлари таркибida алкалоидлардан ташқари, гиосципикрин ва

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

гиосцерин гликозидлари, 26-35 % гача мой, қатрон каби моддалар бор (Минаева, 1991).

Ишлатилиши. Табобатда барги ва уруғи тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, тиришишга ҳамда овқат ҳазм қилиш ва нафас олиш тизимлари яллигланишига қарши таъсир этувчи восита сифатида қўлланилиб келинади. Мингдевона препаратлари оғриқ қолдиришда ҳамда турли спазматик ҳолатларда ишлатилади. Мингдевона мойини хлороформ билан аралаштирган ҳолда ревматизм ва невралгия касалликларида мускулларнинг оғриган ерига суртилади. Мингдевона барги бронхиал астма касаллигига чекиладиган порошоклар: Астматол, Астматин сигареталари, мингдевона мойи эса салинимент препаратлари таркибиға киради (Холматов, Аҳмедов, 1997).



Қора мингдевона (*Hyoscyamus niger* L.).

56.Ғўза қўйтикан, ғўзатикан- *Xanthium strumarium* L. Дурнишник обыкновенный или зобовидный *Asteraceae, Compositae*

Ўсимликнинг тавсифи. Ғўза қўйтикан ёки ғўзатикан (*Xanthium strumarium*) - бўйи 20-90 (100) см га етадиган бир йиллик ўт бўлиб, Муракабгулдошлар (*Asteraceae*) оиласига киради. Пояси тик ўсади, юқори қисмидан шохланган, бир уйли ўсимлик. Барглари оддий, узун ва йўғон бандли, учбурчак-юраксимон ёки думалоқ-тухумсимон, кенг, бир оз бўлакли, асос қисми юраксимон, тикансиз. Пояда кемакет жойлашган. Гуллари найсимон, актиноморф, яшил рангли, айрим жинсли. Чангчи ва уруғчи гуллари бошқа-бошқа саватчаларда жойлашган. Тўпмеваси чўзиқ-тухумсимон, устки қисми бир қанча илгаксимон тиканчалар билан қопланган, узунлиги 12-15 мм, эни 7-9 мм. Июнь-сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди. Ўсимликдан ўткир ҳид анқиб туради.

Географик тарқалиши. Ғўза қўйтикан ўсимлиги Россиянинг Европа қисмida, Кавказда, Фарбий Сибирда, Украинада ҳамда Ўзбекистон флорасида учрайди.

Ариқ ва йўл бўйларида, суғориладиган экинлар орасида бегона ўт сифатида ўсади.

Кимёвий таркиби. Табобатда ўсимликнинг ер устки қисми ишлатилади. Унинг таркибида кам миқдорда йод, алкалоидлар, сескви-терпеноидлар (ксантанин, изоксантанол, ксантанин, ксантумин, дезацетоксиксантумин, ксантоксин, ксантигин, ксантуманол, ксантиноzin, томентозин), каротиноидлар (антераксантин, виолаксантин, зеаксантин, криптоксантин, неоксантин, лютеин, лютеинэпоксид), фенолкарбон кислотаси, ошловчи моддалар, flavonoидлар, полисахаридлар, стероидлар (кампестрин, β -ситостерин, стигмастерин), эфир мойи, витаминалар (аскорбин кислотаси, α -каротин, β -каротин, γ -токоферол) ва бошқа моддалар мавжуд.

Ишлатилиши. Халқ табобатида ғўза қўйтикан ўсимлигидан тайёрланган дамлама ва қайнатмалари ҳароратни туширувчи, микробларни ўлдирувчи ҳамда тинчлантирувчи сифатида ишлатилади. Ўсимликдан тайёрланган дамлама ёки янги узулган баргларидан олинган шарбати ич кетиш, дизентерия, шамоллашлар, тери касалликлари, қалқонсимон без касалликларини даволашда

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

қўлланилган. Ўзга қўйтиканни заҳарли ўсимлик ҳисобланади. Шунинг учун миқдорига риоя этган ҳолда фойдаланиш керак.



Ўзга қўйтикан (*Xanthium strumarium* L.).

57. Ўтлоқ себаргаси-*Trifolium pratense* L. Клевер луговой *Fabaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Ўтлоқ себаргаси (*Trifolium pratense*) Дуккақдошлар (*Fabaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлиқ. Бўйи 25-50 см бўлиб, пояси ер бағирлаб ёки ердан кўтарилиб ўсади. Барглари уч япроқчали, ён баргчали бўлиб, банди билан поядада кетмакет ўрнашган. Барг япроқчалари эллипссимон бўлиб, юқори қисмида оқимтири доғлари бор. Пушти ёки қизғиш рангли гуллари каллаксимон тўпгулга йифилган бўлиб, тўпгул остини майда яшил баргчалар ўраб туради. Тўпгули думалоқ-тухумсимон шаклда бўлиб, кенглиги 2-3,5 см. Гуллари, зигоморф, мураккаб гулқўрғонли, икки жинсли. Косачабарги бешта бўлиб, бирикиб ўсган. Гултожибарги ҳам бешта бўлиб, устки гултожибарги йирик бўлиб, елкан ёки байроқча дейилади. Остки иккита гултожибарлари бирикиб ўсиб қайиқча ҳосил қилган, қолган иккита гултожибарлари эркин бўлиб, эшкакча деб аталади. Чангчилари 10 та, улардан биттаси эркин, 9 таси чанг иплари билан бирикиб ўсган. Гинецийи битта апокарп уруғчидан ташкил топган. Меваси овалсимон дуккак. Уруғи майда, сарик ёки сиёҳ рангли. Апрель-сентябрь ойлари давомида гуллаб уруғлади.

Тарқалиши. Россиянинг ҳамма жойида, Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда тарқалган. Бу ўсимлик дарё ва ариқ бўйлари, тоғ ўтлоқлари ва суғориладиган майдонларда ўсади. Чорва молларининг қимматбаҳо озуқаси ҳисобланади.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида каротин, протеин, мой, гликозидлардан: трифолин, изотрифолин; flavonoидлар, эфир мойи, ошловчи ва буёқ берувчи моддалар, қатрон, органик кислоталардан: аскорбин ва кумарин кислоталари бор.

Ишлатилиши. Табобатда ўсимликнинг ер устки қисми ва тўпгуллари ишлатилади. Ўсимлик гуллаган даврида тўпгули ва ер устки қисми йифиб олинади. Соя жойда қуритилади.

Халқ табобатида сурункали йўтал, бронхит, дамқисма касалликларини даволашда ишлатилади. Ўсимлиқдан тайёрланган дамлама ва қайнатмалари йўталга ва яллиғланишга, микробларга қарши самарали таъсир этгани учун сурункали шамоллашларда ундан фойдаланиш тавсия этилади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Дамлама ва қайнатмалари билан очик жароҳатлар ювилса жароҳатланган терининг тикланиши тезлашади.

Қайнатма тайёрлаш учун 20 г тўпгули устига 250 мл стакан сув қуйилади ва 15 минут давомида паст оловда қайнатилади. Тайёр бўлган қайнатмани кунига 3-4 маҳал 50 млдан ичилади. Бундай қайнатмалар сурункали йўтал, буйрак-тош касалликлари, камқонликни самарали даволайди.

Ўсимликнинг ер устки қисмидан дамлама тайёрлаш учун 40 г майдаланган ўсимлик устига 200 мл қайноқ сув қуйилади ва бир соат давомида дамлаб қўйилади. Шамоллаганда ва йўтал бўлганда кунига 3-4 маҳал 30 млдан ичилади.



Ўтлоқ себаргаси (*Trifolium pratense L.*).

ИНТРОДУЦЕНТ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

58.Александр саноси, ўткир баргли сано-*Cassia acutifolia* Del.
Кассия остролистная
Fabaceae

Ўсимликнинг тавсифи. Александр саноси (*Cassia acutifolia*) мураккаб баргидаги 4-5та япроқчалари бўлиши билан чўзиқ баргли санодан фарқ қиласи. Гуллари сариқ рангли бўлиб, қуюқ шингилда йиғилган. Дуккак меваларининг узунлиги 2-4 см, кенглиги 1 см гача бўлади.

Географик тарқалиши. Александр саноси Судан ва ғарбий Африкада тарқалган. Бу ўсимлик маҳсулотлари Александрия порти орқали хорижга чиқарилгани учун Африка, Миср ёки Александр саноси деб юритилган.

Кимёвий таркиби. Баргидаги 6,17 %, мевасида 2,7 % гача антрацен унумларидан: сеннозид A, сеннозид B, сеннозид C, сеннозид D, реин, алой-эмодин ва бошқалар мавжуд. Бундан ташқари flavonoидлар, салицилат ва бошқа органик кислоталар, смолалар бор.

Ишлатилиши. Александр саносининг барглари табиий ўсиб турган буталардан териб тайёрланади. Мевалари ҳам пишиб етилгач йиғиб олинади.

Александр саносини барглари ва мевасидан халқ табобати ва замонавий тиббиётда кенг фойдаланилади. Сенадексин ва Глаксена таблеткалари кўринишида ишлаб чиқарилади. Бу препаратлар узоқ давом этадиган атоник қабзиятда ичилади.



Александр саноси (*Cassia acutifolia* Del.).

59.Алоэ - *Aloë arborescens* Mill. Алоэ древовидное *Liliaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Алоэ (*Aloë arborescens*)-Лоладошлар (*Liliaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик бута ёки дарахтсизмон доимий яшил суккулент. Табиий муҳитида бўйи 4 метргача етади. Уларнинг барги семиз, серсув, қалин ва тиканли бўлиб, пояда кетма-кет ўрнашган. Гуллари йўғон гулўқида цилиндрическимон жойлашган, тўпгулининг узунлиги 20-40 см. Гуллари оддий гулқўрғонли, икки жинсли. Гулқўрғонни ҳосил қилган гултожибарглари тўқ сариқ ҳамда қизил рангли бўлиб, узунлиги 4 см, кенглиги 5 см. Андроцейи олтида чангчидан иборат. Уруғчиси битта бўлиб, учта мевабаргчанинг қўшилиб ўсишидан ривожланган. Меваси-чўзинчоқ қўсакча.

Алоэ (*Aloe arborescens*) халқ орасида турли хил - *сабур, ранник, алоӣ, столетник* каби русча номлар билан машҳур. Гул тувакда ўсаётган алоэ тез ўсади, лекин камдан-кам гуллайди. «Столетник» номи ҳам шундан келиб чиқсан бўлиб, юз йилда бир марта гуллайдиган ўсимлик деган маънони англатади.

Кимёвий таркиби. Баргларида алоин, алоэ-эмодин (1,66%), алоэзин (15% гача), алоэмманан, изобарбалоин, гомонаталоин ҳамда эфир мойи мавжуд.

Географик тарқалиши. Ватани Жанубий Африка. Ўзбекистонда алоэнинг ҳар хил турлари манзарали ва шифобахш ўсимлик сифатида хоналарда ўстирилади. Тропик ва Жанубий Африкада ўсадиган ўсимликлар ҳар йили гуллайди.

Ишлатилиши. Халқ табобатида баргидан олинган экстракт меъда ва ичакнинг баъзи касалликлари (гастрит, колит), ўпка сили, бронхиал астмани даволашда ишлатилади. Тиббиётда қўллаш учун алоэнинг янги йиғилган баргидан шира олинади ва спирт билан консерваланади. Алоэ баргидан олиб қуритиладиган шира – сабур сифатида, консервация қилинган шарбати ва алоэ шираси даволашда ишлатилади.

Ош-овқатга уннаб туриб, қўлингизни ошпичоқ билан жароҳатлаб олдингизми, ҳечқиси йўқ. Дарров дераза токчасида ўсаётган алоэ баргини узинг ва ўртасидан узунасига ёриб, жароҳатланган жойингизга қўйиб боғланг. Чунки алоэ манзарали хона ўсимлиги бўлиши билан бирга доривор ўсимлик ҳам ҳисобланади. Алоэ шираси

бактерицид хусусиятга эга бўлиб, жароҳатни тез битишига ёрдам беради.

Уй шароитида ҳам алоэ ширасини ёки шарбатини ажратиб олиш мумкин. Алоэни пастки барглари узиб олинади ва хона ҳароратида шароитида қайнаган сув билан чайилгач, яхшилаб майдаланади. Бунинг учун уч йилдан кам бўлмаган алоэ ўсимлигидан фойдаланиш керак. Майдаланган масса докадан сиздириб олинади. Бу шифобахш сок бактерицидлик хусусиятига эга бўлиб, абсцесс, куйиш ва тропик яраларни даволашда ижобий натижа беради. Бундан ташқари дифтерия, стафилококк, ичак таёқчаси каби микробларни нобуд қилиш хусусиятига эга.

Алоэ шираси меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси, гастрит, жигар ва ўт пуфагининг сурункали касалликларида бир чой қошиқдан овқатдан 30 минут олдин уч маҳал ичилади. Шуни эсда тутингки, алоэ ширасини тайёрлаган заҳоти ундан даволаниш учун фойдаланг. Ичиш учун ҳар сафар янги шира тайёрланг.

Герпесда кунига 2-3 маҳал овқатдан олдин бир чой қошиқдан ичилади, жароҳатлар эса алоэ шираси билан кунига бир неча марта артиб тозаланади. Сурункали герпесда ҳам яхши натижа беради. Тумов бўлганда янги тайёрланган алоэ ширасидан бурунга бир неча томчи томизиш мумкин.

Алоэ ширасини спиртли настойка ҳолида узоқ муддат сақланади. Спиртли настойка тайёрлаш учун алоэ ширасига ичиладиган спиртдан 4:1, ароқдан фойдаланилганда 2:1 нисбатда қўшилади яъни икки ҳисса алоэ ширасига бир ҳисса ароқ қўшилади. Алоэнинг спиртли настойкаси музлатгичда сақланади. Ва бундай спиртли настойка алоэ шарбати ўрнида ишлатилиши мумкин.

Шу билан бирга бачадондан қон кетганда, буйрак ва сийдик пуфаги шамоллашида, юқори қон босими, цистит ва ҳомиладорлик даврида алоэ ширасидан фойдаланиш тавсия этилмайди. Даволаниш муддати узоғи билан бир ойгача бўлиши мумкин.



Алоэ (*Aloë arborescens* Mill.).

60. Бурга зубтурум - *Plantago psyllium* L. Подорожник блошный *Plantaginaceae*

Ўсимликинг тавсифи. Бурга зубтурум (*Plantago psyllium*) Зубтурумдошлар (*Plantaginaceae*) оиласига мансуб, бир йиллик ўсимлик. Бўйи 10-40 см. Пояси сершох, юқори қисми безли туклар билан қопланган. Барги чизиқсимон, текис қиррали бўлиб, пояда қарама-қарши ўрнашган. Гуллари калта, шарсимон бошоқчага тўпланган. Бошоқча узун бандли бўлиб, барг қўлтиғидан ўсиб чиқади. Мураккаб гулкўрғонли бўлиб, гулкосачабарги, гултожибарги ҳамда чангчилари тўртадан, уруғчиси битта бўлиб, иккита мевачабаргни қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлган. Гулкосачабарги пушти-қўнғир рангли. Уруғчи тугуни икки хонали, тугунчаси устки. Меваси икки уруғли кўсак. Уруғи қайиқчасимон шаклда бўлиб, узунлиги 1,7-2,3 мм, эни 0,6-1,5 мм, ички томони ботик, ташқи томони эса қабариқ бўлиб, зихи ичига қайрилган. Уруғи ялтироқ ва қизил-жигар рангли.

Июнь ойида гуллайди, уруғи август ойида пишади.


Географик тарқалиши. Ўзбекистон флорасида учрамайди. Табиий ҳолда Озарбайжон, Кавказ, Ўрта Осиё, Туркманистан ва Амударё бўйларида учрайди. Қуруқ қумли ерларда, қаровсиз жойларда ўсади. Украина ва Москва вилоятларида маданий ҳолда ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида стахиоза, аукубин, плантареналозид; барглари таркибида маннит, β -ситостерин, 0,26% аукубин, линолен кислотаси; гулида β -ситостерин, линолен кислотаси; уруғи таркибида эса плантеоза, декстринлар, лигнин, шлимшиқлар, аукубин, β -ситостерин, плантагонин, индикаин, индикамин, мой томчилари аниқланган (Растительные ресурсы СССР, 1990)

Ишлатилиши. Уруғи кучсиз сурги ҳамда ўраб оловчи восита сифатида ишлатилади. Ер устки қисмининг шираси анацид гастрит ва сурункали колитни даволашда қўлланилади. Бурга зубтурум уруғи билан франгула экстракти аралашмасидан сурги воситаси сифатида ишлатиладиган пургенол препарати тайёрланади. Уруғидан олинган

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

шиллик моддалар косметикада ҳамда бўёқчилик ва тўқимачилик саноатида ишлатилади.



Бурга зубтурум (*Plantago psyllium* L.).

61. Дармана шувоқ-*Artemisia cina* Berg. Полынь цитварная, дармина *Asteraceae*

Ўсимликинг тавсифи. Дармана шувоқ (*Artemisia cina*)-бўйи 40-70 см га етадиган ярим бута бўлиб, Мураккабгулдошлар (*Asteraceae*) оиласига киради. Илдизининг узунлиги 1,5-2 м, шохланган. Пояси бир нечта, қизғиш рангли, тик ўсуви, юқори қисмидан шохланади. Барги оддий, икки марта патсимон қирқилган бўлиб, поянинг пастки қисмидаги барглари узун бандли, юқори қисмидаги бандсиз барглари поядга навбатлашиб жойлашган. Гуллари саватчада тўпланган бўлиб, саватчалари рӯвакни ташкил этади. Саватчаси жуда майда, тухумсимон, сариқ-яшил рангли бўлиб, узунлиги 2-4 мм, кенглиги 1-1,5 мм. Саватча марказида 3-6 та икки жинсли, актиноморф, найчасимон гуллар ўрнашган бўлиб, саватча четини 10-20 та черепицасимон жойлашган гулбарглар ўраб туради. Меваси-кулранг тусли тухумсимон писта. Август-сентябрь ойларида гуллайди, меваси октябрнинг иккинчи ярмида пишиб етилади.

Географик тарқалиши. Табиий ҳолда Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида, Тожикистоннинг шимолий туманларида тарқалган. Ўсимликни тоғ зонасида, чўлларда, дарё бўйларида учратиш мумкин. Бу доривор ўсимлик Чимкент вилоятининг «Дармана» совхозида ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Дармана шувоқ ғунчалари таркибида 2,5-7% гача сантонин мавжуд. Поя ва баргларида эса 1,75-5,4% гача сантонин бўлиб, дориворлик хусусиятини таъминлаб беради. Ўсимлик таркибида 1,5-3% гача эфир мойи, аччиқ гликозидлар, олма ва сирка кислоталари учрайди. Унинг эфир мойи таркибида 70-80% цинеол, пинен, терпинен, терpineол, камфора, карвакрол, сесквиартемизол ва бошқа бирикмалар бор.

Ишлатилиши. Саватчаси ва ундан тайёрланган препаратлар юмалоқ гижжаларни тушириш учун ишлатилади. Ўсимлик хом-ашёси июль ёки август ойининг бошларида яъни, таркибида сантонин моддаси кўп миқдорда тўпланган ғунчалаш даврида тайёрланади. Сантонин юмалоқ гижжаларга қарши самарали таъсир қилувчи восита ҳисобланади. Ўсимликдан тайёрланган дарминол тиббиёт

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

амалиётида

очиқ

жароҳатларни

даволашда

ишлатилади.



Дармана шувоқ (*Artemisia cina* Berg.).

62. Доривор белладона - *Atropa belladonna* L.

Красавка

Solanaceae

Ўсимликнинг тавсифи. Доривор белладона (*Atropa belladonna*)

Итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласига кирадиган кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 2м га етади. Илдизпояси тармоқланган, илдизи йўғон ва сершох. Пояси тик ўсувчи битта, баъзан бир нечта, йўғон, яшил рангли, пастки қисми шохланмаган, юқори қисмида эса 3 та шох ҳосил бўлиб, улар ўз навбатида айрисимон жойлашган тўп шохчалар чиқаради. Барги оддий, тўқ яшил, поядা баргларнинг биттаси доим йирик бўлади. Йирик барглари эллипссимон, майдалари эса тухумсимон. Гуллари барг қўлтиғида осилган ҳолда якка ёки жуфт бўлиб жойлашган. Гулкосачабарги беш тишли, цилиндриксимон - қўнғироқсимон, мева билан бирга қолади, гултожибарги беш бўлакли, бирлашган, қўнғироқсимон, учки қисми бинафша рангда, асос қисми эса сариқ - қўнғир рангга бўялган. Чангчиси 5 та, уруғчи тугуни юқорига жойлашган. Меваси - бинафша - қора рангли, ялтироқ, икки хонали, бир оз ясси, кўп уруғли, нордон ширин мазали хўл мева. Уруғи буйраксимон, қўнғир рангли бўлиб, устки томонида чуқурчалари бор.

Доривор белладонна ўсимлиги поясининг юқори қисми безли туклар билан қопланган, гултожибарги тўқроқ рангли.

Географик тарқалиши. Доривор белладона Молдавия, Крим, Кавказ, Карпат тоғлари ҳамда тоғолди ҳудудларида, кенг баргли ўрмонларда, дарё қирғоқларида, далаларда, ўтлоқзорларда якка ҳолда, баъзан кичик тўдалар ҳосил қилиб ўсади. Краснодарск, Украина ва Кримда маҳсус майдонларда ўстирилади. Ўсимлик баргларининг биомассаси 0,8-1 т/га, ер ости биомассаси 1,2-1,5 т/га, уруғининг ҳосилдорлиги эса 0,1-0,2 т/га ташкил қиласиди (Растительные ресурсы СССР, 1990).

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида тритерпеноидлар, 0,401-0,71% гача алкалоидлардан: гиосциамин, апоатропин, белладоннин аниқланган. Илдизи таркибида 0,5-0,93% гача алкалоидлардан: атропин, гиосциамин, белларадин, тропин, скополамин, хелларадин, кумаринлардан: скополетин, умбеллиферон бор. Поясида 0,36-0,49% гача алкалоидлардан-гиосциамин, баргларида β -ситостерин, 0,05-0,75% гача алкалоидлардан:

гиосциамин, скополамин, гиосцин, атропин, фенолкарбон кислотаси ва унинг ҳосиласи, flavonoидлар ва бошқа моддалар аниқланган. Уруғлари таркибида рафиноза, стахиоза каби углеводлар, 0,23% алкалоидлардан: белларадин, скополамин, гиосциамин, апоатропин, белладоннин, тропин бор. Гуллари таркибида ҳам алкалоидлар учрайди (Растительные ресурсы СССР, 1991).

Ишлатилиши. Доривор белладонна препаратлари ошқозон - ичак касалликларида оғриқ қолдирувчи сифатида ишлатилади. Атропин препаратлари Халқаро фармакопеяда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, парасимпатолитик ва спазмолитик таъсир хусусиятига эга восита сифатида ошқозон ва ўникки бармоқли ичак яраларида, пилороспазмда, холециститда, ўт тош касалликларида, бронхиал астмада, брадикардияда, инфарк миокарди каби касалликларни даволашда қўлланилади.

Ўсимлик таркибидан ажратиб олинган алкалоидлар белазон, корбелла препаратлари таркибига кириб, паркинсонизм ва Паркинсон касаллигини даволашда ишлатилади. Гиосциамин алкалоиди “аэрон” таблеткаси таркибига кириб денгиз касаллигини даволашда самарали натижа беради. *Доривор белладонна заҳарли ўсимлик бўлиб, фойдаланиши қоидаларига қатъий амал қилиши керак.*

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР



Доривор белладона (*Atropa belladonna* L.).

63. Доривор зангизорба – *Sanguisorba officinalis* L. Кровохлебка лекарственная, черноголовник *Rosaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Доривор зангизорба (*Sanguisorba officinalis*) Раъногулдошлар (*Rosaceae*) оиласига мансуб, кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 20-100 см га етади. Илдизпояси йўғон, ер остида горизонтал жойлашган. Пояси тик ўсувчи, қиррали, ичи ковак, юқори қисми шохланган. Илдизолди барглари узун бандли, тоқ патли, 4-13 жуфт баргчалардан иборат. Баргчалари чўзиқтухумсимон, ўтқир арасимон қиррали. Поядаги барглари бандсиз, кетма-кет ўрнашган.

Гуллари майда, тўқ қизил, бошоқсимон тўпгулни ҳосил қиласиди. Гули икки жинсли. Гулқўрғони оддий, гултожибаргсиз. Гулкосачаси 4 бўлакка қирқилган. Чангчиси 4 та, уруғчиси 1 та. Меваси - писта. Июнь ойида гуллайди, сентябрь ойида уруғлари пишиб етилади.

Географик тарқалиши. Доривор зангизорба Сибирь, Узок Шарқ, Крим, Кавказда ўтлоқ ва нам жойларда, ботқоқлик атрофларида кўп тарқалган.

Кимёвий таркиби. Илдизпояси ва илдизи таркибида пирогаллол типидаги ошловчи моддалар, галловат кислота, эллаговат кислота, пигментлар, крахмал, эфир мойи, галлотанидлар, аскорбин кислотаси, каротин, сапонинлар (сангвисорбин, потерин) ва стеринлар бор (Соколов, Замотаев, 1988).

Ишлатилиши. Буриштирувчи сифатида, меъда-ичак ва акушер-гинекология амалиётида қон тўхтатувчи сифатида қўлланилади.

Қайнатма, суюқ экстракт, қуруқ экстракт ва ундан тайёрланган таблетка (*Sorbex*), чойлар таркибига киради.



Доривор зангизорба (*Sanguisorba officinalis* L.).

64. Доривор шотара-*Fumaria officinalis* L. Дымянка лекарственная (дикая рута) *Fumaridaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Доривор шотара (*Fumaria officinalis*) Шотарадошлар (*Fumaridaceae*) оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Пояси кулранг-яшил рангли бўлиб, тик ўсади, 8-40 см баландликкача ўсади. Поялари жуда нозик бўлиб, тез синади. Барглар уч марта патсимон қирқилган, поядা кема-кет ўрнашган. Гуллари зигоморф, пушти-сиёҳ рангли, шингилсимон тўпгулда йиғилган. Косачабарги иккита, пардасимон ёки тангачасимон қўринишда бўлади. Тожибарглари тўртта, пиҳли, узунлиги 5-6 мм. Чангчилари иккита, уруғчиси битта. Меваси бир уруғли ёнғокча, шарсимон, этли, диаметри 2 мм гача. Май-июль ойларида гуллаб уруглайди.

Географик тарқалиши. Россиянинг Европа қисмida, Кавказда, Ғарбий Сибирнинг жанубида, Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиёда учрайди. Қаровсиз жойларда, боғ ва экинзорларда ўсади. Адир ва тоғ зонасида тарқалган.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида 0,13% алкалоидлар: фумарин, криптокарпин, ауреотоксин, фумарин кислотаси, қатронлар, аччиқ ва шилимшиқ моддалар бор (Акопов, 1981). Бундан ташқари С ва К витамиnlари ҳам аниқланган.

Ишлатилиши. Ўсимликнинг ер устки қисми доривор ҳисобланади. Халқ табобатида доривор шотарадан иштаҳа очувчи сифатида ҳамда ошқозон-ичак фаолиятини меъёрлаштиришда ишлатилади. Бундан ташқари ошқозон ширасининг кислоталиги пасайиши билан борадиган гастритни, метеоризмни даволашда тавсия этилади. Ўсимликдан тайёрланган дамлама ўт ҳайдовчи, сийдик ҳайдовчи ва спазмолитик хусусиятларга эга. Шунинг учун дамлама ва қайнатмалари жигар, ўт пуфаги, буйрак-тош касалликларида, истисқода, сийдик пуфагининг яллиғланишларида, организмнинг умумий ахволини яхшилан учун қўлланилади.

Ўсимлик хом-ашёсими ёз бўйи қўлда йиғилган ҳолда тайёрланади. Юпқа тўшама қилиб, тезда қуритиш керак. Акс ҳолда қорайиб қурийди.

Дамлама тайёрлаш учун бир чой қошиқ майдаланган ўсимлик устига бир стакан қайнаган сув қуйилади ва 2-3 соат дамланади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Кунига 4-5 марта овқатланишдан олдин 1-2 ош қошиқдан ичиш тавсия қилинади. Янги узилган ўсимликдан сиқиб олинган шарбат (шира) сув аралаштирилган ҳолда кунига 4-5 марта овқатланишдан олдин 1-2 ош қошиқдан ичиш тавсия қилинади. Сиқиб олинган ўсимлик шираси билан турли тери касалликлари даволанади. Сув аралашган шира билан оғиз чайқалганда тиш ва милкларнинг соғломлашганлиги кузатилган.



Доривор шотара (*Fumaria officinalis* L.).

65. Илонсимон торон - *Polygonum bistorta L.* Змеевик, горец змеиный, раковые шейки *Polygonaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Илонсимон торон (*Polygonum bistorta*)

Торондошлар (*Polygonaceae*) оиласига мансуб қўп йиллик ўсимлик, илдизпояси 2 маротаба илонсимон буралган бўлиб, узунлиги 3-5 см (10 см), йўғонлиги 1,5-2 см. Ташқи томони тўқ қизил-қўнғир, ичи эса пушти рангли. Пояси тик ўсувчи, шохланмаган, бўйи 100 см. Илдизолди барглари текис қиррали, кенг ланцетсимон, узун ва қанотли банди бор. Поядаги барглари текис қиррали, кетма-кет бандсиз ўрнашган. Кўшимча барглари найчасимон бўлиб, поя бўғимини ўраб турадиган қин ҳосил қиласади.

Гуллари бошоқсимон тўпгулни ҳосил қилиб, асосий гулпоянинг юқорисида ўрнашган. Гули майда, оч-пушти рангли, актиноморф. Гулқўрғони оддий, асос қисмига қадар 5 бўлакка қирқилган гултожидан иборат, меваси уч қиррали ёнғоқча.

Май ойида гуллайди, июль ойида етилади.

Географик тарқалиши. МДХ давлатларининг Европа қисмida, Фарбий Сибирь, Украина, Белоруссияда кенг тарқалган. Илонсимон торон денгиз сатҳидан 2200 метр баландликдаги тоғларда, ўтлоқларда учрайди.

Кимёвий таркиби. Илдизпояси таркибида ошловчи моддалар (15-25%), галлотанинлар, галловат ва эллоговат кислоталари, катехин, флобафенлар, крахмал (25%), С витамини (1,1%), жуда кам миқдорда оксиметилантрахинонлар аниқланган (Гахниян, Асенов, 1988).

Ишлатилиши. Илонсимон тороннинг илдизпояси доривор ҳисобланади. Ўсимликдан тайёрланган дорилар буриштирувчи ва антисептик хусусиятга эга бўлиб, меъда-ичак, оғиз бўшлиғи касалликларини даволашда қўлланилади.

Суюқ экстракт - Extractum Bistortae fluidum, қайнатма ва чойлар таркибига киради.



Илонсимон торон (*Polygonum bistorta* L.).

66. Кичик бўригул - *Vinca minor L.* Барвинок малый *Arosaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Кичик бўригул (*Vinca minor*) Кендиридошлар (*Arosaceae*) оиласига мансуб ўт ўсимлик. Кўп йиллик ер устки поялари ётиб ўсувчи бўлиб, узунлиги 90 см гача бўлади. Гул ҳосил қилувчи новдалари кўтарилиб ўсади. Тўқ яшил рангли барглари ялтироқ тусли, қалин, туксиз, эллипссимон, ўткир учли бўлиб, поя бўғимларида калта банди билан қарама-қарши жойлашган. Гуллари воронкасимон, тўқ кўк рангга бўялган, барг қўлтиғида якка-якка жойлашган. Гулкосачаси туксиз, 5 бўлакка қирқилган, гултожибарги воронкасимон, диаметри 2,5-3 см гача, 5 бўлакка қирқилган, чангчиси 5 та, уруғчи тугуни 2 хонали, юқорида жойлашган. Май ойида гуллайди. Меваси баргак мева бўлиб, кам миқдорда уруғ ҳосил қилади. Совуқقا чидамли, эрта баҳордан ўсишни бошлайди. Ўсимликлар тез ўсиб ер устки қисмида яшил гилам кўринишидаги тўшама ҳосил қилади. Оқ йўлли чизиқлар билан безалган баргли нави бўлиб, гуллари оқ ёки пушти рангли. Эрта баҳорда икки бўғим куртакли узун новдалардан тайёрланган қаламчалари орқали кўпайтирилади.

Ярим соя яъни 15000 лк дан 5000 лк гача ёритилган шароитда яхши ўсади. Очик майдонларда ўсиши тезлашади, лекин барглари кичик ва қалин кўринишга ўтади. Соя муҳитда яъни 1000 лк дан кам ёритилган шароитда жуда секин ривожланади ва кам гуллайди.

Географик тарқалиши. Кичик бўригул Крим ва Европанинг жануби-шарқий қисмида тарқалган.

Кимёвий таркиби. Кичик бўригулни ер устки қисмида 20 дан ортиқ алкалоид бўлиб, структура ва таъсири жихатидан резерпинга яқин туради. Асосий алкалоидлари: минорин, винкамин, винин, пубисцин, винкаминориндан иборат. Бундан ташқари ўсимлик таркибида флавоноидлар, аччиқ моддалар, аскорбин кислотаси, каротин ва бошқа моддалар бор.

Ишлатилиши. Кичик бўригул ўсимлиги ҳамда Бўригул (*Vinca major*, *Vinca minor*) туркуми вакиллари гулининг таркибида бир қанча алкалоидлар бўлиб, бу моддалар рак касалликларига қарши даволашда самарали натижалар беради.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Ўсимлик таркибидаги винкамин алкалоиди миядаги қон айланишини яхшилайды ва натижада мия хужайраларини кислород билан таъминланиши яхшиланади.

Ўсимликнинг доривор препаратлари: Девинкан, винкапан гипертония касаллигини даволашда ишлатилади.



Кичик бўригул (*Vinca minor L.*).

67. Ланцетсимон термопсис, наштарсимон афсонак-*Thermopsis lanceolata* R. Br. Термопсис ланцетный *Fabaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Ланцетсимон термопсис (*Thermopsis lanceolata*) Дуккакдошлар (*Fabaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик, бўйи 20-25 см га етадиган ўт ўсимлик. Илдизпояси узун, кам илдизли бўлиб, ундан тик ўсувчи, шохланмаган ёки кам шохланган бир нечта поя ўсиб чиқади. Пояси шохланмаган, баъзан шохланган, жўякли бўлиб, сийрак, юмшоқ, оқ туклар билан қопланган. Барги панжасимон уч бўлакли, япроқчалари кулранг-яшил рангли, устки қисми силлиқ, барг ости эса ёпишқоқ тукли бўлиб, поядга қиска банди билан кетма-кет ўрнашган. Барг бўлаклари чўзиқроқ - ланцетсимон, ингичка, узунлиги 30-60 мм, кенглиги 5-12 мм. Гуллари сариқ рангли, йирик бўлиб, шингилсимон тўпгулда ўрнашган бўлади. Гулкосачаси ёпишқоқ тукли, қўнғироқсимон, нотекис беш тишли, гултожибарги қийшиқ, бешта бўлиб, юқоридагиси елканни, иккита ён томонидагиси эшкакни, пастки иккитаси бирлашиб, қайиқчани эслатади. Чангчиси 10та бўлиб, ҳаммаси бирлашмаган (бошқа дуккаклардан фарқи), уругчи тугуни бир хонали, юқорида жойлашган. Меваси чўзиқ, пишганда очиладиган дуккак. Уруғи силлиқ, ялтироқ, қўнғир рангли, буйраксимон бўлиб, узунлиги 3,5-4 мм.

Географик тарқалиши. Ланцетсимон термопсис асосан Сибирнинг чўл ва ўрмон-чўл зоналарида, Қозоғистонда, Украина, Россиянинг Европа қисмida ҳамда Ўрта Осиёда тарқалган бўлиб, қумли ерларда, тоғ ёнбағирларида, майда шағалли қияларда, экинзорларда бегона ўт сифатада учрайди.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ер устки таркибида 0,5-3,6% алкалоид бўлади. Термопсин, гомотермопсин, метилцитизин, пахикарпин, цитизин, анагириналар ўсимликнинг асосий алкалоидларидан ҳисобланади. Бундан ташқари сапонинлар, флавоноидлар, эфир мойи, смолалар, ошловчи ва шиллиқ моддалар, термопсиланцин, аскорбин кислота ҳамда шакар бор. Ўсимликнинг уруғида 0,6% гача цитизин алкалоиди бор.

Ишлатилиши. Термопсис ўсимлигидан тайёрланган дамлама (настой) 1:400 балғам қўчирувчи, цитизин алкалоиди эса нафас марказини қўзғатувчи ва қон босимини қўтарувчи дори сифатида

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

қўлланилади. Ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган порошок ва таблеткалари мавжуд. Цитизин алкалоидининг ампуладаги 0,15 % ли эритмаси - цититон номи билан чиқарилади.



Ланцетсимон термопсис (*Thermopsis lanceolata* R. Br.).

68. Май марваридгули, марваридгул - *Convallaria majalis L.*

Ландыш майский

Liliaceae

Ўсимликнинг тавсифи. Май марваридгули (*Convallaria majalis*) Лоладошлар (*Liliaceae*) оиласига мансуб, кўп йиллик, бўйи 15-30 см га етадиган ўт ўсимлик. Илдизпояси судралиб ўсуви бўлиб, шохланган, ундан кўп микдорда майда илдизлар ўсиб чиқади. Илдизолди барглари 2-3та, ўткир учли, текис қиррали, туксиз, яшил рангли бўлиб, узунчоқ-овалсимон ёки эллиптик-ланцетсимон, узунлиги 10-20 см, кенглиги 4-8 см, ёйсимон томирланган. Гуллари оқ рангли, актиноморф, гултожибарглари қўшилиб ўсиб, оддий гулқўрғонни ҳосил қиласи. Гулқўрғон четлари олти тишли, унинг ичкари доирасида олтига чангчи ўрнашган. Гул ўқи 3 қиррали, бир томонлама сийрак шингилли тўпгулни ҳосил қилган. Меваси - тўқ сарик - қизғиши рангли, шарсимон, серсув, кўп уруғли, ҳўл мева.

Апрель – июль ойларида гуллайди, меваси август, сентябрь ойларида пишиб етилади.

Географик тарқалиши. Россиянинг Европа қисмида, Кавказ, Крим, Узоқ Шарқ, шарқий Сибир ўрмонларида, буталар орасида ўсади. Манзарали ўсимлик сифатида экилади.

Химиявий таркиби. Ўсимлик баргига 0,2-0,3%, гулларида 5% карденолидлар типига мансуб юрак гликозидлари бор. Асосий гликозиди-конваллотоксин (строфантин-рамнозид) бўлиб, кардено-лидлар умумий микдорининг 40% ташкил қиласи. Бундан ташқари қуидаги гликозидлар ҳам аниқланган: конваллозид (строфантидин-рамноглюкозид), локундиозид (рамнозид бипиндогенин), конваллатоксол (рамнозид строфантидол); жуда кам микдорда қуидаги гликозидлар ажратиб олинган: конваллатоксолозид, майалозид, перигулозид. Бундан ташқари flavonoидлар, гуллари таркибидан эфир мойи бор.

Ишлатилиши. Ўсимликнинг ер устки қисми-гули, барги пояси доривор ҳисобланади. Юрак касалликларини даволашда самарали воситалардан биридир. Бундан ташқари седатив ва қон тўхтатувчи хусусиятга эга. Ўсимликдан қуидаги препаратлар тайёрланган: Конваллотоксин (ампула), настойка, коргликон (гликозидлар суммаси 0,06% ампулада), қуруқ экстракт таблетка ҳолида.



Май марваридгули (*Convallaria majalis L.*).

69. Оддий арпабодиён - *Anisum vulgare* Gaerth., *Anisum officinarum* Moench., *Pimpinella anisum* L. Анис обыкновенный *Apiaceae*

Ўсимликтининг тавсифи. Оддий арпабодиён (*Anisum vulgare*) Зирадошлар (*Apiaceae*) оиласига мансуб, бир йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 30-60 см га етади. Пояси тик ўсувчи, цилиндрический, юқори қисмидан шохланган. Илдизолди ва поянинг пастки қисмидаги барглари узун бандли, бутун, тухумсимон ёки буйраксимон, арасимон қиррали, поянинг ўрта қисмидаги барглари 3-5 марта патсимон қирқилган. Поянинг юқори қисмидагилари бандсиз 2-3 марта патсимон қирқилган, ипсимон, пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, оқ рангли, мураккаб соябонга ўрнашган бўлиб, соябони 7-15 нурли. Косачабарглари чети тишсимон, 5 та, гултожибарги 5 та, чангчиси 5 та, уруғчи тугуни 2 хонали, пастда жойлашган. Меваси-сариқ ёки қўнғир-кулранг қўшалоқ пистадан иборат. Пишган мевани 2 бўлакка ажратиш мумкин, уларни ҳар қайсисида 1 та дан уруғ бўлади. Яримта меванинг ички томони текис, ташки томони 3 та қовурғаси бор, майда туклари бор. Мевасининг юқори қисмida 5 тишли гулкосачаси ва 2 томонга эгилган уруғчи устунчалари сақланиб қолган бўлади. Июнь ойида гуллайди, меваси август ойида пишиб етилади.

Географик тарқалиши. Ватани Туркия ҳисобланади. Воронеж, Волга бўйида, Шимолий Кавказ, Украина, Ўрта Осиёда ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Меваси таркибида 1,2-3,2% эфир мойи, 8 - 28,4% мой, оқсил, шакар, шилимшиқ моддалар ва 10% гача минерал тузлар бор. Бундан ташқари 80-90% стереоптен-анетол, 10% метилхавикол, анис альдегиди ва кетони, кислотаси, кумаринлар: скополетин, умбеллипренин ва бошқалар бор.

Ишлатилиши. Ўсимликтин меваси доривор ҳисобланади. Ундан тайёрланган препаратлар бронхитда балғам кўчирувчи, ел ҳайдовчи ҳамда дорилар мазасини яхшиловчи сифатида ишлатилади.

Мевадан олинган мой ва эфир мойи озиқ-овқат саноатида, совун саноатида, парфюмерияда ишлатилади. Арпабодаён эфир мойи-*Oleum Anisi*, нашатир арпабодиён томчиси - *Liquor Ammonii Anisatus* ва бошқалар таркибига киради. Меваси кўпгина ич юмшатувчи дорилар таркибига киради.



Оддий арпабодиён (*Anisum vulgare* Gaerth.).

70. Оддий бодрезак - *Viburnum opulus L.* Калина обыкновенная *Caprifoliaceae*

Ўсимликтининг тавсифи. Оддий бодрезак - *Viburnum opulus* Шилвидошлар (*Caprifoliaceae*) оиласига мансуб, бўйи 2-3 метргача бўлган бута ўсимлик. Поясининг устки томони қўнғир кулранг, майда ясмиқчали. Барги кенг тухумсимон, 3 - 5 бўлакли, тишсимон қиррали, юқори томони тўқ яшил, пастки томони оч яшил, томирларида туклари бор бўлиб, банди билан пояда қарама - қарши жойлашган. Гуллари оқ рангли бўлиб, ярим соябонга тўпланган. Гулкосачаси 5 тишли, гултожиси 5 бўлакка қирқилган. Гул тўпламининг четидаги гуллари мева қилмайди, ўртадагилари мева қилади. Чангчиси бешта, уругчи тугуни 5 хонали, пастга жойлашган. Меваси шарсимон, икки томони бироз яссироқ, қизил, данакли мева бўлиб, диаметри 8-12 мм га тенг. Май ойида гуллаб - сентябрда пишади.

Географик тарқалиши. Европа, Кавказ, Крим, Белоруссия, Украина, Шарқий Қозогистон, Фарбий Сибирда ва бошқа жойлардаги нам аралаш ўрмон четларида, ботқоқларда кенг тарқалган. Манзарали ўсимлик сифатида парк ва боғларда ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида вибурнин гликозиди, 70 - 80 мг % С витамини, 28-31 мг % К₁ витамини, 21 мг % каротин, 7% гача тритерпен сапонинлар, 4% ошловчи моддалар, флавоноидлар, органик кислоталар ва бошқа моддалар мавжуд.

Меваси таркибида 32% гача қанд, 3% ошловчи моддалар, 3% органик кислоталардан: сирка, изовалериан; антоциан пигменти, С витамини, уруғида 20% гача мой бор.

Ишлатилиши. Бодрезак ўсимлигининг препаратлари акушер - гинекологик амалиётда қон тўхтатувчи ва оғриқ қолдирувчи восита сифатида ишлатилади. Эрта баҳорда пўстлоғи шилиб олинади ва очик ҳавода қуритилади. Меваси халқ табобатида меъда ярасини даволашда ва кучсиз сийдик ҳайдовчи сифатида ишлатилади. Меваси айrim витаминли чойлар таркибига киради.



Оддий бодрезак (*Viburnum opulus* L.).

71. Оддий қарағай—*Pinus sylvestris* L. Сосна обыкновенная *Pinaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Оддий қарағай (*Pinus sylvestris*) Қарағайдошлар (*Pinaceae*) оиласига мансуб, тик ўсуви, доим яшил дарахт. Табиий шароитда бўйи 40 метрга боради. Барглари нинасимон шаклда бўлиб, узунлиги 7 см, шохларда жуфт бўлиб ўрнашган. Асосий пояси шохланган, ўзига хос чиройли сада ҳосил қиласди. Қарағайнинг новдалари узун ва калта бўлади. Узун новдаларининг усти қўнғир рангли барг-тангачалар билан қопланган. Уларнинг кўлтиқларида эса калта новдалар жойлашган. Нинабарглари 3-6 йил сақланиб туради. Оталик қуббалари шу йил чиқсан новдалар асосида зич тўпланган бўлиб, оналик қуббалари чўзиқ-тухумсимон шаклда, шу йилги новдаларининг учидаги ёки ёнларида якка-якка бўлиб жойлашади. Кубба устидаги тангачалари ромбасимон, ялтироқ, қўнғир-сарғиш. Куббалар иккинчи йил пишиб етилади.

Географик тарқалиши. Оддий қарағай Шотландиядан то Тинч океан соҳилларигача, шимолдан Норвегиядан то Испания, Италия, Кичик Осиёгача тарқалган. Бошқа дарахтлар билан ўрмонзорлар ҳосил қиласди.

Кимёвий таркиби. Нина барглари ҳамда куртаклари дориворлик хусусиятига эга бўлиб, улар таркибида: α - β -пиненлар, лимонен, борнилацетат, ошловчи ва аччиқ моддалар, флавоноидлардан: кверцетин, изорамнетин, катехин; кумарин, микроэлеменлардан; марганец, темир, мис, бор, рух, молибден; С, К, Е витаминалари, абиетин кислотаси ҳамда каротин бор. Унинг куртаклари таркибида қатрон (смола), эфир мойи, пинипикрин, аччиқ ва ошловчи моддалар бор.

Ишлатилиши. Оддий қарағай инсонлар учун фойдали бўлиб, ундан турли қурилиш материаллари тайёрланади. Ўта манзарали дарахт ҳисобланади. Ёш новдаларининг учки қисми ёки куртаклари таркибида табиий ҳолда тўпланган моддалар балғам кўчирувчи, антисептик хусусиятга эга. Нинабарглари цингага қарши ҳамда юкумли касалликларга қарши таъсир этади. 30 г янги узулган нинабарглари ювилади ва устига бир стакан қайнаган сув солинади

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

хамда паст оловда қайнатилади. Тайёр бўлган қайнатмани 20 минут давомида оғзи ёпиқ ҳолда совитилади ва кун давомида ичилади (маза бериш учун шакар солиш мумкин). Куртакларидан тайёрланган қайнатма балғам кўчирувчи, дезинфекция қилиш хусусиятига эга бўлгани учун юқори нафас йўллари шамоллашларида тавсия қилинади. Бунинг учун 10 г куртак устига бир стакан қайнаган сув солинади ва паст оловда қайнатилади, сўнгра совиган қайнатма кунига 2-3 марта овқатдан сўнг ичилади. Қарағайдан Скипидар, Пинабин каби препаратлар ишлаб чиқилган. Қарағай куртакларини эрта баҳорда, нинабаргларини эса йил давомида йифилади. Узилган куртакларини икки йилгача сақлаш мумкин.



Оддий қарағай (*Pinus sylvestris* L.).

72. Сарик гулсафсар- *Iris pseudacorus* L. Ирис, Ирис ложноаирировый *Iridaceae*

Ўсимликтининг тавсифи. Сарик гулсафсар (*Iris pseudacorus*) Савсандошлар (*Iridaceae*) оиласига мансуб, кўп йиллик қалин илдизпояли ўт ўсимлик бўлиб, узунлиги 75-160 см, пояси тик ўсуви, силлиқ, туксиз, юқори қисми шохланган. Шохланган илдизпоясининг қалинлиги 2-3 см, илдизпоя бўлакчаларининг узунлиги 10 см бўлиб, устки томони оқиш-қўнғир, кесилганда ички қисми бинафша-пушти рангда. Илдизпоясининг кучсиз ҳиди ва бироз буриширувчи мазаси бор, таркибида ошловчи моддалар бўлади. Барги кенг қиличсимон ёки чизиқсимон яшил рангли, узун, ўткир учли, параллел томирланган, эни 2-3 см, узунлиги 70-120 см гача. Гулдорпояси тик ўсуви, силлиқ, туксиз, ички қисми мустаҳкам, юқори қисми 3-4 та ён шохлардан иборат, узунлиги 70-130 см. Гуллари йирик, шохларида якка-якка жойлашган, гулқўрғони оддий, сарик рангли, 6 та гултожибаргдан ташкил топган бўлиб, 3 тадан 2 қатор жойлашган. Гулқўрғон ташқи гулбаргининг узунлиги 5-7 см, эни 2,5- 4 см, пастга эгилган қисми кенг бўлиб, ўрта қисмida ҳашаротларни ўзига жалб қиласидан қизғиш рангли доғлари ва тўқ қизил рангли томирлари бўлади. Гулқўрғоннинг ички гулбарги қисқарган бўлиб, юқорига қараган, узунлиги 15-25 мм. Май – июнь ойларида гуллайди, меваси августда етилади. Сарик гулсафсарнинг меваси кўп уруғли, йирик, овалсимон, узунлиги 5-10 см, эни 1,5 -2 см, тепа қисмida калта тумшуқчasi бор, уч чаноқли кўсакча. Уруғи айланасимон, яrim айланасимон бўлиб, узунлиги 8-10 мм, эни 6-7 мм, ясси, оч ёки тўқ қўнғир рангли, юмшоқ пўстли. Меваси учта чаноғини ёрилишидан ёки узун ва қисқа тирқич ҳосил қилиши натижасида очилади. Уруғининг сувда сузиб юриш хусусияти бор.

Географик тарқалиши. Ҳозирги вақтда Сарик гулсафсарнинг тарқалиш ареали жуда кенг. У Европанинг катта қисмida тарқалган. Сибирнинг ғарбий районлари, Япония, Хитой, Ўрта Ер денгизи, Шимолий Африка, Эрон, Туркия, Сурия, Украина, Беларуссия, Молдавия, Болтиқ бўйи давлатлари, Россиянинг Европа қисми, Кавказ, Узоқ Шарқ, Сахалин ва Ғарбий Сибирда кенг тарқалган. XX-асрда у Шимолий ва Жанубий Америка минтақасида ҳам кенг

тарқалган. Асосан ботқоқ ерлар, ариқ бўйлари, дарё ва кўл бўйларида ўсади.

Кимёвий таркиби. Сариқ гулсафсар таркибидаги каротиноидлар: β-каротин, виолаксантин, лютеин, зеаксантин, ксантофиллар мавжуд. Илдизида углеводлар: фруктанлар 4,7 %, сахароза 0,3% [163], кумарин, флавоноидлар бор. Илдизпояси таркибидаги углеводлар ва уларга яқин бирикмалар: иризин, органик кислоталар, тритерпеноидлар, баргода фенолкарбон кислоталар, гулида каротиноидлар, юксак ёғ кислоталар, уруғида углеводлар: глюкоза, фруктоза, сахароза, рафиноза, стахиоза, мойлар мавжуд.

Бундан ташқари, Сариқ гулсафсар уруғи таркибидаги 4,6 % сув, 2,2 % кул моддалари, 10,2 % протеин, 14,8 % ёғ, 45,1 % клетчатка, 27,7 % азотсиз экстрактив моддалар борлиги ва етилган уруғининг эндосперм қавати деворида гемицеллюлоза борлиги аниқланган.

М.Х. Санавова ва Д.А. Рахимовлар (2004) Сариқ гулсафсарнинг меваси, пояси ва илдизпояси таркибидаги сувда эрувчи полисахаридлар, пектин моддалари, гемицеллюлозани аниқланган. Уларнинг олган натижаларига кўра сувда эрувчи полисахаридлар илдизпоя таркибидаги энг кўп 5,4% ни ташкил этган, меваси таркибидаги пектин моддалари энг кўп 8,0% ва гемицеллюлоза A ва B₁ энг кўп 2,2% ни ташкил этган. Т.Н. Холмурадованинг (2006, 2011) берган маълумотига кўра, Тошкент шароитида ўсан ўсимлик илдизпояси таркибидаги сувда эрувчи полисахаридлар уруғи пишган пайтда энг кўп миқдорда бўлиб, яъни 18,5 % ни ташкил этган. Илдизпоя таркибидаги пектин моддалари эса ўсимликнинг ғунчалаш вақтида энг кўп-9,5% ни кўрсатган. Уруғи пишган пайтда илдизи таркибидаги сувда эрувчи полисахаридлар энг кўп эканлиги - 1,2% ва пектин моддалари 7,0% ташкил қилиши аниқланган. Илдизпояси таркибидаги эфир мойи, гликозидлар, ошловчи моддалар, органик кислоталар мавжуд. Сариқ гулсафсар баргининг таркибидаги 80-90 мг % дан 140 мг % гача С витамини бўлиши аниқланган. Гулининг таркибидаги эса ошловчи моддалар, пирагаллол ва виолаксантин мавжуд.

Ишлатилиши. Сариқ гулсафсар - доривор, бўёқбоп, асалчил, териларни ошлашда кенг фойдаланиладиган ўсимлик ҳисобланади. Халқ табобатида ўпка яллиғланиши, талоқ, бодомча без яллиғланиши, аёллар гинекологик касалликлари, жароҳат ва йирингли яраларни даволашда, сепкилни йўқотишда, тиш милки яллиғланганда, тиш оғригини босищда ишлатилади ва тонусни

оширувчи восита сифатида ҳам фойдаланилади. Бундан ташқари парфюмерия саноатида ҳам ишлатилади. Унинг янги йигилган илдизпояси халқ табобатида гомеопатияда ишлатилади. Гулсафсар айниқса асаб тизими касалликларини даволашда фойдали, илдизпоясининг дамламаси билан юз ювилса, уни тозалайди, ялтиратади, сепкилни ва ажинларни кетказади, йўтални тўхтатади, тиш оғригини қолдиради. Сариқ гулсафсар илдизпояси Здренко йифмаси таркибига киради ва сийдик пуфаги касалликлари, ошқозон яраси ва яллиғланишида ишлатилади. Халқ табобатида илдизпоясининг қайнатмаси буриширувчи, тонусни оширувчи, яллиғланишга қарши, сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Эпилепсияни даволаш мумкинлиги ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган, бош оғригини, тиш оғригини босишда, ич сурги воситаси сифатида, ўткир респиратор инфекцияларда, диатезда, соч ўсишини яхшилашда ишлатилади. Аёллар жинсий аъзоларининг айрим яллиғланиш касалликларида, бачадондан қон кетишини тўхтатища, ҳайз цикли бузилганда ҳам қўлланилади. Бундан ташқари, оғиз бўшлиғининг яллиғланиш ҳолатларида ҳам ишлатиш мумкинлиги тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган. Илдизпоясини майдалангандан кукуни сепма дори таркибига киради.

Сариқ гулсафсар баргини буғлаб, компресс сифатида тўғри ичак яраси (геморрой) касаллигига ишлатилади. М.М. Козиренко ва бошқаларнинг (2004) маълумотига кўра, сариқ гулсафсарнинг ер устки қисмидан вирусга қарши биологик фаол модда олишда хомашё сифатида фойдаланилади. Илдизпояси Болгарияда қандли диабет касаллигини даволашда кенг қўлланилади, парфюмерия саноатида олий навли парфюмерия маҳсулотларини олишда, тиш пастаси ва порошоги тайёрлашда фойдаланилади. Ер остки қисми, барги ва гули бактерияларга қарши фаолликни намоён этапи, ер остки қисми ва гули териларни ошлашда, тери, жун матоларни, қоғозларни сариқ рангга бўяшда ишлатилади, уруғидан кофе суррогати сифатида фойдаланилади. Бундан ташқари илдизпояси ва гули қуритилмаган ҳолатда бирмунча заҳарли бўлиши мумкинлиги ҳам қайд қилинган.

Абу Али ибн Синонинг (1993) маълумотига кўра, гулсафсарнинг сояда қуритилган илдизпояси сепкил ва қонталашларни йўқотади, қайнатмаси шишларни, безларни, тошмаларни кетказади, уйқуни яхшилаб, бош оғриғига яхши фойда қиласи, йирингли яраларни битказади, биқин ва зотилжамдаги оғриқларни босади. Йўтал, нафас

олиш органлари касалликларини даво-лашда, жигар ва талоқ касалликларида оғриқни босишда, иситмани туширишда ишлатилади.

Илдизпояси таркибида эфир мойи, ошловчи моддалар, иридин гликозиди ва органик кислоталар мавжуд бўлиб, табобатда “бинафша илдизи” номи билан балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи дори сифатида ва ошқозон - ичак, талоқ, ўпка касалликлари, ангинада, йирингли яраларни даволашда, сепкилларни йўқотишида фойдаланилади. Бунинг учун майдалангандан илдизпоясидан 2-4 ош қошиқ ширасини 700 г сут зардобида аралаштириб 100 мл дан кун давомида бир неча марта ичилади. Бир қошиқ қуритилган илдизпоясини 0,5 литр оқ винога солиб, настойка тайёрланади ёки 15-30 грамм илдизпояни 150 грамм қайнаган сувда дамлаб, 1-2 қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

А.Я. Губергриц ва Н.И. Соломченколарнинг (1966) маълумоти бўйича, халқ табобатида илдизпоясидан олинган шираси кунига 4-15 г дан, қуритилган порошоги 1-2 г дан кунига 3 маҳал овқатдан олдин, 15-30 г илдизпоянинг 200 г сувдаги дамламаси ёки 30 г илдизпоянинг 200 г қизил винога солинган настойкаси 1 ош қошиқдан ҳар 2 соатда ичбуруғ, қон кетиш касалликлари, гижжа касалликларида, бўқок, тиш оғриғи ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади. Илдизпоя қайнатмаси билан тиш милклари яллиғланганда оғиз бўшлиғи чайлади, бош қепагини кетказиш учун соч ювилади.



Сарық гулсафсар (*Iris pseudacorus* L.).

73. Тангут ровочи - *Rheum palmatum L. var. tanguticum Maxim.* Ревень тангутский Polygonaceae

Ўсимликнинг тавсифи. Тангут ровочи (*Rheum palmatum*) Торондошлар (*Polygonaceae*) оиласига мансуб, кўп йиллик, бўйи 1-1,5 м гача борадиган ўт ўсимлик. Илдизпояси калта, кўп бошли, тўқ-қўнғир рангли, узунлиги 1 метргача бўлиб, ундан бир неча йўғон, серсув илдизлар тарқалади. Пояси тик ўсувчи бўлиб, бўйи 1-2 метр, бўғимли, ичи ковак, кам шохли. Баҳорда бир нечта серсув узун бандли илдизолди барглар ўсиб чиқаради. Барг банди 30 см гача узунликда бўлиб, кўпинча қизил рангда бўлади. Бундай баргларининг диаметри 75 см гача, кўриниши кенг тухумсимон, кўп бўлакли, юқори томонида сийрак тукли, пастки томони эса узун туклар билан қопланган. Поядаги барглари кичикроқ бўлиб, банди билан кетма-кет жойлашган. Баргнинг пояга ўрнашган жойида, пояни ўраб турувчи ёндош баргчаларидан тузилган юпқа пардача бўлади.

Гуллари рўвакка тўпланган. Гулқўрғони оддий, 6 бўлакка қирқилган, оқ-пушти ёки қизил тожибаргидан иборат. Чангчиси 9 та, уруғчи тугуни бир хонали, юқорида жойлашган.

Меваси 3 та қанотга айланган қовурғали, қизил-қўнғир рангли писта (ёнғоқча).

Июнь ойида гуллаб, меваси июлда пишади.

Географик тарқалиши. Тангут ровочининг ватани Хитой ҳисобланади. Ўсимлик Москва, Ворониж, Новосибирск, Беларуссия ва Украинада ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Махсулот таркибига 2 хил гуруҳга киравчи бирикмалар: 6-12% таногликозидлар ҳамда 3,4-6% антрацен унумлари бўлади. Антрацен унумларига, хризофенеин, глюко-реум-эмодин, глюко-алоэ-эмодин, реохизин, алоэ-эмодин, диреин, сеннезидлар, хризофанол ва бошқалар киради.

Ишлатилиши. Тангут ровочининг илдизпояси ва илдизи дориворлик хусусиятига эга бўлиб, 4-5 йиллик ўсимликнинг меваси пишгандан кейин, кузда ер остки қисми ковлаб олинади, ювилади, чириганларидан тозаланади, сўнгра, илдизи 10-15 см дан қирқиб, йўғонлари узунасига тилиниб, 10-15 кун сўлитилиб, қурутгичларда 40°C да қуритилади.

Ровоч препаратлари ични юмшатиш учун, ичак атониясида, ел

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

тўпланиб қолганда ишлатилади. Бу препаратлар кам дозада (0,05-0,2) қабул қилинса ични қотиради (таногликоидлар таъсири), кўп дозада (0,5-2,0) қабул қилинганда эса ични юмшатади (антрацен унумларининг таъсири).

Ровоч илдизи порошоги - (Pulvis radicis Rhei), таблетка (Tabulettae radicis Rhei), қуруқ экстракт, ровоч шарбати - Sirupus Rhei ва бошқалар кўринишида қўлланилади.



Тангут ровочи (*Rheum palmatum* L.).

74. Тик ўсуви ғозпанжа—*Potentilla erecta* (L.) Raeusch., *Potentilla tormentilla* Neck. Лапчатка прямостоящая, калган дикий *Rosaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Тик ўсуви ғозпанжа (*Potentilla erecta*) Раъногулдошлар (*Rosaceae*) оиласига кирадиган, бўйи 15-50 смга етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Илдизояси калта, йўғон ва кўп бошли бўлиб, ер остида горизонтал жойлашган. Пояси кўтариувчи ёки тик ўсуви, тукли, юқори қисми шохланган. Илдизолди барги узун бандли, 3 ёки 5 япроқчали, кўпинча ўсимлик гуллаган вақтида қуриб қолади. Поядаги барглари уч япроқчали, йирик қўшимча баргли бўлиб, пояда кетма-кет ўрнашган. Япроқчалари ланцетсимон, йирик тишсимон қиррали, туклар билан қопланган. Гуллари якка ҳолда узун гулбанди билан пояга ўрнашган. Гулкосачаси икки қават бўлиб, 4 тадан ўрнашган. Гултожибарги ҳам 4 та, тилла сариқ рангли бўлиб, асос қисмida қизил доғлари бор. Чангчи ва уруғчилари кўп миқдорда. Меваси – кўп уруғли мураккаб мева. Май оидан бошлаб августгача гуллайди.

Географик тарқалиши. Россиянинг Европа қисмida, Украина, Белоруссия, Молдавия, Кавказ, Сибирда тарқалган. Тик ўсуви ғозпанжа ариқ бўйларида, нам ўтлоқларда, нинабаргли ўрмонларда, торф ботқоқликларда ўсади. Хом-ашёси Татаристон, Бошқирдистон ва Беларуссияда тайёрланади.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ер устки қисмидан кумаринлардан: скополетин, умбеллиферон; флавоноидлардан: кверцетин ва изорамнетин гликозидлари, катехинлар, эллаговат, галловат, қаҳрабо ҳамда хлораген кислоталари аниқланган. Илдизояси таркибida тритерпен сапонинлар, катехинлар, кумаринлар, лейкоантоцианлар, флобафенлар, хиннин, галловат, эллаговат кислоталари, смолалар, эфир мойи, аскорбин кислота, кам миқдорда мой, 30 % гача ошловчи моддалар борлиги аниқланган. Илдизояси йигма-чойлар таркибига киради.

Ишлатилиши. Даволаш мақсадида ўсимликнинг ер устки қисми ва илдизояси ишлатилади. Ер устки қисми гуллаш вақтида, илдизояси эса сентябрь-октябрь ойларида, уруғи етилиш вақтида йиғилади. Ўсимлик очиқ ҳавода юпқа қилиб ёзилиб қуритилади. Ўсимликнинг илдизояси кузда (сентябрь-октябрь ойларида) ёки

баҳорда (апрель-май) ковлаб олинади. Сўнгра майда илдизлари ва пояси қирқиб ташлаб, сув билан ювилади. Тупроқдан тозаланади ва очик ерда қуритилади. Ўтни сақлаш муддати 2 йил, илдизпояники эса 5 йил.

Буриштирувчи ва антисептик дори сифатида оғизнинг шиллик қаватлари яллиғланиши (стоматит, гингивит), тиш оғриғи ва ангинада оғиз чайиш учун ҳамда меъда-ичак касалликларини (энтерит, энтероколит, диспепсия) даволашда ишлатилади. Бундан ташқари, илдизпоя препаратлари чилла яра (экзема) ва бошқа тери касалликларини ҳам терининг куйган жойларини даволашда қўлланилади. Шунингдек, томир тортишишига қарши ва оғриқ қолдирувчи хусусиятга эга. Сийдик, сафро ва меъда шираси ажралишини кучайтиради. Қабзиятнинг олдини олади. Гинекологияда ўсимлик препаратлари бачадон оғриганда ва ҳайз касалликларида тавсия этилади. Ошқозон оғриғи, ичак санчиғи билан кечувчи ич кетишини бартараф этади. Халқ табобатида ўсимликдан буйрак-тош ва ўт-тош касалликларида, ичдан қон кетганда, бронхит, стенокардия ва дизентерияда фойдаланишади.

Ошқозон-ичак касалликларида: 4 ош қошиқ гиёҳнинг устидан 1 л қайноқ сув қуйилади, бир соат давомида дамлаб қўйилади. Тайёр бўлган дамлама кунига 2-3 маҳал 1 стакандан ичилади.

Ташқаридан қўллаш учун қайнатма: 1,5 ош қошиқ гиёҳнинг устидан 1 стакан қайноқ сув қуиб, 5 дақиқа қайнатилади. 2 соат дамлаб қўйилгач, сузиб, ўтини сиқиб олинади. Лат еганда, чилла яра, бавосирда малҳам сифатида, тиш оғриганда ва милклар яллиғланганда чайилади.

Илдизпоя қайнатмаси: 1 ош қошиқ илдизпояга 1 стакан қайнатилган сув қуиб, 15-20 дақиқа сув ҳаммолида ушлаб турилади. Совигач, устидан қайноқ сув қуиб, дастлабки миқдорга етказилади. Кунига 4 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади.



Тик ўсувчи ғозпанжка (*Potentilla erecta* (L.) Raeusch.).

75.Хушбўй рута–*Ruta graveolens* L. Рута *Rutaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Хушбўй рута (*Ruta graveolens*) Рутадошлар (*Rutaceae*) оиласига мансуб, кўп йиллик ярим бута. Поялари кулранг-яшил рангли бўлиб, бўйи 50-70 см гача ўсади. Барглари оч-яшил рангли бўлиб, поядা кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, сариқ рангли бўлиб, қалқонсимон тўпгулда йигилган. Меваси шарсимон, 4-5 хонали. Уруғлари майда, кўнғир рангли, узунлиги 1-1,5 мм. 1000 дона уруғ vazni ўртacha 1,7 г ни ташкил этади. Пояси тик ўсувчи, шохланган бўлиб, пастки қисми ёғочлашган. Ўсимлик ўзига хос хушбўй ва ўткир ҳидга эга. Апрель-май ойларида гуллайди, уруғлари август-сентябрь ойларида пишади. Уруғлари ёрдамида кўпаядиган истиқболли интродуцент ўсимлик.

Хушбўй рута-ёргесвар ва қурғоқчиликка чидамли ўсимлик бўлиб, алоҳида тупроқ турини танламайди.

Географик тарқалиши. Хушбўй рутанинг ватани Ўрта Ер денгизи ҳисобланиб, жанубий Европадан Канар оролигача тарқалган. Шунингдек, Эрон, Ҳиндистон, Жазоир, Ливия ва АҚШ да етиширилади. Ёввойи ҳолда Кримда ўсади. Ўзбекистонга интродукция қилинган ўсимлик (Рахимова, 2002).

Кимёвий таркиби. Тиббиётда ер устки қисми ишлатилади. Таркибида эфир мойи, рутин ва бошқа флавоноидлар, алкалоидлар мавжуд.

Ишлатилиши. Ўсимликдан тайёрланган препаратлар ва сурги дорилари радикулит, бод, невралгия, плексит каби касалликларни даволашда қўлланилади. Италияда бу ўсимлик воситасида кўз касалликлари; Хитойда бош оғриқлари, пневмония, болалар эпилепсияси касалликлари; Австрияда ревматизм, невроз каби касалликларни даволашган. Халқ табобатида ўсимлик қайнатмаси билан турли хил йирингли яралар даволанган.



Хушбўй рута (*Ruta graveolens* L.).

76. Чўзиқ баргли сано, тор баргли сано-*Cassia angustifolia* Vahl. Кассия узколистная *Fabaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Чўзиқ баргли сано ёки тор баргли сано (*Cassia angustifolia*), сенна, чўзиқ баргли кассия номлари билан машҳур бу ўсимлик барг тўкувчи, кўп йиллик тропик ўсимликдир. Сано Бурчоқдошлар (*Fabaceae*) оиласига мансуб, 0,5-1,5 м ли бута. Унинг икки тури-Александер саноси ва чўзиқ баргли сано доривор ҳисобланади. Чўзиқ баргли санони барги жуфт патсимон мураккаб бўлиб, 4-8та япроқчалардан иборат. Япроқчалари ланцетсимон, ўткир учли, барг япроғи ассиметрик, текис қиррали, мўрт, калта бандли бўлиб, узунлиги 2-6 см, кенглиги 0,6-2 см. Япроқчаларининг иккиламчи томири асосий томирдан ўткир бурчак ҳосил қилиб чиқади ва уни билан бирлашиб, барг япроғи қиррасига параллел йўналган чизиқ ҳосил қиласиди. Пояда банди билан навбатлашиб жойлашган. Гули зигоморф, мураккаб гулқўрғонли бўлиб, гулкосачабарги бешта, асос қисми бирлашган, сариқ рангли тожибарги бешта, эркин ҳолда ўрнашган. Чангчиси ўнта, ҳаммаси эркин ҳолда, уруғчиси битта, тугунчаликни устки. Меваси – ясси, япалоқ тухумсимон, бир оз қайрилган, яшил-жигарранг ва кўп уруғли дуккак. Уруғи сариқ ёки оч-яшил рангли, тўртбурчаксимон, тўрсимон бурушган шаклли, узунлиги 6-7 мм. Июнь ойининг охиридан бошлаб, кузгача гуллайди. Меваси сентябрь ойида пишиб етилади.

Географик тарқалиши. Табиий ҳолда шарқий Африка, жанубий Арабистонда, Нил водийларида, Қизил денгиз соҳилларида ўсади. Ноёб доривор ўсимлик сифатида Ҳиндистон, Покистон, жанубий Қозоғистон, Туркманистон, Азарбайжон ва ўзимизда маданийлаштирилган. Чўзиқ баргли сано Ҳиндистонда ўстирилгани учун ҳам баъзан Ҳиндистон саноси деб аталади.

Кимёвий таркиби. Мева ва баргларида антрагликозидлардан-гликоалоээмодин, глюкореин бўлиб, бу бирикмалар таъсирида ичак силлиқ мускуларининг ҳаракати жадаллашади.

Барглари таркибида биофлавоноидлар, органик кислоталар, фитостеринлар, полисахаридлар, кам микдорда алкалоидлар мавжуд. Калий, магний ва фтор каби макроэлементлар бор. Ўсиш муҳитига

нисбатан барглари таркибида барий, селен, стронций, мис ва рух ҳам учраши мумкин.

Ишлатилиши. Барги ва мевалари доривор ҳисобланади. Тўлиқ шаклланган баргларининг япроқчалари териб олинади ва елвизак жойда қуритилади.

Чўзиқ баргли сано қадимги Мисрда сурги сифатида ишлатилган. Хитой табобатида сийдик ҳайдовчи сифатида, назла (глауком), қорин истисқоси(асцит)ни даволашда фойдаланилган. Сано барглари секинлик билан ўт ҳайдаш хусусиятига эга бўлгани учун жигар ва ўт пуфагининг функцияси бузилганда ичиш тавсия қилинади.

Юқимли касалликлар амалиётида амёбали дизентерияни даволашда санодан фойдаланиш самарали натижа бериши кузатилган. Проктолог-шифокорлар парапроктит ва геморройда препаратларидан фойдаланишни тавсия қилишади.

Сано баргларидан кучли ич сурги сифатида фойдаланилади. Бу ноёб ўсимлик кўплаб ич сурувчи чойлар таркибиға киради. Сано баргларидан қуидагича фойдаланилади:

Саноли чой: 1 чой қошиқ барглари 1/4 л қайнатиб, совутилган сувга дамланади. 24 соат давомида тиндириб қўйилгаёт, дамлама сиздириб олинади. Ухлашдан олдин 1 чашкадан ичилади. 6-8 соатдан сўнг таъсир қила бошлади.

Қайнатмали чой: майдалангандан барглари устига 1:10 нисбатда сув солинади ва 15 минут давомида қайнатилади. 45-60 минутдан сўнг сиздириб олинади ва 1 ош қошиқдан кунига уч маҳал ичилади.

Санодан узоқ муддат фойдаланилса организмда керакли ва зарур тузлар миқдорининг камайишига олиб келади. Бу ҳолат организм учун хавфлидир.

Ҳомиладор ва сут эмизикли аёлларга, ингичка ва йўғон ичакнинг ўткир яллиғланишларига учраган беморларга санодан фойдаланиш мумкин эмас. Йиллар давомида ва кўп миқдорда санодан фойдаланиш йўғон ичак силлиқ мускулларининг атрофиясига олиб келиши мумкин.



Чўзиқ баргли сано (*Cassia angustifolia* Vahl.).

77. Учбаргли мениантес - *Menyanthes trifoliata L.* Вахта трехлистная *Menyanthaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Учбаргли мениантес (*Menyanthes trifoliata*) *Menyanthaceae* оиласига мансуб кўп йиллик, йўғон, бўғимли, узун илдизпояси судралиб ўсуви ўсимлик. Кўшимча илдизлари узун бўлиб, илдизпояда сийрак жойлашган, юқори қисми бироз кўтарилиган бўлиб, 3-5 барглар ва гул ўқини ўзида тутади. Барглари мураккаб, навбатли, уч япроқчали ва узун бандли, асоси кенг ва барг қинини ўраб турди, япроқчалари ўтроқ, узунчоқ-тескари тухумсимон, туксиз, бутун, сийрак жойлашган тишчали, зангори-яшил, патсимон томирланган. Гул ўқи баргсиз, айрим барг қўлтифидан ўсиб чиқади ва қалин гул шингилини ҳосил қиласди. Учбаргли мениантеснинг генератив органлари бир йиллик илдизпояларининг барг қўлтифига ҳосил бўлади. Гулларнинг новдада жойла-шишига кўра мураккаб шингил ёки рўвакни ҳосил қиласди. Шингилнинг узунлиги 3-7 см, гулкосачасиниг узунлиги 2-3 мм, ғунчасининг узунлиги 12-14 мм, гул новдасининг узунлиги 30 см гача бўлади. Учбаргли мениантес гулининг тузилиши ўзига хос бўлиб, гул ўқи туксиз, 15-35 см узунликда, эрта баҳорда тараққий этади. Гуллари оқ ёки оч пушти рангли бўлиб, узунлиги 10-15 мм, чўзиқ шингилга тўпланган. Гул косачаси 5 тишли, бирлашган, мева билан бирга сақланиб қолади. Гултожибарги воронкасимон, 5бўлакли, баъзан 5тадан 7тагача бўлади. Гултожибарги асосан 6 бўлакли, кам ҳолатларда гултожибарги 5,7 бўлакли гуллар учради. Нектар безлари 5та бўлиб, тугунча асосида чангчилар билан навбатлашиб жойлашади. Тугунчалик устки бўлиб, устунчалик яхши тараққий этган, тумшуқчалик 2 бўлакли. Чангчилари жигаррангли, сони 5-7тагача бўлиб, гултожибарглар билан навбатлашиб жойлашади. Чангчилар сони гултожибарглар сонига тўғри корреляцияда, гулнинг гултожибарги 5бўлакли, чангчилар сони ҳам 5та, бта бўлса 6 та бўлади. Чангдонлари 4уяли, ўқсимон кўринишга эга бўлиб, йўғон, кенг чангчи иплари билан мустаҳкамланган.

Меваси - шарсимон, бир хонали, ўткир учли, узунлиги 7-8мм, пишганда очиладиган кўсак. Уруғлари кўп эмас (6-8та), тухумсимон, қўнғир, ялтирок. Май-июль ойларида гуллайди, меваси июл-августда пишиб етилади.

Географик тарқалиши. Учбаргли мениантес шимолий ярим шарнинг барча мўътадил иқлимли ҳудудларида, Европа ўрмонларида, Сибир ва Шимолий Америкада тарқалган, шунингдек Кавказ, жануби-шарқий Қозогистон ва Узок Шарқ оролларида учрайди. С.С.Саҳобиддинов (1948) келтирган маълумотларга кўра, Учбаргли мениантес Ўрта Осиёнинг Тянь-Шань ғарбига ва Жунғор Олатогининг ботқоқ жойларида ўсади. Бундан ташқари Зайсан қўлининг ботқоқлашган қирғоқларида ҳам ўсиши Т.Т. Таубаев (1970) маълумотларида келтирилган.

Учбаргли мениантес ботқоқликларнинг характерли ўсимлиги ҳисобланиб, тундра ва ўрмон зоналарида кенг тарқалган. Оқмайдиган ва кам оқадиган сув ҳавзаларида, ўсимликлар билан қопланган кўлларнинг ботқоқ қисмларида, дарё қирғоқларида, шунингдек саёз сувларда ўсади

Кимёвий таркиби. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, Учбаргли мениантес кимёвий таркиби чукур ўрганилган. Унинг таркибида ёғ, холин, кислота, пальмитин кислота, елим кислоталар ва таркибида кўп йод бўлган моддалар бор. Бундан ташқари ўсимлик таркибида тритерпеноидлар: логанин, бетулин кислотаси мавжуд. Алкалоидлардан: фолиаментин, дигидро-фолиаментин, ментиафолин бор. Флавоноидлардан: кверцетин 3-рамнозилглюкозиди, кверцетин 3-галактозиди, кемферол 3-галактозиди, стероидлардан: α - спинастерин, стигмастен –7–ол борлиги аниқланган. Баргларида гидролизда кам ўрганилган агликон ва глюкозага парчаланадиган аччиқ аморф гликозид - мениантин, мелиатин, генцианин алкалоиди, генцианидин, генциабетин (0,35%), аскорбин кислота (баргларида 280 мг % гача), шунингдек 13% гача ошловчи моддалар бор. Барглари таркибида углеводлардан фруктоза, глюкоза, сахароза мавжуд. Бундан ташқари баргларида қуйидагилар мавжуд: кул – 5,23%; макроэлементлар (мг/г): калий – 15,50, кальций – 6,50, магний – 3,10%, темир – 0,20; микроэлементлар (мкг/г): марганец – 218,00, мис – 5,33, рух – 33,10, кобальт – 0,71, хром – 0,16, алюминий – 57,68, селен – 0,16, никель – 0,32, қўрғошин – 0,40, бор – 96,00, йод – 0,15. Гулларида қуйидаги моддаларнинг мавжудлиги аниқланган: синил кислотасига парчаланадиган гликозид самбунигрин, бензольдегид ва глюкоза, рутин, эфир мойи (0,32%), холин, олма ва сирка кислоталари, аскорбин кислота (0,32%). Илдизларда генцианин топилмаган, лекин уларда гликозид мениантин ва мелиатин бор.

Илдизпояларда асосан мелиатин мавжуд. Гликозидларнинг мавжудлиги мавсумга қараб жуда кам ўзгарили. Сапонинлар топилмаган.

Ишлатилиши. Даволаш мақсадида гуллаш даврида терилган, сояда куритилган барглари ишлатилади. Ҳозирги кунда фармакологик тадқиқотларнинг натижаларига кўра, Учбаргли мениантес ошқозон - ичак йўлларида овқат ҳазм қилишни яхшилайди. Чунки ўсимликнинг аччиқлиги сўлак, ошқозон шираси, ўт ва овқат ҳазм қилиш ферментларининг ажралиб чиқишини фаоллаштиради ва у табиий физиологик стимулятор ҳисобланади. Учбаргли мениантес препаратлари ўт суюқлиги ажратиб чиқариши тартибга солиши билан бир вақтда ўсимлик баргларида йодорганик бирикмаларининг борлиги организмда холестерин тўпланишининг олдини олади. Бундан ташқари Учбаргли мениантес препаратлари холецистит, ўт-тош касаллиги, кислотаси ошиб кетган гастрит, безгак, ахилия, склерит, склероз, артеросклероз, териотоксикоз, климакс, анемия, астения, кислотаси пасайиб кетган гастрит, холестоз, сарик касаллиги, метеоризм, ҳомиладорликнинг эрта токсикози даврида шифокор томонидан тавсия қилинади. Ўсимлик дамламаси оғир касалликлардан сўнг: кучли шамоллашлар, ревматизм, подагра, темратки, ширинчада ичиш учун; глаукома, экзема, экзантема, куйиш ҳолларида ювиш учун; парадонтоз, гангивит, стоматитда оғизни чайқаш учун тавсия қилинади. Учбаргли мениантес қайнатмаси иштаҳани очади, бош, ошқозон-ичак оғриқларини қолдиради, ўт ва овқат ҳазм қилиш ферментларини ишлаб чиқаришга ёрдам беради, иссиқни туширади, холестерин миқдорини тартибга солади, антисептик ва яраларни тез битириш хусусиятига эга. Учбаргли мениантес баргларидан тайёрланган дамлама иштаҳани очади, ошқозон-ичак йўли секрециясини кучайтиради, овқат ҳазм қилишни яхшилайди, қон ҳосил қилишни кучайтиради, кайфиятни кўтаради, ишchanлик қобилиятини тиклайди, организмнинг умумий ҳолатини яхшилайди. Дамламаси гижжага қарши, иситмага қарши, оғриққа қарши таъсир этади, ўт суюқлиги ажратиб чиқаришини кучайтиради. Шунинг учун барглари иштаҳа очувчи, ўт ҳайдовчи ва мураккаб аччик дамламалар - Tinctura amara йиғмасига киради. Немис ҳалқ табобатида барглар дамламаси иштаҳа йўқлигига, ошқозон ширасида кислота ошиб кетганда, зардада, ошқозон ва ичак санчиғида, метеоризмда, ҳар хил иситма

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

холатларида, бош оғриқда, невроз, подагра ва ревматизм касалликларида қўлланилади. Болгарияда Учбаргли мениантес барглари асосан ошқозон ахилиясида, овқат ҳазм қилиш бузилганда, иштаҳа йўқлигида, гастритда кислота камайиб кетганда, ошқозон оғриқлари, кўнгил айниш, бош оғриқлари, овқат ҳазм қилиш бузилганда қўлланилади. Учбаргли мениантес нинг барги билан илдизпояси ҳам дориворлик хусусиятига эга. Тибет табобатида илдизпоядан сурункали гастроэнтеритни даволашда фойдаланишган. Нанайлар ўпка сили, кавказликлар иштаҳани очиш учун унинг илдизпоясини ишлатишган.



Учбаргли мениантес (*Menyanthes trifoliata L.*).

78. Япон софораси, тухумак - *Sophora japonica* L. Софора японская *Fabaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Япон софораси (*Sophora japonica*) Дуккақдошлар (*Fabaceae*) оиласига мансуб, бўйи 20 м га етадиган дараҳт бўлиб, ён новдалари тукли, яшил-сарғиш рангда. Барглари тоқ патли мураккаб, қисқа банди билан шоҳда кетма-кет жойлашган. Баргчалари (5 - 7 жуфт) чўзиқ эллипссимон, ўткир учли, узунлиги 23 - 53 мм, кенглиги 11-21 мм. Гуллари сариқ рангда, зигоморф бўлиб, рўвак тўпгулда йиғилган. Гулкосачаси найсимон, 5 тишли, гултожибарги 5 та, чангчилари эркин, уруғчиси битта. Мевасининг узунлиги 3-8 см, пишганда очилмайдиган дуккак. Дуккалари 2-8 уруғли, қўнғир-қора рангли.

Июнь ойларида гуллайди, меваси сентябрь ойида пишиб етилади.

Географик тарқалиши. Ёввойи ҳолда Хитой, Япония ва Кареяда ўсади. Япон софораси МХД нинг жанубий районларида манзарали дараҳт сифатида экилади.

Кимёвий таркиби. Япон софорасининг ғунчалари таркибида флавоноидлар, С витамини ва бошқа моддалар бор. Асосий флавоноиди рутин ҳисобланади, гулида 0,3- 4,4% гача, баргида 1,13 - 3,5% (баъзи 17% гача) бўлиши мумкин. Рутиндан ташқари кверцетин, кемферол - 3- софорозид, генестеин ва бошқа моддалар ҳам бўлади.

Ишлатилиши. Ўсимликнинг ғунчалари доривор бўлиб, рутин олиш учун асосий хом ашёлардан бири ҳисобланади.

Ўсимлик ғунчаларидан тайёрланган препаратлар, дамламалари бавосирга(геморрой) қарши кучли восита ҳамда капилляр қон томирларини мустаҳкамловчи сифатида муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари турли шишлар, яллиғланишларга қарши ҳамда аллергияга қарши самарали таъсир этувчи хусусиятга эга. Ўсимликнинг доривор препаратлари-рутин, кверцетин, мевадан тайёрланган настойка - *Tintura Sophorae japonicae*.



Япон сафораси (*Sophora japonica* L.).

79.Қора қорақат - *Ribes nigrum L.* Смородина черная *Saxifragaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Қора қорақат (*Ribes nigrum*) Қорақатдошлар (*Saxifragaceae*) – оиласига мансуб, баландлиги 1-1,5 метрга етадиган, сершох бута. Поясининг пўстлоғи тўқ қўнғир ёки қизил - жигарранг тусли бўлади. Барги панжасимон 3-5 бўлакли, бўлаклари кенг учбурчак шаклли, йирик тишсимон қиррали бўлиб, баргининг узунлиги 10 см га етади. Ўзига хос хушбўй ҳидга эга бўлган баргининг устки томони туксиз, пастки томони туклар билан қопланган, сариқ рангли майда безлари бор, банди билан новдада кетма - кет жойлашган бўлади.

Гуллари шингилга тўпланган. Косача ва тожибарглари 5 та дан, пушти кулранг, чангчиси 5 та, уруғчи тугуни бир хонали пастда жойлашган. Меваси - қора рангли, хушбўй ҳидли, юмалоқ ёки шарсимон, кўп уруғли ҳўл мева бўлиб, юқори томонида гулкосача қолдиғи сақланиб қолган. Май ойида гуллайди, июль - августда меваси пишиб етилади.

Географик тарқалиши. Ёввой ҳолда Сибирь ўрмонларида, дарёлар қирғоқларида, нам жойларда ўсади. Европада кўп ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Баргидаги 400 мг% С витамини бор. Меваси таркибида 568 мг % гача С витамини, Р, В₂, В₆, D, Е, К витаминлари, 3 мг % каротин, шакар, органик кислоталар, фенол бирикмалари, флавоноидлардан: кверцетин, кверцитрин, рутин, изокверцитрин, фенолкарбон кислоталари, антоцианлар, микроэлементлар айниқса калийга жуда бой.

Ишлатилиши. Барги ва мевасиavitaminoz касаллигини даволашда ишлатилади. Барги ўсимлик гуллашидан олдин ёки гуллагандан кейин терилади. Меваси эса пишган даврида териб олинади. Ҳўл мевадан шарбат тайёрланади. Тайёрланган шарбати 30 ҳафтагача бузилмасдан совутгичда сақланиши мумкин (Минаева, 1991). Чунки у таркибида бактериоцид хусусиятга эга бўлган бирикмаларни сақлайди. Меваси терлатувчи ва сийдик ҳайдовчи, ич кетишига қарши, барги бод касаллигига тер ҳайдовчи сифатида қўлланилади. Витаминли чойлар таркибига киради.



Қора қоракат (*Ribes nigrum L.*).

ОЗУҚАБОП ВА ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ЎСИМЛИКЛАР

80.Анжир—*Ficus carica* L.

Инжир

Moraceae

Ўсимликнинг тавсифи. Анжир (*Ficus carica*) Тутдошлар (*Moraceae*) оиласининг вакили ҳисобланади. Анжир бўйи 8 метргача етадиган дараҳт бўлиб, танаси ва поя барглари сут-шира сақлайдиган, кулранг-сариқ рангли, силлиқ пўстлоқ билан қопланган. Барглари йирик, 3-5 бўлакка қирқилган, панжасимон томирланган. Анжирнинг бир уйлиси, баъзан икки уйлиси ҳам учрайди, гули майда, бир жинсли, нок шаклида тўпгул ҳосил қилиб, барг қўлтиғидан ўсиб чиқади. Тўпгулида чангчи ва уруғчи гуллари жойлашган. Гул тўплами ўзига хос тузилган. Гул ўрни яхши ривожланган бўлиб юмалоқ шаклда, учи томонида тешиги бор: ички томонини девори ва тубида гуллари жойлашган. Гултўплами ҳар хил: айрим дараҳтларда майда гул тўпламлари, бошқаларида - йирик гул тўпламлари ривожланади. Майда гул тўпламларида гултўпламини тешиги яқинида жуда кўп чангчи гуллари жойлашган; гултўпламини кенгайган тубида уруғчи гуллари бор бўлиб, устуни қисқа бўлади. Йирик гул тўпламлари ҳам майда гул тўпламларидағига ўхшаш юмалоқ шаклда бўлиб ичи бўш, ғовак, лекин чангчи гуллари майда, редукцияланган, уруғчи гуллари эса яхши ривожланган, уруғчи устуни узун бўлади. Ўсимликни майда гул тўпламларига майда чанглатувчи арилар учиб кириб, уруғчи гулига тухумини қўяди ва ўлади. Уруғчи гулида эса қанотсиз арилар ривожланиб, тешикдан ташқарига ўрмалаб чиқади. Қанотсиз арилар кўпайгандан сўнг ўладилар ва қанотли арилар майда гул тўпламларидан гул чангларини илаштириб учиб кетадилар ва бошқа дараҳтлардаги гуллаб турган гул туплами-йирик гул тўпламларига қўнадилар, лекин уруғчи гулларининг устуни узун бўлгани учун ўз тухумларини қўя олмай, анжир гули чангларини тўкиб бошқа йирик гул тўпламларига учиб кетади. Шу заилда йирик гул тўпламларидаги уруғчи гулларида майда ёнғоқчалар ривожланади, гул ўрни эса шишиб, ноксимон шаклига киради, ширин ва серсув бўлади.

Анжир асосан бир йиллик қаламчаларидан кўпайтирилади.

Географик тарқалиши. Анжирнинг ватани Кичик Осиё ҳисобланади. Ўрта Осиё, Жанубий Қозоғистон, Крим, Кавказ, Молдавияда, Краснодар ўлкасида тарқалган. Грузия, Озарбайжон ва Жанубий Ўзбекистонда (Сангардак ва Тўпаланг сойда) табиий ҳолда учрайди. Ўзбекистон Кизил китобига киритилган бўлиб, маданий ҳолда экиладиган бир қанча навлари бор.

Кимёвий таркиби. Анжир меваси таркибида 10-28 фоизгача, қуритилганида эса 86 фоизгача қанд, 0,22-0,59 фоиз кислота, А, С, В, В₂ витаминалари, минерал тузлар бўлиб, у жуда шифобахш ҳисобланади. Янги узилган анжир мевалари таркибида 20-30 % қанд, В гуруҳидаги витаминалар, каротин бор.

Ишлатилиши. Анжир билан қадимда жигар, талоқ ва ўпка шамоллашини даволаганлар.


Анжир меваси ва қоқисисдан тайёрланган дамлама йўтални тўхтатишга, балғам кўчиришга ёрдам берса, анжир шарбати билан асал омухтаси кўз шамоллашига фойдалидир.

Анжирнинг меваси иситма тушурувчи ҳамда тер ҳайдовчи хусусиятига эга. Анжир хомини ёки сутини, баргини сугал, темиратки ва ҳар хил доғларга суртилади.

Анжир меваси таркибида 80 фоизгача қанд, органик кислоталар, витаминалардан В1, В2, С, провитамин А лар бор. Фруктоза ва глюкоза кўп. Анжирда оқсил, пектин, минерал тузлар мавжуд.

Куритилган барги ва меваси шифобахш ҳисобланади. Куритилган ҳамда қайта ишланган маҳсулотини узоқ вақт сақлаш ва узоқ ерларга юбориш мумкин.

Куритилган меваси ични юмшатувчи дори воситаси "Кафиол" таркибига киради. Ўсимлик барги псоберан дориси ишлаб чиқариладиган хом ашё ҳисобланади.



Анжир (*Ficus carica* L.).

81. Анор—*Punica granatum* L.

Гранатник

Punicaceae

Ўсимликнинг тавсифи. Анор (*Punica granatum*) Анордошлар (*Punicaceae*) оиласига киради. Анор кичикроқ дараҳт ёки бута шаклида ўсади, бўйи 2-5 метргача етади, илдизи кучли ривожланган. Одатда, кўплаб илдизбачкилари чиқаради. Новдаси сертикон, гули оч қизил бўлиб, новдаларининг учидаги биттадан-бештагача жойлашади, четдан чангланади. Анорнинг гули икки хил: биринчиси-йирик, кичик кўзасимон шаклда бўлади ва одатда, чангдондан юқорида ёки у билан баравар жойлашади, бу гуллар мева тугади. Иккинчиси-майдаги, уруғчиси калта, қўнфироқ шаклда бўлиб, чангдондан пастрокдан жойлашади, булар мева тугмайди. Гулларининг диаметри 2-5 см. Уруғчиси узун гуллар кўпинча ўтган йилги новдаларда, уруғчиси калта гуллар эса шу йилги новдалардан ривожланади.

Анор май ойидан бошлаб гуллайди, гуллаши то сентябрь-октябрь ойларигача давом этади. Ялпи гуллаши май ойида ва қисман июнь ойининг биринчи ярмида кузатилади.

Географик тарқалиши. Анор асосан Ўзбекистон (Сурхондарёнинг Тўпаланг ва Сангардак сойида кам микдорда майда тошли қия жойларида учраб, Ўзбекистон Кизил китобига киритилган), Озарбайжонда, Краснодар ўлкаси (Сочида), Крим вилоятида, Жанубий Қозогистонда ва Доғистонда кенг тарқалган. Ёввойи ҳолда Ўрта Осиё, Кавказ, Эрон ва Афғонистонда ўсади. Дунё бўйича бир қанча навлари бўлиб, маданий ҳолда кўп экиладиган ўсимлик. Анор ҳар хил тупроқли ерларда ўсаверади, лекин сизот сувлар чуқур жойлашган, унумдор, сув билан яхши таъминланган, сувни яхши ўтказадиган тупроқли ерларда яхши ўсиб, мўл ҳосил беради.

Кимёвий таркиби. Пишган меваси таркибида 14-19% қанд, 1,2-2,6% кислоталар, шифобахш темир ва кўп микдорда танин моддаси бор. Анор шарбати таркибида 20 % гача қанд (фруктоза, глюкоза, сахароза), лимон ва олма кислоталари, танинлар, аскорбин кислотаси, турли хил витаминалар бор. Гулларида антицианпуницин пигменти мавжуд, барги ва поя пўстлоғи таркибидаги бирикмалардан

ранг тайёрланади. Илдизи ва поя пўстлоғи таркибида 0,2-3,5% алкалоидлар: псевдопельтьерин, пельтьерин, изопельтьерин, метилизопельтьерин ҳамда 25 % гача ошловчи моддалар бор.

Ишлатилиши. Халқ табобатида анор пўстлоғи, меваси ва мева пўсти, ўсимлик гули истисқо, қўтирилган, йўтал, учбуруғ, сариқ касалликларига даъво сифатида қўлланилади. Ибн Сино анор пўстлоғини қон кетганда, шунингдек сийдик ҳайдовчи яра ва жароҳатларга малҳам сифатида ишлатган. Анор мевасини ейишдан ташқари, пўчоғи ва илдизини қайнатиб, сувидан тиббиётга ошқозоничак касалликларини даволашда фойдаланилади. Анордан олинадиган ошловчи моддалар ва лимон кислота тери ошлашда ишлатилади. Унинг ёғочи қимматбаҳо материал ҳисобланади. Анор манзарали ўсимлик сифатида ҳам ўстирилади.

Анор халқ табобатида қадимги шифобахш воситалардан ҳисобланади. Абу Али Ибн Сино мева пўстини қон тупуриш, милқдан қон оқишини тўхтатиш, тишини мустаҳкамлаш учун ҳамда меъда касалликлари (ич кетиш, қон аралаш ич кетиш), яраларни ва бошқа касалликларни даволашда, шунингдек сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатган.

Халқ табобатида ҳозир ҳам мева пўстини қайнатмаси қон тупуриш ва милқдан қон оқишини тўхтатиш, ич кетиш, дизентерия ва тери касалликларини (қўтирини) даволаш, йўтални қолдириш, сийдик ҳайдаш учун ишлатади. Бундан ташқари анор пўстлоғи, меваси ва мева пўсти, ўсимлик гули йўтал, ичбуруғ, истисқо, сариқ касалликларига даъво сифатида қўлланилади. Анор пўстлоғи гижжага қарши даволашда самарали воситалардан бири ҳисобланади. Мева шираси цинга касаллигига даво қилинади ва иштаҳа очиш учун истеъмол қиласанади.

Тиббиётда анор пояси, шохлари ва илдиз пўстлоғининг доривор препаратлари гижжаларни организмдан ҳайдаш учун, мева пўстининг қайнатмаси меъда ичак касалликларини (ич кетиш, қон аралаш ич кетиш ва дизентерия) даволашлашда қўлланилади. Анор мевасининг суви эса болалар учун яхши ҳарорат тушурувчи вазифасини бажаради.

Анор пўстидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган чинни, сирланган идишга бир стакан микдорда (200г) сув қуйилади, унга майдаланган мева пўстидан бир қошиқ солиб, 15 минут давомида қайнатилади. 2 соат давомида дамлаб қўйилади. Тайёрланган

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

қайнатма кунига уч маҳал бир ош қошиқдан овқатдан олдин ичилади. Нафас йўллари шамоллаганда, томоқ оғриганда, оғиз шиллиқ пардаси яллиғланганда (гингивит ва стоматит), милқдан қон оққанда оғиз ва томоқ шу қайнатма билан чайилади.

Дамламани тайёрлаётганда ҳамда ичаётган вақтда кўрсатилган миқдорини оширмаслик керак. Чунки унинг таркибидаги пельтьерин миқдорини ошиб кетиши натижасида организм заҳарланиши мумкин.



Анор (*Punica granatum* L.).

82. Бақлажон—*Solanum melongena* L.

Бақлажан

Solanaceae

Ўсимликнинг тавсифи. Бақлажон (*Solanum melongena*) Итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласига мансуб бир йиллик ўт ўсимлиқ. Гуллари йирик бўлиб, якка ўрнашган. Меваси кўп уруғли, йирик, тўқ бинафша рангли резавор мева.

Географик тарқалиши. Бақлажонни ватани Ҳиндистоннинг тропик туманлари ҳисобланиб, у ерларда ёввойи ҳолда ўсаётган ўсимликларни учратиш мумкин. Ҳозирги кунда бу ўсимлик Европа жанубидаги мамлакатларида, Молдавия, Крим, Кавказ ҳамда Ўрта Осиёда истиқболли маданийлаштирилган ўсимликлардан бири ҳисобланади.

Кимёвий таркиби. Бақлажон таркибидаги 90 % гача сув, 2-3 % шакар, 1,5 % клечатка, аскорбин кислотаси, В гурухидаги витаминалар, А провитамини бор. Мевалари таркибидаги бақлажонга хос маҳсус бирикма-мелонгена (соланин) ҳамда жуда кўп миқдорда калий тузлари борлиги аниқланган.

Ишлатилиши. Озиқ-овқат саноатида бақлажон икралари кўринишида ишлаб чиқарилади. Уй шароитида унинг меваларидан турли таом ва салатлар, тузламалар тайёрланади.

Атеросклероз билан касалланган беморларга бақлажон қўшиб тайёрланган таом берилганда уларнинг қонида холестерин миқдорини сезиларли даражада камайганлиги кузатилган.

Бақлажон таркибидаги калий тузларининг кўп бўлиши юрак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, шунинг учун юрак-томир етишмовчилиги бўлган ҳамда атеросклерозга учраган беморларнинг овқат рационига бақлажонни киритиш фойдали ҳисобланади.

Халқ табобатида милк касаллигини даволашда бақлажон меваларидан фойдаланишади. Бақлажон суви юзга суртилса турли доғларни кетказади.



**Бақлажон (*Solanum melongena* L.).
83.Ёнғоқ, чин ёнғоқ— *Juglans regia* L.
Грецкий орех
*Juglandaceae***

Ўсимликнинг тавсифи. Ёнғоқ (*Juglans regia*) Ёнғоқдошлар (*Juglandaceae*) оиласига мансуб йирик дараҳт. Барглари мураккаб, тоқ патсимон, пояда кетма-кет жойлашган бўлади. Барглари безли бўлиб, кучли эфир мойли ҳид чиқаради. Гуллари айрим жинсли, бир уйли ўсимлик. Барг қўлтиғидан чиққан кучаласимон чангчи (оталик) тўпгули осилиб туради. Уруғчи гуллари бир ёки бир нечта бўлади, сербарг новданинг учида жойлашади. Меваси ёнғоқ, пўсти тошсимон қаттиқ ҳужайраларга тўйинган, ичида гўштли мағзи бўлади. Мағзи буришган, йирик уруғпаллали. Уруғи қуш, каламуш ва сичқонлар ёрдамида тарқалади. Уруғи эндоспермсиз. Апрел-май ойларида гуллайди, меваси август ойининг охиридан бошлаб пиша бошлайди.

Географик тарқалиши. Ёнғоқ Осиёнинг шарқида ва Американинг тропик қисмларида ўсади.

Кимёвий таркиби. Мева қобиғидан сифатли қора ва қўнғир бўёқ олинади, карбон кислоталар, ошловчи ва фенол моддалари бор. Баргида эфир мойлари, гликозидлар, flavonoидлар мавжуд. Ёнғоқ мағзида эса 18% оқсил, 78% шакар, 75% мой бўлади. Бундан

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

ташқари А, С, Е, Р, К витаминлари ҳамда К, Са, Mg, Р, Си каби макро ва микро элементларига бой.

Ишлатилиши. Ёнғоқнинг ҳамма қисми доривор ҳисобланади. Мағзи тўйимли озиқ ҳисобланади ва инсон организмиде енгил ҳазм бўлади. Халқ орасида ёнғоқ мағзи мияни эслатади деган фикр юради. Бу бежиз айтилмаган, чунки ёнғоқ мағзи серотонид моддасига бой бўлиб, доимий истеъмол қилинганда марказий асаб тизимининг фаолиятини яхшилайди. Ёнғоқ таркибида А витамини кўп бўлгани учун ҳам кўзни равшанлаштиради. Ёнғоқ барги бод, сил, бош оғриғи, рахит каби касалликларга даво ҳисобланади. Баргидан олинган юглон препаратлари – суртмаси, эритмаси ва суспензиялари илмий тиббиётда тери сили, экзема, сурункали эпидермофития, темиратки, терининг юқумли, йирингли ва бошқа касалликларини даволаш учун қўлланилади. Ревматизм, рахит ва тери касалликларида ёнғоқ баргларидан тайёрланган қайнатмали ванна жуда фойдалидир.

Ёнғоқдан сифатли ўсимлик ёғи олиш мумкин.

Кўм-кўк мева пўстини тишларга сурилса тиш милкларини мустаҳкамлайди. Пишиб етилмаган ёнғоқ меваси қандли диабет ва қон босими ошганда қўлланилади. Хом мевасидан тайёрланган мураббо истеъмол қилинганда уйқу қочиши, қон қўйилиши касаллиги, бош оғриғи, дармонсизланиш, буқоқ, томоқ оғриғи, нафас қисиши хасталикларига даво бўлади.

Дамлама тайёрлаш: 1 чой қошиқ баргига 1 стакан қайноқ сув қуиб 1 соат дамланади, докадан ўтказилади ва кунига 4 маҳал овқатдан олдин 0,5 стакандан ичилади.

Ёнғоқ мағзи аралаштириб тайёрланадиган “Омега-3” доривор аралашмаси қон қуюқлашишига қарши таъсир қиласи, терини силлиқлаштиради.

“Омега-3”доривор аралашмасини тайёрлаши: 10 та эзилган ёнғоқ мағизи ва 2 та майдалangan саримсоқ пиёз, 2 ош қошиқ кунгабоқар мойи билан аралаштирилади. Кунига бир маҳал 1 чой қошиқдан истеъмол қилинади. Аралашма секинлик билан ейилади.

Организмда йод балансини тиклаш, рак касаллигини олдини олиш ва иммун тизимни мустаҳкамлаш учун қуидаги спиртли настойкадан фойдаланиш мумкин: Етилган мевалардан 5-6 дона териб олинади, қирғичдан ўтказилади ва 100 гр этил спиртига (40%ли) солинади, 3 кун қоронғи жойда сақланади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Маҳаллий аҳоли томонидан ёнғоқдан қуидагича фойдаланилади: Етилмаган 3 дона ёнғоқ олиниб, 100 гр ароққа солинади. Шиша идиш оғзи бекитилиб, қоронғи жойга қўйиб қўйилади. 15-20 кун ўтгандан сўнг эритма оч қизгиш тусга киради, эритмани олиб 5 томчи қайнатиб совитилган сувга бир томчи эритмадан қўшиб, овқатдан ярим соат кейин 3 маҳал бир ҳафта мобайнида истеъмол қилинади ва ўртада яна 10 кун ўтгач яна бир ҳафта мобайнида такрорланади. Бу иммунитетни кўтаради ва йод танқислигини олдини олади, нерв шамоллаш касалликлари ва буқоқ касаллигига фойда қиласи.



Ёнғоқ (*Juglans regia* L.).

84. Картошка—*Solanum tuberosum* L.

Картофель

Solanaceae

Ўсимликнинг тавсифи. Картошка (*Solanum tuberosum*)

Итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик, туганакли ўсимлик ҳисобланади. Ер устки пояси қиррали бўлиб, бўйи 60-100 см гача ўсади. Барглари оддий, патсимон, чуқур кесилган, пояда кетмакет жойлашган. Тўпгуллари мураккаб гажак бўлиб йифилган. Гулларининг диаметри 20-25 мм. Гулкосачабарги бешта бўлиб, қўшилиб ўсан. Гултожибарги оч бинафша ёки сарғиш-оқ рангли, йирик, бешта бўлиб, қўшилиб ўсан. Чангчиси бешта. Уруғчиси битта, тугунчаси икки хонали, устки. Меваси-резавор.

Тупроққа экилган картошка туганагининг куртакларидан поялар ўсиб чиқади. Ер устки қисмидаги поялари ва ундаги барглари яхши ўсандан сўнг, ер остида ҳам оқимтирип поялар ривожланади. Бу ер остки оқимтирип поялар столон деб аталади. Баргларда борадиган фотосинтез натижасида ҳосил бўлган крахмал столоннинг учидаги тўплана бошлайди ҳамда туганакни ҳосил қиласади. Поя, барг, резавор мевалари ва туганак мевалари таркибида соланин моддасини сақлади.

Географик тарқалиши. Картошка ўсимлигининг ватани Жанубий Америка ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳамма жойда маданийлаштирилган ўсимлик.

Кимёвий таркиби. Туганакнинг биокимёвий таркиби 75% сув ва 25% қуруқ моддадан иборат. Куруқ модданинг 70—80 фоизи крахмал бўлиб, туганакда унинг миқдори 13—20%, оқсил 2—3%, клетчатка 1%, мой 0,2—0,3%, шакар 1%, кул 0,8—1,0% ни ташкил этади.

Бундан ташқари унинг таркибида витаминлардан: С, В₁—В₃, РР, К, D, Е, Н, U ва каротиноидлар, органик кислоталардан: лимон, олма, отқулоқ кислоталари, фолиен кислотаси, алмашинмайдиган аминокислоталар, кальций, калий, фосфор, темир тузлари ва бошқа инсон учун зарур бўлган бирикмалар мавжуд. Айниқса, ёш пишмаган туганаклар С витамини ёки аскорбин кислотасини 40 мг% гача сақлади. Туганаклар пишганда ва сақлаш мобайнида С витаминнинг миқдори камайиб боради.

Ишлатилиши. Картошка – озиқ овқат, ем-хашак ва техник аҳамиятга эга универсал экиндиндир. Картошка тугунаги овқатларнинг

асосий таркибий қисми ҳамда пархез таом ҳисобланади. Кartoшка тугунаги сийдик ҳайдовчи, яраларни тез битирувчи, шамоллашга қарши таъсир этувчи ҳамда спазмолитик хусусиятларга эгадир. Ўсимлик туганагидан олинган янги шарбат ошқозон-ичакка жуда фойдали таъсир кўрсатиб, гастрит, яра касалликларини даволайди. Овқатдан ярим соат олдин ярим стакан шарбатидан ичилса, овқат ҳазми яхшиланади ва ичак фаолияти меъёрлашади.

Ёш ўсаётган одам организми суяк ва мускулларининг мустаҳкам ва бақувват бўлишида туганак таркибидаги минерал элементлар (кальций, темир, йод, олtingугурт, фосфор, калий кабилар) муҳим ўрин тутади. Кartoшка оқсили таркибида алмашинмайдиган аминокислоталарни (лизин, лейцин, валин, тирозин, изолейцин, метионин, триптофан кабиларни) кўп сақлайди ва ўзининг биологик аҳамияти бўйича бошқа экинлар оқсилидан юқори туради.

Агар, тухум оқсилини одам организмни 100% ўзлаштиrsa, буғдой дони оқсилини 64%, картошка тугунаги оқсилини эса 85% ўзлаштиради.

Кartoшка туганаги таркибида Д. Менделеев даврий жадвалидаги 26 та элемент борлиги аниқланган. Шунинг учун ўсимлик мойига хрустал қилиб қовурилган картошка шифокор олимларнинг таъкидлашича, одам организмини жазирама иссиққа чидамлилигини оширад экан. Кartoшкадан 500 дан зиёд турли мазали таомлар тайёрланади. Ҳозирги кунда у халқимизнинг йил давомида севиб истеъмол қиласиган озиқ-овқатидир.

Ўсимлик палаги, меваси, яшил рангга кирган туганакларда заҳарли глюкоалкалоид-соланин ҳосил қиласиди. Унинг миқдори 0,02 миллиграмм фоиз ёки 100 грамм туганакда 20 миллиграммдан ошса, одам ва ҳайвонлар учун заҳарлидир. Кartoшка туганаги қайнатилганда соланин миқдори анча камаяди. Уруғликка мўлжалланган туганакларда соланиннинг ҳосил бўлиши фойдали. Чунки уларни экишгача касаллик-зааркунандалар заарлантира олмайди.



Картошка (*Solanum tuberosum* L.).

85. Кашнич - *Coriandrum sativum* L.

Кориандр посевной

Apiaceae, Umbelliferae

Ўсимликнинг тавсифи. Кашнич (*Coriandrum sativum*)

Зирадошлар (*Apiaceae*) оиласига мансуб бир йиллик, бўйи 30-70 см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси цилиндрический, ичи ковак, қиррали бўлиб, юқори қисми шохланган. Барги оддий, қинли, илдизолди барглари узун бандли, уч бўлакка қирқилган, қирраси тиҳсимон

кесилган, пояни ўрта ва юқори қисмдагилар эса бандсиз бўлиб, иккича бўлакка ажралган, пояда навбатлашиб жойлашган. Майда гуллари соябон тўпгулда йифилган. Гулкосачаси беш тишли, мева билан бирга сақланиб қолади. Пушти ёки оқ рангли гултожибарги бешта бўлиб, қўшилиб ўсган. Андроцейи бешта чангчидан ташкил топган. Уруғчиси битта бўлиб, иккита мевабаргчанинг қўшилиб ўсишидан ривожланган, тугунчаси 2 хонали, остки. Меваси юмалок ёки тухумсимон шаклли, диаметри 2-5 мм, бўлинмайдиган 2 та бўлакчадан ташкил топган, сарғиш-кул рангли бўлган қўш пистача. Июнь-июль ойларида гуллайди. Меваси август - сентябрда пишади.

Географик тарқалиши. Ватани Европанинг жанубий қисми ҳамда Кичик Осиё ҳисобланади. Жуда кўп жойларда, шу жумладан, Болгария, Украина, Кавказ ва Ўрта Осиёда ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Кашнич таркибида 0,7-1,2%, баъзи адабиётларда (Гахниян, Асенов, 1988) 1-3% гача эфир мойи, 10-20% мой, 11-17% оқсил ва бошқа моддалар бор. Мевасида 0,5% эфир мойи бор. Эфир мойи рангиз, сарғиш, тиник суюқлик бўлиб хушбўй ҳидга эга, таркибида 60-80% линалоол (кориандрол), 5% гераниол, а-пинен, терпинен, геранилацетат ва озроқ борнеол бор.

Ишлатилиши. Меваси иштаҳа очувчи, овқат ҳазм қилишни яхшилайдиган, ўт ҳайдайдиган восита сифатида, бавосир касаллигига, яраларни даволашда ишлатилади. Эфир мойи-антисептик, оғриқ қолдирувчи, ўт ҳайдайдиган хусусиятларга эга. Кашнич меваси ва эфир мойи озиқ-овқат ва парфюмерия саноатида ҳам ишлатилади. Ошқозон ва бавосир касалликларига қарши ичиладиган йифмалар (чойлар) таркибига ҳам кашнич меваси киради.

Дамлама тайёрлаш учун 1 чой қошиқ микдорида майдаланган кишинич меваларининг устига бир стакан қайноқ сув солиб дамланади. Бу дамлама бир суткага етади.

Бош оғригини қолдириш учун 6 г кашнич меваси билан 8 г шакар қўшиб тайёрланган талқондан ҳар куни наҳорда 2 г дан ичиш лозим.



Кашнич (*Coriandrum sativum* L.).

86. Маккажўҳори - *Zea mays L.* Кукуруза *Poaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Маккажўҳори (*Zea mays*) бошоқдошлар (*Poaceae*) оиласига мансуб, бўйи 1 - 3 - 5 м га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, шохланмаган, ичи ғовак, бўғимли. Барги оддий, кенг ланцетсимон бўлиб, қини билан пояга кетма-кет ўрнашган, ўсимлик бир уйли, гуллари бир жинсли. Чангчи гуллари битта ёки иккитадан, оддий бошоқчалари ўз навбатида поянинг юқори қисмида рўвак тўпгулда йиғилган бўлади. Барг қўлтиқларидаги сўта тўпгулида уруғчи гуллари жойлашган. Уруғчилари битта, устунчалик ипсизмон бўлиб, узунлиги 20 см, йўғонлиги 1 мм, учида оналик тумшуқчалик бор. Гулқобиқлари майда ва лодикулалари бўлмайди. Меваси сариқ, оқ, қизғиш ёки яшил рангли дон мева. Август – сентябрь ойларида гуллайди, меваси сентябрь – октябрь ойларида пишади.

Географик тарқалиши. Маккажўҳорининг ватани Жанубий Мексика. Қишлоқ хўжалиги экини ҳисобланади.

Кимёвий таркиби. Даволаш мақсадида уруғчи устунчасидан фойдаланилади. Витаминлардан К₁ (1600 1г маҳсулотда биологик бирлик), С, Е, В₂, В₆, D, каротин, пантоген кислоталар, 2,5 % мой, 0,12% эфир мойи, сапонинилар, криптоксантин, инозит, пептозанлар, микроэлементлардан: темир, алюминий, марганец, мис, хром ва бошқа моддалар бор.

Ишлатилиши. Маккажўҳорининг дони, сўтаси, пояси, барги ва илдизларида инсон ва ҳайвон организми учун зарур бўлган моддалар мавжуд. Маккажўҳори энг серҳосил овқат, ем-харакат, техника экини сифатида экилади. Ўсимлик меваси пишмасдан олдин уруғчи устунчалик ўтишиб олинади ва салқинда қуритилади. Препаратлари ўт ҳайдовчи (холецистит, холангит, гепатитларда) ҳамда сийдик ҳайдовчи (буйрак тош касаллигига, қовуқда тош бўлганда) ва қон тўхтатувчи сифатида ишлатилади.



Маккажӯҳори (*Zea mays* L.).

87. Оддий зирк-Berberis vulgaris L. Барбарис обыкновенный *Berberidaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Оддий зирк (*Berberis vulgaris*) Зиркдошлар (*Berberidaceae*) оиласига мансуб бута ўсимлик бўлиб, баландлиги 3-4 метргача бўлади. Сершох, новдалари тиканли, ўқ илдиз тизими яхши тараққий этган. Новдалари оқиш рангли, 3-5 бўлакли тиканлар билан қопланган. Барглари оддий, қалин, чети киприксимон ўткир тиканли, эллипссимон шаклли, узунлиги 4 см гача, қисқа банди билан пояда кетма-кет жойлашган. Очсариқ рангли гуллари 15-25 тадан бўлиб, 6 см узунликдаги шингил (сочок) тўпгулда ўрнашган. Гули циклик, гулқўрғони мураккаб, икки жинсли. Гулкосачабарги, гултожибарги ҳамда чангчилари олтига, уруғчиси битта, тугунчаси устки. Резавор мевасининг рангги қизил бўлиб, тухумсимон шаклли, узунлиги 12 мм. Май-июнь ойларида гуллайди, мевалари август ойида пишиб етилади.

Географик тарқалиши. Россиянинг Европа қисмида, Кавказда, Ўзбекистонда тарқалган. Маданий ҳолда ҳамда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади, кам ҳолларда ёввой ҳолда ўсади.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг илдизи, поя пўстлоғи ва баргларида берберин алкалоиди мавжуд. Илдизи таркибидаги 1,5-5% гача алкалоид аниқланилган. Мевалари таркибидаги 5% қанд, 7% олма кислотаси ҳамда 150 мг % С витамини, ёш баргларида о 120% аскорбин кислота ва Е витамини аниқланган.

Ишлатилиши. Тиббиётда ўсимликнинг ҳамма органлари ишлатилади. Вегетатив органларидаги берберин алкалоиди таъсирида ўт пуфагининг тонуси пасаяди, ўт ҳайдалиши яхшиланади ҳамда ундан оғриқлар йўқолади ва яллиғланиш жараёнлари даволанади. Ундан ишлаб чиқарилган таблеткалар ёрдамида жигар ҳамда ўт пуфаги яллиғланишлари даволанади. Бундан ташқари сурункали гепатит, гепатохолецистит, холецистит ва ўт пуфаги-тош касалликларида берберин препаратлари самарали таъсир қиласи. Берберин асосан илдизидан олинади. Баргидан тайёрланган препаратлар тўғриқдан кейинги бачадон қисқаришини тезлаштиради, қон кетишларини тўхтатади, юрак фаолиятини яхшилайди. Баргидан

тайёрланган қайнатма ва дамламалари бачадон қон кетишиларида қон тўхтатувчи восита сифатида ишлатилади.

Илдиз ва пўстлоғидан тайёрланган дамлама ва қайнатмалари иситма туширувчи, тинчлантирувчи ҳамда микробларни ўлдирувчи хусусиятларга эга.

Меваларидан тайёрланган шарбат енгил ич келтирувчи, чанқоқни босувчи ҳамда иштаҳа очувчи таъсирга эга. Халқ табобатида ўт ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилади. Чехословакияда зирқдан тайёрланган вино ёрдамида иштаҳа йўқолиши, бош оғриқлари, метеоризм ҳамда дифтерия касалликлари даволанади. Пишмаган мевалари турли таомларга қўшилади.

XVI аср табибларидан Юсуф ибн Муҳаммад ўзининг «Хайрли кишиларга фойдалар» номли рисоласида зиркнинг фойдали хусусиятларини шеърий баён қилиб, зирк шарбати ич кетишига даволиги, жигар, юрак ва меъдага қувват бериши, ўт пуфаги фаолиятини меъёrlаштириши ҳақида ёзиб қолдирган (Табобат дурдоналари, 1993).

Артрит касаллигини даволашида: 20 г мевалари устига 0,5 л қайнаган сув қўйилади ва бир сутка давомида тиндириб қўйилади. Тайёр бўлган дамлама кун давомида ичилади.

Гепатит касаллигида: 1ош қошиқ майдаланган барглари устига 1/2 стакан 70%-ли спирт солинади ҳамда икки ҳафта давомида қоронғи жойда сақланади. Тайёр бўлган спиртли настойкаси 30 томчидан кунига уч маҳал ичилади.

Қандли диабет касаллигида чанқоқни босиши учун:

- 1 чой қошиқ майдаланган гуллари устига 1 стакан қайнаган сув солинади ҳамда 10 минут давомида паст оловда қайнатилади. Тайёр бўлган қайнатма 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

- Қуритилган ва майдаланган мевалари устига 1:10 нисбатда қайнаган сув солинади ва 2 соат давомида термосда дамланади. Тайёр дамлама 1/2 стакандан кун давомида 3 маҳал ичилади.



Оддий зирк (*Berberis vulgaris* L.).

88. Саримсоқ пиёз - *Allium sativum L.*

Чеснок

Alliaceae

Ўсимликнинг тавсифи. Саримсоқ пиёз (*Allium sativum*) Пиёздошлар (*Alliaceae*) оиласига мансуб маҳсус ҳидли ўт ўсимлик. Пиёзбоши кенг тухумсимон, мураккаб тузилишга эга бўлиб, 7-30 га яқин майда пиёз бўлакчаларидан ташкил топган, устки томондан оқимтири, қобиқсимон барглар билан қопланган. Пояси тик, йўғон, 50 см баланликкача кўтарилиб ўсади. Барглари оддий, бутун, тасмасимон, кенглиги 1 см, илдиз бўғзида кетма-кет жойлашган. Гуллари шарсимон соябон тўпгулда йиғилган бўлиб, поянинг юқори қисмида жойлашган. Гулқўрғони оддий, олтита гултожибаргларининг бирикишидан ҳосил бўлган. Чангчилари олтита, гинецийи битта бўлиб, учта мевабаргчанинг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган ценокарп уруғчи. Тугунчаси устки. Гулларида содир бўладиган уруғланиш жараёнидан кейин қўп сондаги майда пиёзчалар ривожланади. Июнь-август ойларида гуллайди. Антибиотик, фитонцид ва витаминларга бой.

Географик тарқалиши. Ватани – Ўрта Осиё ҳисобланади. Сабзавот экини сифатида ҳамма ҳудудларда экилади.

Кимёвий таркиби. Пиёзбоши таркибида рангиз, ҳидсиз, кристалл модда - аллиин бор. Аллииназа ферменти таъсирида аллиин ўзига хос кучли ҳидга эга бўлган аллицинга айланади. Бундан ташқари метилаллиин, пропилаллиин, а-цистеин ва глутамин кислоталари тутган пептидлар, а-цистеин, 0,10-0,30% эфир мойи ва бошқа моддалар мавжуд. Буғ ёрдамида ҳайдаб олинган эфир мойи таркибида 60% диаллилдисульфид, 20% диаллилтрисульфид, 10% диаллилтетрасульфид, 6% аллилпропилсульфид ва бошқа моддалар бор. Бундан ташқари мой, фитостеринлар, А, В₁, В₂ ва С витаминлар, никотин кислотаси, flavonoидлар, сапонинлар, полисахаридлар, кам миқдорда йод ва бошқа моддалар мавжуд.

Ишлатилиши. Саримсоқ пиёз кўпқиррали даволовчи хусусиятларга эга. Унинг пиёзчалари таркибидаги аллицин ишлаб чиқарувчи фитонцидлар ва эфир мойи туфайли бактериоцит таъсир кўрсатади. Тадқиқот натижаларига кўра, аллицин ва гарлицин антибиотик моддалардир. Бу икки компонент граммусбат ва

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

граммифий микроорганизмлардаги микробларни ўлдирувчи эффект муносабати билан фарқланади. Улар стрептококклар, стафилококклар, тиф ва дизентерия ўйғотувчилари, ичак бактериялари, энтерококкларга таъсир этиш хусусиятига эга. Фитонцидлар пиёзбошдаги бошқа биологик актив моддалар билан бирга трихомонлар, остицаларга ва бошқа гельминтларга ҳам таъсир этади.

Полисульфидлар-эфир мойининг аллисульфидлари, олтингугурт сақлаган учувчи моддалари ҳам гижжаларга таъсир қилувчи хусусиятга эга. Саримсоқ пиёзнинг бу хусусияти Болгариялик олимлар томонидан ўтказилган тажрибалар асосида текширилган.

Микробларни ўлдирувчи хусусияти туфайли ундан йириングли яраларни даволашда фойдаланилади. Саримсоқ пиёзни оғиз орқали қабул қилинганда ичакдаги патоген микрофлорани ўлдириши орқали ичак учун фойдали бўлган бактерияларни яшаб қолишини, қўпайишини таъминлаб беради. Бундан ташқари ўт ҳайдаш хусусиятига ҳам эга.



Саримсоқ пиёз (*Allium sativum* L.).

89. Укроп, шивид – *Anethum graveolens* L.

Укроп огородный

Apiaceae

Ўсимликтининг тавсифи. Укроп (*Anethum graveolens*)

Зирадошлар (*Apiaceae*) оиласига киради. Укроп ёки шивид номлари билан машҳур бу ўсимлик — бир йиллик ўт ўсимлик бўлиб, ўзидан ёқимли ҳид таратиб туради. Тик ўсуви поясининг баландлиги 50-100 см бўлиб, юқори қисмидан шохланади. Тўқ-яшил рангли цилиндрсизон поясидан оқиши чизиқлар кўриниб туради. Барглари уч-тўрт марта патсимон қирқилган, барг бўлаклари ипсизон кўринишда, поядга кетма-кет ўрнашган қирқма барг. Тўпгули мураккаб соябон, диаметри 15 см гача, 15-30 нурли бўлиб, соябон бўйлаб нотекис жойлашган. Майда гуллари сариқ рангли, беш аъзоли. Меваси тухумсизон шаклли, узунлиги 3-5 мм, бўлинмайдиган 2 та бўлакчадан ташкил топган, малла-кулрангли қўш пистача. Июнь-июль ойларида гуллайди. Меваси август-сентябрда пишади.

Бу ўсимлик ҳамма жойда яхши ўсади, ҳатточи хона шароитида ҳам ўстириш мумкин. Лекин ёруғлик етарли жойларда жуда яхши ўсади.

Географик тарқалиши. Табиий ҳолда Болгарияда тарқалган.

Кимёвий таркиби. Укроп барглари С, А, В2, В6, Р, РР витаминаларига жуда бой. Бундан ташқари барглари таркибида кальций, калий, фосфор, темир, магний тузлари мавжуд. Унинг озиқлик қиймати жуда юқори бўлиб, 50 г укроп 150 г помидор ўринини босади. Укроп таркибида темир ва магний тузларининг бўлиши қон ҳосил бўлишини тезлаштиради.

Ишлатилиши. Укропнинг дориворлик ва қўшимча озиқлик хусусиятлари ҳақида гапирганда, унинг тарихи ўтмиш замонларга бориб тақалади. Ҳатточи, Мисрликлар ҳам бу кўкат ҳақида билишган. Ушбу хушбўй ва хуштаъм кўкат қадимдан таранглашувга, қон босимининг ошишига ва юрак оғриқларига қарши қўлланиб келинган. Ўсимликтининг ҳамма қисми фойдали ҳисобланади.

Укроп таркибида эфир мойи ва экстрактив моддаларнинг бўлиши ҳазм қилиш ферментлари ва ўт ҳосил бўлишини яхшилайди ҳамда овқат ҳазм қилиш, сийдик ҳосил бўлиши тизимини дезинфекция қиласади. Бу ўсимлиқдан юрак касалликларида

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

қўлланиладиган анетин препарати тайёрланади. Шунингдек I-II босқичдаги гипертоник касалликлар билан бирга келадиган стенокардияда укроп қайнатмасидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун бир ош қошиқ қуритилган укропга бир стакан қайноқ сув қўйилади, 20 дақиқа тиндиргач, сузиб олинади. Кунига уч маҳал овқатланишдан ярим соат олдин ярим стакандан ичилади.

Укроп диурез ва лактация жараёнини яхшилайди, бундан ташқари нафас олиш органлари, жигар фаолиятига ижобий таъсир қиласди, нерв тизимини тинчлантиради, бош оғриқларидан халос қиласди, қон босимини туширади ҳамда зреняни яхшилайди. Меъда ва ўн икки бармоқли ичак яралари, холециститда оғриқ қолдириш хусусиятига эга. Шунинг учун укропни имконият даражасида кўпроқ истеъмол қилиш керак. Айниқса, турли хил салатлар, сабзавотлар ва таомларга қўшиб ейиш тавсия қилинади.

Эслатма: янги узилган укропни ишлатишдан аввал намокопли (тузли) илиқ сувда 10 дақиқа давомида ивитиб қўйиш тавсия этилади. Чунки бундай шароитда турли микроорганизмлар нобуд бўлади.

Укропнинг уруғлари ҳам доривор ҳисобланади. Халқ табобатида уруғидан тайёрланган настойка овқат ҳазмини яхшилашда, уйқусизликда ва иштаҳа очишда даволовчи сифатида ишлатилади.

Настойка тайёрлаш учун бир чой қошиқ майдаланган укроп уруғлари устига бир стакан қайнаган сув қўйилади ва 10 дақиқадан кейин сиздириб олинади. Бу дамлама кечки овқатланишдан ярим соат олдин ичилади.

Бундай настойкаларни колитни даволашда ҳамда эмизикли аёлларда сут келишини яхшилаш учун ичиш тавсия қилинади.



Укроп (*Anethum graveolens* L.).

90.Хандон писта – *Pistacia vera L.*

Фисташка

Anacardiaceae

Ўсимликтининг тавсифи. Хандон писта (*Pistacia vera*) Пистадошлар (*Anacardiaceae*) оиласига мансуб, баландлиги 2 м дан 5(10) м гача етадиган кенг шох-шаббали ўсимлик. Пистанинг баландлигига ва ташқи қиёфасига қараб дараҳт ёки баланд бўйли бута дейилади. Барглари кўпинча 3 баргчали бўлиб, ялтироқ-яшил, эллипссимон ёки думалоқ-тухумсимон, қисқа бандли, қалин ва кенг. Чангчи гуллари 5-8 см, тифиз, мураккаб рўвакда йиғилган. Уруғчи гуллари 5-10 см, сийрак рўвакда тўпланган. Меваси чўзиқланцетсимон, ингичка-тухумсимон, кенг тухумсимон ва думалоқ. Март–май ойларида гуллайди, июль–сентябрда меваси пишиб етилади.

Ўзбекистонда пистазорлар каттагина майдонни ишғол қиласиди. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги Боботоғ ўрмон хўжалигининг пистазор массивлари республикамизнинг жуда катта бойлиги ҳисобланади.

Писта асосан уруғидан кўпайтирилади.

Географик тарқалиши. Пистанинг ватани-Ўрта Осиё ҳисобланади. Писта Фарғона, Чотқол, Угам, Пском, Олой, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор, Боботоғ, Қаратоғ, Оқтоғ, Бадхиз тепалиги ва Копетдоғларда тарқалган, шунингдек, Афғонистон, Эрон, Туркия ва Сурияда учрайди. Унинг ареали Иссиққўлнинг ғарбий қирғоғидан то Ҳимолай тогининг шимоли-ғарбий ёнбағри билан Сурия ва Фаластингача етиб боради. Писта табиий ҳолда Ўрта Осиёнинг денгиз сатҳидан 600-1700 (2000) м баландликдаги адир ва тоғ зоналарида учрайди.

Кимёвий таркиби. Писта халқ хўжалигига муҳим ўрин тутади. Унинг мағзида 60-61% мой бўлиб, истеъмол қилинишидан ташқари, озиқ-овқат саноатида турли таомлар тайёрлашда кенг қўлланилади. Пистанинг пўстлоғи, ёғочлик қисми, пишмаган меваси ва баргида 5-12% танин моддаси бўлади.

Ишлатилиши. Баргларидан қимматбаҳо бўёқ олинади ва у ипак матоларни бўяшда ишлатилади. Ўсимлик танасидан жароҳатлаш йўли билан олинадиган смола (писта терпентини), «сақич», «оқ

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

смола» бўёқ заводлари ва лак саноати учун қимматли хом ашё хисобланади.



Хандон писта (*Pistacia vera L.*).

91.Хушбўй қарафс, селдерей - *Apium graveolens L.* Сельдерей пахучий, сельдерей душистый *Apiaceae*

Ўсимлиknинг тавсиғи. Хушбўй қарафс ёки селдерей (*Apium graveolens*) Зирадошлар (*Apiaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик, бўйи 50 смга етадиган ўт ўсимлик. Илдизи цилиндрический. Илдиз бўғзидан узун бандли барглар ўсиб чиқади. Барг япроқлари патсимон қирқилган, думалоқ-ромбасимон бўлакчали. Тўпгули мураккаб соябон, соябони 8-14 нурли, соябончалари 15-20 та майда гуллардан ташкил топган. Гуллари оқиш-яшил рангли бўлиб, гулқўрғони мураккаб, икки жинсли, беш аъзоли. Пояси чукур жўякли, тик ўсади. Июнь-сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди.

Географик тарқалиши. Бу ўсимлик жанубий Африкада, Украина жанубида, Ўрта Осиёда, Кавказда табиий ҳолда учрайди.

Кимёвий таркиби. Ўсимлиknинг ҳамма қисмида эфир мойи мавжуд бўлиб, илдизмевасида 2,5-3% ни ташкил қиласи. Янги узилган барглари таркибида 150 мг% С витамини, каротин ва бошқа моддалар бор. Илдизида 84% сув, 0,25-0,39% мой, 0,77% шакар, 1-1,48% азотли бирикмалар, 7,7-11% экстрактив азот тутмаган моддалар бор.

Ишлатилиши. Барги ва илдизмеваси доривор. Ўсимлиknинг янги узилган барглари овқатда хушбўйлик беради. Илдизлари, поялари, барглари иштаҳани очади, овқат ҳазм қилишни тезлаштиради. Ўсимлик антисептик, шамоллашга қарши ва турли яраларни битказувчи хусусиятларга эга. Кўпгина мамлакатларнинг халқ табобатида селдерей қадимдан буйракларни, сийдик пуфагини, подаграни, ревматизмни даволашда қўлланилган.



Хушбўй қарафс (*Apium graveolens* L.).

92.Қалампир, гаримдори - *Capsicum annuum L.* Красный перец, перец стручковый горький *Solanaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Қалампир (гармдори) бўйи 30 - 60 см га етадиган, Итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласига мансуб бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсуви яшил рангли, туксиз, қиррали бўлиб, юқори қисмидан бошлаб шохланган. Барги оддий, эллипссимон ёки тухумсимон, текис қиррали, учли, устки томони тўқ яшил, пастки томони очроқ ва томири бўртиб чиқсан бўлиб, банди билан поядга кетма-кет ўрнашган. Гуллари йирик, тўғри, барг ва шохларининг қўлтиғида якка-якка ёки иккитадан пастга осилган ҳолда жойлашган. Гулкосачаси қўнғирсимон, 5 та бирлашган косачабаргдан ташкил топган. Гултоjisи оқ рангли, ғилдираксимон 5 а бирлашган гултожибаргдан иборат. Чангчиси 5 та, уруғчи тугуни икки хонали, юқорида жойлашган. Меваси - кам сувли, қалин пўстли, кўп уруғли, данаксиз, хўл мева. Мева узунлиги 8 -12 см, кўндалангига 4 см, ичидаги меванинг учигача етиб бормаган тўсиғи бўлади. Бу тўсиққа жуда кўп микдорда уруғлар жойлашган бўлиб, уруғи ясси, буйраксимон, сарғиш, аччиқ мазали, диаметри 55 мм.

Қалампирнинг бир қанча навлари бўлиб, улар мевасининг тузилиши, ранги ва аччиқлигига қараб бир-биридан фарқ қиласади, ўстириладиган навларнинг меваси ялтироқ, қизил, тўқ қизил, сариқ - қизил ва сариқ меваси аччиқ, ўртача аччиқ ва чучук бўлади.

Тиббиётда фақат аччиқ қалампир ишлатилади.

Географик тарқалиши. Қалампирнинг ватани-Марказий ва Жанубий Америка. Қишлоқ хўжалиги экини сифатида экилади.


Кимёвий таркиби. Мевалари таркибида капсаицин алкалоиди, капсантин, капсорубин, зеаксантин, лютеин, криптоксантин, а ва β-каротинлар, эфир мойи, аскорбин кислотаси бор.

Ишлатилиши. Қалампир препаратлари иштаҳа очувчи ва овқат ҳазм бўлишини яхшиловчи, шамоллаганда: радикулит, миозит, невралгия, ревматизм касалликларини даволашда ишлатилади.

Доривор препаратлар. Tinctura capsici настойкаси ревматизм ва шамоллаганда суриладиган мураккаб суюқ қалампир суртмаси - Linimentum Capsici Compositum ва совуқ урган ерни даволашда ишлатиладиган суртма ҳамда капситирин препарати таркибига киради. Қалампирдан қуюқ экстракт - қалампир пластири -

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Emplastrum Capsici тайёрланади.



Қалампир (*Capsicum annuum* L.).

93. Қовоқ – *Cucurbita pepo* L. Тыква обыкновенная *Cucurbitaceae*

Ўсимлиknинг тавсифи. Қовоқ (*Cucurbita pepo*) - Қовоқдошлар (*Cucurbitaceae*) оиласига мансуб бир йиллик ўт ўсимлиқ. Палаклари йирик ва узун, кўп қиррали, барглари қаттиқ тукчалар билан қопланган бўлиб, мавсум давомида 6-8 м гача ўсади. Барглари оддий, бутун, пояда кетма-кет жойлашган. Қовоқ бир уйли, айрим жинсли ўсимлиқ. Гуллари барг қўлтиғида жойлашган бўлиб, актиноморф, мураккаб гулқўрғонли. Гулкосачабарглари ва гултожибарглари бештадан бўлиб, қўшилиб ўсан. Чангчилари ҳам бешта, тўртта чангчиси иккитадан бирикиб ўсан, биттаси эркин. Уруғчи гулида ҳам гул қисмлари бештадан бўлиб, қўшилиб ўсан, унинг марказидаги уруғчиси учта мевабаргчанинг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлган ценокарп уруғчи.

Июль-август ойларида гуллайди. Меваси август-октябрь ойларида пишади. Қовоқ иссиқсевар, курғоқчиликка чидамли ўсимлиқ.

Географик тарқалиши. Қовоқнинг ватани-Америка. 13 тури маълум, 3 тури кенг тарқалган. Қадимги мисрликлар ва ацтеклар, ҳиндлар ҳамда хитойликлар қовоқ етиштиришган. Уни Америка қўшма штатларининг жануби-ғарбидаги қадимги ғорлардан, Перу ва Покистон даҳмаларидағи қолдиқлар орасидан топишган. Бу археологик топилмалар қовоқнинг қадимий ўсимликлардан бири эканлигини тасдиқлайди. Ҳозирги кунга келиб, Антарктидадан бошқа ҳамма жойда қовоқ етиштирилади.

Кимёвий таркиби. Қовоқ таркибида 11% қанд, витаминалардан С, В₁, В₂, никотин кислотаси, каротин, пектин, калий, кальций, магний, фосфор, темир, мис ва бошқа моддалар мавжуд.

Уруғидан олинган мой таркибида линолевин, 25% олеин кислотаси, 30% гача пальмитин ва стеарин кислоталари ҳамда кукурбитол, оксицеротин кислотаси, қатронли моддалар, В, С витаминалари, каротиноидлар, органик кислоталар аниқланган. Кукурбитол таркибида аминокислоталардан: 14,5% аргинин, 3,3% гистидин, 2,2% лизин, 2,8% тирозин, 2,9% пролин, 3,8% триптофан,

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

4,3% аспарагин кислота, 13,3% глутамин кислота, 18% гача азотли бирикмалар мавжуд.

Ишлатилиши. Унинг уруғи ва меваси ишлатилади. Уруғи гижжа ҳайдовчи хусусиятга эга. Мевасининг этли қисми сийдик ҳайдовчи, ўт ҳайдовчи ва тинчлантирувчи восита сифатида ишлатилади.

Қовоқ мойи жигар ишини яхшилайди, семиришга тўсқинлик қиласди, қон таркибини яхшилайди, холестериндан тозалайди. Қовоқ таркибидаги оқсиллар, витаминлар, ферментлар, тузлар, мойлар уйғунлашгани туфайли у осон ҳазм бўлади ва тез сингади, шу туфайли болалар ва катталар учун парҳез таом ҳисобланади. Плиний ва Абу Али ибн Сино ўз рисолаларида қовоққа алоҳида эътибор беришган. Хитойнинг қадимги қўлёзмаларида қовоқни «ўсимликлар маликаси» деб таърифлашган. Қовоқдан тайёрланган қайнатма қурук йўталга тавсия этилади. Мевасининг этли қисми сувда пиширилиб сарик касалида, буйрак, қовуқ, истисқо касалликларида сийдик ҳайдовчи омил сифатида берилади.



Қовоқ (*Cucurbita pepo L.*).

94. Экиладиган гречиха, гречка—*Fagopyrum sagittatum* L. (Gilib), *Fagopyrum esculentum* Гречиха посевная *Polygonaceae*

Ўсимликнинг тавсифи. Экиладиган гречиха (*Fagopyrum sagittatum*) Торондошлар (*Polygonaceae*) оиласига кирадиган бир ийллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 70 см га етади. Пояси ялонгоч, қизиляшил рангли, тик ўсувчи, сершох новдали. Барги оддий, учбурчак-юраксимон, узунлиги 2-5 см, кенглиги 1,5-5 см, поянинг юқоридаги барглари деярли ўтроқ, пастки барглари эса узун бандли бўлиб, поядা кетма-кет жойлашган. Ён баргчали бўлиб, уларнинг бирикиб ўсишидан найча ҳосил қилган. Гуллари актиноморф, оддий гулқўрғонли бўлиб, кичикроқ қалқонсимон тўпгулларда ўрнашган. Гулқўрғони бешта баргчадан ташкил топган, чангчилари 8 та, уругчиси битта бўлиб, тугунчаси устки. Гулларида гетеростилия ҳодисаси кузатилади. Меваси уч қиррали ёнғоқча, уруғи овқатга ишлатилади. Июнь-июль ойларида гуллайди, мевалари август ойида пишиб етилади.

И. Ҳамдамов ва бошқаларнинг (1990) берган маълумотига кўра, гречка уруғи «шимолий гуруч» ҳам дейилади.

Гречка асал ширасига бой ўсимликлардан бири ҳисобланади. Бу ўсимликнинг донидан тайёрланган ёрмаси овқатга қўп ишлатилади.

Географик тарқалиши. Гречка ёввойи ҳолда деярли учрамайди. Бу маданий ўсимликнинг ватани Ҳиндистон ҳисобланади. Россия, Украина, Қозоғистон ҳамда Белоруссияда асосий хом-ашёси етишириади.

Гречиха Ўрта Осиёда турли экинлар орасида бегона ўт сифатида учрайди, шунингдек, йўл ёқаси ва ариқлар бўйида ҳам ўсади.

Кимёвий таркиби. Гречиха ўсимлигининг барги ва гуллари таркибида кўп миқдорда рутин бор. Ўсимликнинг гуллаган новдалари таркибида 1,9-2,5% рутин, хлороген, галловат, кофейин кислоталари аниқланган. Уруғлари таркибида 67% гача крахмал, мой, лимон ва олма кислоталари мавжуд. Барглари таркибида фитонцидлар бор.

Ишлатилиши. Ўсимликнинг тозаланган ёнғоқча мевалари озиқ-овқат учун ишлатилади. Бундан ташқари халқ табобатида ўсимлик гулларидан тайёрланган (1:10) дамлама ва қайнатмалари йўтални

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

юмшатувчи ва балғам кўчирувчи восита сифатида ишлатилган. Барглари ва гулларидан тайёрланган чойлар атеросклероз ҳамда қон босимини кўтарилишини олдини олувчи восита сифатида ичиш тавсия қилинади. Янги узилган барглари очик яраларни даволашда ишлатилади. Ўсимликнинг 10 фоизли спиртли экстракти қон қуюқлашишини тезлаштиради.



Экиладиган гречиха (*Fagopyrum sagittatum* L. (Gilib)).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан “О программе модернизации технического и технологического перевооружения предприятий фармацевтической отрасли на период до 2011 года” ПП-731 // Народное слово—от 19 ноября 2007 года.
2. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. –Тошкент: Халқ мероси, 1993. Т.1. -Б.190-192.
3. Акопов И.Э. Кровоостанавливающие растения.-Ташкент: Медицина, 1981. -203 с.
4. Арабова Н.З. Биоэкология *Menyanthes trifoliata* L., выращенной в условиях Ташкента: Автореф. дис. ...канд. биол. наук. – Ташкент, 2008.- 21 с.
5. Арабова Н.З., Исламов А.М. Манзарали ва доривор ўсимлик учбаргли мениантесни иқлимлаштиришдаги якуний хулосалар // Agro biznes inform. -Т., 2013, №12/83.
6. Арабова Н.З. Доривор сано // Sihat salomatlik jurnali .-Т., №4, 2014. -Б. 28.
7. Арабова Н.З., Исламов А.М. Значение декоративных растений в очистке окружающей среды // Прогрессные процессы мирового научного знания в XXI веке (М-12)/ XII Международная научно-практическая конференция. –Казань, 2014.
8. Атлас ареалов и ресурсов лекарственных растений СССР. - М.:Наука, 1976.
9. Ашурметов О.А., Рахимова Т.Т., Рахимова А.Т., Ҳикматов Ш.Х. Экология. –Тошкент: Chinor ENK, 2008. –Б.47-48.
10. Баркалов В. Ю. Род Мать-и-мачеха — *Tussilago* L. // Сосудистые растения советского Дальнего Востока : в 8 т. / отв. ред. С. С. Харкевич; ред. тома А. Е. Кожевников. — СПб. : Наука, 1992. — Т. 6. - С. 214- 428.
11. Бурова Э.А. Автогамия у ирисов // Бот. журн. Ленинград, 1970. – №9 (55). –С.1344-1348.
12. Ветвичка В., Тоушева Д. Растения полей и лесов. - Прага: Артия, 1987.
13. Гаммерман А. Ф., Гром И. И. Дикорастущие лекарственные растения СССР. —М.: Медицина, 1976. - С. 225 - 288.
14. Гаммерман А. Ф., Кадаев Г.Н., Яценко-Хмелевский.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

- Лекарственные растения. —М.: Высшая школа, 1990. – 543 с.
15. Гахниян Р., Асенов И. Лечение животных травами. – Алма-Ата: Кайнар, 1988.
 16. Губанов, И. А. и др. 773. *Sanguisorba officinalis* L. — Кровохлёбка лекарственная // Иллюстрированный определитель растений Средней России. В 3 т. - М.: Т-во науч. изд. КМК, Ин-т технолог. иссл., 2003. - Т. 2. Покрытосеменные (двудольные: раздельнолепестные). - С. 409.
 17. Губанов, И. А. и др. 1441. *Tussilago farfara* L. — Мать-и-мачеха обыкновенная // Иллюстрированный определитель растений Средней России. В 3 т. — М.: Т-во науч. изд. КМК, Ин-т технолог. иссл., 2004. - Т. 3. Покрытосеменные (двудольные: раздельнолепестные). - С. 505.
 18. Губергриц А.Я., Соломченко Н.И. Лекарственные растения Донбасса. –Донецк: Донбасс, 1966. – С.100-101.
 19. Дудченко Л. Г., Козыяков А. С., Кривенко В. В. Пряно-ароматические и пряно-вкусовые растения: Справочник / Отв. ред. К. М. Сытник. — К.: Наукова думка, 1989. — 304 с.
 20. Землинский С.Е. Лекарственные растения СССР. -М.: Медгиз, 1958.
 21. Ивашин Д.С. Лекарственные растения Украины и их ресурсы // Раст.ресурсы.1969. Т. 5. Вып.3. - С 45.
 22. Исаев Й. Абу Али Ибн Сино. –Т.:Тафаккур, 2011. - 95 б.
 23. Калашников В.П., Овчинников Б.Н. Лекарственные растения северо-западной части РСФСР. -М.-Л.: Изд. АН СССР, 1957.- С.92.
 24. Камелин Р.В. Флорогенетический анализ естественной флоры горной Средней Азии. Л.: Наука, 1973. - С. 356.
 25. Каримов В., Шомахмудов А. Халқ табобати ва замонавий илмий тиббиётда қўлланиладиган шифобахш ўсимликлар. – Тошкент: Ибн Сино, 1993. – Б. 73.
 26. Каримов У., Ҳикматуллаев Ҳ. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. –Тошкент:Халқ мероси, 1994. - Б. 303.
 27. Кирпичников М. Э. Семейство сложноцветные, или астровые (*Asteraceae*, или *Compositae*) // Жизнь растений. В 6-ти т. / Под ред. А. Л. Тахтаджяна. — М.: Просвещение, 1981. — Т. 5. Ч. 2. Цветковые растения. — С. 462—476.
 28. Красная книга Узбекской ССР. Ч. 2. Растения. -Ташкент: ФАН,

1984, С. 150.

29. Козыренко М.М., Артюкова Е.В., Болтенков Е.В., Лауве Л.С. Сомаклональная изменчивость *Iris pseudacorus* L. по данным RAPD-и цитогенетического анализа.// Биотехнология.- Владивосток, 2004. №2.-С.13-23.
30. Комилова Ф.Г., Жонгуразов Ф.Х. Ботаникадан амалий машғулотлар. -Т.:Мехнат, 1986.
31. Красная Книга Республики Узбекистан: Редкие и исчезающие виды растений и животных: (в 2-х томах): Т.1. Растения. - Ташкент: Chinor ENK, 1998.
32. Красная Книга Республики Узбекистан: Редкие и исчезающие виды растений и животных: (в 2-х томах): Т.1. Растения и грибы. - Ташкент: Chinor ENK, 2006.
33. Кузнецова М.А., Байгильдеева М.Г. Дикорастущие лекарственные растения Татарии и их ресурсы. -Казань: Татарское книжное изд., 1970.
34. Кузнецова М.М., Резникова А.С. Сказание о лекарственных растениях. -М.: Высшая школа, 1992. - С.61-63.
35. Курмуков А.Г., Белолипов И.В. Дикорастущие лекарственные растения Узбекистана. -Т.: “EXTREMUM PRESS”, 2012.
36. Курочкин Е.И. Лекарственные растения. -Самара: ABC, 2001.
37. Лавренова Г.В. Лекарственные травы. Травы, дарующие здоровье. –М.: Терра, 1996. Т.1.
38. Ловкова М.Я., Рабинович А.М., Пономарева С.М., Бузук Г.Н., Соколова С.М. Почему растения лечат.-М.:Наука,1989.
39. Ляшков С.И. Лекарственная флора Молдавии. –Кишинев:Карта молдовеняска, 1968.
40. Машковский М.Д. Лекарственные средства.-Ташкент:Медицина, 1987.-Ч. 1, 2.
41. Мазнев Н.И. Энциклопедия лекарственных растений. –М.: Мартин, 2004. – С. 59-60.
42. Мать-и-мачеха / Т. В. Егорова // Ломбард — Мезитол. — М. : Советская энциклопедия, 1974. — (Большая советская энциклопедия : [в 30 т.] / гл. ред. А. М. Прохоров ; 1969—1978, т. 15).
43. Макаров А.А. Лекарственные растения Якутии. -Якутск: Якутское книжное изд., 1970. - С.55.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

44. Минаева В.Г. Лекарственные растения Сибири. - Новосибирск: Наука, 1991. – 298 с.
45. Мурдахаев Ю.М. Ўзбекистонда ватан топган доривор ўсимликлар.-Тошкент: Фан, 1990.
46. Минеджян Г.З. Сборник по народной медицине и нетрадиционным способом лечения. -М.: Арина, 1993. - С. 197-199.
47. Обухов А.Н. Лекарственные растения, сырье и препараты.- Краснодарск: Краснодарское книжное изд., 1965. – С.33-36.
48. Памакштие-Юкневичене Г.К. Аир в Литовской ССР // Совещ. по вопросам изучения и освоения растит.-ресурсов СССР. – Новосибирск, 1968. -184 с.
49. Попов М.Г. Основные черты истории развития флоры Средней Азии //Бюл. Среднеаз. гос. ун-та. Вып. 15. Ташкент, 1927, -С. 232-292.
50. Рабинович М.И. Лекарственные растения в ветеринарии. -М.: Россельхозиздат, 1981.
51. Рахимова Н. Хушбўй рута (*Ruta graveolens* L.) - доривор ўсимлик. //Жанубий Ўзбекистон табиатини ўрганишнинг долзарб муаммолари. Илмий конференция, Қарши, 2002.
52. Ребристая О. В. *Tussilago* L. — Мать-и-мачеха // Арктическая флора СССР, вып. X. Семейства Rubiaceae — Compositae / Под ред. Б. А. Юрцева. Сост. В. Н. Гладкова и др.. — М.: Наука, 1987.
53. Санавова М.Х., Рахимов Д.А. Полисахариды *Iris*: углеводные компоненты *Iris pseudacorus* // Химия природных соединений. – Ташкент, 2004. –№1. –С.74.
54. Сахобиддинов С.С. Дикорастущие лекарственные растения Средней Азии. – Т.:Госиздат Уз ССР, 1948.
55. Соколов С.Я., Замотаев И.П. Справочник по лекарственным растениям. –Москва:Медицина, 1988.
56. Соколов С. Я. Облепиха — *Hippophaë* L. // Деревья и кустарники СССР. Дикорастущие, культивируемые и перспективные для интродукции. / Ред. тома С. Я. Соколов. -М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1958. - Т. IV. Покрытосеменные. Семейства Бобовые — Гранатовые. - С. 896-976.
57. Табобат дурдоналари. –Т.:Ибн Сино, 1993. -Б.87.
58. Таубаев Т. Флора и растительность водоемов Средней Азии. – Ташкент:Фан, 1970. - С.305-306.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

59. Таубаев Т., Абдиев М., Келдибеков С. О водно-болотной растительности рыбных прудов Ташкентской области//Узб.биол.журн.1970. -№2. –Б.39-41.
60. Телятьев В.В. Полезные растения Центральной Сибири. - Иркутск: Восточно-Сибирское книжное изд., 1985. – С. 54-55.
61. Турова А.Д. Лекарственные растения СССР и их применение. - М.: Медицина, 1974. – С. 285.
62. Универсальная энциклопедия лекарственных растений//-- М.:Махаон, 2000. – С. 47-49.
63. Федоров Ал. А., Артюшенко З.Т. Атлас по описательной морфологии высших растений: цветок. –Л.: Наука, 1975. –347 с.
64. Федоров Ал. А., Артюшенко З.Т. Атлас по описательной морфологии высших растений: плод. –Л.: Наука, 1986. –392 с.
65. Фруентов Н.К. Лекарственные растения Дальнего Востока. – Хабаровск: Хабаровское книжное изд., 1974. - 397с.
66. Хайдав Ц., Алтанчимэг Б., Варламова Т.С. Лекарственные растения в монгольской медицине.2-е изд. Улан-Батор. 1985. -391 с.
67. Холматов Ҳ.Ҳ. Қосимов А.И. Доривор ўсимликлар. - Тошкент:Ибн Сино, 1994. – Б. 90.
68. Холматов Ҳ.Ҳ., Аҳмедов Ў.А.. Фармакогнозия. -Тошкент: Тиббиёт, 1997. - Б.200-265.
69. Холматов.Ҳ.Ҳ., Қосимов А.И. Русча-латинча-ўзбекча доривор ўсимликлар луғати. -Т.:Ибн Сино, 1992.
70. Холмурадова Т.Н. Биологические особенности семян и полисахариды *Iris pseudacorus* L. //Современные проблемы сохранения биоразнообразия:Материалы международной научно-практической конференции. –Алматы, 2006. –С.136-138.
71. Холмурадова Т.Н. *Iris pseudacorus* L.нинг интродукция шароитидаги биоэкологик хусусиятлари: Автореф. дис. ...канд. биол. наук. – Ташкент, 2011. -25 с.
72. Шоякубов Р.Ш., Арабова Н., Матюнина Т.Е. Биоэкологические особенности вахты трехлистной (*Menyanthes trifoliata* L., семейство *Menyanthaceae*) в условиях интродукции в Узбекистане // Интродукция рослин. 2001. - №1-2. - С.177-178.
73. Шретер А.И., Муравьев Д.А., Пакалн Д.А., Ефимова Ф.В. Лекарственная флора Кавказа.-М.: Медицина, 1979. - С.67.
74. Элькинсон М.М. Лекарственные растения. –

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

- Киев:Государственное медицинское издательство УССР, 1957. – С. 100-102.
75. Эльяшевич Е.Г., Дрозд Г.А., Корещук К.Е., Безуглая Н.И., Маныч В.И., Шестак Л.И. *Acorus calamus* - новый источник С-дигликозидов // Химия природ. соедин. 1974. №1.
76. Юнусов С.Ю. Алкалоиды. -Т.:Фан, УзССР, 1981. - 418 с.
77. Юкневичене К. Некоторые вопросы изучения биологии аира (*Acorus calamus L.*) и вахты трехлистной (*Menyanthes trifoliata L.*) в Литовской ССР.:Автореф. дис... канд. биол. наук. –Вильнюс, 1969. - 28 с.
78. Ўзбекистон Қизил китоби:Ўсимликлар ва замбуруғлар:І-жилд. - Тошкент: Chinor ENK, 2009. - С. 356.
79. Ҳамдамов И., Шукуруллаев П., Умирзоков А., Қурбонов Ю., Тарасова Е. Ботаника асослари. -Т.:Меҳнат, 1990.
80. Ҳамидов А., Набиев М., Одилов Т. Ўзбекистон ўсимликлар аниқлагичи. -Т.:Ўқитувчи, 1987.
81. Linda R. Berg. Introductory Botany. –USA: Thomson Higher Education, 2008. - 622p.
82. Krebs K.G. Matern J. Flavoglycoside in *Menyanthes trifoliata L.* // Naturwissenschaften. 1957.Bd .44. H.15.- S.422-423.
83. Krebs K.G. Matern J. Vber die inhaltsstoffe von *Menyanthes trifoliata L.* // Arch. Pharm. 1958. Bd. 291. H.3. - S.163-165.
84. Lindsey A.A. Anatomical evidence for the Menyanthaceae //Amer. J. Bot. 1938. Vol. 25. - P. 480-483.

ЎСИМЛИК ТУРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКЧА НОМЛАРИ

Алоэ – 163

Александр саноси, ўткир баргли сано- 161

Анор-217

Анжир- 214

Баргиз анабазис- 34

Бурга зубтурум- 166

Бозулбанг, гангитувчи бозулбанг, сархуш бозулбанг- 36

Бақлажон- 219

Вайян шотараси- 38

Далачай, тешик чойўт-42

Данакли оққурай- 40

Дармана шувоқ- 168

Доривор белладона-170

Доривор валериана- 53

Доривор гулхайри – 48

Доривор зангизорба- 173

Доривор лимонўт- 50

Доривор мармарак – 46

Доривор тирноқгул - 44

Доривор шотара - 175

Доривор қоқиўт - 55

Ербағирлаган темиртикан - 57

Ёввойи сабзи – 61

Ёввойи хина, майдагул хина – 58

Ёнғоқ, чин ёнғоқ- 221

Жумрутсимон чаканда, чаканда- 64

Игир - 66

Икки уйли газанда, ачитқи ўт, чаёнўт - 69

Илонсимон торон - 177

Итбурун наъматаги- 71

Йирикбарг алкор, алкор – 73

Картошка – 224

Кашнич – 226

Катта зубтурум, баргизуб – 75

Кийик ўти, гулбандли кийикүт – 80

Кичик бўригул – 179

Ковул, кавар – 77

Ланцетсимон термопсис – 181

Май марваридгули – 183

Майдагул төграйҳон – 82

Маккажӯҳори – 229

Мария тиканаги – 84

Мойчечак, қирқмабарг мойчечак, читтигул – 88

Оддий арпабодиён – 185

Оддий бангидевона – 90

Оддий бодрезак – 187

Оддий бўймодарон – 92

Оддий дастарбош – 93

Оддий жағ-жағ, ачамбити – 96

Оддий зирк – 231

Оддий исириқ – 98

Оддий оққалдирмоқ – 101

Оддий тиллабош – 103

Оддий төграйҳон – 105

Оддий қарағай – 189

Ошловчи тотим – 109

Оқ баҳмалгул – 111

Рўян, бўёқдор рўян – 113

Саримсоқ пиёз – 234

Сариқ гулсафсар- 191

Сариқ қашқарбеда- 116

Сассиқ коврак– 118

Сохта янтоқ- 120

Сувқалампир, сувзамчи торон, аччиқ торон– 122

Сумбул ковраги, Сумбул– 124

Тангут ровочи-196

Теофраст дағалканопи – 126

Тик ўсувчи ғозпанжа– 198

Туксиз қизилмия- 128

Туркистон арслонқулоги- 130

Туркистон исмалоги- 132

Укроп, шивид – 236

Учбаргли мениантес – 206

Учбўлакли қорақиз- 134

Хандон писта – 239

Хушбўй қарафс, селдерей – 241

Хушбўй рута– 201

Чумчуқтили, қуш тонон–136

Чўзиқ баргли сано, тор баргли сано- 203

Шарқ такасоқоли, такасақол– 138

Шафтолибарг тонон, келинтили– 140

Эрмон шувоқ, сассиқ шувоқ–144

Экиладиган гречиха- 247

Экиладиган наша-142

Япон софораси- 210

Ўтлоқ себаргаси- 159

Қалампир-243

Қалампир ялпиз- 147

Қирқбўғим, дала қирқбўғими– 149

Қовоқ – 245

Қора андиз – 152

Қора мингдевона, мингдевона– 155

Қора қорақат-212

Ғўза қўйтикан, ғўзатикан- 157

ЎСИМЛИК ТУРЛАРИНИНГ ЛОТИНЧА НОМЛАРИ

Abutilon theophrasti – 126

Achillea millefolium - 92

Acorus calamus – 66

Alcea nudiflora - 111

Aloë arborescens - 163

Alhagi pseudalhagi - 120

Allium sativum - 234

Althaea officinalis – 48

Anabasis aphylla - 34

Anethum graveolens – 236

Anisum vulgare - 185

Apium graveolens - 241

Artemisia absinthium - 144

Artemisia cina - 168

Atropa belladonna - 170

Berberis vulgaris – 231

Bidens tripartita - 134

Calendula officinalis - 44

Cannabis sativa - 142

Capparis spinosa - 77

Capsella bursa-pastoris - 96

Capsicum annuum - 243

Cassia angustifolia- 203

Cassia acutifolia – 161

Centaurium erythrea - 103

Convallaria majalis - 183

Coriandrum sativum -226

Cucurbita pepo – 245

Daucus carota - 61

Datura stramonium - 90

Dodartia orientalis - 138

Equisetum arvense - 149

Fagopyrum sagittatum, Fagopyrum esculentum - 247

Ferula foetida - 118

Ferula sumbul - 124

Ficus carica - 214

Fumaria officinalis - 175

Fumaria Vaillantii - 38

Glycyrrhiza glabra- 128

Hyoscyamus niger - 155

Hypericum perforatum -42

Hippophaë rhamnoides - 64

Impatiens parviflora – 58

Inula helenium - 152

Iris pseudacorus - 191

Juglans regia -221

Lagochilus inebrians - 36

Leonurus turkestanicus - 130

Matricaria recutita - 88

Mediasia macrophylla - 73

Melilotus officinalis - 116

Melissa officinalis - 50

Mentha x piperita - 147

Menyanthes trifoliata - 206

Origanum tyttanthum - 82

Origanum vulgare - 105

Peganum harmala - 98

Plantago major - 75
Plantago psyllium - 166
Pinus sylvestris -189
Pistacia vera – 239
Polygonum bistorta - 177
Polygonum hydropiper -122
Polygonum aviculare -136
Polygonum persicaria - 140
Potentilla erecta, Potentilla tormentilla - 198
Psoralea drupacea - 40
Punica granatum -217

Rosa canina - 71
Rhus coriaria - 109
Rheum paltatum-196
Ribus nigrum-212
Ruta graveolens - 201
Rubia tinctorum - 113

Salvia officinalis - 46
Sanguisorba officinalis - 173
Silybum marianum - 84
Solanum melongena -219
Solanum tuberosum -224
Sophora japonica- 210
Spinacia turkestanica -132

Tanacetum vulgare - 93
Taraxacum officinale -55
Thermopsis lanceolata – 181
Tribulus terrestris - 57
Trifolium pratense - 159
Tussilago farfara - 101

Urtica dioica - 69

Valeriana officinalis - 53

Viburnum opulus - 187

Vinca minor - 179

Xanthium strumarium - 157

Zea mays - 229

Ziziphora pedicellata - 80

ЎСИМЛИК ТУРЛАРИНИНГ РУСЧА НОМЛАРИ

Аир болотный - 66

Алоэ древовидное - 163

Алтей голоцветный - 111

Алтей лекарственный – 48

Анис обыкновенный - 185

Белена черная - 155

Баклажан - 219

Барвинок малый - 179

Барбарис обыкновенный - 231

Валериана лекарственная - 53

Вахта трехлистная - 206

Гармала обыкновенная - 98

Горец перечный, водяной перец - 122

Горец птичий, спорыш - 136

Горец почечуйный, почечуйная трава - 140

Гранатник - 217

Гречиха посевная - 247

Грецкий орех - 221

Девясил крупный, девясил Елены - 152

Додарция восточная - 138

Донник лекарственный - 116

Дурман обыкновенный - 90

Дурнишник обыкновенный - 157

Душица мелкоцветковая - 82

Душица обыкновенная - 105

Дымянка лекарственная, дикая рута - 175

Дымянка Вайана - 38

Зверобой продырявленный, обыкновенный - 42

Зизифора цветоножечная – 80

Змеевик - 177

Золототысячник обыкновенный - 103

Инжир - 214

Ирис, Ирис ложноаирировый - 191

Итсигек - 34

Календула лекарственная - 44

Калина обыкновенная - 187

Канатник Теофраста - 126

Каперцы колючие -77

Картофель - 224

Кассия узколистная - 203

Кассия остролистная -161

Клевер луговой - 159

Конопля посевная - 142

Кориандр посевной - 226

Крапива двудомная – 69

Красавка – 170

Красный перец - 243

Кровохлебка лекарственная – 173

Кукуруза - 229

Лагохилус опьяняющий – 36

Ландыш майский - 183

Лапчатка прямостоящая - 198

Марена красильная - 113

Мать-и-мачеха обыкновенная - 101

Медиазия крупнолистная - 73

Мелисса лекарственная - 50

Морковь дикая - 61

Мята перечная, холодная мята - 147

Недотрога мелкоцветковая - 58

Одуванчик лекарственный - 55

Облепиха крушиновидная - 64

**Пастушья сумка обыкновенная - 96
Пижма обыкновенная - 93
Подорожник большой, обыкновенный – 75
Подорожник блошный - 166
Полынь горкая - 144
Полынь цитварная, дармина - 168
Пустырник туркестанский лекарственный - 130
Псоралея костянковая - 40**

**Расторопша обыкновенная – 84
Ревень тангутский - 196
Ромашка - 88
Рута - 201**

**Сельдерей пахучий, сельдерей душистый - 241
Смородина черная - 212
Солодка голая - 128
Сосна обыкновенная – 189
Софора японская - 210
Сумах дубильный - 109**

**Термопсис ланцетный - 181
Тыква обыкновенная - 245
Тысячелистник обыкновенный - 92**

Укроп огородный - 236

**Ферула сумбул, Ферула мускатная - 124
Ферула вонючая - 118
Фисташка - 239**

Хвощ полевой - 149

**Череда трехраздельная - 134
Чеснок - 234**

**Шалфей лекарственный - 46
Шиповник обыкновенный, роза собачья - 71**

Шпинат туркестанский - 132

Якорцы стелющиеся - 57

Янтақ ложный, верблюжья колючка ложная - 120

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

